ўзгартириш, ташқи кўриниши эстетикасига таъсир этиш хусусиятига эга. Демак, жисмоний машқ билан шуғулланиш нафақат ўқувчи жисмининг саломатлигини, унинг етуклиги, камолоти ва баркамоллигини йўлга қўяди.

Ҳозирги иш билармонлар замонида вакант жойга номзод танлаш сайловларида тенг овоз тшплаш содир бўлса вакансияга устиворлик ташқи кўриниши яхши, ўзига ярашган, қадди-қомати расо номзодларга берилмоқда. Жисмоний машқлар билан доимий шуғулланувчи, кам касал бўладиган, жисмоний бақувватлар тўпланган корхонада иш унумдорлиги ҳам юқори бўлади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ўқувчиларини саломатлигини, асраш, авайлаш, маданиятига муносабатини қайта кўриб чиқиши турмуш тарзида устиворлигини йўқотгани йўқ.

Махсус адабиётларнинг таҳлили (И.В.Муравов, 1989; И.Т.Искандаров, 1989; А.М.Шлемин, 1998; Ю.И.Евсеев, 2008; Ж.К.Холодов, В.Ц.Кузнецов, 2011; А.А.Бишаева, 2013; А.Абдуллаев, Ш.Ханкельдиев, 2005, 2009, 2017 ва бошқалар) жисмоний маданият, соғломлаштириш жисмоний маданиятини жамият ҳаёти, унинг аъзоларини турмуш тарзига таъсир этадиган индивидуал омиллардан бири, организмнинг структуравий таркибидаги тузилмалар тизимининг функционал ҳолати, яъни уларнинг совматик саломатлиги деб такидланмоқда.

Тажрибаларимиз давомида ўқувчиларимиз совматик саломатликга оид соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятининг назарий асосларига мансуб назарий билимлари даражаси билан қизиқдик. Улар; мамлакатимизда ўқувчи талаба ёшлар учун хатто ривожланган давлатлар ҳавас қиладиган даражадаги шароит, имкониятлар, яратилганига қарамай, ўқувчиларимизнинг Хорижлик тенгдошлари совматик саломатлиги омилларидан бири “овқатланиш рационали”, истемолдаги озуқанинг каллориясининг кунлик, ҳафталик миқдорий сатистикаси эканлигини аниқладик.

Тажриба-синов синфлари ўқувчиларининг 70% дан ортиғини совматик саломатлигига таъсир этувчи танаси аъзоларининг анатомиясига оид энг содда назарий билимлар, куннинг қайси пайтида, қачон, неча дақиқа, қандай машқлар билан шуғулланиши, уларнинг жисмоний юкламаси-машқларининг умумий ҳажми, машқни ҳар бир уринишдаги такрорланиши, такрорлашлар интервали ва бошқалар қизиқтирди.

Ривожланган мушакларда энергияни пайдо бўлиши ҳақидаги билимларга эга бўлмай туриб, елка камар мушакларини кўр қурона ҳажмини катталаштиришни мақсад қилиб “атлетик заллари”га бориб вақт ўтказаётган ўқувчиларимиз сони кўпайса кўпайдики камайгани йўқ. Тажрибамизни бошлашимиздан аввал 70 нафар тажриба-синов синфлари ўқувчиларининг 13 нафари ҳали ёши етмаган бўлса ҳам Наманган шаҳрининг номдор атлетика залларига қатнаётганлигини гувоҳи бўддик.

Бенжамин Лоунинг (1987) “Спортнинг гўзаллиги ” деб номланган, инглиз тилидан таржима қилинган китобида “Атлетнинг идеал танаси” бўлимида совматик саломатликнинг жисмоний ривожланганликка мансуб- “келишган қадди-қомат, тана аъзолари бўлақларининг ривожланганлик симметрияси, ҳаракатларининг ўзига ярашганлиги, касби-ҳунари бўйича лозим бўлган ҳаракатлари, ҳаётий шароитдаги ҳаракатларнинг ташқаридан кўринишидаги нафислиги, уларнинг чиройи, ҳаракатларни ижросидаги ортикча мускул зўриқишининг намаён бўлмаслиги, меъёрида ривожланган

мушаклари, уларни кўпол шаклланмаганлиги, куч ёки қатор бошқа сифатларини бирини-биридан устун эмаслиги”даги гўзаликни таърифланганлигини гувоҳи бўлдик.

Қуйида биз махсус адабиётларнинг маълумотларига таяниб экспериментал гуруҳ ўқувчиларида гавда тузилишининг хушбичимлигини тана аъзоларимизнинг айримларини ўлчамини бир бирига тахминий нисбатини қиёслаб, ўлчамлари қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги прогноз (башорат) жадвалини эътиборингизга ҳавола қилдик.

Тажриба синов синфи ўқувчилари (астеник, атлетик, гиперстеник қадди қомат соҳиблари) нинг кўрсаткичлари

<i>Қизлар</i>				<i>Ўсмирлар</i>			
Бўйи, см	Вазни, кг			Бўйи, см	Вазни, кг		
	Ш	Ш	Ш		Ш	Ш	Ш
140	40,5	43,5	48	155	49	50	58
145	43	45	51	160	50	52	60
150	47	52.5	56.5	165	52	56	62
155	49	55	62	170	53.5	60	66

Қадди қоматнинг типлари. а) “астениклар”(I) қадди қомат-озғин, кўкрак қафаси нисбатан яссироқ, мушаклари заифроқ, юзи чўзғин, тенгқурларидан бўйдор бўладилар.

б) “атлет”(II) қадди-қомат(айрим адабиётларда қадди-қоматнинг бу типини “*нормастеник*” деб ҳам атайдилар); анкета сўровида иштирок этган ўсмирлар ва қизларимизнинг аксарияти (29,2%, 34,4%) атлетик қадди-қоматни соҳиби бўлишни ёқтиришларини эътироф этдилар. Уларнинг кўкраклари эътиборли даражада кенг, яғринли, мушаклари сезиларли даражада ривожланган, (агар, ортикча ривожлантириб юборилган мушакларининг сони кўп бўлмаса), қомати ҳавас қилгулик, тана аъзолари ва уларнинг ҳаракатлари ўзига ярашган бўлиши кузатилади.

в) “гиперстениклар”(III) қадди-қомат соҳиби-микти гавдали, нисбатан бақувват, қоматининг” виқорлилиги, танасининг пишиқлиги (суяк, мушак боғловчиларини кучлилиги), ҳаракатларининг салмоқлилиги билан ажралиб туради³.

Қуйида эътиборингизга қоматдаги камчиликлар-тўғри ва нотўғри, уни текшириш усуллари ва қоматни эгрилигини турли кўринишини ҳавола қилдик.

Сабаби танамиз аъзоларини ташқи кўринишини ифодаловчи аъзоларимизни ўлчамларидаги ўхшашликга оид анкетамиз саволларига жавоб беришда иштирок этган 70 дан ортик экспериментал синфларимиз ўқувчилари 10 фойиздан ортик, ҳатто жаҳоннинг гўзаллик конкурсларида қабул қилинган нисбий кўрсаткичларига оид кўпчилик хорижлик тенгдошлари жавоб берган саволларга, тўғри (иловага қаранг М.С.Тартаковский (1989), усулида) жавоб бермадилар.

Аслида ўқувчи совматикасининг биз тавсия қилган тана аъзоларининг нисбий қиёсий тахлили кўрсаткичлари фақат ўқувчилар учун эмас, ҳозир жисмоний маданият амалиётида аҳён-аҳёнда учраб турадиган, енгил елпи мураббийлик сертификатини қўлга киритиб фаолият кўрсатаётган спорт мураббийлари, ўқувчиларимиз учун ҳам фойдали.

³У.А.Ғаппоров. жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси мутахассислиги бўйича магистр академик даражаси учун диссертация. ФарДу 2019 й. 90-91 с.

Шунга кўра бу нисбий қиёсий ўлчамлар жисмоний маднийат таълими ва тарбиясида фойдали. Аслида бу тана мушаклар ўлчамлар билан унинг пропорционал ривожланган бўлақларининг бирикмаси ҳисобланади.

Уларни:

а) экспериментал синфларимизнинг ўқувчиларини айтарли барчаси ҳар бир инсон бўйинининг айланаси билагининг айланасига қараганда икки марта ортиқроқ ва белнинг айланасидан икки ҳисса камроқ бўлиши ҳақидаги маълумотларга эга эмасликларини;

б) соннинг айланаси, болдир айланасидан бир ярим ҳисса ортиқ бўлишини;

в) болдирининг айланаси тахминан бўйиннинг айланасига (қизларда) ва зўриқиб ишлаётган бицепс-икки бошли мускул айланасига (йигитларда) тенг бўлиши мумкинлигини билмасликларини аниқлаганимиздан сўнг, қайд қилингандан ўлчамларни аутентлигини тажрибаларимизда синаб кўрдик.

Келишган қадди-қомат қисмлари кўрсаткичларини мушаклар билан мутаносиблиги

3.4.1-жадвал

Бўйи, см	Тана масаси, кг	Айланаси, см				
		Кўкрак қафас	Елка	Бел	Сон	Тўпик
152,5	58,5	101,5	38,0	67,5	53,0	37,0
157,0	63,7	104,5	39,5	70,0	55,5	38,0
162,5	70,5	111,0	40,5	76,0	57,0	39,0
167,0	79,0	116,5	42,0	78,5	58,0	40,0
172,0	83,5	118,0	43,0	80,0	59,5	40,5
177,0	90,0	121,5	44,0	82,5	62,5	41,5

Тананинг мутаносиблик кўрсаткичлари

3.4.2-жадвал

Кучоққа сизигиш индекси ўлчамлари: Бўйи, см Кучоғи, см	Оғиши даражаси			
	Гўзаллик конкурси қатнашчиларини кўрсаткичлари	Лозим бўлган даражаси	Ахамиятсиз даражадаги ортиқлиги	Ахамиятли даражадаги ортиқлиги
Елка индекси	≤ 4,7	5,6-6,6	4,8-5,5	≤ 6,7
Бел индекси	≤ 1,6	2,0-2,5	1,65-1,9	≤ 2,6
Сон индекси	≤ 2,2	2,6-3,1	2,3-2,5	≤ 3,2
Қорин индекси	≤ 1,4	1,5-1,7	1,4-1,45	≤ 1,8

Аёллар тана тузилишини пропорцияси индексини аниқлаш учун тана узунлигини кучоғига сиғадиган ўлчамининг рақамига тақсимланади. Эстетик жиҳатдан камолотга эришган қадди-қомат(жусса) деб қабул қилинган ёки тана пропорциясининг индекси сифатида гўзаллик конкурсларида риоя қилинадиган кўрсаткичлар мавжуд бўлиб (А.А.Бишаева, 2013), уларда совматик саломатликнинг алоҳида кўрсаткичларининг, масалан;

- кўл кафтини мушт қилгандан сўнг унинг айланасини ўлчами оёқ кафти узунлигига тенглиги;

- инсон бўйинининг айланаси унинг тос қисмини айланасидан икки мартага қисқалиги;

- оёқ кафтининг узунлиги елка суяги узунлиги(тирсакдан юқори қисми) билан тенглиги;

- билакнинг айланаси бўйин айланасидан икки мартага кичиклиги;

- елканинг кенглиги бўйимиз узунлигининг ¼ қисмига тўғри келиши ва бошқалар жисмоний маданият фанининг назарий материали эмасми? деб савол қўйишимиз ўринли.

Қайд қилинган нисбатларнинг рақамлари нисбий, улардан асосан мўлжал олиш учун фойдаланилади. Аслида гавданинг шакли-шамойили унинг рельефи, мушаклари орқалигина вжудга келади. Бу гаплар ёшлар учун ҳам, кизлар учун ҳам бирдек, барчаларига таълуқли, қадди қоматини ҳақиқатдан ҳам хушбичим бўлишини истаган ўқувчилар 14 ёшдан бошлаб ўз мушакларини ривожлантиришга астойдил бел боғлашлари лозим. Фақат уларнинг мушак толаларини йўғон қилиш эмас, унинг симметрияси устида ишлаши ҳам муҳимлигинидан далолатдир

Билиб қўйган яхшики, йигитларнинг елкалари уларнинг белига қараганда 6-10 см.гача кенроқ бўлишини (экспериментал синфлардаги ўқувчиларимиздан 14 ёшдагиларда 3-5см гача кенлигини 11 нафарида) аниқладик.

Қизларда бу мьёр икки хиссага камроқдир. Лекин қизларнинг тери ости ёғлари болаларникига нисбатан айтарли даражада кўпроқ. Шунинг учун ҳам улар жисмоний машқлардан фойдаланмай вазнини камайтиришга уринишлари бефойдалиги Россия олимларининг тадқиқотлари орқали ҳам исботланган.

Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқилган жисмоний тарбия фани ўқув материалини ўқувчи организмда содир бўладиган анатомио-физиологик, биомеханик, гигиеник ва қатор бошқа функционал ўзгаришларни содир бўлишига ижобий таъсир ўтказадиган, амалда синалган, натижаси тахлил қилинган дастурларга эҳтиёж зарурлигини аниқладик.

Адабиётлар:

1. “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020.30.10, ПФ-6099-сонли Фармони

2. Ханкельдиев Ш.Х, Абдуллаев А. Ва бошқалар. Соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти, Ўқув қўл. “Фарғона”, 2010-228 б.

3. Кузнецов В.С. Коррекция состояние здоровье школьников средствами физической культуры/. - М., 2012.

4. Бишаева А.А. Профессионального-оздоровительная физическая культура студента :учебное пособие/А.А.Бишаева.-М.:КНОРУС, 2013.-275с. - (Бакалавриат).

5. Бенджамин Л. ”Красота спорта”. Москва,-“Радуга”-1984 г.

6. Абдуллаев А. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси (1 - жилд, 2 тўлд. нашр) Тошкент/ ”НАВРУЗ” нашр.2017. 400 б.56.

ТРАНСФОРМАЦИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СФЕРУ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

Б.Утемуратов, к.и.н.¹, Г.Ерназарова²

*¹Заместитель директора по учебной работе Нукусского филиала
Узбекского государственного университета физической культуры и спорта*

²Общеобразовательная школа №2 Бузатауского района

Аннотация. В данной статье приведены примеры развития информационных технологий, которые способствуют становлению новой образовательной системы и

могут обеспечить миллионам людей образовательные услуги высокого качества, как в сфере образования так и в физической культуре и спорте, будущее за компьютерными технологиями и при этом будут сокращены затраты на образование.

Ключевые слова: Компьютерные технологии (КТ), системы мультимедиа, видеотекст, телетекст, ТВ-информ, модем, пад, компьютерные сети, электронная почта, электронные конференции Компьютерных программ (КП), НИТ, сканер, клавиатура, информационно-поисковые системы, CD-ROM.

В настоящее время стремительно развиваются информационные технологии, которые трансформируются во все сферы человеческой деятельности, в том числе и в физическую культуру и спорт.

Развитие информационных технологий способствовало становлению новой образовательной системы, которая может обеспечить миллионам людей образовательные услуги высокого качества и при этом будут сокращены затраты на образование. В данное время преподаватель должен обладать навыками и методами применения новых технических средств, которые действуют в новой образовательной системе и обеспечивают успешное функционирование образования в современном мире.

Применение новых информационных технологий в образовании должно рассматриваться как стратегическое решение, ориентированное на формирование новой образовательной системы [1].

В данное время разработано и эксплуатируется значительное число различных технологий и они меняется почти ежегодно. К средствам и системам НИТ, которые используются и потенциально могут быть использованы в образовании, относятся компьютеры всех классов (от «супер» до «палм-топ»), дисплей, принтер, память, устройство ввода речи в компьютер, сканер, клавиатура, базы данных, базы знаний, системы мультимедиа, видеотекст, телетекст, ТВ-информ, модем, пад, компьютерные сети, электронная почта, электронные конференции, информационно-поисковые системы, цифровые фотокамеры, экспертные обучающие системы, устройства вывода графической информации, гипертекстовые системы, телевидение, радио, телефон, факс, голосовая электронная почта, телеконференции, электронная доска объявлений, программные средства навигации в Интернете, автоматизированные библиотеки, программные средства учебного назначения, засекречивающая аппаратура, редакционно-издательские системы, CD-ROM, системы распознавания текста, программные комплексы (языки программирования, трансляторы), синтезаторы речи по тексту, средства передачи данных, радиостанции (КВ, УКВ, спутниковые), пейджеры, системы «виртуальной реальности», геоинформационные системы. Этот список далеко не полный, но он дает представление о многообразии систем и средств НИТ.

Анализ научной литературы по проблеме исследования позволяет утверждать, что компьютерные технологии как часть информационных технологий формируют принципиально отличный стиль работы, который оказывается более психологически приемлемым, комфортным, мобилизующим творческие возможности и интеллектуальный потенциал человека [2].

Создание новой компьютерной техники - не самоцель, а прежде всего оно направлено на использование компьютерных технологий в научных исследованиях, производстве, быту, спорте, для реализации образовательных и других социально

значимых задач. Обеспечение образовательного процесса компьютерными программами всегда сопутствовало развитию теоретической и практической мысли по эффективному их использованию в педагогической деятельности. В этой связи представляют научный интерес вопросы развития теории и практики использования компьютерных технологий в образовательном процессе.

Технология компьютерного обучения рассматривается как обучение с учетом конечных результатов деятельности студентов, причем ему придается характер устойчивого, целенаправленного и эффективного процесса познания [3].

Использование компьютерных технологий (КТ) в обучении одна из разновидностей процесса управления познавательной деятельностью.

Компьютерные технологии как технические средства обучения развиваются в рамках существующего учебного процесса, поэтому должны в большей или меньшей степени быть совместимыми с этим процессом с точки зрения управляющих воздействий, но в то же время создаваемые или созданные КТ могут активно влиять на изменения не только методики преподавания, но и целиком на всю технологию учебного процесса.

Реализация новых видов управляющих воздействий в условиях применения КТ в значительной степени упрощается благодаря индивидуализации обучения и возможностям быстрого контроля знаний как нового материала, так и любого пройденного.

В условиях существующей организации учебного процесса, принятой за основу для его последовательного совершенствования и повышения качества подготовки специалистов, нужно выделить критерии необходимости, возможности и целесообразности использования КТ.

Возможность применения КТ появляется в том случае, когда выполняемые преподавателем и студентом задачи могут быть в достаточной степени формализованы и адекватно воспроизведены с помощью технических средств при условии выполнения требований по качеству достигаемого результата.

Принципиальное отличие КТ от любой другой системы обучения состоит в том, что необходима безусловная и достаточная активность управляемого субъекта. Студент, получая информацию из обучающей программы, вводит новую информацию в виде ответов, вопросов и просьб о помощи.

Управление обучением включает в себя два взаимосвязанных процесса: организацию деятельности студента и контроль за этой деятельностью. Эти процессы непрерывно взаимодействуют: результат контроля влияет на содержание управляющих воздействий, т.е. на дальнейшую организацию деятельности. В свою очередь, организация определенной деятельности требует и определенной формы контроля, и конкретного способа регистрации этой деятельности. Возможны сочетания этих процессов и переходы от одного к другому. Такой или подобный подход рекомендуется при создании программ не только для высшей, но и для средней школы [4].

В Университете им. Н.Э. Баумана была создана информационно-методическая система, которая функционирует в интерактивном режиме. Эта компьютерная программа (КП) решает три основные задачи:

1. контроль и управление ходом учебного процесса;

2. создание и ведение методических и информационных документов в виде базы данных;

3. поиск и чтение информации [5].

Коллективом специалистов была подготовлена компьютерная система которая планировала тренировки бегунов на средние дистанции сроком до двух месяцев для обще подготовительного и пред соревновательного этапов подготовки [6].

В спортивной деятельности Компьютерные технологии (КТ) стали применять значительно раньше, чем в учебном процессе по физическому воспитанию. В ряде некоторых видов спорта компьютеры прочно вошли в процесс подготовки спортсменов и стали неотъемлемой частью подготовки спортсменов.

В Санкт-Петербургском Научно исследовательском институте (НИИ) физической культуры с помощью КТ осуществляется контроль и обучение технике гребли, что значительно облегчило процесс обучения. Эта программа может использоваться и как система отбора. Также для системы отбора, но уже не в конкретном виде спорта, а практически во всех видах, служит автоматизированная система контроля стандартизированной оценки уровня развития двигательных функций [7].

Проанализировав все существующие научные разработки можно оценить всю полноту применения КТ и сделать вывод, что Компьютер способствует эффективности интеллектуальной деятельности в процессе учебного и вне учебного процессов. По аналогии со спортом, где качественный спортивный инвентарь позволяет показывать лучшие результаты, компьютер усиливает и разнообразит умственную деятельность.

Компьютерные программы, компьютерные технологии как технические средства обучения развиваются в рамках существующего процесса обучения, поэтому должны в большей или меньшей степени быть совместимыми с этим процессом с точки зрения управляющих воздействий. В то же время эти программы могут активно влиять и влияют на изменения не только отдельных методик преподавания, но и целиком на весь учебный процесс.

Литература:

1. Латышев В.А. Технологии обучения: формирование и развитие: Учебное пособие. -М.: Изд-во МАИ, 1995. - 44 с.

2. Петров П.К. Современные информационные технологии в подготовке специалистов по физической культуре и спорту // Теория и практика физической культуры. — 1999. — № 10. - С. 6-9.

3. Волков В.Ю. Компьютерные технологии в образовательном процессе по физической культуре в вузе: Монография. - СПб.: СПбГТУ, 1997.

4. Шаркевич И.В., Марусин Д.В., Коваленко Т.Г. Применение мультимедиа-технологий для корректировки и исследования динамики общеразвивающих упражнений // Организация и методика учебного процесса, физкультурно-оздоровительной и спортивной работы /Матер. междунар. конф. 2000.

5. Жбанков О.В. Информационно-методическая система - инструмент формирования информационного пространства процесса физического воспитания /Матер. междунар. конф. 2000.

6. Хасин Л.А. и др. Информатизация отрасли "Физическая культура и спорт" и экспертные технологии (сообщение второе) //Теор. и практ. физ. культ. 1996, №10.

7. Булкин В.А. и др. Отраслевой стандарт комплексного научно-методического обеспечения и отбора спортсменов и ШИСП и МЦОП с использованием автоматизированной системы контроля подготовленности по видам спорта/Рекл.-информ. бюл. Вып. 1. Л., 1990.

АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШДА КАТТА ЭКИПАЖНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЖРИБАСИ

И.М.Мамбетназаров

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Калит сўзлари: Академик эшкак эшиш,экипажни саралаш,экипаж мақбул таркиби, экипажларни шакллантириш, саккиз кишилик экипаж, кичик экипажлар, Concept 2 эргометр, саралаш босқичлари.

Мамлакатимизда сув спорт турларининг, айниқса, академик эшкак эшиш спорт турининг ривожланиб келаётганлиги ва охириги йиллардаги натижалари кўзни қувонтиради. Сўнги Осиё ўйинларида жамоавий қайиқларда (1 та олтин, 2 та кумуш, 1 та бронза) кўрсатилган натижалар бу спорт турида кўпроқ жамоавий қайиқларга эътибор кўрсатилиши кераклигини бу турлардаги қайиқларда потенциал кўплигини кўрсатиб берди.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ҳозирги кунда академик эшкак эшиш спортида кучли рақобат ва спорт натижаларининг доимий ўсиб бориши шароитида тренеровка жараёни ва мусобақа фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш, оқилона спорт тайёргарлигининг самарали йўналишларини танлаш, коп йиллик тайёргарлик босқичининг ўзига хос хусусиятларини ақс эттирувчи вазифаларни амалга ошириш тренер ва олимлар учун долзарб муамолардан бири болиб қолмоқда [2,3,5].

Шундай муамолардан бири спортчиларни танлаш ва жамоани ёки экипажни шакллантиришдир, мусобақалардаги рақобатнинг кескинлашиши жамоаларни тайёрлаш ва комплекшлашда мураббийларга қўшимча талабларни қўйди. Техник ва жисмоний тайёргарликнинг оптимал усулларини излаш билан бир қаторда битта экипажни ташкил этадиган спортчилар ўртасидаги ўзаро таъсир самарадорлигини ошириш йўллари излаш зарурати ортди.

Тадқиқотнинг мақсади. Хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг академик эшкак эшишда саккиз кишилик экипажни шакллантириш бўйича услубиятини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш.

Урганилган маанбалар муҳокамаси. Ҳозирги кунда чет эл мутахассислари спортчининг жисмоний тайёргарлиги ёки имкониятларини тавсифловчи бутун жамоа ёки экипажнинг биргаликдаги ҳаракатларини ҳисобга олмасдан спортчиларнинг алоҳида кўрсаткичлардан фойдалан ҳолда баҳолаш усилдан фойдаланмоқдалар [1,5,7].

Эшкак эшиш бўйича экипажларни шакллантиришда хорижий мамлакатларнинг этакчи жамоалари эшкак эшувчиларнинг биомеханик, функционал, психологик ва

антропометрик хусусиятларини ҳисобга олган танлов тизимидан кенг фойдаланадилар.

Академик эшкак эшиш бўйича мусобақаларда муваффақиятли иштирок этадиган мамлакатларнинг миллий терма жамоалари экипажга спортчиларни якка тартибда танлаб олишади ва улардан катта экипажларни шакиллантиришади[4]. Тор Нилсен таъкидлашича, жамоага спортчиларни танлашда индивидуал жисмоний тайёргарликни, ҳар бир спортчининг бошқаларга нисбатан даражасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Спортчиларнинг тажриба назорати пайтида жуда ўхшаш натижаларида, уларнинг кўп ўринили қайиқлардаги ўрни аниқлаш учун одатда турли комбинацияси билан текширилади ва энг яхши натижа аниқланади [6, 14].

Этакчи мамлакатлардаги саралаш регатталари (АҚШ, Канада, Австралия) [10,11,13]. Халқаро эшкак эшиш федерацияси томонидан тасдиқланган қоидаларга биноан фақат кичик экипажларда ва умумий стартдан 2000 м стандарт масофада амалга оширилади (FISA).

Алоҳида стартлари Германия, Буюк Британия, Франция каби мамлакатларда ўтказилади [8,9,12], аммо фақат тайёргарлик даврида истиқболли спортчиларни аниқлаш ва уларни экипаж таркибини шакллантириш учун захира сифатида жамоада марказлаштирилган машғулотларга жалб қилинади. Тўғридан-тўғри катта экипажларга саралаш старлари катта қайиқ классларида ўтказилмайди.

Академик эшкак эшиш спортида саккиз кишилик экипажни комплекшлаш методикаси (У-23) 1-илова

Хулосалар. Академик эшкак эшиш бўйича хорижий мамлакатларда саралашнинг амалий тажрибаси, экипаж таркибини шакллантириш ёндашувларини таҳлил қилиш ва унинг ўтказилишининг умумий ва турли хусусиятларини аниқлашга, бунда қўлланиладиган мезонларни белгилашга имкон берди. Жамоага спортчиларни танлашда ҳар бир спортчининг бошқаларга нисбатан индивидуал тайёргарлиги даражасини аниқлаш керак. Шундай қилиб, аксарият мамлакатларда селекция тизимлари эшкак эшувчиларнинг тайёргарлик даражасини ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг имкониятларини энг объектив баҳолаш учун экипаж таркибини шакллантиришнинг бир неча мезонларидан фойдаланади. Терма жамоага кириш пайтида спортчида мавсумнинг фақат битта асосий мусобақаси режалаштирилган. Ўзбекистонда экипажни танлаш учун кичик ва айрим вақтларда катта қайиқ

ГЕРМАНИЯ 5:36,41	БУЮК БРИТАНИЯ 5:34,18	АҚШ 5:36,21	ЎЗБЕКИСТО Н5:47,02
<ul style="list-style-type: none"> • 1-БОСҚИЧ. Ҳар битта спортчини индивидуал саралаш (Эргометрда 2000м) • 2-БОСҚИЧ. Биринчи тортта жуфтликлар (умумий старт 2- + 2- + 2- + 2-) • 3-БОСҚИЧ. Сараланган экипажлардан саккизталиқда қайси номерларда отиришини белгилаш (антрометрик, морфологик, жисмоний тайёргарлик, эшиш техникаси асосида) 	<ul style="list-style-type: none"> • 1-БОСҚИЧ. Ҳар битта спортчини индивидуал саралаш (Эргометрда 2000м) • 2-БОСҚИЧ. Биринчи тортта жуфтликлар (умумий старт ва алоҳида старт 2- + 2- + 2- + 2-) • 3-БОСҚИЧ. Сараланган экипажлардан саккизталиқда қайси номерларда отиришини белгилаш (антрометрик, морфологик, жисмоний тайёргарлик, эшиш техникаси асосида) 	<ul style="list-style-type: none"> • 1-БОСҚИЧ. Ҳар битта спортчини индивидуал саралаш (Эргометрда 2000м) + Бир кишилик қайиқда эшкак эшиш • 2-БОСҚИЧ. Биринчи тортта жуфтликлар (умумий старт ва алоҳида старт 2- + 2- + 2- + 2-) • 3-БОСҚИЧ. Сараланган экипажлардан саккизталиқда қайси номерларда отиришини белгилаш (антрометрик, морфологик, жисмоний тайёргарлик, эшиш техникаси асосида) 	<ul style="list-style-type: none"> • 1-БОСҚИЧ. Биринчи тортта жуфтликлар (умумий старт 2- + 2- + 2- + 2-) • 2-БОСҚИЧ. Биринчи иккита тортик (умумий старт 4 - , 4-) • 3-БОСҚИЧ. Сараланган экипажлардан саккизталиқда қайси номерларда отиришини белгилаш (жуфтликлар орасидан тажрибалироқ ва техник қорсагичка қараб танлаш)

классларида саралаш усуллари мавжуд ва экипаж ичидаги жойларнинг тақсимланиши мураббийларнинг уз амалий тажрибаси орқали қилинади.

Терма жамоага кириш пайтида спортчида мавсумнинг фақат битта асосий мусобақаси режалаштирилган. Ўзбекистонда экипажни танлаш учун кичик ва айрим вақтларда катта қайиқ классларида саралаш усуллари мавжуд ва экипаж ичидаги жойларнинг тақсимланиши мураббийларнинг уз амалий тажрибаси орқали қилинади. Академик эшкак эшишда экипажларни шакллантириш бўйича биз таклиф қилган ёндашув тизимга асосланган. Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир объект, уни ўрганиш жараёнида катта ва мураккаб тизим сифатида ва шу билан бирга янада умумий тизимнинг элементи сифатида қаралади. Эксперимент натижаларига кўра, катта экипажларни шакллантириш учун техник, жисмоний, функционал ва морфологик каби жиҳатларни ўз ичига олган спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолашнинг комплекс тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, деб таъкидлаш мумкин. Саралаш жараёни бирнеча босқичлардан иборат бўлиши керак, уларнинг ҳар бири ўз мақсадлари, мазмуни ва спортчиларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш тизимига эга.

Хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг академик эшкак эшишда саккиз кишилиқ экипажни шакллантириш бўйича услубиятини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш якунида биз қайиқда турли хил функцияларни бажарадиган ва ўзига хос фарқлари ва хусусиятларига эга бўлган учта тоифадаги эшкак эшувчиларни экипажлар таркибига танлашнинг тўрт босқичини аниқладик: эшкак эшиш бошқарувчилари (stroke), саккизталиқдаги 3-7 рақамларни, 1-2 рақамларни эгаллаган спортчилар. Тақдим этилган танлов алгоритми халқаро миқёсда рақобатбардош экипажларни шакллантиришга, экипаж таркибидаги ўриндиққа қараб машғулотларни йўналтиришга ва экипаж таркибидаги эшкак эшувчиларнинг позицияларини ўз вақтида тузатишга имкон беради.

Адабиётлар:

1. Баранова М. В. Основы командообразования в гребном спорте / М. В. Баранова, Л. А. Егоренко // Учен зап. ун-та им. П. Ф. Лесгафта. – 04 фев. 2010. – Вып. 1 (59). – С. 6–9.
2. Давыдов В. Ю. Теоретические основы спортивного отбора и специализации в олимпийских водных видах спорта дистанционного характера: автореф. дис. на соискание учен. степени д-ра пед. наук / В. Ю. Давыдов. – М.: МГУ, 2002. – 40 с.
3. Запорожанов В. А. Система отбора (селекции) – важнейший фактор формирования резерва для олимпийской подготовки / В. А. Запорожанов, А. И. Кузьмин, В. Ф.
4. Нильсен Т. Подготовка спортсменов национальной сборной Италии по академической гребле / Т. Нильсен // Доклад в г. Рига 6–8 фев. 1990 г. – М., 1990. – 38 с.
5. Пестерева Ж. В. Существующие проблемы отбора спортсменов в национальные команды / Ж. В. Пестерева, И. Л. Александрович, Д. Г. Фридман // Научное обоснование физического воспитания, спортивной тренировки и подготовки кадров по физической культуре и спорту. – Минск, 2004. – с. 110-111.
6. Шинкарук О. Система відбору та орієнтації в різних країнах світу / О. Шинкарук // Спорт. вісн. Придніпров'я. – № 1. – 2014. – С. 191–198.
7. Duncan H. Seat Racing as part of selection [Електронний ресурс] /– 2006. – www.rowperfet.co.uk

- 8.[Электронный ресурс] –<http://www.avironfrance.fr/>
- 9.[Электронный ресурс]– <http://www.britishrowing.org/>
- 10.[Электронный ресурс]–<http://www.rowingaustralia.com.au/>
- 11.[Электронный ресурс]–<http://www.rowingcanada.org/>
12. [Электронный ресурс] –<http://www.rudern.de/>
- 13.[Электронный ресурс] –<http://www.usrowing.org/>
- 14.[Электронный ресурс] –<http://www.worldrowing.com/>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Б.Тлеуов, Г.Зийнатдинова, М.Тастайбекова

Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни, жисмоний маданият факультети профессор– ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади, илмий-педогоик ходимларгина ҳозирги кун мутахассисларни халқаро стандарт талаб даражасида тайёрлашга асос яратади.

“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган) мамлакатимизда жисмоний маданият ва спортга бўлган эътибор ва унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бу борада жисмоний маданият ва спорт таълими тизими ходимлари олдига муҳим вазифаларни амалга оширишни юклайди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш учун спортнинг барча турларини юқори савияда амалга ошириш учун кўзда тутилган Вазирлар Маҳкамасининг барча спорт турлари бўйича қабул қилган қарорлари бунинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қуйидагилари амалга ошириш қонунда белгилаб қўйилган яъни:

-ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга йўналтирилган бўлишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш.

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этиш.

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш

-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари (Баркамол авлод) ҳамда олий таълим муассасалари талабалари (Универсиада) ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этишда иштирок этиш.

-олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда ташкилотлари спорт объектларининг моддий-техника ва ресурс базаси сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш.

-ўқувчилар ва талабаларга соғлом турмуш тарзини, спорт билан шуғулланишнинг муҳимлиги, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш тушунчасини сингдиришга, уларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ҳамда зарарли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

-талабаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усуллари, жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни йўлга қўйиш.

-болалар ва ўқувчи ёшлар ўртасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ташкил этиш ва режалар ишлаб чиқиш.

-ўсиб келаётган авлодда спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш муҳимлиги тушунчасини шакллантириш, болаларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ва зарарли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш.

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилиши белгилаб қўйилган бўлиб буни барча мутахассис (жисмоний маданият бўйича) билиши ва амал қилиши шарт яъни:

жисмоний реабилитация—одам организмнинг бузилган ёки вақтинча йўқотилган функцияларини ҳамда ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг ижтимоий ҳамда касбий фаолиятга бўлган қобилиятларини жисмоний тарбия ва спорт воситалари ҳамда усулларидан фойдаланган ҳолда тиклаш (тузатиш ва компенсация қилиш);

жисмоний тарбия—маданиятнинг инсонни жисмоний тарбиялаш, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик орқали жисмоний ҳамда интеллектуал жиҳатдан камол топтириш, унинг қобилиятини ва ҳаракат фаоллигини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ижтимоий мослаштириш мақсадида жамият томонидан яратиладиган ҳамда фойдаланиладиган қадриятлар, нормалар ва билимлар йиғиндисидан иборат бўлган қисми;

жисмоний тарбиялаш—юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида шахсни тарбиялашга, инсоннинг жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, унинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакава билимларини орттиришга қаратилган жараён;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари—аҳолини жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишга ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тадбирларда иштирок этишими зшарт;

оммавий спорт—спортнинг ташкил этилган ва (ёки) мустақил машғулотлар, шунингдек оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш орқали аҳолини жисмоний тарбиялаш, соғломлаштириш, камол топтириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этишга эришиш;

профессионал спорт—спортнинг спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга доир қисми бўлиб, спортчилар уларда ўзининг асосий фаолияти

сифатида иштирок этганлиги ва уларга тайёргарлик кўрганлиги учун мукофот ёки иш ҳақиолади;

спорт—одамларнинг муайян қоидалар бўйича ташкил этилган, уларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятини таққослашдан иборат бўлган ҳаваскорлик асосидаги ва профессионал асосдаги фаолияти, шунингдек ушбу фаолиятга тайёргарлик кўриш ҳамда бу фаолият жараёнида одамлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар эканлигини соҳа мутахассислари билиши лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031- сонли қарори.

2. Брода С.И. Соревновательная надежность борцов-женщин вольного стиля и методы ее совершенствования. Автореферат дисс. кан. пед.наук. –М, 2003, С. 5.

3. Godik M.A. Kompleksniy kontrol v sporte. Trener. –M., 1992.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИНГ ЁШИГА МУВОФИҚ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН СПОРТ ТУРЛАРИ

М.Утегенов

Нукус давлат педагогика институти

Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний такомиллаштирадиган энг таъсирчан восита спорт ҳисобланади. Спорт машғулотларини 5-7 ёшдан бошлаш мумкин. Лекин у оширилган жисмоний юклама талаб қилганлиги туфайли, врач ўқувчига спорт турини танлашга ёрдам бериши ва ёшини кўрсатиши керак. Шундан сўнг, у шуғуллана бошлаши мумкин. Спорт турини тўғри танлаш касалланишни профилактика қилувчи омил ҳамда бирмунча юқори натижаларга эришиш воситаси сифатида ҳам муҳимдир. Танланган спорт турига барқарор қизиқишнинг ривожланиши узоқ вақтгача спортни такомиллаштириш имконини беради. Ҳар бир ўсмир учун спорт турини танлаш спорт йўналишининг вазифасидир. Бунда морфофункционал хусусиятлар, физиологик кўрсаткичлар, жисмоний сифатлар, олий асаб фаолиятининг индивидуал хусусиятлари ва бола ҳамда ўсмирнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб, педагогик, тиббий-биологик, шунингдек, психологик услублардан фойдаланиш зарур. Ўсмирнинг индивидуал хусусиятлари танланган спорт турига мос келиши зарур.

Ёш спортчининг қобилиятини аниқлашда шифокорнинг вазифаси муҳимдир. Спорт врачлари ёш спортчининг қобилиятини баҳолаши мумкин бўлган кўрсаткичлар мажмуи-«предекантлар» ўз ичига турғун морфологик ва физиологик тавсифларни олади, мазкур моторика ва анализаторлар ёш спортчининг олий асабий фаолияти ҳамда шахс сифатидаги хусусиятларига доир индивидуал ўзига хослик ҳисобланади.

Морфологик кўрсаткичлар: бўй-танаузулиги, оғирлик, тананинг ёлланма ҳажмлари, тананинг фаол оғирлиги, скелет мушаклари толаларининг таркиби («тезкор» ёки «секинлашувчи» мушаклитолалар).

Физиологик кўрсаткичлар: ўпкаларнинг ҳаётий сиғими, нафас олишнинг дақиқали ҳажми, кислород етишмовчилигига турғунлик (гипоксия) ва CO₂ концентрациясига сезгирлик, хотиржамлик пайтидаги юрак қисқаришларининг сони, зўриқишлардан сўнг максимал даражадаги кислород истеъмоли.

Моторика кўрсаткичлари: ҳаракатларнинг тезкорлиги, эгилувчанлик, вестибуляр турғунлик, бўшлиқдаги йўналишни топа олиш, нисбатан мушак кучлари.

Психофизиологик кўрсаткичлар: марказий асаб тизимининг ўзига хослиги, темперамент ва шахс сифатидаги хусусиятларнинг ўзига хослиги. Спорт тиббиёти соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислар томонидан спорт машғулотларини ёшга оид бошлаш меъёрлари, спортга тайёрлаш гуруҳлари аниқланган.

Жисмоний тарбия амалиётига маълум бир тизимни кенг татбиқ этиш тавсия этилади, бунга мувофиқ ҳолда болалар мактабгача ёшдаги пайтидан бошлаб, спорт билан шуғуллана бошлашади. Айнан мактабгача ёшда айрим жисмоний сифатларни ривожлантириш анча самарали амалга оширилиши исботланган.

Биринчи навбатда бу-чаққонлик, эгилувчанлик, ҳаракатларнинг тезкорлигини тарбиялашга тааллуқлидир. Маълум бир спорт тури билан мунтазам равишда шуғулланиш тана тузилиши, болаларнинг функционал ва жисмоний ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга спортда юқори натижаларга янада муваффақиятли эришиш учун «яроқлилиқ»ни тўғри аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади, ундан кўзланган мақсад-шундай спорт тури танлаб олинishi лозимки, бу боланинг жисмоний функционал ва рухий хусусиятларига кўпроқ мос келсин. Болаларнинг спорт тайёргарлигини бошлаш, биринчидан, саломатлик ҳолати ва ривожланишнинг умумий даражаси, ҳамда иккинчидан у ёки бу спорт турининг физиологик тавсифи орқали аниқланади.

Спорт машғулотларини самарали танлаб олиш, болаларнинг хусусиятлари асосида бир қанча омиллар ҳисобга олинishi талаб қилади. Асосий аниқловчи омилларни санаб ўтамиз:

- боланинг хоҳиши (буларсиз қуйида келтириладиганларнинг биронтаси ҳам аҳамиятга молик эмас; болага, фақат ана шу хоҳишини инобатга олган ҳолда, уни спортнинг ҳар хил турлари билан таништирган ҳолда, маъқулини топишда ёрдам бериш мумкин);

- темперамент-холерик: бир турдаги спорт турларидан қочган яхши (бола уларни осонгина ташлаб кетиши мумкин), унинг учун аниқ рақиблар мавжуд бўлган спорт турларни танлаш лозим, бунда мулоқот ҳам бўлади, ҳаракатчанлик ва ўзининг бугун қобилиятини намоиш қилиш имконияти ҳам мавжуд бўлади;

- сангвиник: бундамардлик, чаққонлик талаб қилинадиган спорт турларини танлаш ўринли бўлади, унда каттагина дўстлар давраси ва ўз ғайратини яхшигина ташқарига чиқариш имкониятлари (рақслар, футбол) мавжуд бўлади;

- мелонхолик: бу вазиятда боланинг ички дунёсига ва унинг нозик руҳиятига назар ташлаш муҳим ҳисобланади, демак спортнинг жамоавий турлари, масалан, рақслар, гимнастика, бадий гимнастикани эмас, балки бошқасини танлаш лозим бўлади;

- флегматик: катта сабр-бардошни талаб қиладиган спорт турларини танлаш мумкин, масалан, сузиш, чанғида юриш;

•дилкашлик даражаси (боланинг хулқ-атвориға диққат-эйтибор қаратиш лозим; у вақтини бошқа болалар орасида ўтказишни ёқтиради, бу ҳолда унга спортнинг жамоавий турлари-баскетбол, волейбол, футболни таклиф қилинг, агар ёлғизликда қолишни афзал кўрса, бу ҳолда сузиш, гимнастика, теннис, велоспортни тавсия қилинг);

•ёш-бу ўринда маълум бир ёш чегараларидан ташқари, ҳар бир секцияда машғулотларни бошлаши учун боланинг ривож-ланиш хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш муҳим, лоақал 8 ёшгача энг муҳим мезон-боланинг қониқиш ҳосил қилишидан иборат бўлиши зарур; 8 дан 10 ёшгача-агар бола танлов асосида бир неча спорт турларни алмаштирса, бу меъёрида ҳисобланади; 11-12 ёшда-мусобақаларга бўлган интилиш, айнан бу чинакам иқтидорни кўрсатиш учун яхши ёш ҳисобланади;

•спорт билан шуғулланишдан мақсад (маълум бир спорт секциясини танлаб олишга спортнинг тахминий мақсади ҳам таъсир кўрсатиши мумкин; саломатлик учун ёки катта ютуқларга эришиш учун, балки шунчаки фаолиятнинг ҳар тури бўлиши учун);

•саломатликнинг ўзига хос хусусиятлари (боланинг саломатлик ҳолати хусусида ва режалаштирилаётган спорт турининг мослиги ҳақида шифокор билан маслаҳатлашиб олиш, унинг тавсияларига қулоқ тутиш, шу жумладан мумкин бўлган юқламалар даражасини ҳам ҳисобга олиш яхши натижалар беради).

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Ёшларимиз халқимизнинг ишончли таянчи”. Т. 2006.
2. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Усмонхўжаев Т.С. Жисмоний тарбия.Т.: “Ўқитувчи” 2006.

О ВЛИЯНИИ БАСКЕТБОЛА НА ОРГАНИЗМ ЧЕЛОВЕКА

У.Т.Кубейсинова

Ўзбекский государственный университет физической культуры и спорта

Аннотация: в статье рассматривается вопрос о влиянии баскетбола на организм человека. Баскетбол полезный вид спорта, занятие которым развивает все системы органов, влияя на общее самочувствие человека. При регулярном применении физических упражнений при игре в баскетбол повышается жизненный тонус организма занимающихся, его естественный иммунитет, улучшаются функции вегетативных систем, работоспособность.

Ключевые слова: влияние, баскетбол, организм, человек, полезный, вид, спорт, система, орган, самочувствие, упражнение, игра, тонус, иммунитет, функции, работоспособность.

Annotatsiya: Maqolada basketbolning inson tanasiga ta'siri masalasi ko'rib chiqilgan. Basketbol foydali sport turi bo'lib, uning amaliyoti insonning umumiy farovonligiga ta'sir ko'rsatadigan barcha organlar tizimini rivojlantiradi. Basketbol o'ynashda jismoniy mashqlardan muntazam ravishda foydalanish bilan bog'liq

bo'lganlarning tanasining hayotiy kuchi,uning tabiey immuniteti oshadi, vegetativ tizimlarning funktsiyalari yaxshilanadi, ish qobiliyati.

Kalit so'zlar: ta'sir ,basketbol, organizm, odam, foydali, mehribon, sport, tizim, organ, farovonlik, mashqlar ,o'yin, ohang, immtet, funktsiyalar, ish qobiliyati

Annotatsiya: The article deals with the question of the influence of basketball on the human body. Basketball is a useful sport, the practice of which develops all organ systems, influencing the general well-being of a person. With the regular use of physical exercises while playing basketball, the vitality of the body of those involved, its natural immunity increases, the functions of the autonomic systems improve the working capacity.

Key words: influence, basketball, organism, person, useful, kind, sport, system, organ, well-being, exercise, game, tone, immunity, functions, efficiency.

Физическая культура начала развиваться с давних времён. Она играет неотъемлемую часть в жизни каждого человека. Это часть культуры человека и общества. Ведь не может быть гармонично развитого и интеллектуально способного человека без физической культуры. Регулярное применение физических упражнений повышает жизненный тонус организма занимающихся, его естественный иммунитет, улучшает функции вегетативных систем, работоспособность [8].

Баскетбол появился в 1891 году. С момента своего создания он приобрёл миллионы поклонник по всему миру. Баскетбол не только одна из самых зрелищных игр, но также одна из наиболее полезных. Некоторые упражнения современного баскетбола настолько полезны, что были включены во многие курсы лечебно-оздоровительной физкультуры. К примеру, такое упражнение для баскетбола как бросок мяча в корзину развивает кисти рук, мышцы ног и спины что может быть хорошей профилактикой болезни суставов. Интересная и подвижная игра с постоянными перемещениями поможет ослабленным и малоподвижным людям почувствовать себя намного лучше после регулярных тренировок.

Известно, что здоровье формируется под воздействием различных факторов. Один из факторов - это занятие физической культурой [4].

Игра баскетбол оказывает благоприятное действие на организм человека. Во время игры у человека развивается ловкость, умение сохранять равновесие, быстро бегать, ловить мяч и т.п. У человека в процессе игры в баскетбол сопровождается эмоциональный подъем, что вызывает возбуждение симпатического отдела нервной системы. Во время подвижных игр у человека улучшается зрение, умение ориентироваться в пространстве, укрепляется воля. Также игра отлично помогает отвлечься от умственной деятельности, на различные физические упражнения, которые не дают организму переутомиться. Удовольствие, получаемое от игры, способствует лучшему отдыху. Поэтому студентам будет особенно полезны подвижные и спортивные игры [7].

Баскетбол является динамической игрой, проходящей в постоянно изменяющихся условиях. Эффективность игры зависит не только от уровня владения приемами игры, но и от развития тактического мышления. Однако успех игры складывается от того, как игроки реализуют свои знания и умения в ходе соперничества за мяч. Здесь важно не только применять сыгранные тактические комбинации, но и умение мыслить более широко в постоянно изменяющихся условиях.

Обучение спортивной игре предполагает не только овладение всей совокупностью технических действий, но и возможностью их применять и применять результативно, т.е. владеть приемами тактического взаимодействия на площадке. Это способствует формированию интереса у школьников к игре в баскетбол, основанном на понимании и умении реализовывать освоенные технические навыки в ходе игры [5].

Баскетбол относится к тем средствам физического воспитания, которые наиболее существенно влияют на всестороннее развитие человека, совершенствуя его физиологические показатели. Движения в баскетболе заставляют организм, во время игры работать слаженно, как часы.

Регулярные тренировки способствуют увеличению жизненной ёмкости лёгких. Занятия баскетболом приводят к повышению частоты дыхательных движений, она достигает 50-60 циклов за минуту с объёмом в пределах 120-150 литров. Это оказывает благоприятное влияние на здоровье человека, который становится более выносливым и энергичным, постепенно развивая дыхательные органы

Взаимосвязь между величиной объема сердца и физической работоспособностью у спортсменов носит линейный характер. Чем больше объем спортивного сердца, тем выше физическая работоспособность спортсмена. Из всех игровых видов спорта у баскетболистов этот показатель самый высокий.

Необходимость переключения с одного уровня деятельности на другой определяет особый характер протекания нервных процессов. Такая большая нагрузка в тренировочном и соревновательном процессах совершенствует всю центральную нервную систему.

Пространственное (глубинное) зрение совершенствуется во время передач мяча движущемуся партнеру, ловли, ведения мяча.

Двигательный анализатор испытывает большую нагрузку в процессе дифференцированных усилий, связанных с высокой точностью движений при бросках, передачах мяча.

Эффективные занятия баскетболом создают благоприятные условия не только для развития физической силы спортсмена. Наряду с влиянием на здоровье, занятия баскетболом развивают волевой характер, самообладание и устойчивую психику. Процесс соревнования приводит к мотивации поиска креативных решений в трудных ситуациях. Играя с мячом, человек отлично развивает свою координацию в процессе двигательной активности, а так же становится более выносливым после длительных тренировок дыхательного аппарата во время резких напряжений, бросков, прыжков, пробежек и перемещений. Командная игра способствует развитию тактики на пути к цели, улучшает коммуникабельность и инициативность личности. Систематические тренировки ведут также к формированию самостоятельности, настойчивости и целеустремлённости.

В связи с изменением побудительных мотивов со стороны учебно-познавательной деятельности учащихся среднего возраста, на период которых приходится обучение игре в баскетбол, по формированию и развитию навыков взаимодействия возрастает роль и значимость целенаправленного формирования умения. С точки зрения практики проблема представляется актуальной вследствие

недостаточной разработанности методик формирования игрового взаимодействия [1, 6].

Сущность игры основывается на побудительных мотивах, которые вовлекают человека в игровое действие. «Положение, определяющее сущность игры состоит в том, что мотивы игры заключаются в многообразных переживаниях, значимых для играющего, различных сторон действительности», говорил С. Рубинштейн [5, 2].

«Личность и ее роль в жизни теснейшим образом взаимосвязаны; и в игре через роли, которые ребенок на себя принимает, формируется и развивается его личность, он сам» [6,].

Побудительными мотивами в игре могут быть: стремление к подражанию; стремление к состязанию; стремление к самоутверждению; стремление к соучастию; азарт и другие. Как видим, речь идёт о здоровых личностных потребностях духовного содержания, которые носят ценностно-ориентационную окраску.

5. Синякина О.Ф. Тренировка в беге на 400 метров с барьерами. Методическое указание. Ташкент: УзГосИФК. 2005 йил.

FROM THE HISTORY OF THE UZBEK NATIONAL WRESTLING "KURASH"

M.Kazaev

Nukus bransh of the Uzbek state university of physical education and sport

The Uzbek national wrestling "Kurash" is one of the most ancient sports and has its own bright, interesting history. In ancient oriental sources, kurash is referred to as a spectacular single combat. The famous Hungarian scientist L.Kun in his book "General history of physical culture and sports" notes that kurash has its own ancient history. He also emphasizes that this sport was practiced in Iran, Turkey, India, Central Asia, that is, in Turan. In the permanent places of residence of the ancient man, along with hunting scenes, images of fighting people began to appear. In particular, images of a wrestler with high technique were found on the wall drawings of the Egyptian pyramids. A bronze statuette made around the XXVIII century BC is considered the most ancient monument "belbogli kurash" (a type of kurash in which fighters compete holding the opponent's belt) [4,10]. It is based on the method of strangulation. The development of wrestling and wrestling techniques in Ancient Greece is evidenced by numerous statues, amphorae and images, works of ancient Greek poets, historians, philosophers like Homer, Plato, Pindar and others. For example, the scene of the competition between Ajax and Odysseus from Homer's Iliad (IX-VIII BC) is presented as follows:

“Having girded their loins, the fighters come out to the middle;

Firmly with their hands they grabbed each other under the sides,

Like the rafters that the clever builder closes in the roof of a high house, to repel the violent winds.

Strongly the ridges crunched, with the power of their clenched hands.

Cool drawn; sweat beading over the body;

Frequent stripes round on the sides and their wide ridges Came out crimson;

With jealousy in proud hearts alike They both hunger for victory and a glorious reward.

For a long time, neither king Odysseus was able to overturn Ajax,

Neither Ajax was able to overcome the Odysseus power ... ".

Since 776 BC e. in ancient Greece, the Olympic Games began to be held. They were held in 5 sports. Wrestling as a sport was added to the Olympic Games roster in 708 BC. e. Several historical sources and archaeological sites confirm that kurash has been practiced in our region since ancient times. The famous archaeologist S.P. Tolstov in his archaeological research carried out in Dzhanbaskal (Khorezm) determined that in the IV century BC. e. traditional kurash was widespread among clan communities [7, 59–61]. It was in the process of these studies that statuettes of competing wrestlers were found. In the Koikyrylgankala monument, a rhyton with the image of wrestlers was found, dating back to the 4th-3rd centuries BC. e. SP Tolstov claims that our ancestors held kurash competitions during various festivities, festivities, especially on the day of Navruz. The ancient writer Ellian Claudius (II-III centuries A.D.) left valuable information about kurash. He draws attention to one custom of the inhabitants of Turan, testifying to the place and role of kurash in establishing family relations: the groom was required to wrestle with the bride. If the groom wins, the bride will marry him, otherwise he will turn into a prisoner of the bride [6,141]. In such invaluable examples of the folklore of the Uzbek people as the epics "Alpamysh", "Gogogly", "Tulganoy" fighters, their strength and courage were glorified. The epic "Alpamysh" very vividly depicts the competitions of wrestlers, their technique, dexterity. Actually, Barchinai's speech sounds very colorful when she announces her condition: "I will marry a hero who has overcome the resistance of ninety fighters ..." [2,121]. The chroniclers of the ancient Chinese Han dynasty (III century BC - I century AD) and the Greek historian Pompey Trog (I century AD) noted that the ancient tribes were famous for their dexterous, brave fighters. In the 10th century in Central Asia, the kurash technique was more refined. In the ancient Chinese source "Tang-shu" it is noted that the inhabitants of Fergana, who went to the festivities dedicated to the holiday "Navruz", were divided into two groups and began to compete in kurash [1, 7]. The well-known language expert Mahmud Kashgar also cites excerpts from the kurash competition of heroes in his works. According to the Arab geographer and traveler Makdisiy (10th century), kurash competitions were held in cities such as Samarkand, Merv, Balkh during the Navruz holiday. In his work "Shahnameh" Abulkasim Firdausi glorifies the national kurashists and their heroism. In his work "Gulistan" Saadi describes the national kurash wrestling. It says that a certain wrestler masters the kurash technique well, skillfully uses 360 techniques. In the future, this fighter educates a student and teaches him 359 techniques: the student will become a skillful fighter [5]. In ancient times, many disagreements between tribes and states were resolved by fighting the best fighters of both tribes and states, which did not lead to massive bloodshed. A sword, spear, bow and others could serve as military weapons. Due to the breakdown of weapons, the battle continued through hand-to-hand combat. According to the results of the battle, the tribe, the state to which the victorious fighter belonged, prevailed. The great scientist Abu Ali ibn Sino (980-1037), speaking about kurash, noted: "Kurash differed in types. One of its types was belbogly kurash, according to the rules of which the wrestlers grabbed each other by the belt. In any case, they did not let go of their hands from the opponent's belt and fought until victory "[1, 7]. The great commander Amir Timur, in order to increase the physical strength of his soldiers, taught them to use various techniques of kurash. Thus, kurash has acquired massive significance. The works of Alisher Navoi "Hamsa", "Holati

pahlavoni Muhammad", Zainiddin Vasifi "Badoe ul wakoe", Husein Voiz Kashifi "Futtuvatnomai Sultoniy", Zakhiriddin Muhammad Babur "Baburname" contains valuable information about kurash. The ruler of the Kokand Khanate Khudayarkhan attached great importance to kurash and invited kurashists even from neighboring khanates to every holiday, festivities. For defense purposes, I also resorted to their help [1, 7]. H. Vamberi, who traveled to Central Asia in the second half of the 19th century, left the following information: on the fortieth birthday of a baby, families held holidays. On these holidays, wrestlers were invited and spectacular competitions were held [8,15]. From all of the above, we can conclude that the Uzbek national wrestling "kurash" has existed for a long time. Over the centuries, his techniques have changed and improved. Kurash served as a means of representing the strength and technique of heroes and made the national holidays of the Uzbek people spectacular.

References:

1. Azizov Kh. N. Turkestan belbogli kurash. - Tashkent, 1998.
2. Alpamysh. The heroic epic of the Uzbek people. - Tashkent, 1998.
3. Kerimov F.A Theory and methodology of sports kurash. - Tashkent, 2001.
4. Kuhn L. General history of physical culture and sports. - M., 1982.
5. Wall paintings. Kamashinsky district of Kashkadarya region.
6. National encyclopedia of Uzbekistan. - Tashkent, 2001.
7. Tolstov S. P. Ancient Khorezm. - M., 1948.
8. Vamberi H. History of Bukhara and Maverannahr. - Tashkent, 1990.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ АСОСИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНТИРИШ

А.А.Хожаметов

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Нукус филиали

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аҳолининг саломатлигини яхшилаш ва жисмоний тарбия тизимидаги барча соҳаларни илмий - амалий салоҳиятини янада тубдан янгилаш борасида кўплаб янги ислохотларни амалга оширди. Жумладан, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия тизимининг илмий - амалий асосларини давр талаблари даражасида бойитиш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга янада жиддий эътибор берилмоқда.

Жисмоний тарбия ўқувчиларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, ижтимоий тарбиянинг ажралмас таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Юқори даражада ривожланган ишлаб чиқаришга асосланган мавжуд ижтимоий шароит жисмонан бақувват, ишлаб чиқариш жараёнида юқори унум билан ишлашга қодир, қийинчиликлардан чўчимайдиган, шунингдек, ватан ҳимоясига доимо тайёр бўлган ёш авлодни тарбиялаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жисмоний тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни тўғри жисмоний ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятларини ошириш;
- уларнинг табиий ҳаракатчанлигини ривожлантириш ва мукамаллаштириш;
- ўқувчиларни ҳаракатнинг янги турларига ўргатиш;
- уларнинг иродавий сифатлари (куч, чакқонлик, уқувлилик ва бошқалар)ни ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг гигиеник кўникмаларни ривожлантириш;
- уларда маънавий-ахлоқий сифатлар (дадиллик, қатъиятлилиқ, интизомлилиқ, масъулиятлилиқ, жамоа билан бўлиш)ни тарбиялаш;
- ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спорт билан доимий ва мунтазам шуғулланишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг соғлом ва бақувват бўлишларига эришиш.

Мустақиллик туфайли жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча соҳалари каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги Қонун, “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, “Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида” ги Қарорлар ва шу соҳага оид бошқа концептуал ҳужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги Қонунларда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида урғу берилиши юқорида қайд этилган фикр ифодасидир. Сўнги йилларда ўзбек спорти ўзининг юксак натижалари билан мамлакатимиз шуҳратини жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келаётганлиги, минглаб халқаро стандартларга мос спорт мажмуалари қад кўтараётганлиги, юртимизнинг турли ҳудудларида энг нуфузли халқаро мусобақаларнинг ўтказиб келинаётганлиги ушбу ҳужжатларнинг амалий маҳсулидир. Лекин юксак натижаларни қўлдан бермаслик, малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш тўғридан-тўғри ёш истеъдодли захираларни етиштириш билан боғлиқдир.

Спорт фаолияти жараёни ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамиятни ўзи олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга юқори талаб қўяди.

Жисмоний тарбияни болаларнинг мактабгача ёшидан бошлаб мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний тарбия таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган фанлардан бири саналади. Синфдан ва мактабдан ташқари шароитларда ташкил этилувчи жисмоний машғулотлар жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини таъминловчи қўшимча тадбир ҳисобланади. Жисмоний тарбия тарбиянинг бошқа таркибий қисмлари билан мустаҳкам боғланган ҳамда улар билан биргаликда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш вазифаларини ҳал этади.

Эстетик тарбиянинг мақсади ҳамда вазифалари табиат ва отираф муҳитдаги гўзалликларни тўғри қобил қилиш, уни тўғри тушуниш ва уни кадрлаб билиш, шу тариқа ўз турмушини чиройли ташкиллаштириш, турмушнинг чиройли тарафларини кўра билиш, гўзал ҳаёт кечириш учун курашишни ўргатиш ҳисобланади. Ота-баболаримиз қадимдан гўзаллик шайдоси бўлганлар ва меҳнат орқали бахтли ўмир

кечирганлар. Жамоат фаровон ҳаёт кечириши учун меҳнат, хулқ-атвори, чиройлиги, табиат гўзаллиги, куй ва қўшиқ, санъат халқимизга зўр шодлик, ўзгача лаззат кучгайрат ато этади.

Эстетик тарбия санъатдаги, табиатдаги, куршаб олган ҳаёт воқелигидаги гўзаллик воситалари асосида тарбиялаш бўлиб, жаҳон педагогикасида инсонни гармоник тарбиялаш воситаларидан бири деб ҳисобланиб келинган.

Эстетик тарбиянинг асосий вазифаси табиатдаги, санъатдаги, ҳаётдаги гўзалликни қабул қила олиш, тушуниш қобилятини тарбиялаш, фаҳмлашдан, гўзалликка риоя қилишга одатлантиришдан иборат. Эстетик тарбия давомида бола ҳаётдаги гўзалликни тушунади, гўзалликни муҳофаза қилишга, ўзи ҳам гўзаллик яратишга интилади.

Умар Хайём гўзаллик, унинг хосияти хусусида фикр юритиб, шундай дейди: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юзнинг ўрнини босолмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг кела олмайди. Айтадиларку, гўзал юз дунёда саодат сабабчисидир».

Эстетик тарбия ўқувчиларда ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор нормаларини таркиб топтиришга, уларнинг ижодий қобилятларини тараққий эттиришга таъсир қилади.

Кейинги йилликларда замонавий спортда ёшариш жараёни юзага келмоқда. Машғулотлар жараёнига кўпроқ ёш спортчиларнинг жалб қилиниши спорт соҳасидаги мутахассисларга катта масъулият юклайди. Хотин-қизлар спортини ривожлантиришда ҳам аёл мураббийларимиз жуда катта ўрин эгаллайдилар.

Ҳозирда Республикамиз ҳудудларида аёл мураббийларнинг камлиги қилинаётган тадқиқот ишимизнинг долзарб муаммосига айланган.

Чунончи жисмоний тарбия - умумий тарбиянинг бир тури бўлиб, унинг асл мазмуни ҳаракатларга ўргатиш ва инсоннинг жисмоний сифатларини тарбиялашдан иборат.

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат иқтидорли спортчиларни тайёрлаш учун, балки соғлом генофондни таъминлаш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилиши даркор. Юртбошимиз айтганидек: “Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ албатта ўзининг келажагини барпо этади”. Демак оммавий спорт, айниқса хотин-қизлар спортини илмий асосда ривожлантириш, унинг ташкилий ва технологик асосларини яратиш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Хотин-қизлар спортини ривожлантириш суръатини жадаллаштириш, айниқса, қишлоқ ҳудудларда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш ҳамда уларнинг мунтазам шуғулланишларига шароит яратиш, умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган истиқболли режа вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш каби долзарб масалаларни Давлат умуммиллий дастурига асосан глобал миқёсида самарали ҳал қилиш имкониятларини очиб беради.

Шу билан бир қаторда болалар, ўқувчи ёшлар ва хотин-қизлар спортини тўғри ташкил қилиш, улар организмни ривожлантириш ҳар бир жисмоний сифат ва

функционал имкониятларини ўзига хос сенситив даврларини эътиборга олиш зарурлиги билан боғлиқдир.

Қорақалпоғистонда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи мураббий хотин-қизлар сони кундан кунга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёш авлодни соғлом, ҳар томонлама камол топган инсонлар қилиб тарбиялашда жисмоний ва эстетик тарбиялашда спортнинг аҳамиятига катта эътибор берилди. Бу ҳақда ҳукуматимиз томонидан қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Натижада мамлакатимизда спортнинг барча турлари кенг кўламда ривожланди, халқимизнинг истеъдодли фарзандлари жаҳон бўйлаб ўз имкониятларини намоён этдилар. Кўплаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқди, улар мамлакат шаънини дунё миқёсида мустақкам туриб ҳимоя қилдилар. Бундай ютуқларга эришишда мамлакатимиз таълим муассасаларида самарали ишлар олиб бораётган педагогларимизнинг ўрни катта бўлди. Айни пайтда педагог-олимларимиз томонидан спортни ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самарадорлиги нафақат уларнинг узлуксизлиги ва мунтазамлиги билан белгиланади, балки, у машғулотлар ҳажми муддати ва таъсир этиш қиймати билан асосланиши лозим. Бинобарин хотин-қизлар спортида аёл мураббийларнинг нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини аниқлаш ва уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шароит яратиш ва шу шароит самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган моддий, ҳукукий, меъёрий ва ташкилий омиллар ҳолатида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, хотин-қизлар спортини ривожлантириш фақатгина масаланинг моддий -техник жиҳатлари билан белгиланмайди, балки шу авлодни глобал миқёсда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, машғулотларни миллий асосда ташкиллаштириш ва спорт маҳоратларини фундаментал бўлиши аёл мураббийларнинг тайёргарлигини самарали шаклланиши муҳимлигига эътибор қаратади.

Адабиётлар:

1. Боров Й. “Эстетика”. Москва: Гардарики, 2003.
2. Бичков В. В. “Эстетика”. Москва: Гардарики, 2004.
4. Э.Умаров. “Эстетика асослари” -Т.: Шарк, 2012.
5. Лоу Б. “Красота спорта” М., Радуга, 1984.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРНИ МЕЪЁРЛАШ

Н.Абдуллаев

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Жисмоний тарбия дарслари ва машғулотларида машқлар меъёрини белгилаш, жисмоний машқларни бажара олиш, бир томондан, шуғулланувчиларнинг имкониятларига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан улранинг ўзлари учун хос бўлган

(мувофиқлаштиришдаги мураккаблик, интилишнинг интенсивлиги, қанча давом этиши ва хоказо) хусусиятлари бирор машқни бажариш пайтида содир бўладиган объектив қийинчиликларга боғлиқ бўлади. Биринчи билан иккинчининг (имконият билан қийинчиликнинг) бир-бирига тўла мувофиқ келиши бажара олишининг оптимал меъёрини ифода этади.

Ўқувчи бажара олиш меъёрини белгилар экан, аввало илмий маълумотлар ва умумлашган амалий тажрибалар асосида шуғулланувчиларнинг бирор бир контингенти учун белгиланадиган дастурларга ва норматив талабларига асосланади.

Тезкор – кучлилиқ сифатларини мактаб ўқувчиларида яъни 12-13 ёшли ўқувчиларни ривожлантиришни тарбиялаш восита ва услублари.

Тезкор – кучлилиқ қобилиятлари (динамик куч) тез ҳаракатларда. Тезкор – кучлилиқ қобилиятлари қаршилиқларни енгувчи ва ён берувчи (амортизацион куч) кучларга бўлинади.

Жуда кўп спорт адабиётларида куч сифатларини ривожлантириши учун кўп методлар учрайди.

Тезкорлик тезкор-кучлилиқ ва чидамлилиқни ривожлантириш учун машғулотлар жараёнида қуйидаги машқлар тавсия қилинади: тезкорлик учун машқлар пастки стартдан тезликка 30,60,100 м югуриш, 30 дан 50 м гача тезланиш билан югуриш, арғамчида тез сакраш: тўлдирма қопни 10-15 сек давомида кўтариб югуриш (марта тезкор – кучлилиқ машқлари узунликка сакраш, баландликка сакраш. Граната улоқтириш, махсус тезкор ҳаракатли ўйинлар, эстафета югуриш, сакраш, улоқтириш элементлари билан бойитилган: спорт ўйинлари (футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, теннис).

Тезкор – кучлилиқ меъёрлари ва динамикаси.

Юкламалар тузилмаиснинг аниқ таркибини белгилаш учун тузилмасининг аниқ таркибини белгилаш учун Н.И.Волков тавсиялардан фойдаланиш зарур.

Ҳозирги кунда ишлатиладиган жисмоний машқларнинг туркумларга бўлиниши юқори тоифали спортчиларнинг кўрсатган натижалари асосида ишлаб чиқилган, лекин академик лицей ўқувчилари учун жисмоний машқлар аниқ туркумларга бўлинмаган, шу билан биргаликда айрим диссертациялар ва адабиётларда машқларнинг чегарасини аниқлаш ва уларни меъёрлашга уриниб кўрилган, лекин аниқ, пухта услубий кўрсатмалар берилмаган. Умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларида машқларининг миқдорини зўриқиш зоналаридан, организмга юклама берган жавоб реакциясидан, нафас олиш суръати, машқларнинг давом этиш вақти, шиддати, дам олиш оралиғи, дам олиш характери, такрорланиш сонидан келиб чиқиб аниқлаш зарур.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигида умумий тайёргарлик (кучлилиқ, тезкорлик, чаққонлик, эгилувчанлик чидамлилиқ сифатларининг мукамал ривожланганлиги) махсус тайёргарликнинг тез ва мукамал ривожланишига ёрдамлашади, яъни замин яратади.

Кичик ҳажмдаги юклама катта чарчоқдан сўнг иш қобилиятини тиклашга кўмаклашиб, асаб тизими жисмоний зўриқишни енгиллаштиради. Катта, кичик ёки ўрта ҳажмдаги юкламага битта машғулотда қўлланиладиган бир йўналишдаги ва ҳар хил йўналишдаги шиддатли юклама билан эришилади.

Юкламанинг ички ва ташқи томонларининг ўзаро алоқадорлиги машғулотларда иш хажми ва шиддатини ошириш билан организмнинг функционал ҳолатларида ўзгаришларни кучайтиради, чарчаш жараёнининг чуқурлашишига ва чидамликнинг ривожланишига олиб келади, бироқ бу алоқадорлик маълум чоракда намаён бўлади. Масалан, сузиш машғулоти 10x15 м га максималдан 90-95% тезликда сузиш дам олиш вақтига боғлиқ ҳолда ҳар хил самара бериши мумкин, 10-15 сония дам олиш функционал силжишлар кумуляциясига ва иш қобилиятини пасайишига олиб келади, 2-3 дақиқа дам олиш эса иш қобилиятининг тикланишига ва навбатдаги такрорлашдан сўнг тикланишга ёрдам беради. Ҳар хил функционал ҳолатда бир хил ишни бажариш организмнинг функционал тизимида турли хил жавоб реакциясини намоён қилади.

Мослашиш бўйича ҳар хил хажми ва шиддатли юкламадан самарали фойдаланиш у ёки бу тайёргарлик воситасини мувофиқ равишда танлашга, фойдаланилган машқлар йўналишининг характерига боғлиқ.

Мактабда жисмоний тарбия ва туризм таълимнинг биринчи босқичида оптимал жисмоний юклама билан ўқувчилар организмнинг кун тартибига мослашишга йўналтириш уларнинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятини оширади.

Жисмоний тарбия дарсларида педагог юкламани меъёрий аниқлаш учун ўқувчиларнинг соғлигини, функционал имкониятларини уларнинг тайёргарлик даражаси ва индивидуал хусусиятларини, шу билан бирга ўтилган дарслар юкламасини назарда тутиш зарур.

Жисмоний тарбия дарсларида ижобий натижага эришиш шартларидан бири юкламани аста-секин ошириб боришдир. Тайёрлов қисмида физиологик таъсирга кўра оддий енгил машқлар қабул қилинади, кейин уларнинг тузилиши юклама катталиги оширилади. Дарснинг асосий қисмида юклама болаларнинг ёшига ва жисмоний тайёргарлигига мос келгунга қадар амалга оширилади. Якуний қисмида юклама шиддати пасайтирилиб, тикланиш жараёнлари тезлаштирилади. Аста-секин фаол ҳолатдан мускуллар тинчлантирилиб, умумий дарсларга ўтиш таъминланади.

Юклама меъёри – бу маълум бир ўлчамларнинг хажм ва тезлигидир. Меъёр ўлчами маълум бир зарурий вазифани ҳал қилиш учун аниқ ўлчамдир, бошқача қилиб айтганда юклама ўлчами (нормаси) – жисмоний тарбияда соғлиқни мустаҳкамлаш, ҳаракат кўникмаси ва малакалари ўртасидаги зарурий ҳаракат фаоллиги, жисмоний тайёргарликнинг мезони даражасини ушлуб туриш демакдир.

Жисмоний сиафтларни ривожлантириш жараёнида юкламани меъёрлаш ўқувчиларни ёши, жинси, соғлиги, жисмоний тайёргарлик даражаси ва қўйилган вазифага боғлиқ. Бу хусусиятларни ҳисобга олиш фақат машқлар тузилишини аниқламасдан балки дарсда машқларни амалда қўллаш услубиятини ҳам белгилайди.

Ўқувчилар организмига жисмоний юкламанинг таъсирини баҳолашда ёки назорат қилишда чарчашнинг субъектив ва объектив белгиларидан фойдаланилади.

Мактаб ёшидаги, болалар орсиде жисмоний машқ юкламасини нафас олиш тизимида таъсирини билиш юзасидан бир қатор ишлар бажарилган. Уларнинг фикрича болалар организмнинг юрак қон томир ва нафас олиш органлар тизимининг битта маълум меъёрланган юклага бўлган реакцияси бош намуна бўлиб характерланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг I-XI синф ўқувчилари учун жисмоний тарбия дастури. 1993. 80 б.
2. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. -К.: Олимпийская литература, 2002. - С. 294.
3. Гончарова О.В. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш. Т.: ЎзДЖТИ, 2005. - Б. 171.
4. Усманхаджаев Т.С. Жисмоний тарбия дарси материаллари (1-3 синф). Т., Ўқитувчи, 1995, - 175 б.

JUWÍRÍWDÍN TIYKARGÍ TEXNIKASÍ

A.T.Niyazov, p.i.k. docent, I.Nasratdinova, magistrant

Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Juwırıw adamnıń qozǵalıstaǵı tabiyǵıy usılı. Olar ulıwma tiykarǵı hám specifikalıy ózgeshelikke iye. Eń baslısı adım. Adam sol arqalı qozǵaladı. Adımlap jucırǵanda qol hám deneniń qozǵalısqı baylanısqı kóp martebe bir hám sol tártipte dem alıssız qaytalanadı. Qollardıń hám ayaqlardıń juurǵandaǵı qozǵalısqı ersili-qarsılı, ayqısh-uyqısh. Qabırǵa hám jambas qıyın qarsılas qozǵalısqı isleydi. Dene qozǵalısqında hár bir adım atqanda ayırım iyiliw, búgiliw, qaptalǵa eńkeyiw, aynalıw payda boladı.

Jeke usıllar hám ulıwma shınıǵıw processiniń strukturasını jetilistriwde sport oynıshısı organizmniń psixikalıq, fizikalıq, fiziologiyalıq, bioximiyalıq hám basqada processlerdiń tekseriw nátiyjeleri úlken áhmiyetke iye boladı. Keyingi jıllardaǵı ilim hám tájiriyebe shınıǵıwdıń anaw yamasa mınaw principlerin usılların bahalawda sheklewlerdi jeniw kerekligin hám hár túrli kompleks birikpelerdiń ayırım jaǵdayda hár túrli sóylemlerdiń tásirinin aqılǵa muwapıq ekenligin qızǵın quwatlap atır. Usıǵan baylanıslı shınıǵıwdıń jeke kriteriyaların tiykarların aldına shıǵarıp atır.

Joqarı qánigeli sport oynıshıların tayarlawdıń kompleks wazıypalarında baslı orında fizikalıq tayarlanıw turadı. Juwırıwshı ushın 800 metrge onıń tezligi áhmiyetke iye. Bizniń qániygelerimizdiń oylawınsha buǵan shama menen 11 jastan 17 jasqa shekemgi waqıtlarda shınıǵıw islegenler ǵana erise aladı. Ulıwma fizikalıq tayarlıqtıń birinshi wazıypaları qatarında den sawlıqtı bunnan bılayda bekkemlew dep esaplaw gerek. Ulıwma fizikalıq tayarlıqtıń baslı úyreniw wazıypası dep bulshıq etlerdiń bosasıwına úyretiw sanaladı. Buǵan úyreniw hátteki qániygeli sport oynıshılarında tómen. Sonlıqtan jeńil atletlerdiń shugıllanıw dizbekleri – bul úyreniwshilerdiń hár tárepleme ósiwi fizikalıq jetilisiwi hám úlken sport jetiskenlikleri. Orta aralıqlarǵa juwırıwda arnawlı shıdamlılıqtıń payda bolıwı sport oynıshılarınıń aeroblıq hám anoeroblıq uqıplılıqlarınıń rawajlanıw dárejesine baylanıslı. Aeroblıq hám anoeroblıq uqıplılıqtıń rawajlanıwın bahalaw fiziologiyalıq ólshemler jolı menende sonday-aq ergometriyalıq usıllar járdemi menen orınlaw múmkin. Demek, arnawlı jaǵdaylarda orınlanatuǵın jumıslardı ólshew jolı menen, joqarıda ayılǵanlardı juwmaqlay otırıp 800 m juwırıwshılardıń arnawlı jumıs islew uqıplılıǵına anaǵurılıw dárejede tásir etiwshi faktorlardan tiykarǵı rol anaeroblıq kúshke jatadı. 1500 metr juwırıwda arnaelı shıdamlılıqtı kórsetiwde áhmiyetli roldi tkanlarda aeroblıq hám anaeroblıq faktorlardıń qalıplesiwi oynaydı.

Ortasha aralıqlarga juwırıwshılardıń tayarlıqları menen kórsetkishleriniń baylanısın anaǵurılım anıq sıpatlaydı. Kriteriyalıq tezlik penen juwırǵanda energetikalıq kúsh tez azayadı. Usıǵan baylanıslı anaeroblı glikolitikalıq process kúshli aktivlesedi. Bul sút kislotasınıń tez jıynalıwshı hám sharshawdıń payda bolıwına alıp keledi. Juwırıwdıń tezligi qansha úlken bolsa glikoliz erte qosıladı hám ol sonday tezlesedi. Solay etip kúsh túrlerin tárbiyalaw usılların durıs anıqlaw ushın ulıwma fiziologiyalıq hám bioximiyalıq tiykarları cikllik shınıǵıwlar waqtında kúshin shıdamlılıǵın kórsetiw mexanizmlerin pedagog biliwi kerek. Barlıq kerekli energiyanıń bulshıq etler jumısı ushın 100 metr juwırıw waqtında anaeroblıq glikoliz tek 15% beredi.

Hár bir adımda iyiliw, búgiliw, qaptalǵa eńkeyiw, aynalıw payda boladı. Sportshı juwırǵanda denesin aldığa joqarıǵa, dizesin búkpey ayaǵın tuwrı uslawǵa tiykarlanadı. Juwırıwdıń hár bir turi ulıwma texnikanı quraydı. Juwırǵanda da júrsende de qollardıń hám ayaqlardıń qozǵalıstı baylanısta boladı.

Juwırǵanda tirenishtin iyteriliwi bulshıq etlerdin háreketi menen iske asadı. Juwırǵısh sportshınıń energiyasınıń kemeyiwi onıń qayta keńeyiwi tikleniwge tirengen yamasa tayanısh waqtında kemeyedi. Adımın jiyiligin kóteriwi ayaqtın úlken tezligin payda etedi. Bul jerde ayaq bólimleriniń kúsh inergiyası júdá kúshli. Juwırǵıshın joqarǵı tezligi onıń ayaqlarınıń tez háreket jasawnda boladı.

Jarıslarda juwırıw úlken rol oynaydı. Juwırıw metodlarına qaray sportshılardıń usılı ózgeredi. Hár túrli formalardı qabıl etip olar bir-biri menen baylanısta boladı. Usıl menen islengen hár bir shınıǵıwlar juwırıwshınıń organizmine tásir jasaydı. Sırtqı ortalıqtın baylanıslı shınıǵıwdıń ózine tán tásirleri kóp boladı.

Juwırıwshı shınıǵıw islegende stadionlarda, parklerde ótkerip turıwı kerek. Juwırıwshılardıń ózine tán fizikalıq qásiyetleri bar. Bulshıq etleriniń kúsh háreketin tezligi, shıdamlılıq, epshilik. Bizler arnawlı tayarlıqta usı processler ámelge asadı. Ulıwma fizikalıq tayarlıq baǵdarlangan juwırıwshılardıń garmonallıq ósiw hám rawajlanıwına baǵıtlangan. Usıllardı úyretiw ushın kúndelikli sistemalıq shınıǵıwlar islew nátiyjesinde adam organizmine tásir jasaydı.

Bulshıq et jaqsı rawajlanbasa juwırıw shınıǵıwlarında úlken sheberlikke iye bolmaydı. Bulardı islegende kúshli erkke iye bolıwı kerek. Juwırıwshılardıń barlıq bulshıq etleri jaqsı rawajlangan bolıwı kerek. Sonda ǵana juwırǵanda nátiyjesi jaqsı anıqlanadı.

Juwırıwshılardıǵa hár túrli iyiliwler otırıwlar paydalı boladı. Hár bir shınıǵıw qattı kúsh penen qaytalanadı. Sabaqlarda 2-4 mártebe 5-6 sekund ishinde qaytalanadı. Dem alıs intervalı 2-3 minut. Bul usıl tek úlkenlerge ǵana shuǵıllanadı. Jańa baslap artırgan juwırıwshılar bulshıq etlerin hár túrli shınıǵıwlar menen rawajlandırıw kerek. Juwırıwshılardıǵa shıdamlılıq tek jarıslarda ǵana emes úlken shınıǵıwlıq jumıslardı orınlawı da kerek. Ol adamınıń oraylıq nerv sistemasına tayarlıǵına hám sport texnikasını iyeleytuǵın hám qozǵalıstı ekonomlap biletuǵın kóp gúresshilerge baylanıslı eken. Shıdamlılıq ulıwmalaskan hám qánigelestirilgen boladı. Ulıwma shıdamlılıq jan jaqlama fizikalıq jaqtan rawajlanıwınıń bólegi. Tayarlangan juwırıwshılar ózleriniń ulıwma shıdamlılıǵın ózgermeli tempte kóteriwege boladı. Mısalı, orta tezlik penen 200-400 m, onnan keyin 100-200 m ásten taǵı orta tezlik penen juwırsa kóteriwege boladı. Tazadan kelgenlerge 5-8 minut aralında boladı.

Jańa baslap atırgan juwırıwshılar ózleriniń ulıwma shıdamlılıǵın ózgermeli tempte kóteriwege boladı. Jańa baslap atırgan juwırıwshılar 1000 metrden 6-7 minutta juwırıp ótiwi

кerek. Ал жуwратуѓын тезлик таярланѓан спортшлар ушын 400 метрге 4 минут 30 сек.да барыw керек.

Орта аралыққа жуwыруды жақсы нáтиье менен ерисиw ушын спортшы óзинин дем алыw хám júрек системаларын кóтерiw керек. Сол ушын шыныѓыwда жоқары талап қойыw керек. Шыдамлылықтың баслы усулы спортшы жақын арадаѓы жерге қайтадан жуwырады, қайта жуwырыw кислородты сақлап турады. Шыныѓыwды ислеге тексерiw усулы қолланылады. Бул жарысыw тезлигинде óткерiledi. Аралықтың усулы узынлықтың 4-5 мáптебе қысқарақ болады. Оннан кейин жуwырыw тезлиги кем-кемнен кóбейеди.

Жуwырыwшының ерки шыдамлы болады, жуwырыwшының қánигелескен шыдамлылығы óзиниң қásiyetine iye. Оның óсиwi 200-600 метрге óседi. Жоқары нáтиьеге ерисиw ушын жеңил атлетикада шуѓылланыwшыны кúшли техникаѓа úyретiw керек. Úyретилген process waқтнда háреketлерди тез ислеwi waқтнда булшық етлерди дем алдырып турыw керек.

Ádebiyatlar:

1. Nikiforov G.I., Sheynikov B.F., Medvedev N.K., Ionov D.P. Dene tarbiya hám sport. Jenil atletika. 1979.
2. Ozolin N.G., Matveev E.N., Yagodin V.M., Bondarchuk A.P. Jenil atletika boyınsha trenerlik ushın oqıwlıq qollanba, 1982.
3. Ozolin N.G. Voronkina V.I. Jenil atletika, 1979.

ЧЕТ ЭЛДА СПОРТ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ТАХЛИЛИ

Р.Ибрагимова

Нукус давлат педагогика институти

Спорт психологияси – спорт мусобақалари ва машқлар вақтида инсон психикасининг ҳолати, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилади. Спорт психологиясининг асосий вазифаси спортчиларнинг психик ва жисмоний камолотига таъсир ўтказувчи муҳим шарт-шароитларни яратиб беришдир. Бундан ташқари, Спорт психологияси спортчиларнинг шахс сифатида ривожланишига, ютуққа эришишларига психологик ёрдам кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам Спорт психологияси фанига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон миқёсида ўтказилаётган йирик мусобақаларда ва олимпиада ўйинларида қатнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритаётганлиги уларни бу масъулиятли вазифани бажаришга астойдил киришганлигидан далолат беради. Албатта, нуфузли мусобақаларда иштирок этиш ўз-ўзидан бўлмаслиги ҳаммага аён. Бунинг учун спортчиларимизнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлик даражасини янада ошириш ҳамда уларда юртсеварлик ҳисларини янада камол топтириш лозим.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Спортчи ёки жамоа аъзоларининг спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришиши, биринчи навбатда, уларнинг маънавий, мафкуравий, иродавий, жисмоний, техник, тактик тайёргарлигига боғлиқ.

Спорт амалиётида бўлажак аниқ мусобақаларга психологик жиҳатдан алоҳида тайёргарлик кўрган спортчиларнинг кўпинча ғалаба қозониши илмий исботланган. Демак, спорт мутахассислари ва мураббийлар спортчиларни мусобақага психологик жиҳатдан тайёрлашга алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

Шундай экан, юртимизда спорт психологиясини янада ривожлантириш жуда муҳим вазифа бўлиб, бунинг учун албатта жаҳон миқёсида спорт психологиясининг ривожланишига назар ташлашимиз зарур.

Спорт психологияси ривожланиши Европа ва Шимолий Америка мутахассисларининг фаолияти билан боғлиқ. XIX асрнинг охирлардаёқ рақобатлашаётган спортчиларнинг айрим психологик хусусиятлари аниқланган. 1891 йилда немец шифокори Кольб эшкакчиларда мусобақа жараёнида пайдо бўладиган «ўлик нуқта» ҳолати ва уни бартараф қилиш усуллари ҳақида ёзиб қолдирган. 1897 йилда бўлса америкали социолог Н.Триплет велосипедчиларнинг маълум масофани рақиби билан рақобатлашгандагина тезроқ босиб ўтадиганлигини ўз экспериментларида исботлаб берган. Спортнинг психологик омилларини тадқиқ қилиш Биринчи жаҳон уруши пайтларида узилишга тушган (1914-1918 й.й.). Уруш тугагандан сўнг спорт ва психологик илмлар жадал ривожланаётган мамлакатларда янада ривожлана бошлади. 1920 йилда немец жисмоний машқлар олий мактабида психотехник лаборатория очилган ва у ерда спортчиларнинг когнитив жараёнлари ва психомотор функциялари ўрганилган. Аналогик хусусиятлар бўлган – реакция вақти, мушаклар зўриқиши ва бўшашиши, уларнинг таъсирининг мусобақа натижасига таъсирлари 1925 йилда очилган Иллиной университетининг спорт лабораториясида тадқиқ қилинган. Бу лабораториянинг бошлиғи К. Гриффит америка спорт психологиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим ҳисобланади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида у 25 та мақола ва иккита «Тренер фаолияти психологияси» (1926) ва «Спорт психологияси» (1928) номли монографияларини ёзган. Уни АҚШ спорт психологияси асосчиси ва отаси деб атаган [1].

Россиядан ташқари кўпчилик бошқа мамлакатларда 1960 йилларгача спорт психологияси ўқув курси эмас, асосан фақат илмий дисциплина сифатида ривожланган. Сўнгра, 1960 йиллар ўрталарида АҚШ да айрим университетларнинг жисмоний тарбия факультетларида спорт психологияси ўқув курси сифатида ўқитилиб бошлаган. Илмий изланишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилган, жумладан: ҳаракатланиш тажрибасини шакллантириш ва амалга оширишда психологик омиллар, тренерлик фаолияти психологияси, спорт гуруҳлари психологияси [2].

1964 йилда италияли психиатр Ферручо Антонелли халқаро спорт психологлари ассоциациясини ташкил қилишни таклиф қилади. Унинг ташаббуси билан 1965 йили Римда спорт психологларининг халқаро ҳамкорликда I-конгресси бўлиб ўтган. Конгрессга Собик иттифоқдан 2 та вакил таклиф этилган-П.А.Рудик ва А.Ц.Пунилар. 1960 йилларнинг охирларида спорт психологлари Европа жамиятини ташкил этиш ғояси пайдо бўлган, бу ғоя француз психиатори Эрик де Вантерга тегишли эди.

АҚШ спорт психологияси ривожланиши тарихи 5 даврни ўз ичига олади:

1-давр (1895-1920). Бу даврдаги деярли барча ишлар Триплетнинг экспериментал фаолияти билан боғлиқ.

2-давр (1921-1938)- бу давр Колмен Гриффит ишлари билан боғлиқ бўлиб, бу даврда спорт лабораторияларининг очилиши, асосий илмий ишларнинг чоп этилиши, кейинчалик зарур анжомларнинг етишмаслиги сабабли лабораторияларнинг ёпилиб қолишлари юз берган.

3-давр-1939 йилдан, яъни Франклин Генрининг ҳаракат фаоллиги психологияси бўйича дастур ишлаб чиққанидан тортиб, то 1965 йилдаги Римда бўлиб ўтган конгрессгача бўлган даврни ўз ичига олади.

4-давр (1966-1977)- спортчилар билан ишлаш ва уларга қўлланиладиган тестларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ давр.

5-давр (1978 йилдан то ҳозирги кунгача)- спортнинг аниқ турларига йўналтирилган тестларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, бу даврда спорт психологиясига катта эътибор берилади [1].

1979 йилдан бошлаб «Спорт психологияси», кейинчалик «Спорт психологияси ва жисмоний тарбия» журналлари чоп этила бошлаган.

Замонавий психологиянинг ҳар қандай соҳаси ўнлаб йиллар олдин олиб борилган тадқиқот ишларига суяниб давом этирилади. Спорт психологиясининг Россияда ривожланиш тарихи ҳам ўзига хос ривожланиш босқичларига эга бўлиб, у И.П.Павлов, В.М.Бехтерев ва бошқа олимлар, Россия физиология мактаби ва материалистик психология асосчиси И.М.Сеченов ишларига суяниб ривожланган. Петербург спорт психологияси мактаби асосчиси А.Ц.Пуни Сеченовнинг ғояларига қўшилган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт психологиясининг ривожланишининг жуда аҳамиятли эканлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

Дунёда биринчилардан бўлиб жисмоний тарбиянинг илмий асосланган концепцияси Россия шифокори ва педагоги П.Ф.Лесгафт (1837-1909) томонидан ишлаб чиқилган. Лесгафтнинг ташаббуси билан Петербурга ҳарбий бўлимларда фехтования ва гимнастика ўқитувчиларини тайёрлайдиган курслар ташкил этилган.

1970 йилда инсоннинг психик ривожланишида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишнинг таъсирини ўрганиш жуда фаоллашган. 1960-1970 йиллар оралиғида чет эл спорт психологлари спортсмен ва тренерларга психологик ёрдам кўрсатишни бошлаган. Спорт психологлариининг ташкилий таркиби шакллана борди, яъни ташкилот ва ассоциациялар пайдо бўлди, илмий анжумонлар ўтказилиб журналлар чоп этила бошлади [2].

Демак, спорт психологиясини ривожлантиришнинг аҳамияти ривожланган мамлакатларда шу даражада ўрганилган экан, чет эл спорт психологияси ривожланиш тарихи ва тажрибасидан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда ҳам спорт психологиясини янада ривожлантириш бизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. В.А.Родионов, История спортивной психологии, Журнал-Системная психология и социология, 2010, том 1, №2.
2. В.А.Родионов, Спортивная психология, Москва-2015.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ЕНГИЛ АТЛЕТИКА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.Машарипов, Ў.Абдуллаева

Урганч давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада ўсмир енгил атлетикачиларни маўғулотларининг хусусиятлари ўқувчиларнинг ёш даврларида организмда юзага келадиган ўзгаришларга қараб бериладиган юкламалар ҳажми ва спортчиларни ўсмирлик даврига келиб енгил атлетиканинг айнан бир тури билан шуғулланиши бу эса уларнинг жисмоний таёргарлигига, антропометрик кўрсаткичларига, физиологик ўзгаришларга ва яна бир қанча омилларга боғлиқ бўлиши баён этилган.

Калит сўзлар: Мушак кучи, ўсмирлик, омил, умуртқа, реакция, юклама ҳажми, ҳаракат, Ғов, сакраш, техника.

Annotation: This article describes the characteristics of adolescent athletics training, the amount of workload given to students during adolescence, and whether athletes engage in the same type of athletics during adolescence, depending on their physical fitness, anthropometric performance, physiological changes, and more. .

Key words: muscle strength , youth factor , the spine , the reaction is the size of the load , moving obstacles , saqrash technology.

Аннотация: В этой статье описываются характеристики тренировок подростков по легкой атлетике, объем нагрузки, предоставляемой студентам в подростковом возрасте, и то, занимаются ли спортсмены одним и тем же типом легкой атлетике в подростковом возрасте, в зависимости от их физической подготовки, антропометрических показателей, физиологических изменений и т. д.

Ключевый слова: мышечная, молодость фактор, позвоночника, реакция является размер нагрузки, движущихся препятствий, прижкий технологии.

Енгил атлетика машғулотлари болалар, ўсмирлар ва ўспиринлар жисмоний тарбияси тизимига киради. Улар умумтаълим академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари учун кўзда тутилган. Юриш, югуриш, сакраш ва улоқтиришлар ҳамда енгил атлетика машғулотларида қўлланиладиган турли маҳсус машқлар хилма-хил, енгил меъёрлаштирилади ва болалар учун бу жуда қулайдир.

Болалар мактаб ёшига етмасдан, ҳар хил ўйинлар, югуриш, сакраш ва улоқтиришларнинг оддий шаклда бажарилишини ўрганадилар. Мактаб ўқувчиларининг енгил атлетика машқлари техникасини бажаришни ўрганиши, ҳаракат имкониятларини кенгайтириб, уларнинг бошқара олиш қобилиятларини яхшилабгина қолмай, кейинчалик спорт-техник маҳоратига эришиш учун замин ҳам яратади. Енгил атлетика машқлари билан шуғулланиш ёш организмнинг ўсиши ва шаклланишига, ҳар томонлама маънавий ва жисмоний ривожланишига, соғлиқнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Енгил атлетика машқлари билан шуғулланиш юрак-қон томир ва нафас олиш тизимини мустаҳкамлайди, мушакларнинг гармоник ривожланишини таъминлайди, бўғинлардаги ҳаракатни яхшилади ва асаб-мушакларнинг бир-бирига

мувофиқлигини такомиллаштиради. Енгил атлетика машғулоти мактабда жисмоний маданият дарсларида, мактаб жисмоний маданият жамоаси секциясида, болалар спорт мактабида, академик литсей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказилади.

Болалар, ўсмирлар ва ўспиринлар билан ўтказиладиган енгил атлетика машғулотларининг мазмуни уларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ бўлиб, машғулотларни режалаштириш ва ўтказиш вақтида буни эътиборга олиш зарур. Киши организмнинг ўсиши, шаклланиши ва ривожланиши ўрта ҳисобда 25 ёшгача давом этади. Организмнинг шаклланиши билан бирга, боланинг суяк тизими ҳам ривожланади. Тўқималардаги зич, ғовак моддалар тузилиши ўзгаради, суяклар бўйига ва энига ўсади.

Ёшдаги фарқ умуртқа устунининг тузилишида ҳам ўз ифодасини топган. Ҳатто 14 ёшдан кейин ҳам умуртқанинг суяк тўқималари кўпайиб, катталашиб боради. Умуртқа танаси эпифизларининг суякка айланиши 20—25 ёшгача содир бўлади. Давомли зўриқишлар, ерга сакраб тушишда бў- лудиган кучли силтовлар, кучи етмайдиган оғир жисм кўтариш ва ташлаш умуртқа поғонасининг қийшайишига ва диэпифизор тоғайларнинг жароҳатланишига олиб келади. Буларни машқларни қўлллашда эътиборга олиш Болаларнинг тоғайларидаги юқори эластиклик ва бўғинларидаги ҳаракатчанлик машқларни кенг доирада бажаришга ёрдам беради. Кенг доира билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар болаларнинг суяк тўқималари ривожланишига ижобий таъсир қилади, хилма-хил енгил атлетика машқлари эса бола скелетининг ўсиши ва шаклланишига ёрдам беради.

Мушакларнинг кучли ўсиши 12 ёшдан бошланади. Бу пайтда енгил атлетика билан шуғулланиш уларнинг ривожланишига ёрдам беради. Мускулларнинг тез ўсишига қарамай, у скелетнинг ўсишидан орқада қолиб, фақат жинсий етилишнинг охирида (қиз болаларда 13—16 ёш, ўғил болаларда 14—17 ёшда) тананинг умумий оғирлигининг қизларда — 36 фоизини, ўғил болаларда эса 40 фоизини ташкил қилади. Бир хил давомли машқларни эҳтиётлик билан қўллаш керак. Шунинг учун айрим мушаклар гуруҳининг дамбадам ишлашини таъминлайдиган машқларни танлаш тавсия қилинади.

Юрак яхшироқ озикланиши сабабли тезроқ ўсса керак. Лекин жинсий вояга етиш даврида юрак ўсиши суръати қон-томирлари ўсиши суръатидан ошиб кетади, натижада баъзан қон босими бирмунча ошиши мумкин. Бу даврда кичик юкламали машқлар бажариб, дам олишни, танаффусни кўпайтирган маъқул.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юрак фаолиятига психик ҳолат ҳам таъсир кўрсатади. Эмоция ва бошқа психик омилларнинг таъсири болалик ва ўсмирлик ёшида кўпроқ намоён бўлиши маълум.

Енгил атлетикада қуйидаги ёш гуруҳлари белгиланган: тайёрлов гуруҳи — 11—12 ёш; кичик ўспиринлик гуруҳи — 13—14 ёш; ўрта ўспиринлик Гуруҳи — 15—16 ёш; катта ўспиринлик гуруҳи — 17—18 ёш.

Болалар билан ўтказиладиган енгил атлетика машқлари машғулоти катталарникидек ташкил қилинади ва ўтказилади. Тўғри, ўзига хос баъзи хусусиятлари ҳам бор; масалан, иларни муддати оз, юклама ҳажми ва шиддати кичик ва ҳ. к.

Шунинг учун барвақт ўргатишни тўғри ва анча самарали техника билан бошлаш керак. Шунинг билан биргаликда, турли-туман ҳаракатлар ва ишга ҳам

ўргатиш муҳим. Тўпланган малакалар ва билим каттароқ бўлганда техникани муваффақи- ялли такомиллаштиришга ёрдам беради. Тезкор югуриш кўпгина енгил атлетика машқларининг таркибий қисмидир. Ўйинларга тааллуқли бўлган югуриш элементлари кичик ва ўрта ёшдаги болалар билан ўтказиладиган машғулотларда асосий ўрин тутлади.. Мактаб болаларида ҳаракатлантирувчи реакция тезлигининг ўзгариш динамикаси.

12—13 ёшда ҳаракат тезлигини ошириш ва асаб жараёнларининг ҳаракатларини такомиллаштириш учун энг қулай шароит вужудга келади. Тез югуриш машқлари айна вақтда енгил атлетиканинг бошқа турларидаги ҳаракатларни яхшироқ эгаллашга ёрдам берди.

Болаларни тез югуришга ўргатаётганда, югуришларнинг (тезлигини аста-секин ошириш керак. Тезлашиб борадиган югуриш бунинг учун энг яхши машқдир. Ўқувчиларг.и югуриш вақтида, тезликни ўзлари бошқаришга ўргатиш муҳим; бунинг учун дастлабки югуришда ўқитувчининг ўзи болалар билан қўшилиб югургани маъқул. Тезлашиб борадиган югуриш масофаси ва уларнинг дарсидаги миқдори ўқувчиларнинг ёшига, жинсига ва тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Югуриш масофаси қанчалик узоқ бўлса, уларнинг такрорланиши ҳам шунча оз бўлиб, улар ўртасидаги дам олиш кўп бўлади. Ўргатишнинг дастлабки босқичларида жуда юқори тезликда югуриб ўтиш тавсия қилинмайди. Ўқувчилар кучанмай лез югуришни қанчалик ўзла:штирганига қараб, 10 метр ва бундан ортиқ қисмда имкон борича тез югуришлари мумкин. Ўқувчиларни, масофа бўйлаб тўғри югуриб ўтиш техникасини ўзлаштириб олгандан кейин, пастки стартдан югуришга ўргатиш мумкин. Сигналдан кейин стартдан аниқ ва тез югуриб чиқишга эътибор бериш керак. Ўқувчилар стартдан тўғри югуриб чиқишни ва масофа бўйлаб югуришни ўрганганландан кейин, катта тезликда маррадан югуриб ўтишни бошлаб туриб, уларни маррага келиш усуллари билан таништириш мумкин. 16-18 ёшда 20 сон. дан 3—4 дақ. гача давом этадиган машқларда (масалан, 200-800 м га югуриш) махсус чидамликни ҳамда 1 соатгача давом этадиган машқлар орқали урнумий чидамликни ривожлантиришга ўтадилар. Ёш енгилатлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини тезкорлик, куч қувват ва чидамликни аниқлайдиган куйидаги назорат синовлар орқали билиш мумкин:

пастки ва юқори стартдан 30 ва 60 м га югуриш;

турган жойдан узунликка сакраш;

иккала оёқ билан депсиниб юқорига сакраш;

динамометр орқали асосий кучни ўлчаш;

оёқларни тўғри бурчак остида букиб, қўлларда осилиш (вақт ҳисобланади);

чидамлик югуриши: 13 ёшли ўғил болалар-300 м, 13-14 ёшли қиз болалар-300 м, 14-16 ёшли ўғил болалар-600 м, 17-18 ёшли ўспиринлар - 800 м, 15-18 ёшли қизлар-600 м.

Адабиётлар:

1. Енгил атлетика. Андриис э.Р., Кудратов Р. Ўқув қўлланма. - Т.: УзДЖТИ. 1998 й.

2. Кудратов Р.К., Мелиев Х.А., Расулова Т.Р., Қурбонов С. (ўқув қўлланма). Тошкент. "Ўқитувчи". 2005 й. 352 бет.

3. Шакиржанова К.Т. Енгил атлетика (мусобақа қоидалари). Ўқув қўлланма. "Лидер пресс". - Т.: 2007 й. — 350 бет.
4. Жилкин А. И., Кузмин В. С, Сидорчук Е. В. Легкая атлетика (Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. -М.: Издат-кий центр «Академия», 2009. - 64 с.
5. Малыхина Л.А., Арзуманов Г.Г. Планирование и контрол в учебном просессе по физическому воспитанию в школе. Ташкент, 1990 г.
6. Шакиржанова К.Т. Енгил атлетикада спорт машғулотлари асослари. Ўқув қўлланма - Т.: 2008. - 72 б.
7. П.Шакиржанова К.Т. Енгил атлетикада бошқарув ва педагогик назорат. Ўқув қўлланма - Т.: 2009. - 58 б.
8. Шакиржанова К.Т. Енгил атлетика бўйича мусобақаларда котибият ишини ташкил этиш. Услубий қўлланма. - Т., 2010 й. - 72 б.
9. Шакиржанова К.Т., Солиев И.Р. Барерлар оша югуришга ўргатиш техникаси ва усулияти. Услубий қўлланма - Т.: "ШАРҚ" 2011 й. - 44 б.
10. Ҳалқаро Енгил атлетика Федерасияси тармоғи, www.IAAF.org,
11. Россия Енгил атлетика Федерасияси тармоғи www.rusatxletсс.ру.
12. Ўзбекистон Енгил Атлетика Федерасияси тармоғи www.узатхлетсс.org.

DENE TÁRBIYASÍNÍN IZERTLEW USÍLLARÍ

R.Djoldasov, M.Abdimuratov¹, Z.Sadullaeva²

¹Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

²Nókis qalalıq 12-sanlı ulıwma bilim beriw mektebi

Dene tárbiyası teoriyasında basqa ilimler sıyaqlı izertlew jumısı 2 baǵdarda alıp barıladı. Tájiriybe qoyıw (tájiriybe qoyıladı yamasa qubılıs tábiyǵıy jaǵdayda úyreniledi). Teoriyalıq izertlew. İzertlew metodları hár qıylı. Tiykarınan teoriyalıq tallaw hám juwmaqlaw pedagogikalıq baqlaw hám tájiriybe qoyıw usılları menen bir qatarda ilimlerdiń metodları qollanıladı. Sociologiya, psixologiya, fiziologiya, antropologiya, bioximiya h.t.b.

Dene tárbiyasiniń teoriyasiniń tiykarg'ı ilimiy-izertlew metodları-teoriyalıq talqılaw hám uluwmalastırıw, pedagogikalıq baqlaw júrgiziw, eksperiment (tájiriybe) hám matematikalıq esaplawdan ibarat [1].

Dene tárbiyasiniń rawajlanıwına ko'plegen ilimler tásirin tiygizdi. Dene tárbiyanıń ámeliy tariyxıy rawajlanıw hám qáliplesiw dáwirinde onıń adam denesiniń hár tárepleme rawajlanıwına paydalı tásir jasaytuǵın h'ár kıylı ilajları xaqında bilim beretuǵın pán bolıp esaplanadı. Bunday ilimlerdi eki toparǵa ajratıwǵa boladı.

1. Gumanitar pánler - bular dene tárbiyanıń rawajlanıwınıń sotsiallıq nızamlıqların onıń tariyxın hám jámiyette sho'lkemlestiriwin dene tárbiyanıń mazmunı hám onıń adam denesine pedagogikalıq, psixologiyalıq tásir jasaw jaǵdayların biliwge baǵdarlangan. Bul toparǵa tiykarınan sotsiologiya, tariyx hám dene tárbiyanı shólkemlestiriw. Dene tárbiya teoriyası hám metodikası, sport teoriyası hám metodikası, sport psixologiyası h.t.b. pánler kiredi.

2. Biologiya hám aralas tábiyat pánleri bular adam denesi rawajlanıwınıń funktsionallıq iskerligin hám dene tárbiyanıń biologiyalıq, medicinalıq gigenalıq tiykarların hám biliwge baǵdarlangan. Bularǵa morfologiyalıq arnawlı tarawı, fiziologiyalıq, biofizika, bioximiya, meditsina, gigiena hám dene shınıǵıwların

biomexanikası t.b. kiredi. Bul pánlerdiń kópshiligi dene tárbiya jaǵdaylarınń, nızamlıqlarınıń tiykarǵı táreplerin kórsetip onıń negizgi mazmunın túsiniw ushın bilim beredi. Al, dene tárbiya teoriiyası dene tárbiya haqqında bilim beretuǵın ulıwmalastırılǵan pán bolıp esaplanadı. Demek, dene tárbiya boyınsha basqa ilimlerdiń maǵlıwmatların juumaqlastırıp ulıwma dene tárbiyanıń ilajların, dúzilisin, nızamlıqların túsindiredi.

Қарақалпақ мәмлекетлик университети ҳам Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институтындағы дене мәденияты факультетлериниң тәжирийбелі, инталы студентлеринен (3-4-басқыш) таңлап алынып, оларды қалалардағы улыўма билим бериў мектеплери, орта арнаўлы оқыў орынлары (академиялық лицейлер, кәсип-өнер колледжлери) на жыл даўамында толық ислеўге да қамтылып атыр. Буннан ең тийкарғы мақсет сонда, алдын ала қәнигелер жетиспей атырған оқыў мәсканларын тәмийинлеў, қалаберса студентлердиң ис тәжирийбелери, илимий дәрежелерин (курс питкериў жумысларын таярлаў) асырыўға қаратылмақта. Бундай тәжирийбелер сонғы 5-6 жыл даўамында өзиниң унамлы нәтийжелерин көрсетип атыр. Яғный, әмелий жумыс менен оқыў процесслерин қосып үйренип атырған студентлердиң көбиси үлкен қызығыўшылық менен магистрлық, докторлық басқышларында оқымақта.

Студентлердиң бир бөлеги әмелий жумыс атқарған оқыў орынларында қалып өз хызметлерин даўам еттириў менен бирге, БӨСМде де тренерлик етиўге хәрекет етпекте. Сондай екен, инталы студентлерди оқыў әмелиятлары процесслеринде ҳам өзбетинше түрде жумыс көриўде даўам етиўлеринде балалар менен спорт шынығыўларын шөлкемлестириўге жоллаў мақсетли болады. Бундай социаллық-педагогикалық ҳам шөлкемлестирилген жумысларды шөлкемлестириўде 1-2-басқыш студентлерин алдыннан таярлаў зәрүрияты туўылады. Бунда төмендегилерге итибар берилиўи керек, яғный:

1. Дене тәрбиясы теориясы хэм методикасы, педагогика, психология, қәнигелик (спорт түри) сабақларында балалар спорты ҳаққында көбирек тәлим бериў, оларды шөлкемлестириў жолларын пукта үйретиў.

2. Топарлардағы шынығыўларда, сабақларда сайланған спорт түри бойынша шынығыўларды шөлкемлестириў жоллары, усылларын үйретиў, олардың сабақлардағы базы бир бөлимлерин (таярлық хэм тийкарғы) студентлердиң өзбетинше өтиўине шараятлар жаратыў, үлгили сабақлар шөлкемлестириў керек болады.

3. Студентлерди өз бетинше жумыс орынлаўларында, әсиресе өз-өзин бақлаў сораўларына тийисли жуўап табыўларында ең зәрүр сабақлықлар, оқыў-методикалық қолланбалар, илимий топламлар хэм тағы басқадан мақсетли пайдаланыўға әдетлентириў, әдебиятлар менен ислеўге үйретиў.

4. Сабақтан хэм спорт шынығыўларынан (тренировка) босаған пайытларда арнаўлы тапсырмалар менен студентлерди мектептер, БӨСМ хэм баска шөлкемлерде бақлаў жумыслары бойынша бағдарлаў.

5. 3-4-басқыш студентлериниң оқыў әмелиятларын бақлаў, олардан нормалар, үлгилер үйрениўди жолға қойыў.

6. Оқыў әмелиятларына басшылық етиўши методистлерди Балалар спортын раўажландырыўдың менен байланыслы болған ең зәрүрли илажларды жақсы өзлестириў, оларды студентлерге терең синдириў жуўапкершиликлерин күшейтиў керек болады.

Спортшы студентлердиң әмелий илимий тәжрийбелери хэм теориялық билимлерин беккем етип тәрбиялаўда жаңа дәўир талапларына толық әмел етиў, бунда Балалар спортының мәнислерин кем-кемнен терең үгит етиў зәрүр. Кереги болса, оқыў – әмелият процесслеринде БӨСМде шынығыўлар өткериў, жарыслар шөлкемлестириўге тартыў керек.

Әдебиятлар:

1. Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёевтың “Дене тәрбиясы хэм ғалабалық спортты және де раўажландырыў ис-илажлары ҳаққында”ғы пәрманы (03.06.2017-ж.).

2. Головина Л.Л., Копылов Ю.А. Культурологические стремления и социально значимые качества личности школьников 7-9 лет с различным уровнем интереса к занятиям физической культурой // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. 2000, № 1, с. 8-10.

3. Комплексная программа физического воспитания учащихся 1-1У классов общеобразовательной школы. (Авторы: В.И.Лях, Л.Б.Кофман, Г.Б.Мейксон).М.,1992.-36 с.

III СЕКЦИЯ. ДЕНЕ ТЭРБИЯСИ ХЭМ СПОРТ ТАРАЎЫН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎДЫҢ СОЦИАЛ-ЭКОНОМИКАЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ

МУТАФАККИРЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

К.Разохов

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Нукус филиали

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳақида, унинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида болалик чоғидан бошлаб ғамхўрлик қилишни ўз сиёсатининг марказига қўйди. Республикада шундай зарур ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муҳит яратилмоқдаки, у ёш авлоднинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни муҳофаза қилиш масалалари давлатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айлантирилганидан далолат бермоқда.

Бу соҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-октабрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6099-сон фармони қабул қилиниши, шу дастурнинг аҳоли орасида ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ана шундан гувоҳлик бериб турибди.

Саломатликни анъанавий равишда кадрлашни қайта тиклаш, шахс маданиятини, унинг ўз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилишни оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш ижтимоий жамғарма, жисмоний тарбия ва спорт тизимининг бутун кучлари билан энг ёш вақтидан бошлаб жорий этишда ёрдамлашиш зарур. Шуниси муҳимки, одамлар соғлиқни сўзда эмас, балки амалда кадрлашни ўрганиб олишлари зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида қабул қилинди. Жисмоний маданият ва спорт ҳамиша жамият ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб келган. Бизгача мавжуд бўлган ижтимоий жамоалар ҳам ўз ривожланишида жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият берганлар.

Ўтмишда кураш, югуриш, сакраш билан боғлиқ ҳаракатли миллий ўйинлар халқ орасида кенг тарқалган, ҳар хил тантана, Наврўз, байрамлари ва тўйларда мусобақалар ўтказилган ва улар тарбиявий аҳамиятга эга бўлган. Бундан 3 минг йил олдин яратилган зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да жуда кўп ҳаётий муаммолар хусусида баҳслар, мулоҳазаю мушоҳадалар мавжуд. Зурриётнинг покизалиги, наслнинг соғломлиги хусусида қайғуриш шулар жумласидандир. «Авесто»да атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жамоат, оила, шахсий озодлик, гигиена хусусида панд-насиҳатлар берилганда ақлий, жисмоний, руҳий, жинсий соғлом бўлиш омиллари ҳам бирма-бир санаб ўтиладики, унга риоя қилиш меъёри низомлари уқтирилади. Унда «соғлом, ақли ҳуши тетик фарзандларга, жасур, доно,

турли тилларни биладиган, узокни кўра биладиган ўғил-қизларга, юртни бало-қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларга, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган пок зийнат авлодларга олқишлар бўлсин» дейилган. «Авесто»даги кўплаб далиллар шуни кўрсатадики, қадимги аждодларимиз болаларнинг чақалоқлигидан жисмоний, ақлий ва жинсий тарбиясига жиддий эътибор беришган, уларнинг фикрича, ёш болалар очик ҳавода, жисмоний меҳнатга чиникиб вояга етишлари лозим.

«Авесто»да инсон организми мушак, суяк, тери, мия, асаб, бадан, томир ва қонга бўлинган. Баданнинг қуввати эса том, виждон, равон (тан), идрок ва азалий руҳ каби 5 қисмга бўлинган.

«Авесто»да муҳофаза қилиш, сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва болаларни чиниқтиришга ҳам катта эътибор берилган.

Шарқнинг атоқли мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоийнинг жисмоний тарбия, соғлиқни сақлаш ва гигиена ҳақида фикр-мулоҳазалари ҳозирги вақтда ҳам долзарб бўлиб, ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Абу Али ибн Сино бутун дунёга машҳур «Тиб қонунлари» китобини яратди. Олим рисоласини қуйидаги 5 та мустақил бобларга бўлган.

1. Тоза ҳаво.
2. Ҳаммом.
3. Таом.
4. Жисмоний ҳаракат.
5. Уйқу ва тетиклик.

Ибн Сино ўз рисоласининг тўртинчи бобида «жисмоний тарбия машқлари савия ва сон жиҳатдан жуда кишини чарчатадиган бўлмаслиги керак. Улар жуда тез ҳам бўлмаслиги керак, акс ҳолда улар қисқа давом этишига қарамай кишига узоқ бўлиб туюлади, шунингдек, бу машқлар ўта бўли бўлмаслиги ҳам керак, акс ҳолда улар узоқ давом этадиган машқлар бўлса ҳам кишига жуда қисқа бўлиб туюлмасин» - дейди. Соғлом турмуш тарзи ва соғлиқни сақлашда Абу Али ибн Сино асосан етти нарсага эътиборни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтади:

1. Мижозни мўътадил қилиш.
2. Ейиладиган ва ичиладиган овқатларни танлаш.
3. Гавдани чиқиндидан тозалаш.
4. Тўғри тузилишни тозалаш.
5. Бурун орқали олинадиган ҳавони етарли ва яхши олиш.
6. Кийимга эътибор бериш.
7. Жисмоний ва руҳий ҳаракатларни тартибга солиш.

Мижоз элементлари 4 га бўлинади: иссиқлик, совуқлик, хўллик ва қуруқлик.

Умуман олганда, мижоз иккига бўлинади: биринчиси ҳақиқий мўътадил мижоз (шартсиз рефлекс), бунда мижоз эгасидаги қарама-қарши кайфиятларнинг миқдорлари тенг бўлади. Иккинчисидан (шартли рефлекс) қарама-қарши кайфиятлар орасида мижоз мутлақо ўртада бўлмай, икки томоннинг бирига, яъни совуқлик ёки иссиқликка, хўллик ёки қуруқликка ёки ҳар иккисига мойилроқ бўлади.

Касалликнинг олдини олиш ва соғломлаштиришда мижоз элементларига эътибор берилса, яхши натижа беради. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари»

китобида касалликнинг олдини олиш, даволашга доир маслаҳатлар, инсон саломатлигининг атроф-муҳитдаги омилларга боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар билдирилган. Боланинг илк ёшидан бошлаб гигиеник асосда тарбиялашни Ибн Сино соғлиқни сақлашнинг энг асосий жиҳати деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, бола феъл-атворининг вазминлигига эътиборни қаратиш зарурдир. Руҳ ва тананинг соғлигини сақлашга шу тариқа эришилади. Болани гигиеник тарбиялашнинг умумий тизимида жисмоний машқлар етакчи ўрин эгаллайди. Абу Али ибн Сино буни даволаш деб атайди. Булардан кўришиб турибдики, Ибн Сино ўрта асрлардаёқ жисмоний тарбия машғулотларининг инсон ҳаётида тутган ўрни ва моҳиятини назарий асослаб берган.

XIII-XIV аср ўзбек поэзиясининг атоқли намоёниси, машҳур рубоийнавис шоир, оташин халқпарвар Паҳлавон Маҳмуд (1247-1326) ўз даврнинг ажойиб спортчиси ҳам бўлган. У миллий кураш бўйича халқ мусобақаларида қатнашиб, ҳамма рақибларини енгган, ғолиблик эвазига мукофотлар эмас, балки шу жой ҳокимларидан Хоразмдан келтирган қуллар ва асирларини озод этишни талаб қилган. Ўша даврда спортнинг кураш тури Туркистон ҳудудида гуркираб ривожланган ҳамда у халқ орасида жуда оммабоп бўлган.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур жисмоний тарбияга катта эътибор қаратган. «Темурномада» ёзилишича, Темур ўспиринлик даврида тенгдошлари билан ўзининг кўп вақтини жисмоний машқлар ва ҳарбий ўйинларга ажратган. Темурнинг ўзи ва ўйинларнинг бошқа иштирокчилари ҳам катта жисмоний тайёргарликдан сўнг буюк лашкарбошилар бўлиб етишган.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ўз асарларида жисмоний тарбия ва спорт ғояларини олдинга суриб, ўз қаҳрамонларини жисмонан кучли, бақувват ва чиройли инсонлар сифатида таърифлаганлар. Шундай қилиб, Шарқ мутафаккирлари бола соғлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишда жисмоний тарбиянинг аҳамиятига катта баҳо берганлар. Улар тоза ҳавонинг аҳамияти, терини парвариш қилиш қоидаларига, организмни чиниқтиришга жисмоний машқларга кўп эътибор берганлар.

Адабиётлар:

1. Джалилова Л.А. Жисмоний тарбия ва спорт тарихи. Т.:2013.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 30-октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ПФ-6099-сон фармони.
3. Kerimov A.F. Yakkakurash elementlariga ega bo'lgan harakatli o'yinlar. T. 2015.
4. Сафарова Д.Ж. Анатомия ва спорт морфологиясидан практикum. Т., 1999.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ - ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

П.С.Абдимуратов, Ж.П.Абдимуратов

Қорақалпоқ давлат университети

Талаба ёшларга баркамол авлод ҳақида тушунча бериш бу, одамларга меҳрибон, ғамқур, одобли, ақл-заковати, билимдонлиги билан бошқаларга ибрат бўладиган жисмоний ва маънавий соғлом шахс тушинилади. Баркамол инсон деб-

мақтоб билан гардаймайдиган, камшилигини бетига айтсанг ўзгармайдиган, бошкалар билан муносабатда ўзини камтарона тутадиган шахсларга нисбатан кўлланилиши айтилади.

Миллий таълим-тарбия ғоясини рўёбга чиқаришнинг устувор йўналишларидан бири ёшларнинг мустақил дунёқараш, ўз-ўзини англаш ва янгича тафаккурга эга, бобокалонларнинг беназир мероси ва умуминсоний кадриятларга таянадиган, жисмоний соғлом, маънавий бой ва ахлоқан пок, баркамол шахсни тарбиялашдир.

Ана шундай тарбия миллий менталитет ва таълимнинг миллий модели талабларига ҳамоҳанг бўлганлиги боис таълим тизимининг барча босқичларида талаба-ёшларни ўзини-ўзи англаш ва бошқаришнинг психологик мағзи мустаҳкам маънавий эътиқодни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

Талаба-ёшлар турли фаолият жараёнида таркиб топади. Зотан, ўқитувчи-мураббийнинг фаолияти жуда таъсирчан, ўзига хос гўзал ва шакл жиҳатидан ранг-баранг, маънавий завқ берувчи, баршага баробар хошмуомила, хушфеъл нафосат тарбияси ҳисобланади. Бинобарин, талаба-ёшларда ўз-ўзини англаш, эстетик ва жисмоний тарбия муҳим маънавий гўзалликка пухта замин ҳозирлайди.

Ёшлар учун энг муҳими уларнинг маънавий жиҳатдан камтарлик фазилати, баркамолликга интилишининг кучайишидир. Чунки, воқеликка, кишиларга муносабат чуқур ички маънавий интилиш орқали содир бўлади. Ўзининг ички дунёсини англаш, ёшларда қувонч билан бирга кўп ташвиш ва ички кечинмаларни ҳам келтириб чиқариши ҳақиқатдан узоқ эмас. Бунда асосий зиддият ички маънавий дунё «мен» билан, ташқи хулқ атвор меъёрларининг бир-бирига мос келмаслигидадир. Бу эса ёшларда ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини назорат қилишнинг кучайиши билан характерланади.

Ёшларда ўзлигини англашнинг такрорланмас хусусиятлари билан бирга шахсий, ахлоқий ва касбий масалаларни ҳал қилишда яққалик ҳиссини сезиши ҳам жуда муҳим хусусиятга эга. Шунга кўра ўз ҳаётига доир масалаларни груҳ раҳбарлари ва ўқитувчилари билан ҳамжиҳатликда муҳокама қилишга эҳтиёж кучаяди. Буларнинг ҳаммаси негизида келажак масаласи, яъни келажак орзулар ҳақида ўйлар, ёшлар фикри-зикрида белгиловчи бўлиб қолади. Натижада бу масалаларни ҳал қилишда ўз мураббийларина бўлган зарурликга, мулоқотга эҳтиёж сезади. Ёшларда жинсий балоғатга етишишнинг кучайиши севги-муҳаббат ҳисларини унинг ҳаётида муҳим масалага айлантиради ва ҳаётга қизиқиши пайдо бўлади ва мустаҳкамлана боради.

Шахсий мақсадларнинг умумлашиб ва йириклашиб бориши асосида ахлоқий-эстетик кадриятларнинг барқарорлашиши юз беради. Шунингдек, мотив ва мақсадлар ойдинлашиб, табақалашади. Мавҳум, орзу тарзидаги ҳаёт мақсадлари аниқланиб, аниқ бир идеал тариқасида шаклланади. Ҳаёт мақсади ва у асосида шаклланган идеал бир вақтнинг ўзида мураккаб тузилишга эга бўлиб, ёшлар ҳаётида ижтимоий ва ахлоқий ҳодиса даражасига кўтарилади. «Ким бўламан?» ва «Қанақа бўламан» тушунчалари аввал аниқ англашилмаган бўлса, энди ёшлик даврида аниқ ҳаёт мақсадига айланадики, бу эса унинг ахлоқий -эстетик идеалининг моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнида буни эътиборга олиш ёшларда келажакка ишонч ва ўзини-ўзи англаш тушунчаларини кенгайтириб боради. Ёшлик-талабалик даврининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврда

ўзлигини англашда кескин ўзгаришлар содир бўлади. Ўз навбатида айрим шахсий сифатларнинг умумийлашиб, яхлит ҳолда шаклланишига олиб келади. Ўзига баҳо беришда ҳам аввалги яхши-ёмондан аниқлашиб, фаолиятдаги муваффақият ва муваффақиятсизликни бир-биридан ажратиш, сабабларини аниқлаш асосида ўзига баҳо беришда аниқ ёндашиш белгиловчи мезон бўлади.

Ёшлар ўзини англашда ўзидаги салбий сифатларни тузатиш масаласига ўзига танқидий қараш асосида ижобий ахлоқий сифатларни шакллантиришга интилиш кучаяди. Бу ўз хатти-ҳаракатига эмоционал баҳо беришдан босиқлик, вазминлик орқали ўз хатти-ҳаракатига баҳо бериш кучаяди. Бу даврда ўзларини аниқ бир жинс сифатида англаши натижасида бошқа жинсга муносабатлар, қизиқишлар шакллана боради.

Талаба-ёшлар ўзининг такрорланмас мукамаллигини, бошқаларга ўхшамаслигини англаши, бошқалардан алоҳида бўлишга интилишига олиб келади. Улардаги билимга бўлган кучли интилиш, ўзини билишга бўлган қизиқишни оширади. Ёшларда ўзи ҳақидаги тасаввур албатта, бошқаларга, айниқса, ўзини тушунишни истаган киши билан солиштиришга эҳтиёж сезади, ўзига баҳо бериш ёш ўтиши билан маълум сифатларни ҳамда маълум мезонларни танлаш билан характерланади. Оқибатда талаба-ёшларда эътиқод, савия, ақлий қобилият, эмоция ва ирода каби хислатларга муносабат кескин ошади.

Шу билан бирга меҳнатга ва бошқа кишиларга бўлган қизиқиши кучайиб, шахс сифатларига баҳо беришда алоҳида шахсларга эмас, умуман, инсоний сифатларга эътибор кучаяди. Шу асосда ўзига тавсиф бериш умумлашиб, айрим сифатларга алоҳида ёндашиши, уларни ҳурматли кишилар сифатлари билан таққослашга эътибор бериш кучаяди.

Ёшларнинг психологик ўзгаришлари кишини идрок қилишда ҳам қатор ўзгаришларни келтириб чиқарди. Масалан, кишиларга баҳо беришда танлаш муфассал кетма-кетликда инсоний сифатларни баён қилиш, киши хулқ-атворини таҳлил қилиш ва тушунтириш, уни ишонарли, аниқ тасвирлаш каби хусусиятлар ривожланади. Талаба-ёшлар ўзларига баҳо берганда ҳам шахсий ва психологик характердаги белгиларни изоҳлаш билан бирга ўзининг бошқалардан фарқини кўрсатишга алоҳида эътибор берилади, «мен» ини баҳолашда ақлоқий-психологик, одоб, камтарлик фазилатлари шакллана боради.

Талабалик ёши ўқиш-ўқитиш ва тарбия учун энг қулай ёш даври ҳисобланади. Чунки мазкур ёш талабаларда турмушда ўз ўрнини топиш, касб эгаллаш, ихтисослик танлаш ва истиқбол режаларини тузиш, келажакда жиддий муносабатда бўлиш хусусиятлари яққол намаён бўлади. Шу билан бу даврда жўшқин, куч-ғайрат, шижоат, қаҳрамонлик кўрсатишга интилиш ҳётда эркин ва мустақил ҳаракат қилиш, дунёқараш асосининг шаклланиши. Кишиларга, жамиятга романтик муносабатда бўлиш хислатлари шакллана боради.

Талабалик даврининг яна бир характерли томони шундаки, ўзига танқидий қараш, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, ўз-ўзини тарбиялашга ички эҳтиёж кучаяди. Мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёшларда ўз ўрнини ҳаётда топиш, Ватан йўлида хизмат қилиш истаги, инсоний бурчни чуқур англаш хислатлари кучаяди ва ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш истаги ҳам кучаяди. Бунинг оқибатида уларда ўқув юрти, ва ундан ташқаридаги ижтимоий

ишларда иштирок этиш, фан асосларини эгаллаш, касб-ҳунар ўрганишга жиддий ва ижодий ёндашиш майллари барқарор тус ола бошлайди. Шунинг учун ўқув муассасалари маъмурияти, гуруҳ раҳбарлари, тарбиячилар ёшлардаги бу хусусият ва иштиёқни ўсганлигидан тўғри фойдаланишлари лозим. Аммо, шу билан бирга ҳали хатти-ҳаракатларига ортиқча баҳо бериш ҳоллари ҳам батамом уни тарк этмаган бўлади.

Шуни ҳисобга олиб, ўқитувчи, тарбиячилар талаба-ёшларга ўзининг фазилатлари тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилишга моҳироналик билан ёрдам беришлари лозим. Профессор-ўқитувчилар, педагог-кураторлар нафақат ўзлари ўқитадиган фанларни ҳар томонлама чуқур билишлари, балки талаба-ёшлар учун юксак инсоний хислатлар намунаси, яъни ахлоқий поклик, эстетик гўзалликнинг тимсоллари ҳам бўлишлари лозимдир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Ю.Пурханов

Қорақалпоқ давлат университети

Янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялаш учун таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни ҳозирги давр талаби даражасига кўтариш зарур. Албатта, замон талабларига жавоб берадиган баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди.

Сўнги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унга қарашли таълим муассасалари томонидан қатор самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2017 йил ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикасида жами 1068 та таълим муассасалари бўлиб, улардан 705 умумий ўрта таълим мактаблари ва 1 та меҳрибонлик уйи (шундан 1 таси махсус мактаб, 3 таси махсус мактаб-интернатлари), 306 та мактабгача таълим муассасалари 17 та Баркамол авлод болалар марказлари фаолият кўрсатган [1]. 2018-2019 ўқув йилида мактаблар сони 1 тага ортиб, жами 706 та мактабда 325943 ўқувчи таълим олган бўлсалар, 2019-2020 ўқув йилида эса жами 725 та мактабда 344042 ўқувчи таълим олдилар [2].

Ушбу маълумотлардан кўринадики, ҳар йили мактаблар ва таълим олаётган ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия берадиган, замонавий талабларга мос, чет тилларни ўзлаштирган, педагогик малакага эга, маҳоратли ўқитувчиларга бўлган талабни юзага келтиради. Чунки бугунги давр ўқитувчиси замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион педагогик технологияларни эгаллаган, креатив фикрлайдиган, педагогик компетенцияга эга мутахассис бўлиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларида 2017-2018 ўқув йилида 294 136 нафар ўқувчи таълим олиб, шундан қорақалпоқ тилида 103 577 нафар, ўзбек тилида 127 983, қозоқ тилида 19 334, рус тилида 34 155 ва туркман тилида 9081 нафар ўқувчи таълим олмоқда

[3]. Ушбу ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия беришда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида 2017-2018 ўқув йилида 31331 нафар ўқитувчилар фаолият олиб борди. Шундан, 23615 нафари аёллар (75,4%), олий маълумотли 26717 нафар (85,3%), ўрта махсус маълумотлилар 4614 нафар (14,7%) педагог ходимлардан иборат. Кадрлар билан таъминланганлиги 99,8% ниташкил қилади (2017 й. ҳолати). Кадрлар билан таъминланганлик яхши кўрсаткич, лекин аёл ўқитувчиларга нисбатан эркак ўқитувчилар сонининг озлиги, тарбия жараёнига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

Бугунги кунга қадар ўрта маълумотга эга педагог кадрларнинг ўрнини олий маълумотга эга педагог кадрлар билан тўлдириш ишлари олиб борилмоқда. Сўнги йилларда республикада олиб борилаётган таълим тизимидаги асосий ислохатлар туфайли барча олий таълим муассасаларида сиртқи ва кечки ўқув бўлимларининг очилиши, болалар боғчаси ва мактабларда фаолият олиб бораётган ходимларни олий маълумотга эга мутахассислар этиб қайта тайёрлаш имконини яратди.

Жумладан, олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида: олий ўқув юртларида талабаларнинг ишдан ажралмаган ҳолда ўқишини таъминлаш мақсадида сиртқи ва кечки таълим шаклларида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, бунда рақамли технологияларга асосланган замонавий таълим технологияларини жорий этиш асосий мақсад этиб белгиланган [4].

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таркибида 2011-2018 йиллар давомида фаолият олиб борган ўрта маълумотга эга педагог кадрлар сонининг фоиз кўрсаткичлари йиллар кесимида солиштирилганида озаёнлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал) [3].

1-жадвал

2011-2018 йиллар давомида ўрта маълумотга эга педагог кадрлар сони ҳақида маълумот

№	Ўқув йили	Ўрта маълумотли педагоглар сони	Фоиз кўрсаткичлари
1	2011-2012 й й.	8827	27%
2	2012-2013 й й.	7974	25,16%
3	2013-2014 й й.	6943	23,1%
4	2014-2015 й й.	6095	20,8%
5	2015-2016 й й.	5450	18,5%
6	2016-2017 й й.	4835	16,2%)
7	2017-2018 й й.	4614	14,7%)

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги туб ислохатлар негизида ўқитиш сифати ва самарадорлигини миллий ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш; сифатли таълим хизматлари имкониятларин ошириш; меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакага эга кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; умумий ўрта

таълим сифатини тубдан ошириш; таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш” [5] устувор вазифа этиб белгиланган.

Чунки бугунги кунда мамлакатимиз дунёнинг ривожланган давлатлари каторидан жой эгаллашида ўқувчи-ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида ислохотлар жадаллик билан амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, умумий ўрта таълим муассасаларида ягона “Тарбия” фанининг ташкил этилиши ислохотларнинг амалий исботи ҳисобланади. Чунки ўтмишдан ота-боболаримиз халқ педагогикасида бола тарбиясига, айниқса, асосий эътиборни одоб-ахлоқ тарбиясига қаратган. Халқ педагогикаси болаларни ақлли бўлиш, тўғри сўзликлик, меҳнаткаш бўлиш, яхшилик билан ёмонликнинг фарқини тушуниш, адолатли бўлиш, ота-онага ҳурмат-иззат кўрсатиш, онгли фикр юритиш, ватанни севиш, ватанга хизмат қилиш, мардлик каби фазилатлар асосида тарбиялайди. Ҳақиқатан ҳам, халқ оғзаки ижодиётидаги инсонийлик, меҳнатсеварлик, ватанга содиқлик, мардлик ҳис туйғулар ёшлар тарбиясини сифатли шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда давлатимиз томонидан қабул қилинган таълимга оид қонун ва қарорлар, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш таълим тизимида фаолият олиб бораётган малакали, маҳоратли, жонкуяр педагог-ўқитувчиларга боғлиқ.

Ўқитувчининг фаолияти ҳар доим гуманистик, умуминсоний принципни ўз ичига олади. Унинг онгли равишда олдинга силжиши, келажак учун хизмат қилиш истаги ҳамма замонлардаги илғор ўқитувчиларга хос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Немис ўқитувчиларининг ўқитувчиси деб номланган Дистервег таълимнинг умумбашарий мақсадини - ҳақиқат, эзгулик ва гўзалликка хизмат қилиш ғоясини илгари сурган эди: “Ҳар бир инсонда, ҳар бир халқда инсонпарварлик деб номланган фикрлаш тарзини тарбиялаш керак: бу эзгу умуминсоний мақсадларга интилиш”-деб, тўғри таъкидлаганди [6]. Ушбу мақсадни амалга оширишда ўқувчи учун ибрат, намуна бўладиган ўқитувчининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида 2017 йилнинг 12 ой давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, 2019 йил 24 декабрдаги коллегия мажлиси материали.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, 2016 йил 12 ноябрдаги коллегия мажлиси материали.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 6-сон. 70-модда.

6. Слостенин В.А. и др. Педагогика .Учеб. пособие для студ. высш. пед.учеб. заведений. –М.: Издательский центр “Академия”, 2013.-576 с.

ОЛИМПИЗМ ҒОЯЛАРИ - ОИЛА САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИЙ МЕЪЗОНЛАРИ СИФАТИДА

А.А.Ниязова

Нукус давлат педагогика институти

Мамлакатимизда юрт тинчлиги билан биргаликда инсон саломатлигига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Инсон манфаатларига қаратилган тизимли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур ислохотлар доирасида оила негизида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Чунки мамлакат келажаги ҳар томонлама етук бўлган ёш авлоднинг кўлида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада Конституциямизнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи аэга”, 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”, 66-моддасида “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” деб алоҳида қайд этилганлиги оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, ўзимизга хос бўлган турмуш тарзимизни, миллий қадриятларимизни сақлаб келмоқда. Мазкур ёндошув оиланинг аҳиллигини, ўзаро ҳурматга асосланишини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Яъни, мамлакатимизда оилаларнинг мустаҳкамлиги давлат ва жамият манфаатларига асосланмоқда. Шунинг учун ҳам оила негизида баркамол авлодни тарбиялаш ва шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Албатта, баркамол авлодни тарбиялашда таълим тизими имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиш ўз самарасини беради. Шу мақсадда мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, таълим соҳасига устувор йўналиш сифатида ёндошилиб, узлуксиз равишда такомиллаштирилиб, замонавийлаштирилиб келинмоқда. Бу борада Президентимизнинг қуйидаги фикрлари таҳсинга лойиқдир: “Илгари бундай иморатлар қаерда эди? Биз, айтайлик, кимнидир ҳайратда қолдирмоқчи бўлсак, меҳмонларни қаерга олиб борар эдик? Қорамоллар боқиладиган фермага. Шунча сигиримиз бор ва улардан йилига бунча сут олинади, деб мақтанар эдик. Бугун биз нима билан мақтанаяпмиз, мақтаниш объекти ва субъекти ким бўлди? Бизнинг таълим-тарбия масканларимиз ва уларда ўқиётган болаларимиз эмасми? Айни шу йўлни танлаганимиз энг тўғри, тарихий кадам бўлди. Чунки, бизнинг эртанги кунимизни ким қуради—болаларимиз қуради, индинги кунимизни ким қуради—невраларимиз қуради. Шу нуқтаи назардан қараганда, энг тўғри йўл—таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, янада мустаҳкамлаш йўлидир. Биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз” [1]. Яъни, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи доимо давлатимиз ва жамиятимизнинг диққат марказида бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам ёшларни илмга қизиқишини янада ошириб бориш биз танлаган йўлнинг асосий моҳиятини белгилаб беради. «**Мен ёшларимизга**, менинг болаларимга қарата, ўрганишдан ҳеч қачон чарчаманглар, деб айтмоқчиман. Ўрганиш, интилиш ҳеч қачон айб саналмайди. Ниманидир билмасанг, уни ўрганиш

зарур. Авваламбор, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларга нима лозим? **Ўрганиш, ўрганиш ва яна бир бор ўрганиш** керак. **Касб ўрганган, илм ўрганган** киши, ўзбекона айтганда, **ҳеч қачон кам бўлмайди**” [2]. Ёшларнинг илмга қизиқиши тараққиётни таъминлаб беради. Чунки илм-маърифат орқали янги технологияларни ўзлаштириш, яратиш мумкин. Шундагина биз замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин оламиз. Ёшларнинг илмга бўлган муносабатини шакллантиришда уларнинг саломатлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳақиқатни “Соғлом танда, соғлом фикр”нақлининг аҳамиятидан ҳам билиш мумкин.

Бугунги кунда ушбу масалага жисмоний тарбия ва спорт орқали эришишга ҳаракат қилинмоқда. Бирок, жисмоний тарбия ва спорт билан аҳолининг мунтазам шуғулланишида маълум бир омиллар ўз таъсирини сақлаб қолмоқда. Масалан, Академик Саидахроқ Ғуломовнинг фикрича Ўрта Осиё халқларида оилаларнинг ҳаражатлари интеллектни ривожлантиришга қаратилмаган [3]. Ўрта Осиё халқарида таълим, спортга нисбатан бошқа омилларга эътиборнинг юқорилиги соғлом турмуш тарзини шакллантиришда салбий таъсир қилиб келмоқда.

№	Ҳаражат турлари	Ўрта Осиёда	Европа Иттифоқида
1.	Ҳашаматли уй–жойлар ва дабдабали (роскошь)	20 %	15%
2.	Тўй, чаллари, гап, чойхона ва ҳоказо	20 %	3%

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш–энг олий саодатдир.-Т: Ўзбекистон,2015.-Б.260-261.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш–энг олий саодатдир.-Т: Ўзбекистон,2015.-Б.240.
3. ЎзР ФА академиги, и.ф.д, проф. Саидахроқ Ғуломовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ёшлар салоҳиятини юксалтириш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишни энг муҳим шарт” номли маърузасидан.

ДЕНЕ ТЭРБИЯСИ ХЭМ СПОРТ ПЕНЕН ШУҒУЛЛАНЫЎШЫЛАРДЫҢ РУЎХЫЙ ЖЕТИЛИСИЎИН ҚЭЛИПЛЕСТИРИЎ МЭСЕЛЕЛЕРИ

М.Юлдашева, Р.Матчанова

*Ўзбекистан мамлекетлик дене тәрбиясы хэм спорт университети
Нөкис филиалы*

Перзентлеримизди физикалық хэм руўхый жақтан жетик инсан етип тәрбиялаў хэр бир ата-ана менен биргеликте устаз тренерлердин де баслы ўазыйпаларынан есапланады. Дене тәрбиясы хэм спорт пенен шуғулланыў арқалы жасларды руўхый тәрәптен кәмил инсан етип тәрбиялаў болса, хэзирги дэўирдин тийкарғы әҳмийетли мәселелеринен бири болып табылады. Дене тәрбиясы менен шуғулланыў

процессинде оқыўшылар өз ара бир-бири менен, сондай-ақ жәмийеттиң басқада ағзалары менен байланыста болады. Физикалық шынығыўлар менен шуғулланыў ушын материаллық хәм руўхый баҳалыққа ийе болған спорт инвентарлары хәм үскенелерден пайдаланады. Спортшылардың бир-бири менен өз-ара мүнәсибети, олардың қатнасы хәм социаллық орталық, тәбият факторлары тәсири менен байланысly. Олардың алдында жәмийет әдеп-иқрамлылық талапларына жуўап бериў машқаласын қояды.

Мәмлекет спортшысы - бул миллет ўекили, сол жәмийет ағзасының әдеп-иқрамлылық үлгиси есапланады. Сонлықтан спортшыларымызда әдеп-иқрамлылық нормалары жоқары дәрежеде қәлиплескен, пикирлеў шеңбери кең, руўхый дүньясы бай, кирисиўшең жәнеде жоқары шөлкемлестириўшилиқ қәбилетине ийе болыўы үлкен рол ойнайды. Спортшы әдеп-иқрамлылық тәрбиясының зәрүр қәсийетлери, оны физикалық тәрбия процессинде әмелге асырылыўына төмендегише бағдар берилмекте. Жәмийетшилиқ миннетине социал мүнәсибетте болыў, искерлигин өзиниң жеке иси менен бирдей көриўи, мәмлекет хәм жәмийет ислерин төмен дәрежеде көрмеўи, өзиниң физикалық тәрбиясына саналы мүнәсибетте болыўы, Ўатан талабына хәрқашан таяр турыў-булар хәр бир жәмийет ағзасының улыўмалық миннети есапланады.

Мәмлекет спортшысының халықаралық ареналардағы жеңислериниң шешиўши факторы, өзиниң халқы, Ўатаны алдындағы жуўапкершилиқ сезимин сезе алыўында. Жәмийет мүлкине социаллық мүнәсибетте болыўын дене тәрбиясы сабағында тәрбиялаў, шуғылланыўшыларды ислетип атырған спорт инвентарлары хәм имаратларына абайлы қатнаста болыўға үйретиў, спорт майданшаларын талап дәрежесинде қайта инвентарлар менен тәмийинлеў жумысларында қатнасыў арқалы тәрбияланады. Мийнетке социаллық мүнәсибетте болыў жәмийет ағзаларының әдеп-иқрамлылық қағыйдаларының ең тийкарғысы есапланады. Физикалық шынығыўлар менен шуғылланыў оларда мийнетке, жоқары ислеп шығарыў процессинде қатнасыўға хәм өзиниң хәр тәрәплеме гармоник раўажланыўын әмелге асырыў имканиятын жаратады. Жоқары нәтийжеге ерисиў машаққатлы хәм аўыр болып, спортшылардан шыдам менен мийнет етиўди, өз үстинде ислеўди талап етеди. Булар арқалы рекордларды жаңалап ғана қалмастан, өзинде мийнет процессии ушын зәрүр болған ерк, тәртип-интизам, мийнет етиўге әдетлениўди қәлиплестиреди, мийнетти қәдирлеўге үйретеди. Гимнастика, спорт ойынлары, туризм хәм басқа физикалық шынығыўлар менен тәрбияланыўшылардан орнатылған қағыйда хәм тәртипти қатаң талап етеди. Оларды орынлай алмаў болса өз гезегинде спортшыны ямаса тәрбияланыўшыны мақсетинен узақластырады. Спортшы өмирин қәўип астында қалдырады. Спорт ойынлары даўамында оның әдеп-иқрамлылық тәрбиясының нәтийжесин гүзетиўдиң өзи жеткиликли болады. Мәселен, топ ушын гүресип атырған ўақытта ойыншы бир бири менен соқлығысып кетти деп есаплайық, кимдир айыплы. Қопаллыққа сиз хәм жуўап бергиңиз келеди, лекин спортшының өзин-өзи қолға алыўы хәм бул жағдайды тыныш жол менен шешиў ушын әдеп-иқрамлылық норма талаплары басым болыўы кереклигин талап етеди. Әдеп-иқрамлылық қағыйдалары инсанды хұрмет етиўге, келешек ушын, тынышлық ушын гүресийге шақырады, бир-бирин қоллап-қуўатлаў, жәрдем бериў, әсиресе жарыслар даўамында өз-ара дослық жәрдеми сыпатында өз көринсин табады. Шығыс халықларында

эийемнен өз қарсыласларына қарата гуманизм руўхы жоқары есапланған. Демек беккем ден-саўлық хэм физикалық таярлық жәмийет ағзасынын әдеп-икрамлылық нормаларын, ерк сыпатларын тәрбиялайды.

Дене тәрбиясы процессинде эстетикалық тәрбияның айырым ўазыйпалары шешиледи хэм жолға қойылады. Мүнәсибет эстетикасын, мәдениятын тәрбиялаў дене тәрбиясы менен шуғулланыў хэм спорт ойынлары даўамында инсанның бәрше физикалық сыпатлары менен бирге қәлиплесип, жетилисип барады. Спортшының жүрис-турысы турмыста хэм оннан тысқарыда хәўес қыларлық дәрежеде болыўы лазым.

Гөззаллықты аңлаў хэм қабыллай алыў қәбилети, спорт техникасы, хәрекетлер нәзиклиги көринисиндеги жасырын гөззаллықты сезе алыўды тәрбиялаў эстетик тәрбия негизинде жатады. Дене тәрбиясы процессинде пайдаланылып атырған хәрекет искерлиги бир-бирине уқсас емес. Спортда гөззаллықты аңлай алыў адамға өзгеше бир сезим бағышлайды. Спорт гүреслеринде гөззаллықты, шырайлылықты көре алсақ, бул бизиң эстетик талғамымыздың дәрежесин көрсетеди. Мәселен, боксшы өзинде руўхый, әдеп-икрамлылық, физикалық сыпатларын раўажландырады. Күшли боксшы мәрт, ерки күшли, батыр болыўы әмелияттан белгили, оның бокс түсиўин талғам менен түсинип, тамашалай алсаңыз, ол сизге эстетикалық заўық бағышлайды.

Хәзирги ўақытта жоқары тәжирийбели спортшыларды таярлаў хэм оларды спорт жарысларында турақлы рәўиште жетискенликлерге ерисип келиўин тәмийинлеўде әдеп-икрамлылық хэм эстетикалық тәрбияның жүдә үлкен әхмийетке ийе. Руўхый тәрәптен жетик болған спортшы Ўатаны, мәмлекети, командаласларының, өзиниң шаңарағы намысы, абыройы ушын гүреседи. Әлбетте нәтийжелер қандай болыўына қарамастан өзиниң статусын, абыройын жоғалтпайды. Жеңистен еси аўып, жұлдызлық кеселлигине шалынбайды, жеңилиске болса, бас ийип, дize бүкпейди.

Әдебиятлар:

1. Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёевтың 2020-жыл 30-октябрьдеги ПФ-6099-санлы «Саламат турмыс тәризин кеңнен үгит-нәсиятлаў хэм ғалабалық спортты спортты буннан былай да раўажландырыў илажлары ҳаққында»ғы пәрманы.

KURASH MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA O'QUVCHI-YOSHLARNING MA'NAViy VA JISMONiy BARKAMOLLIGINI TARBIYALASH

R.Sohibnazarov, A.Samandarov

Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni ilmiy-metodik ta'minlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish markazi Samarqand filiali

Annotatsiya: Ushbu maqolada kurash mashg'ulotlari jarayonida o'quvchi-yoshlarning barkamol inson bo'lib tarbiyalanishida yuksak ma'naviy qadriyatlarining o'rni va roli ko'rsatib berilgan. Yurtimizning bugungi kunida kurash mashg'ulotlari orqali

yoshlarning kelajagi barkamol va salohiyatli avlodni tarbiyalashiga bog'liq bo'lgan holatlar yoritilgan.

Kalit so'zlar; Kurash mashg'ulotlari, ma'naviy borlik, ahloq ideal, intellektual rivojlangan, yuksak ma'naviyat, salohiyat, qadriyat, yuksak ahloqiy tarbiya.

Qadimiy qadriyatlarimiz, xususan mardlik, jasurlik, vatanparvarlik, gumanizm g'oyalarini o'zida mujassam etgan milliy sportimiz bo'lgan kurashni ommalashtirish, rivojlantirish va dunyoga tanitish hamda ushbu qadriyatimizni umumjahon durdonasiga aylantirish bo'yicha qator ishlar amalga oshirilmoqda.

Shu bilan birga, kurashning tobora ommalashib borayotganligi nufuzli xalqaro musobaqalarni tashkil qilishga, mavjud infratuzilma va moddiy-texnik bazani modernizatsiya qilishga, sport inventarlari va kiyimlari ta'minotini yaxshilashga, bu borada ishlab chiqarishni kengaytirishga, shuningdek, soha uchun malakali kadrlar, trenerlar va hakamlar tayyorlashga bo'lgan e'tiborni yanada kuchaytirishni talab etmoqda.

Buyuk ajdodlarimizdan meros qolgan kurash sportining boy an'analari va qadriyatlarini kelajak avlodlarga yetkazish, o'zbek sporti brendi nomi bilan kurashning jahon arenasidagi rolini oshirish, yoshlarning milliy sportga bo'lgan qiziqishlarini qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish orqali ularda vatanparvarlik tuyg'usini yanada mustahkamlash, aholining barcha qatlamlari, ayniqsa, yoshlarning, shuningdek, jahon xalqlarining mazkur sport turi bilan shug'ullanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining **"Kurash milliy sport turini rivojlantirish va uning xalqaro nufuzini yanada oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"** 2020 yil 4 noyabr, PQ-4881-son qarori qabul qilindi. Mazkur qarorda kurash milliy sport turini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari etib quyidagilar belgilangan:

-aholining barcha qatlamlarini kurash bilan shug'ullanishga keng jalb qilish hamda O'zbekistonda kurashni umumxalq sport turiga aylantirish;

-kurashni ommalashtirish, uning jahon sporti durdonasiga aylanishiga va Xalqaro olimpiya o'yinlari dasturiga kiritilishiga erishish;

-kurash bilan shug'ullanish uchun zarur moddiy-texnik baza va infratuzilmani shakllantirish;

-Qurolli Kuchlar va huquqni muhofaza qiluvchi organlarning jismoniy tayyorgarlik mashg'ulotlarida bosqichma-bosqich kurash hamda jangovar kurashni ustuvor sport turlari sifatida kiritish;

-kurash bo'yicha professional trenerlar, hakamlar tayyorlash, o'quv-uslubiy qo'llanmalar ishlab chiqish, kurashning ilmiy-metodologik bazasini kuchaytirish;

-o'zbek kurashi brendini yaratish, investitsiyalarni jalb etgan holda yaktak sport kiyimlari va kurash gilamlarini ishlab chiqarish, kurashni tijoratlashtirish choralari ko'rish;

-kurashni aholi o'rtasida, shu jumladan ommaviy axborot vositalari orqali keng targ'ib qilish.

Ruhan etuk inson jismonan kuchli, jasur, sabrli, g'alaba uchun kurashadi va tushunadigan odamlar sifatida belgilanishga tayyor. Axloqiy barkamollik bunday munosabatlarning jismoniy etukligini o'rnini bosadi, jamiyatimiz rivojlanishida muhim rol o'ynaydi.

Ming yillik kurash tarixini chuqur o'rganish natijasida, haqiqatan ham sportchilarga namuna sifatida kurashning boshlanishi, jismoniy va ma'naviy kamolot sharaf, qadr-

qimmatdan iboratdir. Shu sababli, bir tomondan sportchilar, jismoniy baquvvatliligi, yosh yoki kurashchanlik holati va yurishi, harakatchanligi, epchilligi va epchilligi jihatlari va ularning tashqi ko‘rinishi, axloqiy va axloqiy, ma’naviy, raqobatchilar, jamiyat va muloqotni tomosha qilishning keng doirasi, vatanparvarlik alohida o‘rin tutadi.

Kurash nafaqat sport turi, balki jismoniy, ma’naviy etuklikka erishish vositasidir. Buyuk ajdodlar jangovar mashg‘ulot deb atashgan. Ushbu maktab ular quyidagicha qo‘shiq kuylashganda maydonni ko‘rdilar:

- sportchi o‘z yurtiga xiyonat qilmaslikka qasam ichadi, lekin men hech qachon ichmayman.

- sportchiga xarid qilish, zino qilish, aldash, giyohvandlikka qarshi kurashish kabi yo‘llardan yurish taqiqlanadi.

- ketavermaydilar nima bo‘lishidan qat’i nazar, o‘z maqsadini izlamaydigan, irodali sportchi odamlar.

- zaif va kambag‘allarni, halol kurashchilarni jamiyatdagi muhtojlarga beriladigan mukofot ulushini olish uchun himoya qilish.

- saxiylik, insonparvarlik va boshqalardan ajratilgan dushmani chuqur hurmat qilish sportchisi.

- ularning natijalariga qaramay, sportchi.

Ko‘p asrlar davomida shakllangan va yuqorida keltirilgan ta’rif bilan kurashish falsafalari quyidagilarni o‘z ichiga olishi mumkin:

- Mustaqil istiqbollari va erkin fikrlashni shakllantirish;

- erkin fikr yuritish, erkin muloyim va jur’atsizlikdan foydalanish, odamlarni bilim va qat’iyat kuchiga ishonishlariga jonli ravishda o‘rgatish;

- xalqning, ayniqsa yoshlarning irodasini kuchaytirish, imonni mustahkamlashga, ma’naviy muhitni yaratishga xizmat qiladi;

- mehr-oqibat kabi fazilatlarini takomillashtirish uchun insonning o‘zini anglashini, muqaddas qadriyatlarini saqlash.

Ishonch bilan aytishim mumkinki, odamlarni halollik, chidamlilik va sabr-bardoshga intilishga o‘rgatish, qiyinchiliklarni engib o‘tish va inson qalbiga g‘urur va o‘ziga ishonchni o‘rgatish, yashin bo‘lish uchun javob berish uchun yashin ehtiyojlariga xizmat qiladigan kurash tashkilotini yutish uchun g‘urur va o‘ziga ishonch. o‘zlarining noyob hissalarini ishlab chiqdilar. Zero, sportchi katta natijalarga erishish uchun juda muhimdir.

Turli xil mamlakatlarning bir-biriga yaxshi munosabatda bo‘lgan yondashuvga rioya qilish uchun kurashishi va birgalikda ruhiy va jismoniy salomatligi qiyin. Bu, shubhasiz, bizning yutug‘imiz.

Jismoniy, ma’naviy kamolot orqali nafaqat sport bilan, balki insoniyat jamiyatida ham kurash olib borish buyuk ajdodlarimiz erishgan yutuqlarning muhim omili bo‘lib, uni ataganliklarini o‘qitish maktabi sifatida qabul qildi.

Shunday qilib, jangovar harakatlar jarayonida o‘quvchilar ma’naviy va jismoniy farovonligi, dunyoqarashi, e’tiqodi, munosabati, xulq-atvori va axloqida bevosita ishtirok etishi bilan ajralib turadi. Ma’naviy va jismoniy jihatdan rivojlangan talabalar - yoshlar odamlar taqdiri va farovonligi haqida, Vatan taqdiri va uning gullab-yashnashi haqida o‘ylashadi. Boshqacha qilib aytganda, ma’naviy etuk odamlar buyuk kelajak yaratishi mumkin. Yoshlar jismoniy shaxsning ma’naviyatini doimiy ravishda kuzatib boradi va ularni hayot tarziga aylantirish mumkin. Agar jismoniy tarbiya va sport bilan

shug'ullanadigan odamlar ma'naviyatiga milliy mentalitetimizdan olijanoblik va mehr-oqibat tushgan bo'lsa, bu tuyg'ular o'z yo'llarini davom ettirayotgan yoshlarda ham namoyon bo'ladi. Jismoniy barkamollikka erishganlar, hatto yoshligida ham, jamiyatdagi har qanday keraksiz, jirkanch, befoyda suiiste'mollardan yiroq davlatni shakllantiradi. Kurashchilar o'zlarining har qanday harakatlarini boshqarish uchun o'zlarining his-tuyg'ularini o'rgatishadi va bu ularga raqobatda yaxshi ishtirok etishlariga imkon beradi. Jangda qatnashgan yoshlarning ma'naviyatini o'rganar ekanmiz, oilalar, murabbiylar va atrofdagi do'stlarni ma'naviy tadqiq qilishimiz kerak. Shuning uchun ham ma'naviy etuk insonni, sog'lom avlodni tarbiyalash muhim muammo hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. A.Q. Atoev. Kurash o'smir va yoshlarni kurashga o'rgatishning vositalari. - T., 1987. - 15 b.
2. A.Q. Atoev. O'quvchi yoshlarni o'zbek kurashiga o'rgatish uslubiyati. - T., 2005. - 56 b.
3. A.F. Kerimov. Kurash tushaman.-T., 1990. - 110 b.
4. K. Yusupov. Kurash xalqaro qoidalari, texnikasi va taktikasi. -T., 2005. 20 b.
5. S. Ochilov. Mustaqillik ma'naviyati va tarbiya asoslari. T., 1997. - 56 b.
6. J.Tulenov. Qadriyatlar falsafasi. T., 1998. - 24 b.
7. N. Xo'jamurodov. Ma'naviyat qadriyatlar va milliy o'zligini anglash. T.,1991. - 35 b.

JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA TALABA-YOSHLARNI JISMONIY VA MA'NAVIY-INTELLEKTUAL SALOMATLIGINI OSHIRISH MUAMMOLARI

I. Narziqulov¹, F.Qosimov²

¹Samarqand davlat arxitektura qurilish instituti

²Samarqand davlat universiteti

So'nggi yillarda aholi salomatligini mustahkamlash, ularni jismoniy tarbiya va ommaviy sportga keng jalb qilish bo'yicha keng ko'lamlı ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2020-yil 30-oktyabrda PF-6099-son farmoni qabuli qilindi.

Mazkur farmonda jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan muntazam shug'ullanish hamda sog'lom turmush tarzi bo'yicha hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish orqali har bir fuqaroda kasallikka qarshi kuchli immun tizimi paydo bo'lishini ta'minlash, zararli odatlardan voz kechish, to'g'ri ovqatlanish tamoyillariga amal qilish, tiklash va rehabilitatsiya ishlari hamda ommaviy jismoniy faollik tadbirlarini tizimli va samarali tashkil qilish, bu borada tegishli infratuzilma va boshqa zarur shart-sharoitlarni yaratish kuzda tutilgan. Aholini kunlik yurish va yugurishga targ'ib qilish maqsadida "Sog'lom turmush tarzi" (www.lhls.uz) platformasini yaratish to'g'risidagi ko'rsatmalar beriladi. O'zbekiston hududida bir sutka davomida o'n ming va undan ortiq qadam yurgan 18 va undan yuqori yoshdagi O'zbekiston Respublikasi fuqarosining platformadagi elektron hamyoniga 3 ming so'mdan mablag' berish ham ko'zda tutilgan.

Bundan tashqari yurtimizning barcha hududlarida sogʻlom turmush tarzini keng targʻib qilish, aholi, ayniqsa yoshlarni sportga boʻlgan qiziqishlarini yanada oshirish maqsadida piyoda yurish marafonlari tashkil etilmoqda. “Sogʻlom hayot uchun har kuni 10 ming qadam piyoda yurish” shiori ostida tashkil etilgan piyoda yurish tadbirlaridan koʻzlangan asosiy maqsad – aholi oʻrtasida sogʻlom turmush tarzini shakllantirish, ularning jismoniy faolligi darajasini oshirish, aholining antropometrik koʻrsatkichlarini (semizlik darajasini, vazn indeksini kamaytirish, salomatlikni mustahkamlash) yaxshilash hamda sogʻlom hayot kechirish darajasini koʻtarish, avvalo yurak-qon tomir va nafas olish yoʻllari hamda semizlik (ortiqcha vazn) kasalligiga chalingan fuqarolarimizning sogʻligʻini barqaror tiklashdan iborat.

Jahon sogʻliqni saqlash tashkiloti tadqiqotlarga asoslanib, kuniga 6 km yoki 10 ming qadam yurish bir qator kasalliklarning rivojlanishiga yoʻl qoʻymaydi, degan xulosaga keldi. Bularga nafaqat osteoporoz, qandli diabet, gipertoniya, balki kardiomiopatiya va saratonning ayrim turlari kiradi.

Biroq, bu koʻrsatkichlar turli yosh guruhlari uchun farq qiladi. Masalan, 5 yoshdan 10 yoshgacha boʻlgan bolalar bemalol 11000-15000 qadamgacha, oʻspirinlar - 12000 dan 20000 gacha, kattalar - 5000 dan 10000 gacha, keksalar - 3000 dan 5000 gacha qadam bosish foydalidir.

Muntazam piyoda yurishning inson salomatligi uchun afzalliklari:

- salomatlik, hayot davomiyligi, qon bosimi uchun juda foydali, insonga deyarli jarohat yetkazmay, sezilarli darajada kaloriya parchalash imkonini beradi;
- yurak-qon tomir kasalliklari xavfini 31 foizga kamaytiradi;
- oʻlim holati ehtimoli oʻzini ortiqcha urintirmagan kishilarga nisbatan 32 foizga kam boʻladi;
- yurak-qon tomir kasalliklari natijasida kelib chiqadigan oʻlim xavfini 26 foizga, boshqa barcha kasalliklar natijasidagi oʻlim holatlari esa 20 foizga kamayadi.

Shunday ekan, barcha yurtdoshlarimizni sogʻlom hayot uchun har kuni 10 ming qadam piyoda yurishga chaqirib qolamiz.

Ekspert va olimlarning piyoda yurishning foydasi haqidagi fikrlarni Gippokratdan boshlash mumkin, u taxminan 2400 yil avval “Piyoda yurish – inson uchun eng yaxshi davo vositasi” deb aytgan.

Tadqiqotlar shuni koʻrsatadiki, yurish yurak va qon tomir kasalliklarini rivojlanish ehtimolini uch baravarga kamaytiradi. Bundan tashqari, faol hayot tarzi tufayli suyaklar kuchayadi, qon bosimi tartibga solinadi, mushak toʻqimalari tonuslanadi va uxlash normallasadi.

Tadqiqot maqsadi etib Sam DAQI ni jismoniy tarbiya darslarida talaba-yoshlarni ilgʻor jahon tajribalari asosida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish orqali ularni jismoniy hamda intellektual jihatdan kamol toptirish, jismoniy qobiliyati va harakat faolligini takomillashtirish, jismoniy va ruhiy barkamollikka erishtirish, zararli odatlar hamda turli kasalliklarning oldini olish va sogʻlom turmush tarzi koʻnikmalarini shakllantirish, sport musobaqalari orqali yoshlarda iroda, oʻz kuchi va imkoniyatlariga ishonch kabi fazilatlarni mustahkamlash, yoshlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralash va tanlashdan iborat.

Jismoniy va maʼnaviy sohadagi bu vazifalar yuzaki qaraganda yoshlarga daxlsizday tuyuladi. Aslini olganda bu vazifalar birinchi navbatda mustaqillik davri yoshlarining

ma'naviy-axloqiy va jismoniy jihatdan barkamol avlod bo'lib yetishishlarining ijtimoiy asosi, negizini tashkil etardi.

Sog'lom avlodga ega bo'lgandagi tarixga, qadriyatlarga va ma'naviy merosga sog'lom munosabatda bo'lish mumkin. Yoshlarning madaniyati, ma'lumoti va ma'naviy qiyofasiga qarab bugungi O'zbekiston va uning kelajagi qanday bo'lishi to'g'risida ma'lum xulosaga kelish mumkin. Jismonan sog'lom, ruhan tetik, axloqiy pok, vijdoni sof odamgina ma'naviy uyg'oq, estetik jihatdan madaniyatli, go'zallik qonuniyatlari asosida hayot qurishni o'zining ijtimoiy va milliy burchi deb biladi.

Har qanday jamiyatning asosiy boyligi jismoniy sog'lom va ma'naviy yetuk, mustaqil fikrga ega bo'lgan insonlardir. Inson kamolotiga bo'lgan munosabatga qarab muayyan jamiyatga baho beriladi, uni istiqboli yoki inqirozi haqidagi tasavvurni shakllantiradi. Mustaqillik munosabati bilan barkamol yosh nasllarni tarbiyalash faqat shaxsiy va individual oilalarning emas, balki umumxalq, umumdavlat vazifasiga aylandi.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov 1994 yil 30 mayda Toshkentdagi I Xalqaro tennis turniri ochilishi marosimida so'zlagan nutqida komil inson tarbiyasida sportning roli ustida to'xtalar ekan, bizning maqsadimiz har tomonlama kamol topgan, yetuk sog'lom avlodni tarbiyalash, sport-sport uchun emas, eng avvalo, odamlar uchun, ularni ham jismoniy, ham ma'naviy jihatdan komil insonlar etib tarbiyalash uchun darkor ekanligini ta'kidlaydi.

Buning uchun yoshlarda aqliy zakovat, ruhiy-ma'naviy salohiyat, jismoniy sihat-salomatlik va badiiy-estetik kamolotni tarkib toptirish zarur. Bu murakkab ijtimoiy jarayonda mustaqillik mafkurasi yo'lchi yulduz vazifasini o'taydi. Bu mafkura, o'z navbatida, O'zbekistonning istiqboli va istiqloli haqida qayg'urishni, o'zining va o'z xalqining, vatanining qadru qimmatini, or-nomusini anglab, uni himoya qilishni, yangi fikriy kashfiyotlar, niyatlar, estetik tuyg'ular og'ushida mehnat qilib, iste'dodi, bor imkoniyat, kerak bo'lsa, yurt istiqbolini eliga baxshida etishi talab etiladi. Bu narsa ayniqsa jismoniy tarbiya va sport musobaqalarini tashkil etishda ko'zga yaqqol tashlanmoqda.

O'zbekistonda uch bosqichdan iborat "Umid nihollari", "Barkamol avlod", va "Universiada" kabi sport musobaqalarni o'z ichiga olgan yaxlit tizim shakllandi. Uning natijalariga xorijda ham qanchalik qiziqish va havas bilan qaramoqdalar. Bunday sport o'yinlar Namangan, Jizzax, Farg'ona, Toshkent, Buxoro, Andijon, Navoiy, Qashqadaryo, Surxondaryo, Xorazm va Samarqand kabi shaharlarda muvaffaqiyatli ravishda uyushtirildi. Men bunday sport bayramlarida ishtirok etayotgan yoshlarni korsam,-deydi birinchi prezidentimiz I.A.Karimov,-chin dildan quvonib ketaman. Chehrasi ochiq, ertangi kunga intilib yashayotgan mana shunday sog'lom bolalarimiz xalqaro musobaqalarda g'olib chiqib, O'zbekistonning bayrog'ini baland ko'tarsa, xuddiki, ularning yonida turib shu bayroqni ko'targandek iftixorga to'lamiz.

O'tkazilgan tadqiqot natijasida jismoniy tarbiya darsi va tugaraklarga qatnashgan talaba-yoshlarga anketa va so'rovlar natijasida quyidagi muammolarni ko'zga tashlandi.

1. Jismoniy tarbiya darslarida talaba- yoshlarni jismoniy va ma'naviy kamol toptirishda zarur shart-sharoitlarni shakllantirish.
2. Jismoniy tarbiya va ommaviy sportga qiziqishni qo'llab-quvvatlashga amaliy ko'nikmalar berish.

Sport mashg'ulotlari jarayonida jismoniy va ma'naviy sog'lom avlodni voyaga yetkazish, yoshlarni sog'lom va baquvvat qilib tarbiyalashda quyidagi amaliy va tashkiliy ishlarni bajarish zarur.

-yosh avlodni har tomonlama sog'lom va barkamol qilib tarbiyalash asosiy maqsad sport mashg'ulotlarini joylarda to'g'ri va muntazam tashkil etish;

- talabalarining sog'lom tug'ulishi va onalar salomatligi yaxshilash ularni muntazam jismoniy mashqlar bilan shug'ullanishni tashkil etish;

-talaba-yoshlarning jismoniy va ma'naviy kamolotga sport mashg'ulotlari orqali erishishdirish;

-jismoniy tarbiya va sportni odamlarning o'z ixtiyoriy va hayotiy ehtiyojiga aylantish darajasiga erishish;

-sport bilan shug'ullangan bolalar ma'naviy-ruhan sog'lom bo'lib voyaga yetadi, bugungi zamondagi dahshatli balo-qazolar va terrorchilik, aqidaparastlik, giyohvandlik yoki jinoyatchilikdan yiroq bo'ladi, o'z tabiiy ehtiyoji va qobiliyati, bilimni rivojlantirishga intiladi;

-sport orqali erishiladigan muvaffaqiyatlar yoshlarda milliy g'urur, iftixor tuyg'ularini taraqqiy ettiradi.

Xulosa qilib shuni aytish kerakki, jismoniy tarbiya darslarida talaba-yoshlarni to'g'rilikka, halollikka, poklikka, vatanparvarlik va insonparvarlik va yuksak ahloqlilikka yo'llash bu tushunchalarning mohiyati va mazmunini sport mashg'ulotlari orqali tushuntirish kerak bo'ladi. Hozirgi kunda bu masalalarga birinchi darajali ahamiyat berishimizning boisi iymoni, e'tiqodi va axloqiy fazilatlarini, ma'naviyati kuchli, milliy mas'uliyat tuyg'usi qalbida chuqur ildiz otgan, ma'naviy barkamol fuqarolarga ega mamlakatgina mustaqil va barqaror rivojlana oladi. Buyuk kelajak ma'naviy barkamol insonlarga tayangandagina yaratiladi, qad ko'taradi. Mamlakatni jahonga tanitadigan, uning nufuzini oshiradigan omillardan biri- jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirishga qaratilgan e'tibor hisoblanadi. Halqimizning bebaho madaniy merosi, qadriyatlarini, urf-odatlarini, an'analarning o'ziga xosligi dunyo miqyosida yuksak e'tirof etilayotgani, sportda ulkan yutuqlar qo'lga kiritilayotgani yurtimizda bu borada keng ko'lamli sa'y-harakatlar tizimli ravishda amalga oshirilayotgani natijasidir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019 yil 29 yanvar 65-son "O'zbekistonda sog'lom turmush tarzini keng targ'ib qilish va aholini jismoniy tarbiya va ommaviy sportga jalb etish to'g'risida"gi qarori, Xalq so'zi gazetasi, 31-yanvar, 2019 yil.
2. Zairov E, Alimov M. Salomatlik falsafasi. T., "Turon zamin ziyo", 2015.

КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА ВА АТРОФ МУҲИТНИНГ РОЛИ

Д.Қурбонова, Ф.Шомуратова, З.Шомуратова

Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб, жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш ишлари тизимида жуда катта муносабатлар билдириб, муҳим тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон олимларининг

тадқиқотларидан маълум бўлдики Республикамизда 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 50 % дан ортинининг организми жисмоний тайёргарлик талабларига тўла жавоб бера олмайди, яъни "Алпомиш ва Барчиной" тест талабларига. Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда юксак умум инсоний қадриятларга асосланиши керакдир. Маънавий бой юкори билимли ҳар томонлама жисмонан бақувват камол топган шахсни шакллантириш жисмонан ривожлантириш шу куннинг актуал вазифаларидан хисобланади.

Ҳозирги куннинг асосий ва муҳим вазифаларидан бири болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш, ёшларда жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш, меҳр уйғотиш айниқса катта аҳамиятга эгадир, яъни Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги қишлоқ жойларида яшашини назарда тутиб, қишлоқ жойларида болалар жисмоний тарбияси ва спортининг моддий базасини шакллантириш ва болаларни жисмоний ва рухий жиҳатдан камол топтириш моддий ва маънавий омиллар устида ишлашини тақазо этади ва бунинг амалиётда бажарилаётганлигини кейинги йилларда маҳаллаларда болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан мустақил ёки жамоатчи мураббийлар раҳбарлигида шуғулланишлари учун барча шароитлар барпо этилгандир.

Ўсмирлар бўйича руҳшунос Пол Габриел шундай ёзади: “Болага жисмоний лаёқатини яхши саклаб қолишни ўргатишнинг энг яхши ва содда усули тарбиячини ўзини ҳам шундай лаёқатга эгалитидир” деб ёзади.

Соғлом турмуш тарзи одоби билан яшаб келаётган ота-оналар, тарбиячилар ўқитувчи мураббийларгина болаларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлигини ва ривожланишини пасайишига йўл қўймадилар. Жисмоний тарбия ва спорт оилани ажралмас бир бўлагига айланган тақдирдагина бола уни қадрлашга ўрганади. Болалар ота-онаси ака-опалари ҳар куни жисмоний ҳаракатлар билан шуғулланаётганини ва ундан роҳатланаётганини кўриши, уларни, яъни болани жисмоний тарбия ва спортга муносабатини ва қизиқишини орттириб, шуғулланишга чорлайди.

Шундай экан соғлом турмуш тарзини шакллантиришда атроф-муҳит, ака-опа, уртоқлар, айниқса оила асосий ўринни ташкил этиши шартдир. Соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш муаммоларидан бири болани атрофмуҳити, ота-онани ўзида зарарли одатларни бўлмаслиги болага ижобий таъсир этиши аниқдир.

Бизнинг фикримизча бу зарарли одатларга қуйидагилар киради:

- Кун тартибига ва гигиенага риоя қилмаслик;
- Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;
- Чекиш (папирос, носвой ва хоказолар);
- Ёлғон гапириш;
- Ишёқмаслик;
- Мақтанчоқлик;
- Бепарволик;
- Катталарни ҳурмат қилмаслик;

-Соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик ва хоказо. Бу одатларни салбий томонларини уларнинг ёшлигидан бошлаб онгига етказиш, уларнинг жисмоний ривожланишини ва тайёргарлигининг кўрсаткичларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи тенгдош ўртоқлари натижаларига солиштириб таққослаш

оркали исботлаш амалда кенг фойда беришини гувоҳи бўлдик ўз илмий тадқиқот ишларимизда. Айниқса соғлом турмуш тарзида ахлоқ нормаларига қатъий риоя қилиш самара беради. Унда болаларни ахлоқий миллий ўз урф-одат қадриятларини англаб етиши, маънавий-ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар асосида юриш-туриш ва яшашни ўргатиш. Халқимизда шундай мақол борки “Қуш инида кўрганини қилади” мақоли оилада яхши муҳит юксак ахлоқ намунаси муҳитни ташкил қилишни таълаб қилади. Шунинг учун ҳам ота-она ва бошқалар ўртасида тўғри яхши ибратли аълоқа бўлиши керакдир. Шундай қилиб айтишимиз мумкинки ахлоқий тарбия - одамзод ўз фарзандини яхши баркамол комилликка етказиш йўлларида биридир. Ахлоқий тарбиянинг воситалари хилма-хил кўп уларнинг бир қисми анъанавий миллий тарбия воситалари бўлса, яна бир қисми ҳозирги замонавий инновацион ривожланиш давридаги техник воситаларидир. Мактабгача бўлган таълим муассасаларида ахлоқий тарбияда урф-одатлар миллий эртақ ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан миллий ўйинчоқлар ва ўйинлар орқали ҳозирги кун талабига жавоб берадиган замонавий тарбия мувоффақиятли амалга оширилиши керак. Шунда ҳар томонлама ўсиб ривожланаётган бола қизганчиқлик, ҳалол тўғри бўлишга зарарли одатларга ўрганмасликка даъват этилади, ва у шундагина ўз соғлиғига ва атроф-муҳитни талабига бўйсуниб, тўғри соғлом турмуш тарзи олиб боришга ҳаракат қилади.

Кейинги йилларда юртимизда давлатимиз томонидан ёшларга барча шарт-шароитларни яратиб маҳаллаларда спорт ёзги иншоотлари ва барча ўқув юртларида спорт заллари ва анжомлари билан таъминланганига қарамай, ўсиб ривожланиб бораётган болаларни соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг яна бир кейинги муаммоси, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам қизиқиб шуғулланмаслигидир.

Бунинг асосий сабаблари: Биринчидан, ота-оналарнинг бунга эътиборсизлиги (вақти етмаслиги ва ҳоказо), Иккинчидан, ота-оналар ака-опаларини жисмоний тарбия ва спорт турлари билан қизиқишмаслиги шуғулланмаслиги; Учинчидан спорт кийимлари анжомларини ўта қийматлиги ва жамоатчи жисмоний тарбия мутахассисларини етишмаслигидир.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиш учун оила, мактаб ва яшаш жойларидаги маҳалла фуқаролари йиғини жамият ташкилотларини ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, муаллим-мураббийларнинг таълим усулларида тортиб, хатти-ҳаракатларигача ўз манфаатини кўзламасдан уларга бириктирилган ёшларга шахсий намуна тарзида бўлишларини назардан қочирмаслик лозим. Устоз-шогирдлик муносабатларидаги муомала одоби, ҳалоллик, ростгўйлик, тозалikka риоя қилишни эсдан чиқармаслик керак ва юқоридагиларни болаларга сингдириш муҳим масалалардандир. Шундагина ёш авлод соғлом турмуш тарзини ўзида вужудга келтиради ва жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабати бошқача бўлиб, ижобий натижалар беради.

Хулоса қилиб айтганда, Болаларни комил инсон бўлиб соғлом турмуш тарзини шакллантиришлари учун мактабда, оилада соғлом муҳит барқарор бўлишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки соғлом муҳитдагина ахлоқий фазилатлар таркиб топади ва соғлом турмуш тарзи шаклланади. Ота-оналар ўз фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялаши, уларда ватанга муҳаббат, меҳнати ва

фидойилиги билан ўзгаларга ва жамиятга фойда келтириш садоқат, самимийлик каби хислатларни камол топишига хизмат қилади. Ёшларни бундай инсонлар бўлишида оиланинг тотувлиги ота-онанинг ўзаро меҳр-мухаббати ҳам самарали таъсир кўрсатади, уларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатига ҳам боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари”. Тошкент 2017 йил 3 июнь.

2. Шарипова. Д. Д. “Соғлом турмуш тарзини шакллантириш”. Дарслик. Тошкент, 2001 йил.

3. Усмонхўжаев. Т. С. “Болалар ва ўсмирлар спорт машғулоти назарияси” Тошкент. 2005 йил.


QILISHPAZLIQ TARIYXIY QADIRIYAT SÍPATÍDA

G.Berdibaeva

Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Elimiz gárezsizlikke eriskennen soń sporttıń barlıq túrlerin rawajlandırıwǵa úlken dıqqat qarattı. Birinshi Prezidentimiz I.A.Karimov sporttıń elimizdi pútkil dúnyaǵa tez tanıtatuǵınlıǵın ayıp, oǵan úlken imkaniyatlar esigin ashıp bergen edi. Usı esiklerdiń birine men de barıp, sporttıń qılıshpazlıq túrine qatnasa basladım. Qılıshpazlıq adamda shaqqanlıqtı, dál nıshanaǵa alıwdı, kúsh jıynawdı, er júreklikti qalıplestiretuǵın sporttıń ájayıp túrleriniń biri.

Men kún sayın bul sporttıń túrine qızıǵa basladım. 2014-jılı NMPI janındaǵı Nókis akademiyalıq liceyiniń sport zalınan baslanǵan qılıshpazlıq sport túri 2017-jılı sport kompleksine kelip taǵı da birqansha rawajlandırıldı. Meniń janımda Ózbekstan saylandı komandası aǵzası, Aziya hám jáhán chempionları bolǵan teńleslerim tez arada tabısqa erisken jaslar boldı. Olar Fazıl Genjebaev, Zaynap Daybekova, Sherzat Mamutov, Aysulıw Usnatdinova, kishi jastaǵı qılıshpazlardan Gúlbanu Esemuratova, Gúlistan Perdebaevalar el kózine túsken ónerpazlar. Olardıń hám sonıń menen birge meniń de tabısqa erisiwimde trenerlerimiz Dáwirbek Jemuratov, Sardar Nazarımbetovlardıń miynetleri ayrıqsha.



Olardıń hám sonıń menen birge meniń de tabısqa erisiwimde trenerlerimiz Dáwirbek Jemuratov, Sardar Nazarımbetovlardıń miynetleri ayrıqsha.

Ásirese, qızlardıń bul sport túrine qızıǵıwı tosinnane mes. Uzaq ótmishke, tariyxqa názer salsaq qaraqalpaqlardıń ata-babaları Shıǵıs Aral jaǵalawlarında biziń eramızdan burınǵı V – VII ásirlerde jasaǵan sak-massaget qáwimleri ekenligin aytadı. Sak-massaget qáwimleriniń kósemi, hayal patsha – Tumaris bolǵan. Grek tariyxshısı Gerodit Tumaristiń VI ásirde Iran shahı Kirdi urısta jeńgenligin aytqan. Ótmishte usınday qáwimlerdi, xalıqtıń kósemi, patshası, sárkardası bolǵan hayallar haqqında qaraqalpaq xalqı ishinde taǵı da

kóplegen ańızlar, ertekler, dástanlar da saqlanıp, olardı xalıq patriotlıq, mártlik, maqtanısh sezimleri menen jırlaydı.

1903-jılı orıs ilimpazı P.M.Melioranskiydiń shákirti I.A.Belyaev 1903-jılları Shımbay qalasınıń dárwazası janında otırıp ertek aytatuǵın, jası 70 lerden ótker kempirden «Hayallar patshalıǵı haqqında ertek» ti jazıp aladı. Ertekshi kempirdiń janında 7 jasar baladan, 70 jasar qariyaǵa shekem jıynalıp ertek tıńlaǵanların, ertekshi kempirdiń ónerliligin aytıp ótedi. Kempir ertek qaharmanlarınıń barlıǵınıń obrazına kirip, dál ózi bolatuǵının, bóreneler ústine qurılǵan qalada tek hayallar jasap, ústemlik etkenligin qızıqlı etip bayanlaǵanın jazıp alǵan. Ertektiń xalıq ishinde jasawı tosınnan emes. Qaraqalpaq xalqınıń kóshpeli turmısında hayallar da erler qatarı, sırtqı dushpanlarǵa gúreste, el-tınıshlıǵın támiyinlewde teń qádem basqanlıǵın kóriwimizge boladı.

«Zanayxan haqqında ertek», «Gúlnáhár», «Qız palwan», «Gúlistan» «Qanshayım» hám pútkil dúnya ádebiyatı altın qorınan orın alǵan «Qırq qız» dástanları da xalıq arasında jırlanıp, búgingi kúnimizge shekem jetip kelgen. «Qırq qız» dástanınıń qalıplesip payda bolıwında erte tariyxtaǵı Tumaris haqqındaǵı batırlıq jırlardıń negiz bolǵanlıǵın bayqawǵa boladı. Xalıqtı erte dáwirlerde turmıstıń mashqalalarına baylanıslı retı kelgende hayallar da basqarǵan. Usınday mártliktiń tımsalı bolǵan Tumaristey batır, márt, aqıllı hayal-qızlardıń barlıǵı menen xalqımız maqtanǵan. Bul dástúrdi dawam ettiriwshi, xalıq ushın kerekli usınday hayal-qızlardıń obrazın jaratıp, jır etip óz áwladların patriotlıq ruwxta tárbiyalawdı maqset etip, úlken dástanlardı da payda etken. Tariyxtaǵı Tumaris patsha hayaldıń jawızlıqqa qarsı gúreslerinde qolına qılısh alıp, óz eliniń gárezsizligi ushın gúreskenleri ápsanaǵa aylanǵan. Al Gúlayım batır qızdıń dástandaǵı mártlik is-hareketleri hár bir hayal-qızdı, men de usınday bolsam eken degen ármanlarǵa qaray jeteleydi. Dástannan mısal:

1. Óz aldına Gúlayım,
Ullı toydı toyladı,
Qırq qızı menen atawda
Tartıp ilaq oynadı,
Keynine ertip birazın,
Qurǵa shıǵıp súyretti,
Qılısh berip qolına,
Batırılıqqa úyretti [1]
2. Nayzasına súyenip,
Qanaǵa batır sıymadı
Qınaptan **qılısh** shıǵardı [2]
3. Aynalayın jeńgejan,
Deyip sonda Gúlayım,
Mańlayı ayday jarqırıp,
Toǵız qabat sawıtı
Shıtaq kibi jaltırıp,
Qabındaǵı sarı jay,
Sangá tiyip sıqırlap,
Aldındaǵı dabılı,
Jerge tiydi shaqırlap,
Belindegi **qılıshı**

Shağılıstı kún menen
Keskir júzi jaltıldap [3]

Óne boyına tamamı áskeriy sawıt kiygen, qollarına qural jaraǵı – **qılısh** uslaǵan, ózine isenimli, xalıq jolında janı pidá, gózzal, batırlıq nıshanı kórinip turǵan qız kelbeti biziń, siziń dıqqatınızdı tartadı. Xalıq ármanınan tuwılsa da márt Tumaristiń obrazı rawajlandırılıp qırq qızdı baslaǵan Gúlayım obrazı máńgi xalıq penen birge jasaydı. Hár bir insan óz urpaǵın, ulın-qızın Gúlayımday el mápine kerekli, aqıllı márt bolıwın ańsaydı. Gúlayım tek ózi batır bolıp, tek ózi menen ózi bolǵan joq. Ol el ishinen ózi qatarlı, teńles qızlardı da jıynap kóplegen oner bilimler úyretti, miynet etiwge tárbiyaladı, sport hám áskeriy shınıǵıwlar menen shınıqtırdı. Dástanda erte dáwirdegi xalıq turmısı, jawgershilik súwretlenedi. Jasınan aqıllı tuwǵan Gúlayım qız turmıstıń qıyınshılıqların jeńiwde maqsetli túrde miynet etiw kerekligin, sol dáwir siyasatın túsiniwi, sırtqı dushpanlar bárha qáwipli ekenligin aldın ala bile alıwları búgingi jaslar ushın da tán bolǵan háreketler. Miywalı atawın ózi güllengen abat mákanǵa aylandıradı, miynet etedi. Bos waqıtlarında waqıt xoshlıqta, áskeriy shınıǵıwlar da isleydi. Qızlardıń qolına qılısh berip, batırılıqqa úyretedi. Dástandı basınan aqırına shekem oqıp otırsań qolına qural-saymanın uslap, bárha mártlershe turǵan qız obrazı sáwlelendirilgen. Bul is-háreketler tiykarınan turmıs shınıǵına júdá jaqın. Xalıq ishindegi ańız-áńgimeler, ertekler, mánili gápler, dástanlar biykardan-biykargá payda bolıp, xalıq penen birge jasap atırǵan joq. Orta Aziyada jasap kiyatırǵan túrkiy xalıqlarınıń kópshiligi kóshpeli turmısta jasaǵan. Házirgi kúnimizdegidey ilim, texnika, kitap baspaxanası kúshli rawajlanbaǵan. Jasaw sharayatına baylanıslı xalıq óz áwladlarına ózleri basıp ótken ómir tájiriýbeleriniń birazın xatqa salsa, kópshiligin awızsha áwladtan áwladqa ótkeriw jolı menen bay mádeniy, ádebiy, tariyxıy miyrasların qádiriyat qılıp jetkeriwge háreket etken. Ata-tegindegi Tumaristey márt, batır hayaldı umıtpaǵan. Qayta waqıt ótken sayın, dáwirler otken sayın janlandırıp jir etip, máńgilestirgen.

Usınday ápsanalar, jırlar, dástanlardan búgingi tariyxshılar xalıq tariyxın, shınılıqtı kórip atır. Xalıq yadında, awızsha áwladtan-áwladqa ótip kiyatırǵan bul folklorlıq shıǵarmalardı janlı tariyx dep atamaqta. Kúndelikli turmısta, shańaraqta bala tárbiyasında aytilatuǵın háyyiw qosıqlarınıń ózinde belgili dárejede sol dáwirdiń ruwxı, turmıs tárizi sáwlelengen. Ańızlar, ápsanalarda bolsa jer-suw atamaları, el ishinde at qaldırǵan sheshenler, batırlar haqqında aytiladı. Xalıq hámme waqıtta jaqsı turmıs qálpin qaliplestiriwde alǵa umtıladı, ata-babaları basıp ótken ómir jollarına, turmıs tájiriýbelerine názer saladı.

Biz jasap turǵan dáwirimizdi tereńirek biliw hám rawajlandırıw ushın tariyxqa názer salsaq joqarıdaǵı mısallarımızday mudamı izlenistegi, hárekettegi, oylaw hám boljawlar arqalı ármanların iske asırıwǵa umtılgan, keleshek áwladlarınıń baxıtlı turmısta jasawı ushın bar imkaniyatları menen dóretiwshi-jaratıwshı ata-babalar háreketin kóremiz. Biziń de háreketlerimiz jarqın keleshek ushın bolıwı lazım. Batırılıqqa, mártlikke, patriotizm ruwxına tárbiyalap kelgen, ásirese qız bala, hayal adam dep jinıstı ayırmastan ádillik kóz-qarasınan qaraǵan biziń qaraqalpaq xalqı ázelden kóregenli, hikmetli, ilimli xalıq bolǵanlıǵın kórsetedi. Xalqımızdıń usınday biybaha miyrasların oqıy otırıp mende jáne de bekkem isenim hám maqtanısh sezimleri payda boldı.

Ádebiyatlar:

1.Qaraqalpaq folklorı. Kóp tomliq. 9-13 tomlar. Tashkent. «Mánaviyat» 2009 j. «Qırq qız» dástanı. Qurbanbay jiraw Tájibaev variantı. 8-b.

2. Sonda...31-b
3. Sonda...51-b
4. Qaraqalpaq folklori. Kóp tomlıq. 14-26 tomlar. «Ilim» baspası Nókis, 2010 j.
«Gúlnáhár» dástanı B.Eshimbetov variantı.
«Qızpalwan» dástanı Q.Qayratdinov variantı.
«Gúlistan» dástanı Q.Qayratdinov variantı.
«Qanshayım» dástanı Q.Tájibaev variantı.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

С.Оразымбетов

Нукус давлат педагогика институти

Жаҳон тамаддуни тобора ривожланиб бормоқда. Барча жараёнлар бир нуқтада, яъни глобаллашув миқёсида ўзаро уйғунлашиб бормоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнлари “оммавий маданият”ни ривожлантириш билан бирга эътиқод ва маънавиятни емирмақда, инсон тафаккурини ўзгартирмоқда.

Миллийлик хусусиятларини, кадриятларни турмуш тарзимидан чиқариб юбормоқда. Лекин, бугунги замон талаблари доирасидаги ўзаро узвийликдаги ҳаракатланишни давр тақозо этмоқда. Бундай жараёнда “Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, бундан кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди” [1].

Ўзбек халқи ўз тарихи даврида кўпгина таъжовузкор кучларнинг босқини гувоҳи бўлди. Бундай даврларда ўзбек халқи маънавий кадриятларни сақлаб қолиш билан бирга уларни баъзида яхши хусусиятлар, баъзида эса ёмон иллатлар билан тўлдириб борди. Ёмон хусусиятлар билан бойитишда босқинчи мамлакатларнинг таъсири бўлса, яхши хусусиятлар билан эса бундай ҳолатларда миллат ўзиликни сақлаб қолишга бўлган интилиши бўлди десак, муболаға бўлмайди. Ушбу ҳолатда кадриятларимиз ўрни бекиёсдир. Чунки, инсондаги рухий қудратни маълум бир маънода кадриятлар шакллантириб боради. Инсонда, “Агар моддийлик ғалаба қилса, инсонда ҳайвонийлик ва агар руҳ томони устун келса, илоҳийлик ривожланади. Руҳ жисм қулига айланиб қолмаслиги керак, аксинча, жисм руҳ учун бир асбоб-улов, восита бўлиб хизмат қилсин”. Мамлакат тараққиётида давлат ва жамиятнинг ўзаро уйғунликдаги ривожланиши таъминлашда бу йўлда амалга оширилаётган ислохотларнинг янада самарадорлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни инсон омилини ривожлантиришга қаратилганлиги таҳсинга лойиқдир. Ушбу воқеликда эътиқоди мустаҳкам инсонгина ўз қудратини маънавияти орқали намоён қила олади. Бу борадаги заруриятни асослашда спорт соҳасида ўзгаришлар ва муаммоларни янада тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади. Бизга маълумки, мамлакатимизда спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар мазмуни соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилгани бугунги кунда ўз самарасини бериб келмоқда. Хусусан, ёшларимизнинг

бир қатор халқаро спорт мусобақаларида қўлга киритаётган ғалабалари ислохотлар самарасининг ёрқин мисолидир. Албатта, ушбу ислохотларни амалга ошириш мобайнида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва дастурлар қўл келаётган бўлсада ёшлар дунёқараши ва тафаккурида баъзи жараёнлар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда замон талаблари доирасида мавжуд бўлиши керак бўлган ўзгаришларнинг рўй бермаётганлиги бу тизимда ҳам ижтимоий-маънавий тадқиқотлар ўтказиш кераклигини кўрсатмоқда. Тадқиқотлар ёшларнинг ижтимоий-маънавий ҳолати ва жараёнларга муносабати, уларнинг моҳиятини англаб етишга қаратилганлигининг мазмуни шундаки бугунги тараққиёт тез суръатлар билан ўзгариб келмоқда, шу боис авваламбор ёшлар таффақурини ўрганиш бошқа жараёнларни тадқиқ этиш ҳамда бошқа муаммоларининг ривожланиш негизини билиш ва англаш имкониятини беради. Айниқса, спортчи- талабалар тафаккурини тадқиқ этиш янада долзарблик касб этади. Бу борада ушбу муаммони тадқиқ этишни долзарблигини куйидаги омиллар билан асослаш мумкин:

-ёшлар миллат ва мамлакат тараққиётида жамият қатламини аоссий қисмини ташқил қилади;

-ёшлар дунёқарашини ўзгартириш ҳамда тафаккур эркинлигини таъминлаш замон тараққиёти даражаси билан тенглашишда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса замонавий эркин фикрлаш, ўз фикрини эркин баён қилиш имкониятини яратади;

-бугунги кунда спортчиларнинг омма эътиборида эканлиги ёшлар ўз ҳаркатларини уларга тақлид қилаётганлигини ва йўналтираётганлигини кўриш қийин эмас. Шунинг учун ҳам, спорт соҳасида тафаккур тарзи ўзгаришларини ўрганиб бориш бу соҳадаги камчилик ва муаммоларнинг моҳиятини, келиб чиқиш сабабларини билиш имкониятини беради;

-ёшлар тафаккурини ўрганиш уларнинг спортга бўлган муносабатини ҳамда спорт бўлган қизиқишларига таъсир қилаётган омилларни тадқиқ этиб бориш, тадқиқот натижалари асосида зарур чора- тадбирларни ишлаб чиқиш мамлакатимизда спортнинг янада риқожаланишига хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Саломов Р.С Жисмоний маданият назарияси .-Тошкент 2014.
3. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти.-Т., 2007.

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Р.Атажанов

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Нукус филиали

Бола мактабга келиши билан диққати ўқишга қаратилади. Ўқиш ҳамда таълим олиш учун ўқувчи мактабда ҳар куни тўрт соатни ва уйда эса камида 1,5-2 соатни унга бағишлайди. Бироқ кичик мактаб ёшидаги болалар ўқишдан бўш вақтларида жуда кўп ўйнайдилар. Уларнинг алоҳида қизиқиши югуриш, сакраш, улоқтириш ва

бошқа сунъий ҳаракатлар билан ўйинни жонлантириб юборади. Ўйинни ўйдан, мактабдан ташқари болалар жисмоний тарбия дарсларида, мактабда ўтказиладиган спорт тўғаракларида, синфдан ташқари бошқа машғулотлар вақтида ўйнайдилар. Болалар билан ўйинга оид машғулотларни қишқи ва ёзги соғломлаштириш майдонларида, оромгоҳларда ҳам ўтказилади. 7-8 ёшдаги яъни 1-2 синф ўқувчилари бўлган ўғил ва қизлар болалар билан ҳаракатли ўйинларни айниқса, ана шу ёшда ўраб турган муҳитни организмга турли таъсирларга мойиллиги назарда тутган ҳолда болани тез толиқиб қолишини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу ёшда танадаги тоғайларнинг суякларга айланиш жараёни ҳали тугалланмаган, кемирган тўқиманинг бирмунча юпқа қатлами суякнинг катта эгилувчанлигига боғлиқ бўлади. Айниқса—умуртқа поғанаси. Мушаклар нисбатан кучсиз (айниқса, бу орқа мушаклар ва қорин прессиға тегишли). Шунинг учун ҳаракатли ўйинларнинг ҳаракат мазмунлари (ката бўлмаган, мушаклар таранглашишининг узоқ давом этиши) катта аҳамиятга эга.

Бу ёшдаги боланинг юрак қон—томир тизими катта ёшдагилардан фарқли ўлароқ қон томирларининг кенглиги деворларнинг эластиклиги юрак мушакларининг ишлаши учун жуда қулай шароит яратиб беради. Бироқ асаб аппаратларининг у юрак функциясини тартибга солиши ҳали етарли даражада такомиллашган эмас(бу юракнинг енгил кўзғалувчанлиги ҳалос).

Ўйинда болалар катта ҳаракат фаоллигини намоён қилишга қодир. Айниқса уларнинг сакрашда, югуришда ва бошқа ҳаракатларда қатнашиши, катта куч ва энергияни сарф қилиш билан бирга уларнинг қисқа вақт дам олиши рақиб томоннинг ҳам имкониятини характерлайди.

Бироқ улар, айниқса маълум бўлган фаолиятнинг бир хиллигида тез чарчаб қоладилар(булар кўпроқ ўхшаш ўйин ҳаракатларини кўп марта такрорланишида намоён бўлади).

Болаларнинг(айниқса, 7-8 ёшлик) диққати мустаҳкам эмас ва фикран тарқоқ, бир буюмдан бошқа буюмга тезда ўтувчан бўлади.

Бу ёшдаги болаларнинг ҳаракатли ўйинларидан ўзига хос хусусиятлари ривожланишида маълум даражада аксини топади. Одатда кичик мактаб ёшида узоқ давом этмайдиган ҳаракатли ўйинлар ва муайян хусусиятга эга бўлган ўйинлар қатнашчиларининг катта ҳаракатчанлигини ҳисобга олган ҳолда қисқа вақт дам олиш билан алмашланади; ўйин эркин, турфа ва оддий ҳаракатлардан ташкил топган бўлиб, бунинг устига ишлашга катта мушак гуруҳларини жалб қилинади. 7-8 ёшдаги болалар диққатининг етарли даражада барқарор эмаслиги ва нисбатан иродавий сифатни кам ривожланганлиги ўйин, унинг қоидасининг камчилиги дея тушунтирилади. Шундай бўлсада, етти-саккиз ёшдаги болалари ўйинларини мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчиларнинг ўйинлари билан таққослашда қатнашчиларининг мураккаб ҳаракатларни бажаришлари асосида ташкил этилади; жамоа олдида ўйновчиларнинг жавобгарлиги ортиб боради, болаларни қизиқувчанлиги, мустақиллиги, фаоллиги ривожланишини уларнинг тез интилиши ва ташкил қилинадиган ўйинларга бир вақтнинг ўзида киришиб кетиши билан тушунтириш мумкин.

Ўйинчи болалар нисбатан қисқа вақт ичида аниқ мақсадга эришишга ҳаракат қилади; уларга яъни, тиришқоқлик, қаътиятлилик, ўзини тута билишлик, вазминлик етишмайди. 7-8 ёшдаги болаларда ўзига хослиги тез-тез кайфиятларини ўзгартириб

туришидир. Улар ўйинда яхши ўйнай олмасалар тезда жаҳллари чиқади, лекин ўйин билан овора бўлиб қолганларида, уни тезда унутиб юборадилар. 7-8 ёшдаги болалар нимани кузатсалар, эшитганини, кўрганларини тезда қабул қилади ва ўзлаштирадилар. Бироқ, бу ёшда болада тасаввур қилиш, кўргазмали фикрлаши борган сари кўпроқ бутун борлиқни ўраб турган воқеа кўргазмали билишдан фикрлаш тушунчасига ўрнини бўшатиб беради. Ўйин ҳаракатларида кўпроқ онгли равишда қилинганлигини намоён қилиши учун яхши таъсир қиладиган имконият келиб чиқади ва таассуротларни парчалаб ташлашни, кузатиладиган нарсаларни қиёслаш ва таққослашни билишни ташкил этади. Болалар ўйинда ўзларининг ўртоқларини кузатиб бориб, ўйинчиларни хатти-ҳаракатларига ва бажараётган ишларига кўпроқ танқидий қарай бошлайдилар.

Ҳар бир ҳаракат устидан онгли равишда назорат қилиш, танқидий фикрлаш, аниқ бўлмаган қобилиятларнинг ўсиши ўқувчиларни янги, ўйин шароитини ва кўпроқ мураккаб қоидаларини муваффақиятли равишда ўзлаштиришга, ўқитувчининг тушунтириши бўйича ўйинда зарур бўлган ҳаракатларни бажаришни кўрсатиш билан мустаҳкамлашга имкон беради. 7-8 ёшдаги болаларнинг кўп ўйинлари сюжетли-жонли таъсирчан характерда бўлиб, болаларни ижодий, ўйлаб чиқаришга уддабуронлик билан интилишига мос келади. Ўйинда сюжет–жонли таъсирчан мазмуни мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўйинлари билан таққосланганида мураккаблашиб боради. Бу шу билан боғлиқки, бу ёшдаги болаларда уларнинг ақлий билим даражаси кенгайди; улар ўқиш ва ёзиш малакасини эгаллайдилар.

Болалар битта ва катта бўлмаган гуруҳ бўлиб ўйнайдилар, гоҳида кўп сонли жамоа бўлиб, таркибида 30-40 киши қатнашади(катталар раҳбарлиги остида). Бу ўйинлар аксарият ҳолатда жамоани гуруҳларга ёки командаларга бўлмасдан ўйналади. Бироқ, педагогика амалиётидан маълумки, 7-8 ёшдаги болаларни айрим оддий ўйинларда алоҳида-алоҳида жамоа гуруҳларини ўзаро мусобақалашувлари, командаларнинг, ҳар бир ўйинчининг ҳаракат натижаларини аниқлаш билан боланинг жисмоний тайёргарлик даражасини ҳамда унинг характериға мослигини ҳисобга олинади.

1. Сочилиб-чопиб бошқа жойга ўтиб олиш, тўғриға, доира бўйлаб, йўналишни ўзгартириш билан чап бериб югуриб ўтиш билан ўйналадиган ўйинлар муҳим ўрин эгаллайди.

2. Бир ёки икки оёқда шартли равишда чизилган тўсиқлар ва буюмлар устидан сакраш билан ўйналадиган ўйинлар.

3. Тўпни узатиш, улоқтириш, илиб олиш, узоққа ва нишонга йўналтириш билан ўйналадиган ўйинлар, турли ҳаракатлар, тақлид қилиш ёки ижодий ёндошувли ўйинлар. Ҳар бир ўйин асосан юқорида кўрсатиб тўтилган ҳаракат турларидан ташкил топган бўлиб, одатда улар якка ёки навбат билан ва айрим ҳолатда бирга қўшиб қўлланилади. Масалан, “Бўш ўрин” ўйини (“Ким тез”), ким узоққа югуриш билан тузилган “Сакра бодом чумчуқлар” ўйини–сакрашга оид “Бўри зовурда” ўйини югуриш билан унга узунликка сакраш ҳам қўшилган.

Болалар билан ҳаракатли ўйинларни қишда очик ҳавода ва шамол бўлиб турган вақтда ҳам ўтказиш мумкин. Чунки, мактаб ёшидаги болалар организмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири–бу катта иссиқлик ажратиши билан белгиланади.

III–IV синф ўқувчилари (ўғил ва қиз болалар) ҳаракатли ўйинларини ўтказишда шу нарсани назарда тутиш керакки, улар организмнинг катта бардошлиги амалда намоён бўлади. Организмдаги барча жараёнлар осойишта ўтади–тананинг оғирлигига нисбатан бўйнинг ўсиши секин кузатилади. Суяк-пай аппарати етарли даражада эгилувчан, мутаносиб эмас. Мускулларнинг ўсиши аста-секин боради ва болаларнинг кучи унча кўп эмас, организм бир томонлама юкламага ва жисмоний зўриқмаларга тайёрлиги етарли даражада эмас. Юрак ва қон томирларнинг текисланиш фаолияти турғун эмас. Шунинг учун узоқ давом этмайдиган югуриш ва сакрашлар ҳар хил кўл, оёқ, гавда ҳаракатлари ўйинида болаларнинг нормал жисмоний ривожланишига ёрдам берадиган қимматли ва фойдали машқлар деб тан олинади. Нафас олиш мушаги нисбатан бўшлиги сабаби етарли даражада чуқур нафас олмаслиги бўлиши мумкин. Шу сабабли ўйинда фаол ҳаракат қилиш, нафас олиш аппаратига ёрдам берадиган чуқур тўлиқ нафас олиш билан бирга алоҳида аҳамият касб этади.

Ўйин гимнастик кўринишда бўлиб, ўқувчилар онгли равишда иродани ишга солишни, тажрибани, машқларни талаб қилади. Шунга қарамай, иштирокчилар, анча-мунча ҳаракатларни эгаллайдилар. Уларнинг ўйинлари 7-8 ёшли ўқувчиларга нисбатан кўпроқ давом этиб, ўйин қатнашчилари узоқ вақт давом этадиган узлуксиз ҳаракатда бўлишлари мумкин (“Оқ айиқлар”). 3-4 синфларда ҳаракатли ўйинларни дарснинг асосий ва яқунловчи қисмларида ўтказиш тавсия этилади. Чунки дастурда дарснинг кириш қисмида саф машқларини ўтказиш белгиланган. Ўйинларда югуриш, сакраш, улоқтириш ёки ирғитиш каби ҳаракатлар бажарилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ёшдаги болалар билан асосан оддий ва ўртача мураккаб ўйинлар ўтказилади. Агар болалар етарли даражада тайёрланган бўлса, яна мураккаброқ, яъни жамоаларга бўлиниб ижро этиладиган ўйинларни ҳам ўтказиш мумкин. Болалар бу ўйинларда “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” қонидасига биноан биргаликда ҳаракат қилишни ўрганадилар. Бу ҳол бутун жамоанинг, унинг иштирокчиларнинг масъулиятини оширади.

Командалар ўйинлар етарли даражада чакқонлик, ҳозиржавоблик, фаросатлилик ва жисмоний тайёргарлик талаб қилиб, айтили вақтда бу хусусиятларни ривожлантиради.

Жисмоний тарбия дарслари кўпинча турли ўйинлардан иборат бўлиб, улардан гимнастика ҳамда асосий спорт ўйинлари–баскетбол, волейбол, футбол, кўл тўпи кабилар ҳам ўрин олади. Ўқитувчи ҳаракатли ўйинлар ёрдамида жисмоний машғулотларни қизиқарлироқ ўтказиш ва III–IV синф ўқувчиларида турли ҳаракат кўникмаларини ҳосил қилади. III–IV синф ўқувчилари ҳаракатли ўйинларда қатнашганда улар ҳаракатлари фаоллашиб, тартибли ва аниқроқ бўлиб боради. 9-10 ёшли болаларнинг ўйинлари бирмунча мураккаблашади.

Ўқитувчи ўз олдига ўқувчиларда спортнинг бирор тури бўйича ҳаракат кўникмаларини ҳосил қилиш вазифасини кўяр экан, айрим дарслар шу вазифани бажаришга қаратилган ўйинлардан иборат бўлиши мумкин. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, ўйин дарсларини ўтказиш ўқувчилардан айрим ўйин ҳаракатлари кўникмаларига эга бўлишни талаб қилади. Ўйин дарсларини ҳар ўқув чорагида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Шунда ўқитувчида болалар қандай ҳаракат кўникмаларни эгаллаганини аниқлаш имкони пайдо бўлади. Ҳаракатли ўйинлар III-IV синф дарсларидан ҳам анча кенг ўрин олади. Бу синфлардаги ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия дарсларида ҳосил қилинган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириб, уларни мустаҳкамлашга учун хизмат қилади. Дарснинг асосий қисми муайян вазифани амалга оширишга, масалан, баскетбол ўйинининг асосий элементларини ўргатишга доир ўйин материалларидан иборат бўлса, унинг кириш қисмида “Тўплар найчаси” сингари ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда дарснинг асосий қисмига “Овчилар ва ўрдаклар”, “Отишма” ўйинлари киритилади. Ўйинларни ўтказишда баъзи элементларнинг нақадар тез бажарилганлигини эмас, балки бажарилиш сифатини ҳам алоҳида ҳисобга олиш зарур.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРДА БОЛА ТАРБИЯСИ

Ж.Амиркулов

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Термиз филиали*

Ўзбек миллий спорти тарихи жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қадим замонлардан бошлаб ота-боболаримиз ўз фарзандларининг жисмонан бақувват, зийрак, чидамли бўлишлари учун бутун бошли тизимни яратишган. Хусусан, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари бу борада муҳим аҳамиятга эгадир. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк» асарида «Ўт бандал», «Ўн тўрт», «Қарағуни», «Жангли-мангли сингари бир қанча ўйинларни мисол сифатида келтириб ўтади. Шунингдек, халқ ўйинлари Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зайниддин Восифий ва бошқаларнинг асарларида ҳам ўз аксини топган.

Сурхон воҳасининг тоғли Кўҳитанг қишлоқларида яшовчи аҳоли ўтмиш замонлардан бошлаб ўз болаларига *ўйманкўч, чанта, жумутоқ, бештош, ёнғоқ, ошиқ, қорхат, оқ теракми кўк терак, сипол, сандиқча, оқ суяк, чиллик, қўлга уриб қочиши, қўл тўпи, яшинмачоқ, қувалашмачоқ, гирбайди* сингари ўйинларни ўргатишган. Вояга етган болалар эса турли тўй ва байрамларда *пиёда пойга, олиши (кураш), кўпқари, тош кўтариши (полвонтош)* каби қатор спорт мусобақаларини ўтказишган. Қуйида илмий манбалар ва дала тадқиқотларига асосланиб ана шундай ўйинлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамыз.

Бештош - ўйинда 15 та майда текис тош танланади. Шу тошчаларни отиб ўйнаш керак. Ўйин шартига кўра, тошлардан бирини бир қўли билан тепага отган вақтда ўша қўли билан ҳам ердаги тошлардан бирини олиб бошқа қўлига кўйиши ҳам пастга тушаётган тошни илиб олиши керак. Ушланган тошни эса, ерга кўяди. Йигирма марта шундай қилса, у ғолиб ҳисобланади.

Бештош ўйинининг иккинчи турида бир тошни тепага отган вақтда бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғини ерга теккизиб орасини очиб кўяди. Тошни тепага отган вақтда иккинчи қўли билан бошқа тошни ўша икки бармоқ орасидаги тешикка ташлайди. Бештош ўйини болани чаққон бўлишга ўргатади .

Жумуток – ўйиннинг маъноси *жуфтми ёки тоқми* дегани. Тартиби: икки киши бир-бирига қарама-қарши томонга ўтиради. Биз уларни А ва Б томон деб атаемиз. Аввал танга ташлаб ким биринчи бошлаши аниқланади. Мабодо А томон биринчи бўлиб бошлайдиган бўлса, истаган қўлини орқага қайириб, унга ўзи хоҳлаган миқдорда, яъни жуфт ёки тоқ сондаги данак қўяди. Сўнгра қўлини олдинга узатиб, жуфтми-тоқ? – деб айтади. Агар А томоннинг қўлидаги данаклар сони 5 та, яъни тоқ сонда бўлса, Б томон унинг қўлидаги тошларни кўрмай туриб жуфт ёки тоқ дейиши лозим. Агар тоқ деса, А томоннинг қўлидаги ҳамма данакларни ўзига олади. Мабодо жуфт деб юборса, А томонга бир дона тош беради. Шундан сўнг ўйин алмашади ва Б томон ўйинни давом эттиради. Қайси томоннинг данаги қолмаса, ўша ўйинчи ютқазган бўлади.

Жумуток ўйини болаларни сезгирлик ва зийракликка ўргатади .

Ўйманкўч - ўйин қондаси қуйидагича: Авваламбор ўртага ютуқ тикилади. Нон, қаймоқ, буламоқ, чой ва ҳоказо. Шундан сўнг икки киши бир-бирига қарама қарши ўтиради. Биз уларни А ва Б томон деб номлаймиз. Маррага етиш учун хоҳлаган сон, масалан 100 ёки 200 та тош йиғишга келишиб олинади. Ўйинни амалга ошириш учун ҳар бир иштирокчи ўзининг томонида пиёланнинг айланаси катталигидек 5 та, жами 10 та чуқурча қазадилар. Сўнгра ҳар бир чуқурчага 5 тадан тош ташланади.

Ўйинни ким бошлашини аниқлаш учун қуръа ташланади. Бунинг учун тепага танга отилади. Агар Б томон танганинг устини танлаган ва танга ҳам шундай усти билан тушса, ўйинни Б томон бошлайди. Агар тескари томони тушса, А томон бошлайди. Ўйинда бошловчи А томон хоҳлаган чуқурчадан бешта тошни олиб бошқа чуқурчаларга навбатма-навбат бир донадан ташлайверади. Охириги тошни қўйганидан сўнг, кейинги чуқурчадаги тошларни олиб навбатдаги чуқурчаларга бояги усулда ташлайверади. Шуни унутмаслик керакки, қўлидаги охириги тошни ташлаган чуқурчадан тошларни олмайди, балки кейингиларни олади. Шу тарзда бир неча чуқурчадан тошни олиб бошқа чуқурчаларга тошларни бир донадан ташлайверади. Охири икки ёки учта чуқурча бўшаб қолади. Бўш чуқурчадан олдин турган чуқурчага охириги тошни ташлай ололса, бўш чуқурчадан кейинги чуқурчадаги тошларни ўзига олади. Шундан кейин, ўйинни унинг шериги Б томон бошлайди. У ҳам бояги тартибда ўйинни давом эттиради. Хоҳлаган чуқурчага тошни ташлайди ва навбатма-навбат кейинги чуқурчаларга тош ташлашда давом этади. Ўзига насиб этган чуқурчадаги тошларни олгач, ўйинни А томон бошлайди. Шу тарзда чуқурчалардаги тошлар тўлиқ тугагунига қадар ўйин давом этаверади. Баъзан 10 та чуқурчада уч ёки бешта тошча қолганидан сўнг ўйинни давом эттиришга ҳожат қолмайди. Шундан сўнг ҳар бир томон ўзига нечта тош олганини ҳисоблайди. Дейлик чуқурчалардаги тошлар тугаганида А томон 30 та, Б томон 20 та тош олиши мумкин. Агар марра 100 та тош этиб белгиланган бўлса, у ҳолда, А томон яна 70 та, Б томон эса, 80 та тош ютиши керак бўлади. Шу боис, ўйин яна бир неча марта такрорланади.

Ўйинни давом эттириш учун ҳар икки томон чуқурчаларга юқоридаги тартибда тошларни яна қайтадан бештадан солиб қўйишади. Ўйин бошида қандай ўйналган бўлса, шу ҳолича қайтарилади. То маррада белгиланган 100 ёки 200 дона тошни

йиккунга қадар ўйин давом этади. Қайси томон маррага етадиган миқдордаги тошни йиғиб ололса, у ғолиб ҳисобланади.

Бу ўйин биров мураккаброқ, уни оддий тилда тушунтириш ҳам қийин кечади. Лекин ўзлаштириб олинса жуда осон бўлиб қолади. Ўйинни ўтказишдан мақсад – одамларни ҳисоб-китоб қилиш, етти ўйлаб бир кесишга ўргатиш эди.

Чиллик ўйини – болалар икки гуруҳга бўлинади. Уларнинг сони тенг бўлиб, 8 тадан то 20 тагача бўлиши мумкин. Ҳар бир гуруҳга онабошилар тайинланади. Навбатни олиш учун танга ёки текис тош тепага отилади. Қайси томонни онабошилар белгилаб берса, ўша томонга навбат берилади. Ўйинда *ялоқ* тайёрланади. Ялоқнинг устига иккита тош қўйилади. Икки тош устига 20 сантиметрлик битта чўп қўйилади. Бу чўп *болачуқ* деб номланади. 1–1.20 метрлик таёқча (*оначуқ*) билан болачуқ отилади. Навбат кутиб турганлар *овчилар* дейилади. Отилган болачуқни овга чиққанлардан бирови қўли ёки этаги билан илиб олса ёки болачуқни узоқдан отиб ялоқдаги оначуққа тегизса навбатни олади. Ва шу тарзда ўйин давом этади. Бу ўйиннинг хавфли томони кўзга тегиши мумкин. Чилликда қизлар сони чегараланади. Негаки қизларнинг кийими ўйинга тўғри келмас эди.

Чиллик ўйини болаларни ҳушёрлик ва мерганликка ўргатиш билан бир қаторда, жисмоний бақувват қилиб тарбиялайди .

Ғирбайди – бу ўйин болада жисмоний эпчилликни шакллантиради. Ўйинда қатнашувчи болалар бештадан ўн бештагача бўлиб, ўртага биттаси калапўш (бош кийим)ни тикади ва калапўшни болаларга тептирмаслик учун кўриқлайди. Ўйин жараёнида калапўшни тепишга келган ўйинчига кўриқчи оёғини тегизса шу ўйинчи унинг ўрнига калапўшини тикишга мажбур бўлади. Болалар кўриқчи боланинг оёғини ўзларига тегиздирмай калапўшни ўртадан тепиб олиб кетсалар, то калапўшнинг эгаси етиб бориб, уни ўртадан олгунча тепиб кетаверганлар. У бола калапўшни тепки остидан олиб, яна уни ўртага тикиб кўриқлайди. Ўйин шу тарзда давом этган .

Ўйин болаларни ҳушёрлик ва чаққонликка, ҳамда ҳарбий ҳизмат вақтида кўрғонни кўриқлашга ўргатган.

Чилкўз - бу ўйинда 10 ёки 20 киши икки гуруҳга бўлинади. Ўйини ташкил этиш ва холис ўтказиш учун иккита назоратчи ҳакам қўйилган. Текис майдоннинг ўртасига махсус белги қўйилиб, рақиб гуруҳлар қарама-қарши томонга жойлаштирилади. Назоратчи ҳакамнинг бири қўлидаги ичига тупроқ ёки қум солинган тугунчани бор кучи билан узоққа отиб ҳар иккала гуруҳга ушбу тугунни «топиб олиб кел» деган буйруқни беради. Иккала томон шиддат билан тугунни белгиланган жойга олиб келишга уринади. Бироқ рақиблар йўлни тўсиб, белгиланган маррага келишга тўсқинлик қилади. Тугунни қўлга киритган йигит рақибдан кутилиш учун иккинчи йигитга, иккинчиси эса учинчига тугунни отиб, белгиланган маррага етиб келишга ҳаракат қилади. Ушбу жараёнда рақиблар ҳам эпчил, чаққон ҳаракат қилиб, рақибдан тугунни тортиб олиб, ўзлари маррага етишга уринади. Энг муҳими дастлаб тугунни олган йигит рақибнинг иккитасини орасидан ўтса бир ютуқ, рақиблардан айланиб ўтса икки ютуқ, агар биронта рақибни оёғига тепиб, йикитиб ўтса уч ютуқ олиб, ўз гуруҳи ғалабасига ҳисса қўшган. Тугунни қўлга киритган йигит бошқалардан ажралиб туриш ҳамда гуруҳидагиларни огоҳлантириш

мақсадида «чирр» деган товуш чиқариб юргани учун ўйин номи *чилкўз* деб аталган. Чилкўз ўйини 2 ёки 3 соатлаб давом этган [9].

Хулоса шуки, ушбу ўйинлар болаларни эпчил, чакқон, соғлом қилиб тарбиялаган. Йигитларни бўлғуси ҳарбий хизматга тайёрлаган.

Адабиётлар:

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I жилд. – Т, 1960. –Б. 445, 452.
2. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III жилд. – Т, 1960. –Б. 261, 389, 390.
3. Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Тошкент: Akademnashr, 2011. –Б. 360-370.
4. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, Намуна хўжалиги. 2014 йил ноябрь.
5. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи. 2017 йил июль.
6. Умаров И., Раҳмонов Х., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). 2014. – Б. 203-204.
7. Турсунов С., Пардаев Т., Махмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент, Akademnashr, 2012. –Б. 176-177.
8. Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. –, 2014. 225-226.
9. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Турсунов А.С., Тоғаева М.Р. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида номоддий маданият тарихи., 2012. –Б. 149.

MUGALLIMNIN RUWXIY DUNIYASININ ADEP-IKRAMLIQ TARBIYASINDAGI ORNI

N.Abdirazaqova

Nokis mamleketlik pedagogikalq instituti

Mugallimning ruwxiy dunyasi, adep-ikramliq qasiyeti, madeniyatliligi oning sirtqi korinisining unamli, uylesimli tareplerinen, tartibinen adamlar menen qarim-qatnasinan, kiygen kiyimlerrinen seziledi, korinedi. Bulardning bari mugallimning madeniyatliligi oning estetikaliq talgamlarining sirtqi korinisi. Tarbiyashi har qashanda uqipli, jynaqli bolivi tiyis. Onisiz ol bul talaplardi balalar aldina qoya almaydi. Mugallimning qanday bolmasin uqipsizligi, jagimsizligi, adepsizligi balalarga keritasi tiygizedi. Soning menen bir qatar mugallimning sirtqi madeniyatliligi, kemshilikleri oning oz xizmetine juwappershiligin, ozine qoyatugin talabning tomenletedi, shakirtleri aldinda abroyning tusiredi. Sonliqtan da mektep janında bolsin, yamasa mektepten tısqarında bolsin mugallim ozining jas awladqa ornec bolivi kerek ekenligin basqa adamlarga qaraganda mugallimshilik xizmetining ozgesheligi barilgin, har waqıtta esten shigarmawı tiyis. Mugallimning sirttan qaraganda birden kozge tusetugin kiyiniw madeniyatining, juris turisining, adamlarga qarim-qatnasining oqıwshılar ushin tarbiyalıq ahmiyeti kushli.

Mugallimning ruwxiy jagınan rawajlanıwının mazmunı sayıp kelgende oning ishki dunyasında tiykarğı orın alatuğın adep-ikramliq qasiyetlerine baylanisli. Bunday adeplilik qasiyetlerding qaliplesiwine qizigıp oqıgan adebiy kitaplar, olarda ushirsatuğın har turli obrazlar jene solardi turmis penen salıstırıw ulken tasirin tiygizedi. Mugallimning madeniyatliligi menen adamgershiligining tagıda bir ozgesheligi, oqıwshı birden tarbiyaning

ob'ekti bolıp ózin ózi muǵallım arqalı ǵana tanıtuǵınlıǵında. Bul-muǵallımniń aldına júdá zárúrli talap qoyadı, yaǵnıy ol ózine ózi hár qashan dıqqat, itibar berip óziniń júris turısınıń, tártibiniń, oqıwshılar tárepinen hár waqıtta da, bahlawda bolatuǵınlıǵın seziwi tiyis.

Sırtqı tásirde, úlgi-órnek qabillaǵısh oqıwshılar muǵallımge únemli názerlerin awdaradı. Bunday jaǵday muǵallımnen oqıwshılar hár waqıtta girshiksiz taza, hadal. ádil, uqıplı, bir minezli bolıwı talap etedi. 'Erkeletiwshi edińiz, erkimizde de tejemewshi edińiz, Siz sabırlı edińiz, salmaqlı edińiz. Zańqıldap urısqańızda da, ráhátlenip kúlgenińizde de bayqamappan. Azamat bolıp atqada mindińiz, elge aǵalıq, balaǵa ustazlıq ettińiz. Siziń júrgenińizdi elede talay waqıt mektep qonırawı quwanışqa, dóretiwshilik tabısqa bóley bersin'-dep jazadı Keńesbay Raxmanov Kegeylidegi mektepte jumıs islewshi óziniń burınǵı ustazı Purxan Smetovqa jazǵan xatında. Ádep-ikramlıq talapta adamgershilik princip muǵallımniń oqıwshıǵa degen qarım-qatnasında ózgeshe kózge túsiwi tiyis. Muǵallımniń oqıwshılarǵa degen súyispenshiligi sırttan qaraganda, olardı tárbiyalaw menen oqıtıwǵa tikkeley baylanısı joq sıyaqlı, al shınında olay emes. Muǵallımniń balalarǵa suwıq qatnasın, jas óspirim tez sezedi. Bunday muǵallımni oqıwshılarda ishten unatpaydı, jaqtırmaydı. Al oqıwshılar óz ustazın jek kórgeń jerde naǵız tárbiyalıq ıǵbal bolmaydı. Muǵallım menen mektep oqıwshılarınıń arasındaǵı qatans birin-biri sılawshılıq penen jaqsı kóriwshilik tiykarında bolmasa, bilim beriw menen tárbiya isi sapalı bolıwı múmkin emes.

Muǵallım menen oqıwshınıń arasındaǵı, sol sıyaqlı muǵallım menen pedagogikalıq jámáháttiń arasındaǵı shın, haqıqıy damagershilik qatnaslarınıń bolıwı hár bir pedagogtıń bilimi menen mádeniyatlılıǵınıń rawajlanıwı sapasına baylanıslı. Ol hár waqıtta da dóretiwshilik iniciativa kórsetip tálim-tárbiya jumısındaǵı formallıq dástúrlerdiń orn alıwına jol bermewi tiyis. Házirgi zamanniń atlaplarına say azamatlardı tárbiyalaw kúrdeli de juwaplı, sonıń menen qatar dóretiwshilikti qájjetli etetuǵın minnet ekenligin hesh kimde joqqa shıǵarmaydı. Pedagog naǵız izertlewshi dóretiwshilik qábileti barınsha jetiliskeń adam bolıw tiyis, óytkeni ustazlıq xızmettiń ózi bastan ayaǵına deyin qandayda bolmasın standartqa tózbeytuǵın dóretiwshilik process.

Значительно возрос объем упражнений в тренировке. Повысилась роль дополнительных и индивидуальных занятий. Раньше единственной формой тренировки было комплексное занятие. Сейчас помимо комплексных проводятся специальные занятия по технике, тактике и физической подготовке.

Предусматриваются не только упражнения по совершенствованию физической, технической, тактической и волевой подготовки, но и занятия по повышению теоретических знаний. Закономерным является системный подход к обучению и тренировке футболистов, предусматривающий комплексную подготовку при строгом сбалансировании всех сторон подготовки футболистов. Успех тренировки заложен в научном управлении процессом [1].

При всем своеобразии подходов, возможных в различных случаях воспитательной и тренировочной практики, принципы приводят к действительно ценным результатам, когда согласуются (а не вступают в противоречие) с объективными закономерностями воспитания и тренировки. Практическое значение общепедагогических принципов, формулируемых на основе познания данных закономерностей, в том и состоит, что они позволяют не блуждать на пути к цели, преследуемой в воспитании, раскрывают логику решения детализирующих ее задач, очерчивают главные правила их реализации. В сфере физического воспитания и спортивной тренировки общепедагогические принципы преломляются в ряде кардинальных положений, обязывающих гарантировать единство всех сторон воспитания [2,4].

Общепедагогические принципы отражают общие педагогические закономерности, действующие и в сфере физического воспитания, и спортивной тренировки. В общей педагогике такие принципы сформулированы применительно к закономерностям обучения (дидактические принципы) и воспитания в узком смысле этого понятия (принципы педагогических воздействий, направленных на формирование сознания и поведения воспитываемых, развитие их личностных качеств) [3].

Общепедагогические принципы являются, своего рода, общим руководством к действию во всех сферах воспитания. Но в качестве предельно обобщенных положений они, естественно, не раскрывают специфических закономерностей каждого отдельного вида воспитания [5].

Принцип сознательности и активности. Соблюдение этого принципа осуществляется через применение в тренировочном процессе упражнений-тренажеров, грамотного разъяснения пользы того или иного упражнения. При пассивном отношении юных спортсменов к тренировке эффект от занятий снижается на 50 % и более.

Принцип наглядности. Этот принцип предполагает активное и комплексное использование всех органов чувств, а не только опору на зрительно воспринимаемую информацию (использование учебных плакатов, показ ориентиров на местности, прохождение дистанций вместе с тренером или более квалифицированным спортсменом и т. д.).

Принцип доступности и индивидуализации. Соблюдение этого принципа предполагает соответствие задач, средств и методов спортивной тренировки возможностям занимающихся.

Доступность – это не легкость, а посильная трудность. Методика определения доступности складывается из определения меры индивидуальной и групповой доступности. Конкретное определение и соблюдение этой меры – одна из самых важных и сложных проблем для тренера.

Принцип всесторонности. Соблюдение этого принципа осуществляется путем комплексного развития физических качеств и овладения техникой ориентирования, с одной стороны, и воспитания личностных качеств – с другой.

Принцип систематичности. Суть этого принципа состоит в регулярности занятий и чередовании нагрузок и отдыха, а также соблюдении последовательности занятий и взаимосвязи между отдельными сторонами их содержания. Процесс овладения разнообразными двигательными умениями и навыками, а также развитие физических, интеллектуальных, волевых, эстетических качеств у юных ориентировщиков должен проходить в логическом порядке и взаимосвязи. Бессистемность, неупорядоченность недопустимы, они приводят к резкому снижению эффекта занятий и всего процесса обучения.

Таким образом, основными факторами, определяющими содержание процесса подготовки мини-футболистов в студенческой команде, являются закономерности возрастного развития, а структурное соотношение компонентов тренировочных нагрузок конкретного занятия обусловлено педагогическими задачами и характером срочных тренировочных эффектов.

Наиболее подвижными и вариативными параметрами являются количество упражнений и их серий, длительность выполнения упражнений и их серий, а также режим работы и отдыха. Именно эти факторы в значительной степени определяют величину тренировочной нагрузки и ее направленность в развитии того или иного качества. Такие компоненты, как интенсивность выполнения упражнений и их серий, а также координационная сложность упражнения, являются хотя и не второстепенными, но маловариативными, в большей степени постоянно заданными. Так, если развивается какое-либо физическое качество, то интенсивность выполнения упражнений будет или максимальной, или субмаксимальная и в некоторых случаях умеренная.

Литература:

1. Вопросы биомеханики физических упражнений: сб. научн. трудов. - Омск, 2002. - С. 24-32
2. Голомазов, С. В. Футбол. Теоретические основы и методика контроля технического мастерства: учебно-методическое пособие / С. В. Голомазов, Б. Г. Чирва.— М.: ТВТ Дивизион, 2006.— 80 с.
3. Губа В.П. Организация учебно-тренировочного процесса футболистов различного возраста и подготовленности: учебное пособие / В.П. Губа. – М.: Советский спорт, 2012. – 176с.
4. Губа В. П. Теория и методика мини-футбола (футзала) / Губа В. П. – М. : Человек. – 2016. – 156с.
5. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры: учебник для институтов физической культуры / Л.П. Матвеев. – М.: Физкультура и спорт, 1991. – 543 с.
6. Zatsiorsky, V.M. Science and Practice of Strength / V.M. Zatsiorsky, W.J. Kramer. - Human Kinetics, 2006. - 251 p.

СПОРТЧИЛАРНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ХОТИРАСИНИ ЎРГАНИШ

А.Х.Авезбаев

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

Ҳозирги даврда спорт турларини ёшлар онгига сингдириш ва уларни соғлом қилиб тарбиялаш асосан мактаб ўқувчиларини спортга ўргатиш, машқлар пайтида уларни тез фикрлайдиган ва тўғри қарор қиладиган қилиб тарбиялаш долзарб муаммоларнинг биридир. Сабаби, спортчиларимиз учун машқ ва мусобақа пайтларида хотира ва тез қарор чиқариш муҳимдир. Хотира биз илгари идрок қилган, бошдан кечирган ва бажарган ишларимизни ёдда сақлаш, кейинчалик уларни эслаш ёки хотирлаш жараёнидир. Спортчилар томонидан машқлар ва қойдаларни эгаллаш, хотирасида сақлаш жараёнида мулоқат ва унинг асосий таркиби бўлмиш нутқ билан бевосита боғлиқ бўлади.

Худди шу боис, спортнинг жамоавий шуғулланадиган тури бўлган баскетболчиларнинг психологик хусусиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз улар орасида жипслик ва бир-бирини тез тушиниб олиш муҳимдир. Баскетбол спорт тури бу- жамоавий бажариладиган спорт туридир. Демак, спортчиларимизнинг машқлар ва мусобақалар пайтида фикрлашнинг турли усулларига ўргатилади. Спорт фаолиятида, айниқса, спорт ўйинларида (команда бўлиб ўйналадиган спорт турларида) шериклари билан бўлаётган шахслараро муомала ва муносабатнинг характерига қараб, психологик самара ҳам ҳар хил бўлади. Жамоа фикри билан ҳисоблашиш, улардан мақтов олиш, уларнинг маъқуллашлари шахс кайфиятига ва фаолиятига ижобий таъсир этади. Спорт машқларида, ҳаракат кўникмаларининг шаклланишида сўз муҳим рол ўйнайди. Чунки ҳаракат кўникмалари-бу ихтиёрий ҳаракатлар бўлиб, уни амалга оширишда биринчи сигналлар тизимини бошқариб турувчи иккинчи сигналлар тизими, яъни нутқ етакчи рол ўйнайди

Ўқувчилар эгаллаган фикр юритиш усуллари ёрдамида билим, кўникма ва малакаларни энгил ўзлаштиради. Аммо айрим меҳнат талаб этадиган фикрлаш, хотирани мустаҳкамлаш масаласи кўпинча эътибордан четда қолади.

Спортчиларимизни билиш жараёнларидан хотира хусусиятларини аниқлаш мақсадида “Қисқа муддатли хотира ҳажмини аниқлаш” усулини қўлладик. Ушбу методика 16 та расмлар мажмуасидан иборат бўлиб, расмлар мажмуаси синалувчиларга 20 сония давомида ҳавола этилади. Шундан сўнг синалувчилар эслаб қолган расмларнинг номини ёзиб чиқиши сўралади. Ҳар бир тўғри эслаб қолинган расм учун 1 балл берилади. Тўпланиши мумкин бўлган максимал балл 16 га тенг.

Тажриба натижаларини таҳлил қилишда қуйидаги мезонларга таяниб иш кўрилади:

1. 12-16 баллар қисқа муддатли хотира ҳажми юқори;
2. 7 - 11 баллар қисқа муддатли хотира ҳажми ўртача;
3. 6 баллдан кам бўлса қисқа муддатли хотира ҳажми паст;

“Қисқа муддатли хотира ҳажмини аниқлаш” усули бўйича иштирок этдилар ва куйидаги натижаларга эришдилар.

Спортчиларнинг “Қисқа муддатли хотира ҳажмини аниқлаш” усули бўйича натижалари N=50

№	Юқори	Ўртача	Паст
Тўплаган баллари	13	28	9
Қисқа муддатли хотира ҳажми %	26 %	56 %	18%

Натижадан кўриниб турганидек, 13% баскетболчиларимизда юқори даражадаги хотира жараёни аниқланди. 56% баскетболчиларимизда ўрта даражадаги қисқа муддатли хотира ва 18% баскетболчиларимизда эса паст даражани кўрсатди. Бундан келиб чиқиб бизлар синалувчиларни шартли равишда уч гуруҳга ажратдик.

- 1-гуруҳ - Қисқа муддатли хотира ҳажми юқори бўлган спортчилар,
- 2-гуруҳ - Қисқа муддатли хотира ҳажми ўртача бўлган спортчилар,
- 3-гуруҳ - Қисқа муддатли хотира ҳажми паст бўлган спортчилар.

Бу деган бизлар баскетбол спорт тури билан шуғилланадиган спортчиларимиз билан тафаккур ва хотира хусусиятларини янада яхшилаш мақсадга мувофиқдир. Бизлар бу спортчиларимиз билан уларнинг хотирасини ва уларнинг тез фикрлаб хулоса чиқаришлари учун психокоррекцион тренинглари қўллаш яхши самара беради деган хулосага келганмиз.

Адабиётлар:

1. Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. Киев: Олимпийская литература, 1997. – 583 с.
2. Уэйнберг Р.С., Гоулд Д. Основы психологии спорта и физической культуры. - Киев: Олимпийская литература, 1998. – 334 с.

СПОРТЧИЛАР МУЛОҚОТЧАНЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Т.Арзымбетов, Д.Самандарова

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Нукус филиали*

Калит сўзлар: спорт, мулоқот, котегория, психологик восита, мусобақа, ахборот.

Мулоқотчанлик қобилиятини ривожлантириш муаммоси ҳар қандай жамият таълим тизимидаги Шахсни тарбиялашнинг асосий эҳтиёжи ҳисобланади. Талабалар томонидан фан асосларини эгаллаш жараёни мулоқат ва унинг асосий таркиби бўлмиш нутқ билан бевосита уйғунликка эга ва ўзлаштиришнинг негизи ҳисобланади.

Худди шу боис, спорт билан шуғилланадиган талабаларимизда мулоқатни коммуникатив функциясини шакллантириш даврининг зарурияти, спорт

психологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. То ҳозирги кунгача мазкур тадқиқот базасида бунга ўхшаш муаммо изчил равишда ўрганилмаган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги даврда мулоқат фаолият категорияси сифатида тан олиниб, таълим субъектларининг ўзаро муносабатлари жараёнининг психологик воситаси функциясини бажаради: коммуникация- ахборотларни узатиш, интерфаоллик – ўзаро таъсир, перцепсия – инсонни инсон томонидан идрок қилиш орқали маълумотларни тўплаш ва бошқалар. Касб-ҳунар коллежлари, Олий ўқув юрти талабаларида мулоқатни коммуникатив функциясини шакллантиришнинг заифлиги, уларда мулоқатмандлик даражасининг пастлиги махсус машғулотларда мазкур муаммони таркиб топтириш зарур эканлигини англатади, бу эса унинг долзарблигидан далолатдир.

Мулоқатнинг коммуникатив функцияси ҳақида турли-хил қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Бугунги кунга келиб кўпгина олимлар томонидан бу масала кенг доирада ўрганилиб, асосий тадқиқот объектига айланган. Жумладан, Рус психологиясида мулоқатнинг коммуникатив функциясини тадқиқ этилиши кенг доирада татқиқ этилган. Жумладан, жаҳон психологиясида мулоқат муаммосига бағишланган тадқиқотнинг бошловчиларидан бири - В.М.Бехтерев ижтимоий турмушда мулоқатнинг ролини тавсифлаб, кадриятларнинг тарихий ворислигини тaminлашнинг шарт-шароити тариқасида талқин қилади. Шунингдек, рус олимлари Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Теплов, М.С.Лейтес, В.Н.Мясищев ва Б.Г.Ананьев, Г.М.Кучинский, Ю.М.Забродин ва А.Н.Харитонов, К.А.Абулханова-Славская, Э.В.Суканов ва бошқаларнинг илмий изланишларида мулоқат тадқиқотига бағишланган изланишлари ёритилган.

Республикаимиз психологларидан М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Н.П. Аникеева, В.М.Каримова, Б.Р.Қодиров, Р.И.Суннатов, Н.С.Сафоев каби психолог олимлар мулоқат муаммосини турли томондан ёритиб берганлар. Жумладан, профессор Э. Ғозиев “Мулоқат психологияси” ўқув қўлланмасида мулоқатнинг барча қирраларини назарий томондан очиб беришга ҳаракат қилган. Профессор М.Г.Давлетшин ҳам “Умумий психология” ўқув қўлланмасида мулоқатни кишиларда қандай шаклланиши ҳақида фикрлар билдирган.

Ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги мулоқат психологияси муайян гуруҳга мансублик эҳтиёжини ва мулоқатга бўлган эҳтиёжининг ўзига хос таъсири асосида ташкил қилинади. Ўсмирлик ва ўспиринлик катталар назоратидан қутилишга интиладилар. Бундай эҳтиёжлар нафақат ижтимоий мустақиллик интилишида, балки худудий ва дахлсизликка интилишда намоён бўлади. Инглиз психологи Джон Коулман (1974) томонидани 11-13 ва 15-17 ёшли ўғил ва қиз болаларга «Агар одам ёлғиз бўлса...» ибораларини давом эттириш топшириғи берилган. Жавоблар ижобий жавоблар масалан «агар инсон ёлғиз бўлса у асабийлаша бошлайди» каби фикрлар ўз аксини топади. Тажрибада аниқланишича ўсмирликдан ўспиринликка ўтиб борган сари ижобий жавоблар ортиб, салбий жавоблар камайиб боради. Агар ёлғиз қолишда қўрқса ўспирин ёлғизликка интилади. Ўспиринлар қанчалик мустақилликка эга бўлса, ёлғиз қолишга эҳтиёж ва қобилият шунчалик кучли бўлади.

Мулоқот қобилиятлари кўплаб муаллифлар томонидан ўрганилган.

Л.Тайлер алоқа кўникмаларини икки турдаги ажратадиган:

- стратегик, шахснинг коммуникатив вазиятни тушуниш қобилиятини ифода этиб, унда тўғри йўналтириш ва шунга мувофиқ муайян хулқ-атвор стратегиясини шакллантириш;

- тактик, шахснинг мулоқотда бевосита иштирокини таъминлаш.

Биз спортчи ёшларимиз билан уларнинг мулоқотчанлик қобилиятининг қай даражада ривожланганлигини ва мулоқотчанликнинг ютуққа эришиш жараёнига таъсирини тадқиқ этишга киришдик. Танлаб олинган спортчилар фокус гуруҳида тажриба ишлари 3 босқичда олиб борилди. Дастлабки босқичда диагностика ишлари ўтказилди. иккинчи босқичда тренинг дастури асосида спортчилар мулоқотчанлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилди.

Бизнинг тажрибамизда 40 саволдан иборат «Мулоқатчанлик ва ташкилотчилик қобилиятини аниқловчи» сўровнома бўйича олинган натижаларимизда Қорақолпоғстон республикасидаги Жанубий ва шимолий туманлардаги спортчи ёшларда тренингдан олдинги олинган натижаларимизни қуйида келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкин:

(1-жадвал)

Мулоқатчанлик ва ташкилотчилик қобилиятини ўрганувчи саволноманинг тренингдан олдинги натижалари % да (n=125)

№	Респондентлар	Респондентлар сони	Мулоқатчанлик қобилиятлари	Ташкилотчилик қобилиятлари
1	Жанубий туманлар	65	0,70	0,54
2	Шимолий туманлар	60	0,57	0,54

Жанубий туманлардаги спортчи ёшларимизда мулоқатчанлик қобилиятларини аниқловчи балл юқори бўлиб, ташкилотчилик кўрсаткичлари эса 0,54 %, яъни паст ўрта кўрсаткични ташкил этди.

Шимолий туманлардаги спортчи ёшларимизда эса мулоқатчанлик қобилиятлар ўртача кўрсаткични 0,57 %, ташкилотчилик бўйича кўрсаткичлар эса паст 0,54% ташкил этди. Бу саволнома бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики шимолий туманлардаги спортчи ёшларда мулоқатчанлик ва ташкилотчилик қобилиятлари ўртача даражада.

Бундан келиб чиқиб, бизлар мулоқатчанлик қобилиятини ривожлантириш бўйича бир қанча психологик тренинглар ўтказганимиздан сўнг қуйидаги натижаларни олдик:

(2-жадвал)

Мулоқатчанлик ва ташкилотчилик қобилиятини ўрганувчи саволноманинг тренингдан сўнги натижалари % да (n=125)

№	Респондентлар	Респондентлар сони	Мулоқатчанлик қобилиятлари	Ташкилотчилик қобилиятлари
1	Жанубий туманлар	65	0,70	0,54
2	Шимолий туманлар	60	0,57	0,54
№	Респондентлар	Респондентлар сони	Мулоқатчанлик қобилиятлари	Ташкилотчилик қобилиятлари
1	Жанубий туманлар	65	0,71	0,57
2	Шимолий туманлар	60	0,62	0,56

Ўтказилган тадқиқот натижалари, ёш спортчилар билан турли психологик тренинг машғулотларини ўтказиш лозимлигини кўрсатди. Ёш спортчилар ютуққа эришишлари учун коммуникативлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу қобилиятнинг мавжудлиги уларнинг спорт мусобақаларда ютуққа эришиши учун туртки бўла олади деган хулосага келинди.

Адабиётлар:

1. Зимняя И.А. Стратегия воспитания в образовательной системе России: подходы и проблемы/ И.А. Зимняя, – М.: Издательский центр, 2005. – 480 с.
2. Барчуков И.С., Нестеров А.А. Физическая культура и физическая подготовка/ И.С. Барчуков, Ю.В. Нестеров, – М., 2007, 432 с.
3. Саппова Р. Социально-гуманитарное развитие современной молодежи в спорте// Социально-гуманитарные технологии личностного развития: материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием/: под ред. Е.И. Тихомировой, Санкт-Петербург – Самара: ООО «Издательство АС Гард», 2011, – С.223-225.
4. Генов Ф.П. Психологические особенности мобилизационной готовности спортсмена/ Ф.П. Генов. М.: Физкультура и спорт, 2006. – 176 с.

БАЛАЛАР ҲАМ ЖАС ӨСПИРИМЛЕР СПОРТ МЕКТЕБИНДЕ ҚЫЛЫШПАЗШЫЛАРДЫҢ ТАЯРЛЫҒЫН БАСҚАРЫҰДА ТРЕНЕРЛИК ҚӘБИЛИЕТИ

Р.Кадириббетов

*Ўзбекистан мамлекетлик дене тарбия ҳәм спорт университети
Нөкис филиалы*

Қылышпазшылардың таярлығын басқарыў беллесиўдиң өзгешелигин есапқа алған ҳалда шөлкемлестириледи. Басқарыў нәтийжелиги спортшы организиминиң жағдайы, басқарыўшы тәсирлер мазмұны ҳәм оларды таңлаў критериясының сайекенлигин есапқа алыўына байланыслы болады.

Спорт жеңислериниң заманагөй дәрежеде болыўы қылышпазшылардың таярлығын басқарыўға системалы жандасыў талап етиледи. Қылышпазшыларды таярлаў процесси 2 бөлимнен ибарат:

Биринши бөлим өз ара тәсир етиўши шуғылланыў сабақлары, жарыслар, тиклениўлерден ибарат. Бунда спортшыны тәрбиялаў ҳәм үйретиў әмелге асырылады.

Екинши бөлим өзара тәсир етиўши басқарыў хызметкерлери менен болған қарым қатнастан(жағдайлардан)ибарат. Таярлық басқарыўын әмелге асырыўда тренердиң орны әҳмийетли. Онда жәрдемши хызметкерлер-алымлар, шыпакерлер, шөлкемлестириўшилер, хожалық хызметкерлери ҳәм тағы басқалар жәрдемлеседи. Ҳәзирги ўақытта спортшыларды таярлаўда шөлкемлестириўши, техникалық, хожалық, илимий-методикалық ҳәм медициналық хызметти тәминлеўши жәрдемши буўын хызметкерлердиң орны оғада үлкен әҳмийетке ийе болмақта.

Жумыс барысында тренер жәрдемши хызметкерлер менен биргеликте таярлаўшы хэм тийкарғы жумысларды орынлайды. Тренердиң таярлық жумысына төмендегилерди киргизиў керек:

- таңлаўды (басланғыш хэм бақлаў) әмелге асырыў;
- шынығыў процессиниң стратегиясын анықлаў;
- шынығыў ислеў хэм жарыс жүклемелери хэм спорт нәтийжесин режелестириў.

Тренер педагог жумысының тийкарғы ўазыйпалары төмендегилерден ибарат:

- оқыў-шынығыў ислеў процессин өткерий;
- қылышпазшыларға техника хэм тактикадан сабақ бериў;
- спортшылардың организимин физикалық хэм функционал имканиятларын раўажландырыў;
- шуғулланыўшыларда жоқары руўхый хэм шыдамлылық сыпатларын тәрбиялаў^[1];
- физикалық таярлықты раўажландырыў хэм спортқа таярлық жағдайының динамикасын басқарыў.

Педагогикалық мажбүриятларды орынлаўдан тысқары, тренер материаллық-техникалық тәминлеў бойынша тапсырмалар бериў, спортшылардың таярлығын илимий методикалық тәминлеўде белсендилик көрсетиўи зәрүр болса шөлкемлестириўши жумысларын орынлаўы керек.

Қылышпазшылар таярлығын басқарыўды анықластырыў ушын тренерге өз имканиятларын хэм жәрдемши болған хызметкерлери мажбүриятларын, олардың шынығыў ислеў хэм беллесийинде тутқан орнын анықлаў, спортшы таярлығының басқарыўын муўапықластырыўға имканият бередиди.

Шөлкемлестириўшилердиң мажбүриятлары төмендегилерден ибарат:

- қылышпазшылар хэм оларды таярлаўда қатнасып атырған барлық қызметкерлер менен идеологиялық-тәрбиялық жумысларды алып барыў;
- спорт, жарыслар шөлкемлери менен байланыс орнатыў;
- Тренерлер, төрешилер, басқарыў қызметкерлерин таярлаў хэм қайта таярлаў;
- спортшыларды таярлаўда қатнасыўшы барлық хызметкерлердиң жумысларын сәйкеслестириў (муўапықластырыў);⁷
- жарыслар хэм жыйналысларды режелестириў хэм өткерий;
- жарыс хэм жыйналыс орынларында, дем алыў ўақытында илажларды өткерий;
- шынығыў ислеў хэм жарыс жүклемелерин режелестириў хэм есапқа алыў ҳаққында мағлыўматлар топлаў хэм оларды анализлеў киреди.

Материаллық-техникалық хэм хожалық ислери менен шуғылланыўшы хызметкерлердиң мажбүриятларына төмендегилер киреди:

- спорт таяныш орынларына (базалар) қурылыс ушын тапсырмаларды ислеу шығып, оларды бақлаў;
- шынығыўлар хэм жарыс қатнасыўшыларын қабыллаў хэм жайластырыў;
- әсбап-үскене хэм мебеллерди беккемлеў;
- спорт кийими хэм мебеллер менен тәмийинлеў;
- арнаўлы әспаб хэм үскенелер менен тәмийинлеў; шынығыў хэм жарыс даўамында хожалық жумысларын алып барыў.

⁷ Qilishbozlik nazariyasi va uslubiyyati O'quv qo'llanmasi II qisim-T. 2011.

Әсіресе, хәзирги ўақытта илимий-методикалық хәм медициналық хызмет ушын жуўапкер хызметкерлердиң ўазыйпалары оғада әҳмийетли. Себеби, оларға қылышпазлық спорт түриниң басқа спорт түрлеринен өзгешелигиниң, спорт түриниң раўажланыўының бийимлигин, режелестирилген жарысларда жеңиў ушын байланыслы болған спортшылардың моделл спатламаларын, болажақ қарсыласы ҳаққында мағлыўмат топлаў, физикалық таярлығы хәм спортқа таярлық жағдайы, динамикасын басқарыў бойынша усыныслар бериў, профилактикалық шаралар, емлениў шаралары, аўқатланыўын бақлаў, тиклениў (реабилитация) шаралары, физикалық таярлық жағдайын кунделик бақлаў хәм терең бақлаў ўазыйпалары жүклетилген.

Қылышпазлықта жоқары спорт натийжелерине ерисиў көп тәрәплеме төмендегилерге байланыслы:

-спортшы организими морфофункционал өзгешеликлерин, яғыный спортшылардың хәрекетлениў хәм руўхый имканиятларын тәрийплеўши туўма қәбилетлерди спорт тараўына муўапықлығы. Бул қәбилиетлер қылышпазлық пенен шуғылланыў ушын өткерилетуғын саралаў ўақытында анықланады. Бунда спортшы индивидуал қәбилетлерди қылышпазлық қуралы түри бойынша тар қәнигелик таңлаўы белгилеп бериўинде есапқа алыў керек.

-спортшының жасаў хәм таярланыў шараятлары (материаллық, техникалық хәм шөлкемлестириў тәрәплери). Бул спортшылардың туўма яки арттырылған қәбилетлериниң максимал дәрежеде көрсетиўине жәрдем бериўи керек.

-спортшының индивидуал өзгешеликлерине мас келиўи керек болған шынығыў ислеў, жарыс хам тиклениў қураллары хамде усыларының тасир етиўи.

Педагогикалық қәбилети: Тренер бул педагог, түрли тайпадағы спортшыларды ўатанға садық етип тәрбиялаў болып табылады. Тренерди профессионал абайлаўы, одан анық бир педагогикалық қәбилетти, оның жеке сапаларын хәм билим улыўмалығын, педагогикалық искерлигин раўажланыўы ушын керек.

Тренердиң педагогикалық қәбилиети-бул көплеген қәбилиет синтезин, оның оқыўшыны спорт нәтийжелериниң өсиўине көмеклеседи.

Тренердиң қәбилиети түрлише характерленеди.

Спортта педагогика-психологиясында педагогикалық қәбилетлер топар болып хәрекетленеди.

Тренердиң дидактик қәбилети үлкен эффе́ктивлик пенен орынланады: Өсте ақырынлық пенен нағрузкаларды қыйыналастырыў, илимий тәжрийбени беккемлеў, спортшыларға түсиндириўден ибарат.

Тренердиң академиялық қәбилети дәретиўшиликте, жумысқа илимий жақынлаўда көринеди.

Тренердиң комуникатив қәбилети басқа адамлар менен тез байланысқа (қарым-қатнасқа) тусиўи, Өз психикасын басқарыў, жәнжелли жағдайларға жол қоймаў, оқыўшыларға жақсы минасәбетте болыў, спортшыларға орнек болыў.

Тренердиң гностик қәбилети қылышпаздың искерлик хәм шахсын анализ қылыў, объектив хәм субъектив фактлерди үйрениў хәм анализ қылыў, топар ишиндеги жәнжеллерди тохтатыў хәм жоқ етиў.

Психомотор қабилет болса тренердің анық хәм түүры түсиндириўи, шынығыўдың атқарылыў техникасын көрсетиў тренер қылышпазлардың қабилетлерин есапқа алған ҳалда орынлаў техникасы тезлигин, амплиятудасын көрсетиўи керек.

Авторитар қабилет тренердің қылышпазларға өзин түүры таныстырыўдан ибарат. Педагогикалық усталығы авторитет пенен байланыслы, спортшылар тренер орнында сондай инсанды көриўди қәлейди.

Пресептив қабилет бул тренер тәрәпинен оқыўшылардың ишки дүнясын сезиўши, қылышпазлыққа қызығыўшылығының қалмағанлығын анықлаў, хәр бириниң индивидуаллығын анықлаўдан ибарат.

Экспресив қабилет бул тренердің тез, анық хәм тынық өз сезимин түсиндириўи болып табылады. Тренер шынығыўды түсиндириў, орынланыўын түүры яки натыйрылығын анықлаў, илажи болса әпиўайы, сөз бенен түсиндириў. Тренердің сөйлеўи жанлы болыўы керек. Хеш қашан спортшының нәтийжесизлигинде тренер бақырмаслығы лазым.

Суггестив қабилет тренердің спортшыға таңлаған спортына қызықтырыў, таңлаған спортының жақсылығына исендириў, жақсы нәтийжелерге ерисиў мүмкинлигине исендириў, шынығыўларды қызықарлы өткерий.

Тренердің өз эмоционал жағдайын бақлай алыўы, психоанализ тәжирийбеге ийе болыў, буның ушын дени саў, физикалық таярлығы болыўы керек, шөлкемлестирилген қабилет тренерде тәрбия искерлиги көп қырлы болыўы керек, қылышпазларды бир команда етиўи хәм хәр бириниң белсендилигин раўажландырыў.

Сөзимиздің соңында атап өтиў мүмкин, биз өзимиздің илимий жумысымызда бүгинги күнде өзиниң актуаллығы менен айрықша орны бар. Себеби, жас тәрбиясы менен байланыслы болған тәрәплерин раўажландырыў мәмлекетимиздің баслы темасына айланған. Өсип киятырған жас әўладты хәртәрәплеме бәркамал етип тәрбиялаў бас мақсетимиз. Мәмлекетимизде дене тәрбиясы хәм спорт тәрбиясының ажыралмас бөлеги болыўы менен биргеликте шуғылланыўшылардың хәр тәрәплеме жетик, физикалық жақтан раўажланыўына, олардың денсаўлығын беккемлеўге, мийнет өнимдарлығы хәм ўатанымызды қорғаў ушын зәрүр болған ақылай хәм шыдамлылық сыпатларын қәлиплестириўге, раўажландырыўға қаратылған.

Жасларымыздың арасында кең тарқалған спорт түриниң бири-қылышпазлық. Бул спорт түри белгили қағыйдаларға тийкарланған жекке гүрес спорт түри. Жасларымыздың қылышпазлыққа болған қызығыўшылығы оғада жоқары болғанлығын есапқа алып, бул спорт түрин раўажландырыўда тренердің жетискенлиги психо-педагогикалық искерлигине байланыслы болып қалмастан, бәлким оның жумысына муҳаббатынан болып табылды.

Әдебиятлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни.
2. “Жисмоний тарбия ва оммовий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3-июньдаги PQ-3031-СОНЛИ қарори. (www.lex.uz)
3. Абдирасулов Г, Халмухамедов Р. Основы интегрального развития физических качеств у единоборцев. Т.2007.

4. Раўпов О. Ёшларни қиличбозлик спортга жалб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш муаммолари. Конференция материаллари. Т -2008.

СПОРТ ФАОЛИЯТИДА СПОРТЧИ ШАХСИДА НАМОЁН БЎЛАДИГАН ҲИС-ТУЙҒУЛАР

Н.Усманов

Термиз олимпия захиралари коллежи спорт психологи

Спорт фаолияти кучли ва ёрқин эмоционал кечинмалар билан ажралиб туради. Спортни ҳис-туйғуларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Спорт кучли ҳис-туйғуларга бойлиги, уларнинг эмоционал жозибадорлиги унинг инсонларга ижобий таъсир этишининг муҳим шартидир. Аммо спортдаги эмоционал кечинмалар бошқа ҳис-туйғулар каби астеник ва стеник бўлиши ҳамда инсоннинг хатти-ҳаракатларига ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиши мумкин. Спорт фаолиятида намоён бўладиган ҳис-туйғулар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Спорт машғулоти жараёнида организмнинг ҳаёт фаолиятида юз берувчи катта ўзгаришлар билан боғлиқ эмоционал кечинмалар. Спорт машғулоти учун хос бўлган ва унинг асосий жиҳатларидан бири бўлган мушакларнинг кучли фаоллиги меъёрида кечса, унга доимо ўзига хос кўтаринки кайфият ҳамроҳ бўлади (ҳаракатларнинг ўта чаққонлиги, нутқдаги ортиқча баландпарвозлик, ва ҳ.) шунингдек, бундай ҳолатларда кишида серғайратлик, ҳаётдан хушнудлик кайфияти устувор бўлади. Баъзан машқлардан ўта зўриққан ҳолатда айни мушакларнинг фаоллиги спортчида астеник ҳис-туйғуларни, яъни: силланинг қуриши, норозилик ва ҳ.ларни уйғотиши мумкин.

2. Техник жиҳатдан ўта мураккаб, қийин ва хавфли жисмоний машқларни юқори даражадаги мукамаллиги билан боғлиқ эмоционал кечинмалар. Ушбу ҳис-туйғулар организмнинг умумий иш қобилияти юқори даражада эканлигини ифодалаб, мазкур ҳаракатни бажаришда эришилган натижадан лаззатланиш ва бу орқали спортчи онгида ўз шахсининг бошқалардан устун эканлигини ҳис этиш туйғуларини акс эттиради. Албатта, ўзининг кучли, чаққон, жасур, қўрқмасчидамли, ўз кучига ишонган ҳамда ҳар кимга ҳам бажара олмайдиган қийин машқларни бажаришга қодир, деб ҳис этиш киши учун ёқимли. Бу туйғулар спортчининг катта қийинчиликларни бартараф этишга йўналтирилган катта иродавий куч кўрсата олиш қобилияти билан таққосланади. Бу эса характеридаги асосий фазилат ҳисобланиб унга кўра спортчининг фақат ўзи эмас, балки унинг теварак атрофидагилар ҳам унинг шахсий фазилатларига баҳо берадилар. Шу ўринда жуда катта иродавий матонатни талаб этувчи спорт вазифаларини муваффақиятли ҳал этган спортчи нафақат ўзгаларнинг кўз ўнгида, балки ўзининг кўз ўнгида ҳам ниҳоятда улғайишни таъкидлаш зарур.

Аксинча, спорт машғулотида баъзан юз бериб турадиган жароҳат олиш, лат ейиш, қийин машқларни бажариш пайтида содир бўладиган омадсизликлар, албатта, спортчиларда астеник эмоционал туйғуларни келтириб чиқаради: масалан, ўзига ишончсизлик, қўрқув, тормозланиш ва ҳ. Хавфли жисмоний машқларни бажариш

чоғида спортчилар ҳис этадиган стеник ҳис-туйғуларга асосан спорт ҳаракатларини кийин шароитларда бажаришдан пайдо бўладиган кўрқув ҳиссини енгиш асосий омил бўлиб хизмат қилади. Юқори даражадаги спорт техникасига эга, тажрибали спортчида хавф-хатарни сезиш ва унга ёндош бўлган кўрқув ҳисси унинг хатти-ҳаракатларини издан чиқармайди, аксинча унга хавф-хатарни енгиб ўтишга сезиларли даражадаги куч-қувват бахш этади. Бундай пайтларда спортчида такрор ва такрор равишда таваккал ҳиссини бошдан кечириш иштиёқи пайдо бўлади. Зеро, бундай таваккал ҳиссиёти спортчида ўзига хорс қониқиш ва ҳузур бағшлайди. Сабаби, бу туйғуни спортчи ўзининг хавфли тўсиқни енгиб ўтишга қодир бўлган қобилиятли ва кучига ишониш, уни англаб етиш туйғулари билан бирга параллел равишда бошдан кечиради.

3. Спорт курашларининг бориши билан боғлиқ бўлган эмоционал кечинмалар. Ушбу ҳис-туйғулар ниҳоятда кучли ҳаяжонли тарзда кечиб, унда спортчиларнинг ғалаба қозонишга ёки энг юқори спорт натижаларини кўрсатишда йўналтирилган улкан интилишлари, хатти-ҳаракатлари ифодаланади. Ушбу эмоционал ҳис-туйғулар ўз суръати билан одамнинг оддий кундалик ҳаётида кечириладиган ҳис-туйғулар анча баландроқ ва кучлироқ таъсирга эга. Кўп ҳолларда улар эмоционал ҳис-туйғуларнинг ўзига хос ифодаси тарзида спортчи мимикасида ҳам ўз ифодасини топади. Спортга оид курашлар жараёнида энг масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этилган пайтда (масалан, рақиблар дарвозасига тўп урилганда) ғалабага хос эмоционал кечинмалар ўзининг энг юқори даражасига, яъни шодлик, хурсандчилик аффекти даражасига етиши мумкин. Мағлубият юз берганда эса ўзини юқотиб қўйиш, ҳолсизлик ва ўзига ишончсизлик пайдо бўлади. Спорт мусобақалари давридаги эмоционал ҳолатлар аксарият ҳолларда кучли ҳаяжонланиш билан характерланиб, уларни баъзан “Спорт жаҳлдорлиги” деб ҳам номлашади. Бундай ҳолат ниҳоятда катта ҳаракатлантирувчи куч аҳамиятига эгадир; бундай ҳолатда спортчи ўзида улкан кучни ҳис қилади, айти пайтда чарчоқни мутлақо унутади, унинг барча психик жараёнлари ўта кескинлашади. Спортчида тезкорлик ва кучни талаб этувчи реакциялар қобилияти намоён бўлади.

4. Эстетик ҳиссиётлар. Аксарият ҳолларда эстетик ҳис-туйғулар жисмоний машқларни мукамал бажаришни ифодаловчи ҳаракатлар ритмини, уларнинг шакл гўзалликларини ва бошқа томонларини идрок этиш билан боғлиқ бўлади. Бу туйғулар сузиш, енгил атлетика, гимнастика, конкида фигурали учуш ва шу каби бошқа спорт турларида юзага келади. Спорт машғулоти ёки мусобақалари бўлиб ўтаётган ташқи шарт-шароитларни идрок этиш туфайли туғиладиган ҳис-туйғулар ҳам катта эстетик аҳамиятга моликдир. Мусобақаларнинг тантанаворлиги, мусобақа жойларининг ташқи томондан жуда гўзал қилиб безатилиши, иштирокчиларнинг барчаси кийиб олган бир хил спорт кийимларини, юзлаб, минглаб томошабинларнинг иштирок этиши, уларнинг спортчиларга кўрсатаётган диққат-эътибори, ҳурмат, эҳтиром ва қизиқишлари – буларнинг барчаси мусобақа иштирокчиларида ниҳоятда юқори эмоционал ҳолатни юзага келтириб, уларда муваффақият қозониш, ўзларининг спорт тайёргарлигини энг яхши томондан кўрсатиш хоҳишининг туғилишига асос яратади. Агар спорт мусобақаларининг ташқи жиҳатлари у қадар эътиборга молик бўлмаса, ташкилий жиҳатдан кўтаринки

рух, тантанаворлик сезилмаса, бу спортчида астеник Эмоционал кечинмалар юзага келишига сабаб бўлади.

5. Маънавий ҳис-туйғулар. Бу ҳис-туйғулар спортчи томонидан ўз фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини чуқур англаш билан боғлиқдир (спорт мусобақасидаги ўз ғалабаси ёки муваффақиятсизлиги учун жамоа олдидаги жавобгарлик, фахр ҳис-туйғуси ва ҳ.). Ушбу маънавий ҳис-туйғулар қийинчиликларни енгиб ўтишда спортчи учун барча куч-ғайратни сафарбар этишда энг кучли ғағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Спортга оид курашларнинг натижаси аксарият ҳолларда спортчининг маънавий ҳис-туйғулари ва интилишларига боғлиқ. Жамоа олдидаги масъулият ҳисси ҳам бунда катта ёрдам беради. Бундай ҳис-туйғуларга эга бўлган спортчи ҳеч қачон ўз жамоасининг манфаатлари учун курашдан, гарчи бу кураш қанчалар қийин ва хавфли бўлмасин, бўйин товламайди.

Шундай қилиб, спорт фаолияти учун қуйидаги жиҳатлар ҳосдир:

а) спортчининг шахсиятини чуқур камраб олувчи ва унинг фаолиятига ниҳоятда улкан таъсир кўрсатувчи ёрқин ва кучли эмоционал кечинмалар; айти пайтда бу спортчидан ўз ҳис-туйғуларини бошқара олиш ва улардан астеник характерга эга бўлган эмоцияларга қарши кураша билиш қобилиятини ҳам талаб этади;

б) эмоционал ҳис-туйғулар ўз сифатига, турига кўра хилма-хилдир. Улар орасида оддий мускул фаолиятига боғлиқ бўлган жисмоний туйғулардан то спорт жамоасини ягона яхлит бир оилага бирлаштирувчи умумий манфаатлар асосида ётган маънавий туйғуларигача бор;

в) спорт мусобақалари чоғида эмоционал ҳолатларнинг ўзгарувчанлиги, жуда тез фурсатда тамоман бир-бирига қарама-қарши бўлган бир туйғудан бошқа туйғуларга ўтиб кетиш ҳоллари кузатилади. Бунга спорт мусобақаларининг ўзи ҳам ана шундай ўзгарувчан эканлиги сабаб бўлади. Чунки мусобақалар ҳам ўта жадал суръатларда ўтиб, баъзан уларда мағлубликдан ғолиблика, ғолибликдан мағлубликка ўтишлар ва ҳ. кутилмаган вазиятлар ҳам содир бўлади.

Адабиётлар:

1. Гаппаров З.Г. Спорт психологияси. Дарслик.-Т.:000 "Меҳридарё", 2011 й.
2. Горбунов Г. Д. Психопедагогика спорта .М., 2006 г.
3. Вилюнас В.К. Психология эмоций, М., 2005 г.
4. Родионов.А.В. Психология физического воспитания и спорта-М.:Академический проект, 2004 г.

BASKETBOLSHÍLARDÍ PSIXOLOGIALÍQ JAQTAN TAYARLAWDÍŇ QÍSQASHA XARAKTERISTIKASÍ

D.E.Nurishov, p.i.f.d. (PhD), N.A.Paluaniyazova, magistrant

Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Basketbol-sport oyını sıpatında emocional hám intellektual tolıqlığı menen ajralıp turadı. Basketbolshınıń is-háreketiniń psixologiyalıq ózgeshelikleri oyın qağıydaları, oyın háreketleri xarakteri, jarıs bellesiwininiń obektiv ózgeshelikleri menen belgilenedi.

Trenirovka procesinde basketbolshınıń texnikalıq usıllardıń úlken arsenalın iyelewine tuwrı keledi. Oynın háreketleriniń qıyınlıǵı jánede sonda, oyınshıdan joqarıanıqlıqtı, háreketlerdi differenciyalawdı, háreketiń bir túrinen ritmi, tezligi hám xarakteri boyınsha basqa bir túrine tez ótiwdi talap etetuǵın túrli sharayatlarda, ol usı arsenalardı qollanıwı zárúr boladı. Tosınnan bolatuǵın háreketler, háreketlerdiń anıqlıǵı basketbolshılardan reakciya tezligin, háreketler tezligin rawajlandırıwı talap etedi. Bul sıpattı rawajlandıra otırıp, aldınan kóre biliw, aldında bolıwı múmkin bolǵan oynın momentlerin seziw sıyaqlı halattı prognozlaw menen baylanıslı qábiletlerdi rawajlandırıw kerek.

Zamanagóy basketbol toptı joqarı tezlikte ótkeriw, oyınshılardıń jıldam háreketleniw, oynın halatlarınıń kútilmegende hám tez ózgeriw menen ajıralıp turadı. Oynınshı oynın procesinde kóp sanlı obektler hám olardıń elementlerin qabıllawına tuwrı keledi. Sonlıqtan baqlaw dıqqatın durıs bólistiriw hám tez ózgeriw, tez baǵdaralıw qábiletlerine úlken talaplar qoyıladı.

Aldın ala oylap qoyǵan usıllardı ámelge asırıw ushın halatlardı payda etiw, óz háreketlerin maskirovka etiw-bulardıń bári basketbolshınıń pikirlewine joqarı talaplardı qoyadı. Oynınshınıń taktikalıq pikirlewı ózine tánlikke iye. Anaw yaki mınaw usıldı qollanıw processinde ol óz háreketinen ajıralmaydı hám durıs taktikalıq joldı taba alıw qábileti menen birge onı ámelge asırıwı menen de xarakterlenedi.

Oynınıń jıldam tempi, bellesiwdiń kúshliliǵı, hár bir ılaqtırıwdıń nátiyjeli xarakteri, bárshe háreketlerdiń juwapkershiligi, sonday-aq tamashagóylerdiń kóp sanınıń qatnasıwı oynınıń kúshli hám túrli emociyalarǵa tolılıǵın belgileydi. Olardıń birewleri unamlı tásir etse, ekinshileri keri tásir etedi.

Basketbolshınıń emociyal halatı oynın procesinde ushırasıwdıń barısına baylanıslı ózgeredi. Tolqınlı emociyal halatta, ózin júdá qáterjam seziwde, oynınshınıń texnikalıq usıllarınıń hám taktikalıq háreketleriniń sapasına keri tásin tiygizedi. Basketbol sportshınıń erk sıpatlarına úlken talaplar qoyadı. Bunday texnikalıq taktikalıq sheberlikte qaysı komanda oynınshıları jeńiske kóbirek umtılsa, sol komanda jeńip shıǵadı. Oqıw-trenirovka jumısları hám jarıs processlerinde sportshılardın'da kóplegen obektiv hám subektiv qıyınshılıqlar payda boladı. Olardı jeńip shıǵıw sportshılardan túrli erk sıpatların talap etedi.

Ulıwma psixologiyalıq tayarlaw

Basketbolshılardı ulıwma psixologiyalıq tayarlawdıń wazıypaları:

1. Sportshınıń morallıq belgilerin hám shaxs sıpatların tárbiyalaw.
2. Qabil etiw processin rawajlandırıw, sonıń ishinde qabil etiwdiń ózine tán túrlerin qalıplestiriw hám jetilistiriw.
3. Dıqqattı rawajlandırıw, onıń kólemin, jedelligin, turaqlılıǵın, bólistiriliwin rawajlandırıw.
4. Texnikalıq pikirlewdi, este saqlaw qábiletin, onıń halatın tez hám durıs bahalaw qábiletin, nátiyjeli qarar qabil etiw hám óz háreketlerin qadaǵalaw qábiletlerin rawajlandırıw.
5. Jarıs qatayarlıqta hám oynınıń ózinde óz emociyaların basqarıw qábiletin rawajlandırıw.
6. Erk sıpatların rawajlandırıw.

Anıq jarıslarǵa psixologiyalıq tayarlaw

Basketbolshılardı aldağı jarıslarğa yaqi oyınğa psixologiyalıq tayarlaw ulıwma psixologiyalıq tayarlıq bazasında ámelge asırıladı hám ol anıq jarıslarda sportshılar aldında turğan wazıypalar menen baylanıslı. Olardıń qatarına tómendegiler kiredi:

1. Oyinshılardıń aldağı oynınıń ózgesheliklerin hám wazıypaların belgilewi;
2. Aldağı turğan jarıslardıń anıq sharayatların (oyın waqtı hám ornı, jaqtılandırılıwı, temperatura hám.t.b.) úyreniw;
3. Qarsılastıń kúshli hám ázzi táreplerin úyreniw hám usıladı esapqa alıp háreketlerge tayarlanıw;
4. Házirgi momenttegi óz múmkinshiliklerin añlaw hám bahalaw;
5. Aldağı oyın keltirip shıǵarǵan unamsız emociyalardı jeńip shıǵıw;
6. Qoyılǵan wazıypalardı orınlawda óz kúshi hám múmkinshiliklerine bekkem isenimdi qáliplestiriw.

Hár bir basketbolshi oyınaldınan, sonday-aq oyın waqtında qıyın sezimlerde bastan keshiredi, olar oyınshınıń háreketlerine unamlı yaqi unamsız tásir etedi. Bul psixikalıq halatlardıń tásiiri, sportshınıń organizmdegi psixikalıq hám fiziologiyalıq processlerdiń qayta qurılıwı menen anıqlanadı. Ayrım basketbolshılar emocionallıq kóterińkilikti, óz kúshine isenimdi sezedi–bul organizmniń aldağı háreketlerdi orınlawǵa tayarlıǵın asıradı. Al, basqalarında bolsa ruwxıy túskinlik yaqi artıqmash qozıw, isenimsizlik, jeńilmesten qorqıw,-bular organizmniń tayarlıǵın, sportshınıń múmkinshiliklerin páseytedi.

Bunday halat-start aldındaǵı halat delinedi. Start aldındaǵı halatıń tórt túri bar: ǵayratlı, oyınğa tolıq tayar halat, start qaltıratpası, start ruwxıy túskinligi, ózin tınıshsızlandırıw halatı.

Ǵayratlı, oyınğa tolıq tayar halat-Bul halat júdá qolaylı halat bolıp, sportshınıń oyınğa joqarı dárejede tayarlıǵın sıpatlaydı. Bul halatqa emocional, kóterińkilik, ǵayratlılıq, ruwxlanıw, ishki jıynaqlılıq hám aldağı sport bellesiwine dıqqattı jámlew, jeńiske erisiwge aktiv umtıw, óz kúshlerine iseniw, dıqqat, pikirlew, este saqlaw, kóz aldına keltiriw, qabıllaw, processleriniń ótkirlesiwı xarakterli.

Start qaltıratpası-Bul sport aldı halatı ushın qozıw processleriniń basım keliwi menen ótetuǵın kúshli tolqınlanıw, emocional halatıń turaqsızlıǵı, bir emociyanıń ekinshisine ózgeriwı, dıqqatsızlıq, impulsivlik, taqatsızlanıw xarakterli. Bunday halat sırttan qol hám ayaqlardıń qaltırawı, hádden tis terlewshilik hám hádden zıyat sóylew aktivligi h.t.b. arqalı seziledi.

Sport ruwxıy túskinligi-Bul halat sport qaltıratpasına qarama-qarsı, yaǵnıy pás qozıwshılıq barlıq psixikalıq processtıń kúshsizligi arqalı júzege shıǵadı, bul halatta uyqı basıw, oyında qatnasıwdı qálemew, óz kúshine isenbew, qabıllaw processleriniń, dıqqattıń, pikirlewdiń páseyiwı, háreketlerdiń bosańlasıwı hám reakciyanıń páseyiwı, túskinlik, sóylesiwge meyilsizlik xarakterli. Sırttan qaraǵanda, bul halat bulshıqetten usınıń tómenlewinde, júziniń aǵarıp ketiwinde, dem alıw ritminiń ózgeriwinde, entigiwde, suwıq ter payda bolıw awız ishiniń qurǵawında h.t.b. seziledi.

Ózin tınıshlandırırıw halatı-Ol erk kúsh salıwına tayar emesligi, óz kúshin hám múmkinshiliklerine ayrıqsha baha beriw, qarsılastıń kúshin, oynınıń áhmiyetliligine jeterli bahalamaw h.t.b. menen xarakterlenedi. Bul jerde unamsız emocional halatı jeńip, onı arnawlı usıllar járdeminde tártipke salıw kerek. Basketbolshi óziniń tolqınlanganlıǵın ózine isenbewshiligin sezdirmeui kerek. kerisinshe, mimikada, háreketlerde ózine isenimin, ǵayratlılıǵın kórsetiwı kerek. Unamsız emociyalardı sanalı túrde basıw, olardıń jedelliligini

páseytedi. Sonıda ayırıqsha atap ótiw zárúr, psixologiyalıq tayarlaw hár bir basketbolshınıń jeke ózgesheliklerin esapqa alıp ótkeriliwi kerek.

Psixologiyalıq tayarlawdıń tiykarǵı ózgeshelikleri

-puxara shaxsın hám kvalifikaciyalı basketbolshıǵa tán sıpatlardı qalıplestiriwge kompleks qatnasta bolıw;

-komanda da sociallıq-psixologiyalıq klimatı optimallastırıw hám unamlı ádep-ikramlılıq atmosferasını jaratıw;

-sportshılardıń kónlikpelerin jetilistiriwge hám professional sıpatların tárbiyalawǵa qaratılǵan pedagogikalıq qurallardı «psixologiyalastırıw»;

-basketbolshılardı jedel hám kóp kúsh salıwda talap etetuǵın trenirovka hám jarıslarǵa beyimlestiriw ushın optimal sharayatlardı jaratıw;

-ekstremal sharayatlarda sportshılardıń psixikalıq awhalın tártipke salıw;

-trenirovka hám jarıslardaǵı kóp kúsh salıwlardan keyin psixikalıq qayta tikleniw procesin optimallastırıw.

Psixologiyalıq tayarlawdıń kemshiliklerine tómendegiler kiredi:

-trenerlerdiń sportshılardıń shaxs qásiyetlerin hám kollektivtiń sociallıq mexanizmlerin jeterli bilmewi sebepli onıń quralları qollanıwdaǵı empirizm;

-basqa sport túrlerinen yaki basqa bir is-háreket túrlerinen alınǵan psixoregulyaciya quralların paydalanıwda jetkiliksiz specifikalılıq;

-psixoregulyaciya quralların tańlawda hám sportshılardıń jeke ózgesheliklerin esapqa alıwdaǵı kemshilikler;

Kvalifikaciyalı basketbolshılardı psixologiyalıq tayarlaw túrli aspektlerde kórip shıǵılıwı múmkin.

Psixologiyalıq tayarlaw quralları baǵdarlanıwı boyınsha jeke hám gruppada qollanılatuǵın-komandalıq bolıwı múmkin.

Psixologiyalıq tayarlaw tásir etiw sferası boyınsha: komandadaǵı sociallıq-psixologiyalıq klimatı optimallastırıwdı; atletikalıq hám texnikalıq-taktikalıq tayarlıq procesin optimallastırıwshı psixologiyalıq awhaldı jaratıwdı; trenirovkada hám jarıslarda basketbolshılardıń psixologiyalıq halatların tártipke salıwdı, psixikalıq qayta tikleniw processin optimallastırıwdı támiyinleydi.

Psixologiyalıq tayarlaw, quralların qollanıw forması boyınsha trenerdiń, vrachtıń, psixologtıń verbal (sóz arqalı) tásir etiwini; relaksaciyalıq (bosastırıwshı) shınıǵıwları; psixo-fiziologiyalıq funkciyalarǵa apparatura qurallarınıń tásir etiwini; qosımsha, sabaqtıń ayırım bólimlerin muzıka járdeminde audio vizual (svetomuzıka járdeminde), máselen, razminkalar, túrli lozunglar, shaqırıqlar, rituallar, komandadaǵı dástúrler h.t.b. ózishine aladı. Bul jerde oyınshılardıń psixikasına apparatura járdeminde tásir etiw, sonday-aq psixiatriya metodları menen shegaralasatuǵın autogen psixoregulyaciya hám psixo-bulshıq et trenirovkaları sıyaqlı qurallar kórip shıǵılmaydı. Bul qurallar arnawlı tayarlıqtı talap etedi, ádette, professional psixologlar tárepinen qollanıladı. Trenerdiń biyiginde nátiyjeli psixologiyalıq-pedagogikalıq qurallar, sóz, sonday-aq málim psixologiyalıq mazmun menen bayıtılǵan shınıǵıwlar bar.

Ádebiyatlar:

1. Basketbol. Maruzalar twplami. (2-kurs). T., 1996.

2. Rasulev O.T., Ismatullaev H.A. Basketbol o'yinining rasmiy qoidalari. T., 1993.

ЁШИ УЛҒАЙГАН КИШИЛАР БИЛАН ГИМНАСТИК МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗИШ

У.Муллажонов

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти
Термиз филиали*

Аннотация: Жисмоний тарбия тизимида инсонларнинг жисмоний камолотини таъминловчи турли восита ва методлар қўланилади. Гимнастика турли ёшдаги кишилар жисмоний тарбиясининг энг мақсадга мувофиқ эканлигига тавсиф берилган. Гимнастика ҳаётининг фаолият ва иш қобилиятини оширишнинг, шунингдек соғломлаштириш ва актив дам олишнинг энг яхши воситаси эканлиги аниқланди ва кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: гимнастика, организм, машғулот, мускул.

Аннотация: В системе физического воспитания используются различные средства и методы, обеспечивающие физическое развитие людей. Гимнастика считается наиболее подходящей формой физического воспитания для людей разного возраста. Гимнастика была определена и рассмотрена как лучшее средство повышения жизнедеятельности и работоспособности, а также фитнеса и активного отдыха.

Ключевые слова: гимнастика, организм, упражнения, мышцы.

Annotation: In the system of physical education, various means and methods are used to ensure the physical development of people. Gymnastics is considered the most appropriate form of physical education for people of all ages. Gymnastics has been identified and considered as the best means of improving vitality and performance, as well as fitness and outdoor activities.

Key words: gymnastics, body, exercise, muscles.

Узоқ умр кўриш учун бир қатор омиллар: халқнинг турмуш шароитининг тўхтовсиз ўсиб бориши, тиббий хизматнинг яхшиланиши ва шунингдек, соғломлаштириш-гигиеник масалаларни ҳал қилиш учун жисмоний тарбия ва спорт, айниқса гимнастика воситаларидан фойдаланиш муҳим таъсир кўрсатади.

Гимнастикани қўллашнинг самарали ва мақсадга мувофиқлиги унинг методик хусусиятларидан келиб чиқади. Организмга ҳар томонлама, танлаб таъсир кўрсатадиган машқларнинг турли-туманлиги шуғулланувчиларнинг ёши ва жисмоний тайёргарлигидан қатъий назар, машқларни танлаш ва шунингдек, юкламалани аниқроқ бошқариш имконини беради.

Гимнастика машғулотларининг мазмуни ва методикасини танлаш учун, шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятларини яхши билиш зарур.

Организмнинг барча орган ва тизимлари кексаёди ва у ирсият, ижтимоий муҳит, моддий-маиший, шахсий хусусиятларга ҳамда бошқа омилларга боғлиқдир. Организмнинг кексайиши табиий жараёндир, у руҳиятнинг, физиологик функцияларнинг қайта тикланиши ва шунингдек, одам морфологияси ва ҳаракатлантирувчи марказларнинг ўзгариши билан боғлиқдир.

Харакат функцияларининг рухий функцияларга нисбатан кўпроқ заифлашиши тиббиётда исботланган.

Бироқ, узоқ вақт рухий жароҳат билан боғлиқ бўлган аклий жараёнларкекса ҳамда катта ёшда юрак ва қон-томир тизимлари (гипертония, инфаркт миокард, артериосклероз ва бошқа) касалликларига олиб келувчи асосий сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Физиологик ва патологик кексалик бирбиридан фарқ қилади. Физиологик кексаликда организмнинг функциялари аста-секин (тўлқинсимон) пасайиб боради, аммо уларнинг сифати кўп ўзгармайди. Патологик кексалик – турли кексаликларга кўра тўқималарининг шакли, тузулишигина ўзгармасдан, балки кимёвий тузилиши ҳам ўзгаради. Модда алмашинувининг бузилиши натижасида тўқималар емирилади бу эса бир бутун организмнинг қаршилик кўрсатиш фаолиятининг пасайишига олиб келади. Олий нерв тизимининг фаолияти ҳам ўзгаради. Бош мия қобиғининг кўзгалувчанлиги пасаяди, нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги ва кучи камаяди, шарли рефлексларнинг ҳосил бўлиши ва мустаҳкамланиши ёмонлашади.

Шу билан бирга тизимли жисмоний машқ, спорт билан шуғулланувчи катта ёшдаги кишиларда эса артериосклероз жараёнлари секинлашади.

Ёши улғайиши билан мускулларнинг эгилювчанлиги камаяди, ҳажми кичраяди, 60-70 ёшларда мускулларнинг оғирлиги тана оғирлигининг 20-25 фоизини ташкил қилади. Мускул тўқимасининг таркиби ўзгариши сабабли унинг қисқариш қобилияти ёмонлашади, куч, тезлик, бардошлилик, чاقқонлик ва қайишқоқлилик кўрсаткичлари пасаяди.

Дистрофия характеридаги ҳодисалар сабабли таянч – аппарати ўзгаради: мускулларнинг эгилювчанлиги, бўғинларнинг ҳаракатчанлиги камаяди, суякларнинг мўртлиги ошади. Булар қоматнинг букчайишига олиб келади, бу эса ўз навбатида нафас олиш, қон айланиш органларининг фаолиятига салбий таъсир қилади. Нафас олиш мускулларининг кичрайиши ва заифланиши сабабли ўпканинг ҳаво олиш сифими камаяди. Катта ёшдаги кишиларда нафас олиш анча тезлашади, чуқур бўлмайди, аритмик бўлади. Гимнастика машғулотларини ташкил қилишда ва ўтказишда мазкур ўзгаришларни ҳисобга олиш керак.

Гимнастик машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси.

Ўрта, катта ва кекса ёшдаги кишилар соғлигининг аҳволи ва жисмоний тайёргарлигига қараб, гимнастик машғулотлари уч тиббий гуруҳга ажратилади:

I гуруҳ- соғлом, жисмоний тайёрланган, ёш ўзгаришларифизиологик жиҳатдан нормал ўтаётган кишилар;

II гуруҳ- соғлигида баъзи бир бир функционал характердаги камчилиги бўлган, машқ юкласига мослаша оладиган, шунингдек қариллик жараёнига хос касалликларнинг бошланғич давридаги киши;

III гуруҳ- соғлигида одатдаги меҳнат фаолиятига зид келмайдиган камчилиги бўлган, жисмоний машқ юкласига мослашув даражаси камайган кишилар киради.

Соғлигида камчилик кўпроқ бўлган кекса ёшдаги кишилар даволаниш гимнастикасибилан шуғулланишлари зарур.

Гимнастика машғулотларини ўтиш учун барча шуғулланувчилар ёши ҳисобга олинган ҳолда гуруҳларга ажратилади.

Машғулотлар индивидуал ва гуруҳли эркаклар ва аёллар учун айрим-айрим ўтказилиши мумкин. Айрим ҳолларда аралаш гуруҳлар ташкил қилиниши мумкин, бунда жисмоний тайёргарлиги ва соғлигининг аҳоли бир хил бўлган шуғулланувчиларни киритиш лозим.

Ўрта, катта, ва кекса ёшдаги кишилар билан иш олиб бориш юқори малакали бўлишни, ўз касбини севишни шунингдек, спорт фанининг янги ютуқлари асосида доимо педагоглик маҳоратини ошириб боришни талаб қилади.

Соғломлаштириш гуруҳлари машғулотларида комплекс дарслар (гимнастика ва сузиш, спорт ўйинлари, енгил атлетика ва ҳоказолар) , шунингдек жисмоний машқларнинг танлаб олинган тури бўйича машғулотлар масалан югуриш машғулотлари ўтилади.

Умумий услубий кўрсатмалар

1. Гуруҳ машғулотлари ҳафтасига 2-3 марта ўтилиши керак. Машғулотларни тоза ҳавода ҳамда бино ичида навбатлантириб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Жисмоний машқлар юкламасининг меъёри, айниқса соғлигида камчилиги бўлган шахслар учун врач педагоглар назорати асосида белгиланади. Кекса ва айниқса катта ёшдагиларга юкламани аста-секин кўпайтириш ва пасайтириш лозим, кўпроқ нафас гимнастикасини ва бўшашиш машқларини қўллаш маъқул бўлади.

3. 60 ёшдан кейин катта кўламдаги машқларни камайтириш, узоқ вақт давом этадиган, тезкор ва куч талаб қилинадиган машқларни қўлламаслик зарур. Кўпинча куч ишлатиладиган статик ҳолатларни ва шунингдек , бош билан пастга қараб осилиш ва зўр бериш билан боғлиқ машқларни бажариш тавсия қилинмайди. Кексалар машғулотида ҳаракатларни ўргатишда кўрсатиш катта аҳамиятга эга, кўрсатишда бажариш ритми ва суръати секинлаштирилади.

4. Одатда машғулотлар шуғулланувчиларнинг қизиқишини ва ўз ҳаракатларидан қониқиш ҳиссини орттириш керак. Бироқ ортиқча рухий кўтаринкилик баъзан ўта зўриқишга олиб келиши мумкин. Янги машқ тури билан бирга олдин яхши ўзлаштирилган машқ тури (25% гача) қўлланилиши зарур.

5. Камчиликларни уқдириш машғулот ўтказувчи томонидан мулойимлик ва босиқлик билан айтилиши керак. Умуман машғулот давомида шуғулланувчиларнинг бир-бирларига ҳурмат кўрсатишларига эришиш зарур.

Хусусий методик вазифалар. Саф машқлари ва жойдан-жойга кўчишлар турли-туман бўлиши керак. Ўқитувчи уларнинг қоматга таъсирини ҳисобга олиш зарур. Буйруқларни ҳадеб қўлланавермаслик даркор ундан кўра паст овозда ва босиқлик билан берилган топшириқлар фойдали бўлади. Баъзан югуриб ва сакраб бажариладиган машқларнинг давомийлигини қисқартириш мақсадида уларнинг моҳирлик билан юриш машқлари бажартириш лозим.

Гимнастик таёқчаси билан машқ бажарганда бўғинлар ҳаракатчанлигини ошириш учун елка бўғинидан айлантириш машқларини бажариш тавсия қилинади.

Гимнастика деворида аралаш ва оддий осилиш ҳолатларида машқ бажариш мақсадга мувофиқдир.

Аёллар билан машғулот ўтганда уларнинг қизиқишини ошириш ва руҳиятини кўтариш учун машқларни мусиқа жўрлигида бажартириш фойдалидир. Мураккаб

харакатларни, баландликка- узоқликка сакрашларни, кескин силташларни, тез айтишларни, энгашишларни ва ҳоказоларни бажартирмаслик керак.

Комплекс дарслардан ташқари кекса ёшдаги кишилар учун гигиеник гимнастика (эрталаб, кундуз кунини, кечкурун, ишлайдиганлар учун эса- ишлаб чиқариш гимнастикаси) тавсия қилинади.

Машғулотлар ўрта ёшдаги кишилар учун 60-90 дақиқа; катта ёшдагилар учун 45-60 дақиқа; кекса ёшдаги кишилар учун 30-45 дақиқа давом этади.

Навбатдаги дарсни шуғулланувчилардан ўзини қандай ҳис қилаётганликларини сўрашдан ва томир уришини ҳисоблашдан бошлаш лозим. (бу ҳар бир машғулот охирида ҳам қилинади)

Адабиётлар:

1. Усмонхўжаев Т, ва бошқалар. Жисмоний тарбия назарияси– Т., 2004.
2. Усмонхўжаев Т. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари.– Т., 2005.
3. Усмонхўжаев Т. Жисмоний тарбия – Т.: “Ўқитувчи”, 2007.
4. А.А. Усманова. “Спорт психологияси” – Тошкент 2018.
5. М.Абдурахмонов, А.Т.Маҳмудов. “Жисмоний тарбия ва спорт, Спорт тиббиёти”. Тошкент. 2018 йил.
6. М.Абдурахмонов. “Одам анатомияси ва физиология асолари”. Т. 2018.
7. И.Юлдашев, Х.Туленова, Р.Алимбаева, Ф.Каримов. “Жисмингиз тоза бўлсин”. Тошкент, 2012.

БЎЛҒУСИ СПОРТ ПСИХОЛОГЛАР КАСБИЙ-КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.И.Ҳайдаров

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Бўлажак мутахассис спорт психологининг касбий-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш муаммосини ўрганиш назарий-методологик ва диагностик аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишни тақозо этади. Жуладан:

- мулоқотнинг қандай моделлари мавжуд эканлиги, бу моделларнинг “одам-одам” типдаги касблар бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун қандай касбий ва педагогик-психологик аҳамиятга эга эканлиги;

- “спорт психологининг касбий коммуникатив компетентлиги” тушунчаси доирасида мулоқотнинг ва коммуникациянинг қандай расмий ва муҳим жиҳатларини эътиборга олиш лозимлиги;

- “спорт психологининг касбий коммуникатив компетентлиги” мутахассисдан қандай билимларни талаб этиши;

- “коммуникатив кўникмалар” ва “коммуникатив малакалар” нинг қандай таснифланиши, уларни спорт психологининг касбий коммуникатив компетентлигини шакллантиришдаги аҳамиятини билиш;

- бўлажак спорт психологи - олий ўқув юрти битирувчисининг касбий коммуникатив компетентлиги ривожланиш даражасини баҳолаш ва аниқлаш учун психологик диагностиканинг қандай усулларидан фойдаланиш мумкинлиги;

- бўлажак спорт психологи - олий ўқув юрти битирувчисининг касбий коммуникатив компетентлигининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни қандай психологик аспектлардан иборат, олийгоҳларда қандай методикалардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳок ...

Бу каби саволларнинг жавоби ва уларнинг ечими мулоқотнинг ижтимоий психология соҳасидаги илмий адабиётларни таҳлил қилиш, шахсни психологик диагностикаси, мутахассисларни тайёрлаш жараёнини моделлаштиришга асосланади.

Илмий адабиётларнинг (Андреева, Парыгин, Дорошенко, Зотова, Нартов ва бошқ.) таҳлили ёрдамида мулоқотнинг қуйидаги асосий моделлари (“Мулоқотнинг коммуникатив модели (ёки мулоқот ахборот жараёни сифатида)”, “Мулоқотнинг перцептив модели (ёки мулоқот инсоннинг инсон томонидан қабул қилиниши сифатида)”, “Мулоқотнинг интерактив модели (ёки мулоқот инсонларнинг бир-бири билан ўзаро таъсири сифатида)”, “Фаолият юзасидан мулоқот модели (ёки ишчи гуруҳда, мижозлар ва шериклар билан биргаликда фаолият юзасидан мулоқот олиб бориш) белгилаб олинди. Бу моделларнинг мазмунини уларнинг “инсон-инсон” типи бўйича, хусусан спорт психологи касбига тайёрлаш учун муҳим аҳамият касб этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

1. Мулоқотнинг коммуникатив модели. Бу моделда мулоқот ахборот-коммуникатив жараён сифатида белгиланиб, мулоқот қилаётган шериклар ва иштирокчилар ўртасида амалга оширилади. Бу жараёнда нафақат “ахборотнинг ҳаракати”, ахборотнинг узатилиши ва қабул қилиниши юзага келибгина қолмай, балки фаол ахборот алмашиш билан уни талқин этиш ва баҳолаш ҳам мумкин. Бунда мулоқотнинг ҳар бир иштирокчиси учун ахборотнинг қай даражада муҳимлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мулоқотнинг умумий мазмунини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бунда ахборот фақатгина қабул қилинмасдан, балки уни онгли равишда тушунилгандагина амалга ошириш мумкин. Бундай ахборот алмашиниш шерикнинг ўзини тутишига таъсир ўтказиб, таъсирнинг қай даражада бўлганлиги эса мулоқотнинг самарасида кўринади.

Мулоқотнинг асосий шарти кодификация ва декодификация (мулоқот тили, сўзларнинг маъноси) яъни суҳбатдошларнинг бир-бирини тушунишидадир. Бирок сўзларнинг маъносини тушунган ҳолда инсонлар уларни турлича тушунишлари мумкин. Бунинг сабаби инсонларнинг ёш, индивидуал-психологик, интеллектуал, ижтимоий ва бошқа хусусиятлари, уларнинг билим даражаси ва компетентлиги бўлиши мумкин.

Инсонлар орасидаги коммуникация шароитида кодификация ва декодификация билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий ва психологик характерга эга бўлган ўзига хос коммуникатив тўсиқлар юзага келиши мумкин. Коммуникатив тўсиқлар инсонлар орасидаги мулоқот ва ахборот алмашинишда ижтимоий, сиёсий, диний, касбий қарашлар, уларнинг дунёқараши, ижтимоий установакалари, идрок стереотиплари ва аниқ вазиятларда юзага келади. Бундай тўсиқлар психологик характерга ҳам эга бўлиши мумкин. Улар инсоннинг характери, унинг тортинчоқлиги, мулоқотга

кириша олмаслиги, индамаслиги ёки муносабат ўрнатишдаги кимнидир ёқтирмаслик, ишонмаслигида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Мулоқотнинг коммуникатив моделида ахборот 2 та типда бўлиши мумкин (ундовчи ва тасдиқловчи).

Ундовчи ахборот буйруқ, талаб, маслаҳат, илтимос қилишда ифодаланиб, бирон-бир таъсирни рағбатлантиради. Рағбатлантириш ўзи ҳам – маълум бир йўналишда ҳаракатга ундайдиган *активацияга*, маълум бир ҳаракатларга йўл қўймайдиган, маъқул бўлмайдиган ҳаракатларни таъқиқлайдиган *интердикцияга* бўлинади. Бу эса ўз ўрнида баъзи бир ҳулқ - атворнинг ва фаолиятнинг бузилишига олиб келувчи дестабилизация, яъни нотурғунлик бўлиши мумкин. Коммуникатор (ахборот берувчи шахс) томонидан берилаётган ундовчи ахборот инсонларнинг мулоқоти ва фаолияти (ўйин, ўқув, меҳнат, касбий, педагогик, бошқарув)да доим муҳим ўринга эга.

Тасдиқловчи ахборот хабар шаклида бўлиб, турли таълим тизимида, касбий ва ноформал гуруҳларда аҳамиятли бўлиб, у ҳулқ-атворнинг бевосита ўзгаришини талаб этмайди. Бу модел мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларини қамраб олади. Вербал воситаларга инсонларнинг ўзаро мулоқот воситаси бўлган нутқ ва тил киради. Нутқ ва тил ёрдамида маълумотни кодлаш ва декодлаш операциялари амалга оширилади. Коммуникатор сўзлашув жараёнини кодлайди, реципиент эса эшитиш жараёнида бу ахборот кодини очади. Диалогик нутқ ёки диалог суҳбатнинг ўзига хос тури бўлиб коммуникатив ролларнинг кетма-кетликда алмашинишини назарда тутаяди, бунда маълумот бойитилади. Коммуникатив жараёнда коммуникаторнинг 3 та позицияси намоён бўлади:

1) *очиқ* - коммуникатив жараён вақтида коммуникатор ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қилади, турли далиллар келтиради;

2) *четлаштирилган* – коммуникатор ўзини бу масалада компетентли эмаслигини таъкидлаб, қарама-қарши нуқтаи назарларни таққослайди, бу эса унинг яъни масаланинг баъзи бирдан хабардор эканлигини билдиради;

3) *ёпиқ* – коммуникатор ўз фикрини баён қилмайди, баъзида эса уни сир тутишга ҳаракат қилади. Новербал коммуникация воситалари инсоннинг шахс хусусиятлари, темпераменти, психик ҳолатлари билан бевосита боғлиқ, яъни уларни намоён қилиш воситалари бўлиб ҳисобланади. Новербал мулоқот асосида инсоннинг ички ҳолатлари, шунингдек, шахснинг индивидуал – психологик характеристикалари очилади, намоён бўлади. Бундан ташқари кинестик новербал воситалар ҳам мавжуд бўлиб, улар бошқа инсоннинг ҳаракатларини ифода этиб, мулоқотда бошқариш функциясини бажаради. Ифодали ҳаракатлар юз мимикаси, қарашлар, имо-ишора, гавданининг ҳолати, қадам ташлашида намоён бўлади.

Мимика – инсоннинг эмоционал ҳолатини (ғазаб, қувонч, изтироб, ажабланиш, хавотирланиш ва бошқ) ифодаловчи юз мушакларининг ҳаракати.

Имо-ишора – мулоқотга киришувчи шахслар учун тушунарли бўлган қўл ва бошнинг турли ҳаракатлари. Турли миллатлар маданиятида имо-ишораларнинг маъноси турлича бўлиши мумкин. Бироқ барча миллатларда ҳам бир-бирига ўхшаш имо-ишоралар мавжуд, уларга саломлашиш, хайрлашиш, диққатни жалб қилиш, таъқиқлаш, тасдиқлаш, инкор этиш, савол тариқасидаги *коммуникатив жестларни* киритиш мумкин.

Модал имо-ишоралар-муносабатни ва баҳолашни (маъкуллаш, қоникмаслик, норозилик, ишонч ва ишонсизлик, ўзини йўқотиб қўйиш) ифодалайди.

Тасвирлаб бериш имо-ишоралари-фақатгина нутқ орқали ифодаланади.

Гавдани тутиш – суҳбат давомида мулоқот иштирокчиларининг инсон гавдасининг ҳолати. Бу инсонни ўзини тутишнинг фазовий ифодаси, унинг муносабатини билдиради. Ҳар бир халқнинг анъаналари ва одатларига кўра гавдани тутиш орқали билдириладиган белгиларнинг баъзи бирлари мумкин эмас, баъзилари эса мумкин ҳисобланади. Гавдани тутиш инсоннинг бошқа шахсларга нисбатан ўзининг статусини қандай идрок қилишини билдиради. Қадам ташлаш инсоннинг ҳаракатланиши бўлиб, унинг ёрдамида инсоннинг эмоционал ҳолатини аниқлаш мумкин. Новербал мулоқотда кўз қарашлари ёрдамида контакт катта роль ўйнайди, унинг натижасида инсонлар бир-бирларига мойилликлари ёки ишонқирамасликларини билдирадилар, мулоқотда қулайлик ёки ноқулайликни сезадилар. Инсоннинг товуши (товуш оҳанги, баландлиги, тони) ҳам унинг ҳолати ва хоҳишларини англашда ёрдам беради. Энтузиазм (иштиёқ), қувонч, ғазаб, кўрқув ва ишонсизлик одатда баланд овозда билдирилади. Ғам, қайғу, чарчоқ юмшоқ паст товуш билан ифодаланади. Нутқнинг тезлиги ҳам ҳис-туйғуларни билдиради, масалан нутқнинг тезлашиши - ҳаяжонланиш, хавотирланиш, нутқнинг сустлиги эса чарчоқ, руҳий эзилганлик ҳолатларини аломатидир. Новербал мулоқотнинг бошқа воситаларига қўл қисиш (қўл устида-устунлик, қўл тагида бўлса-тобелик, тенг ҳолатда – қўллар бир-бирига параллел равишда), елкага уриб қўйиш, мулоқот иштирокчилари ўртасидаги масофа (интим, персонал, ижтимоий, мулоқот, омма орсидидаги чиқишларда масофа сақлаш) каби ҳолатлар киради.

2. Мулоқотнинг перцептив модели (инсоннинг инсон томонидан идрок қилинишидаги мулоқот). Бу модел ижтимоий перцепция, ижтимоий стереотип каби психологик тушунчалар ҳамда устунлик, ёқимтойлик, эмпатия, рефлексия омилларига асосланади.

Ижтимоий перцепция (лот. *socialis* – жамоавий *perceptio* – идрок) – инсонлар томонидан ижтимоий объектлар - бошқа инсонлар, ўзларини, ижтимоий гуруҳлар, жамоаларнинг идрок этилиши.

Ижтимоий стереотип (лот. *stereos* - твёрдый и *typos* – отпечаток) – инсонлар гуруҳлар, воқеа-ҳодисаларнинг маълумот танқислиги шароитида юзага келадиган нисбатан мустаҳкам ва содда образ. Бизнинг фикримизча бу атамаларнинг мазмуни инсоннинг инсон томонидан идрок этилишининг мулоқот учун муҳимлиги, инсонларнинг ўз ташқи кўриниши ва ҳулқ-атворини баҳолашдан иборат. Инсоннинг инсон томонидан идрок этилиш жараёнида ёки инсоннинг гуруҳни идрок этиш жараёнида ижтимоий перцепция амалга ошади. Идрок қилишнинг психологик механизмлари, шунингдек, гуруҳлараро мулоқотда ижтимоий стереотипизация жараёни юзага келади. Бу жараён натижасида баъзи бир инсонлар ва ижтимоий гуруҳлар ҳақида барқарор тасаввур пайдо бўлади.

Инсонларнинг турли ижтимоий гуруҳлари мулоқотга киришиб ва ўзаро таъсир натижасида турли ижтимоий стереотипларни ишлаб чиқадилар. Жуда кенг тарқалганлари этник ва миллий стереотиплар, шунингдек, маиший ва касбий стереотиплар бўлиб, улар маиший ва касбий мулоқотда ва инсонларнинг ўзаро таъсири натижасида шаклланади. Мулоқотга киришаётган инсонлар бир-бирларидан

ўзларининг оилавий ва ижтимоий статуси, ҳаётий тажрибаси, интеллектуал ва шахсий хусусиятлари билан фарқланадилар, яъни улар ўзаро тенгдирлар. Мулоқот иштирокчиларининг тенг бўлмаган ҳолатларида кўп ҳолларда идрок қилишнинг «устунлик фактори» юзага келади яъни қандайдир сифати ёки статуси билан устун турадиган бир инсоннинг бошқа инсон билан мулоқотида статуси юқори бўлган инсонни иккинчиси жуда аҳамиятли эканлигини таъкидлайди, ўзининг устунлигини билган инсон эса ўз вақтида мулоқот иштирокчиси бўлган шеригини паст баҳолайди.

Мулоқот жараёнида инсоннинг инсон томонидан идрок қилинишида инсоннинг ташқи кўриниши (кийими, соч турмаги, кўзойнаги, тақинчоқлари, орденлари ва бошқ), ўзини тутиши (қандай ўтиради, юради, гаплашади, қарайди), айрим ҳолатларда эса устунлик параметрлари сифатида иш хонасининг жиҳозланиши, автомобиль русуми ҳам аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Шу тариқа устунлик ҳақидаги маълумот инсоннинг кийим-кечаги ва ўзини тутиши, шунингдек, мулоқот иштирокчисининг айрим белгилари асосида пайдо бўлади. Бу параметрлар инсоннинг у ёки бу гуруҳга ёки ижтимоий ёки меҳнат жамоаларига мансублигини билдиради.

Мулоқот жараёнида инсоннинг инсон томонидан идрок этилишида «ёқимлилик фактори» ҳам аҳамиятли бўлиб, унинг таъсирида мулоқот иштирокчисининг қандайдир сифатларига бошқа инсон томонидан юқори баҳо берилади ёки аксинча қадрланмайди. Инсоннинг ташқи кўринишидан бошқаларга ёқса, уни ақлли, яхши инсон деб қабул қилинади. Агар ташқи кўринишидан ёқимсиз бўлса унинг шахс хусусиятларига яхши баҳо берилмайди. Лекин инсонга фақатгина ташқи кўриниши бўйича баҳо бермай, унинг ўзини тутиши, у ёки бу жамоага маъқул бўладиган ёқимтойлик белгиларининг ижтимоий аҳамиятлилиги ҳам муҳим. Кейинги омил инсонга муносабат омили бўлиб бунда инсоннинг инсонга муносабати белгилари, мулоқот жараёнида унинг фикри ва мулоҳазалари қарашларининг мос келиши. Инсонларнинг фикр-мулоҳазаларининг мос келиши унга нисбатан юқори баҳо берилишига асос бўлиб хизмат қилади. Бир жамоада ишлайдиган инсонларнинг доимий равишдаги мулоқотида мулоқот иштирокчиларининг бир-бирларига ҳолисона муносабатлари ва бир-бирларини тушунишлари муҳим. Инсоннинг эмоционал ҳолати, унинг истаклари ва бошқа инсонларга муносабати асосий аҳамиятга эга. Бунда инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши ва тушуниш идентификация эмпатия ва рефлексия механизмлари асосида юзага келади.

Идентификация (лот. *identificare* – тенглаштириш) – 1) бирор нарсани ёки бирор кимни тан олиш; 2) бирор нарсага ёки бирор кимга ўхшатиш, қиёслаш ўхшатиш. Тенглаштириш қиёслаш натижасида инсон мулоқот ва фаолиятнинг субъекти сифатида ўзини мулоқот қилаётган ёки бирга ишлайдиган бошқа инсоннинг ўрнига қўяди. Бунда у ёки бу вазиятда бошқа инсон қандай йўл тутишини тасаввур қилади. Идентификация бошқа инсонларни тушунишга, ёрдам беради. Бу механизм инсоннинг ижтимоийлашуви жараёнига киритилган бўлиб, унинг натижаси сифатида инсоннинг гуруҳга, унинг қандай гуруҳга мансублигини англатади.

Эмпатия (греч. *empathieia* – қайғуриш) эмоционал ҳолатни бошдан кечириш, бошқа инсоннинг дардига ташвиши қайғусига шерик бўлиш. Бу - бошқа инсоннинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, уни қўллаб-қувватлаш. Сухбатдошнинг

ҳолати ва муаммолари нафақат тушунилади, балки бошқа суҳбатдош томонидан ўзида ҳис қилинади.

Кўриб чиқиладиган мулоқотнинг перцептив моделида инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши рефлексия жараёни билан ифодаланади. *Рефлексия* (лот. reflexio – фикр юргизиш) субъект томонидан ички психик ҳолатларни англаш жараёни. Бу фақатгина ўзини англаш ва билиш бўлмай, балки бошқалар субъектни, унинг шахс хусусиятлари, ҳиссий реакциялари ва когнитив (билиш) жараёнларини қай даражада билишлари аниқланади. Рефлексиянинг мураккаб жараёнида субъектнинг 6 та позицияси белгиланади: “субъектнинг ўзи ва у реалликда қандай”, “ўзини у қандай деб билади”, “бошқалар назарида у қандай” ва худди шу 3 та позиция фақат бошқа субъект томонидан идрок этилади.

3. Мулоқотнинг интерактив модели. Бу моделда мулоқот компонентлари инсонларнинг биргаликдаги ҳаракатлари, уларнинг биргаликдаги фаолиятларини ташкил этиш, масалан, ишлаб чиқариш, педагогик ва бошқа жамоаларда, хизмат кўрсатиш соҳаларида. Мулоқот иштирокчилари учун фақатгина маълумот алмашиш муҳим бўлмай, балки касбий ва бошқа фаолиятни ташкил этиш бўйича ҳаракатлар алмашишни ташкил этиш. Инсонлар орасидаги ўзаро ҳаракат жараёнида асосий таркибий қисми уларнинг ўзаро алоқаси ва улардан келиб чиқадиган бир-бирига ўзаро таъсири ташкил этади.

Биргаликдаги ҳаракат қатор элементларни ўз ичига олади: а) ҳаракат қилаётган инсон, б) ҳаракат объекти ёки ҳаракат йўналтирилган шахс; в) ҳаракат воситаси; г) ҳаракат методи ёки воситаларни қўллаш методи; д) ҳаракат йўналтирилган инсоннинг муносабати ёки таъсир натижаси. Биргаликдаги фаолият шароитида унинг иштирокчилари ўртасидаги мулоқот жараёни инсонлар ўртасидаги интеллектуал маънавий алоқаларга боғлиқ бўлади.

Биргаликдаги ҳаракатнинг асосий турлари бу: ҳамкорлик, кооперация, рақобат, оппозиция, мослашиш, бирдамлик. Ўзаро ҳаракатнинг усуллари - бу илтимос, талаблар, баҳолаш, розилик ёки норозилик, тақлид қилиш, маъқуллаш, инкор этиш, мактов, танқид.

Мулоқотнинг коммуникатив томони коммуникатив актнинг иштирокчилари ўртасидаги маълум бир муносабатлар таъсирида рўй бериши тариқасида биргаликдаги ҳаракат мулоқот иштирокчилари ўртасидаги маълум бир ижтимоий ва шахслараро муносабатларда ҳам амалга оширилади. Ижтимоий муносабатлар реал ижтимоий фаолият орқали амалга оширилиб унинг қисми сифатида ўзаро ҳаракат. Шахслараро муносабатлар ҳам ўзаро таъсир натижасида юзага келиб, ҳамкорлик ёки рақобат шароитида юзага келади. Шахслараро муносабатларга хос бўлган эмоционаллик турли йўналишларни ва баҳоларни, мулоқот юзасидан иштирокчиларнинг установақларини келтириб чиқаради. Бунда мулоқот иштирокчиларнинг шахслараро муносабатлари билан ва амалга ошириладиган фаолият билан бо-лиқ бўлган мотивацияси катта аҳамиятга эга бўлади. Бунда ҳар бир иштирокчининг умумий фаолиятга шахсий ҳиссаси ва бу ҳиссани англаб етиши эътиборлидир.

4. Касбий фаолият билан боғлиқ мулоқот модели. Махсус маънода (профессионал - психологик) касб билан боғлиқ мулоқот психологияси ва бошқарув менежменти бўйича илмий ишларда талқин этилган. Бу модель инсон-инсон ва

инсон-белгилар тизими типига хос бўлган касблар бўйича таълим олаётган бўлажак мутахассиснинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш юзасидан тўлдирилган ва конкретлаштирилган. Касбий фаолият билан боғлиқ мулоқот моделини ташкил этувчи асосий тушунчалар булар, ишчи гуруҳ, бошқарув усули, коммуникация, компетентлик, коммуникатив кўникмалар, коммуникатив малакалар, коммуникатив компетентлик, коммуникатив этика. Қуйида биз коммуникатив кўникма ва коммуникатив малака жараёнларининг мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтамиз.

Коммуникатив кўникмаларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- касбга доир маълумотларни етказишда оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларининг ривожланганлиги;

- алоқа ўрнатиш кўникмалари;
- муаммоларни қўйиш усули ва воситалари;
- бошқаларнинг саволларига жавоб топишнинг усул ва воситалари;
- ифодали нутқнинг усул ва воситалари;
- суҳбат мавзуси бўйича суҳбатдошнинг диққатни жалб қилиш усуллари;
- товуш интонациясини ўзгартириш усуллари;
- ўзини назорат қилиш кўникмалари (ички нутқ, ўзи билан мулоқот қилиш);
- коммуникатив ҳаракатлар кўникмалари (техник воситаларни қўллаган ҳолда мулоқотга киришиш);

- новербал коммуникация кўникмалари (имо-ишоралар мимика, пантомимика усуллари).

Коммуникатив малакалар эса қуйидагича изоҳланади:

Мижознинг суҳбатини яъни шеригини эшита олиш малакаси;

- мижознинг эмоционал ҳолатини ва шахсини кўра олиш ва тушуниш;
- тез мулоқотга кириша олиш ва диалог олиб бориш;
- барча саволларга жавоб бера олиш малакаси;
- ўз фикрини ва ҳаракатларини изоҳлай олиш малакаси;
- ўз жавобларини далиллар орқали изоҳлаш;
- суҳбат жараёнида ташаббусни ўз қўлига олиш ва бошқаларга таъсир кўрсата олиш;

- жанжалларни ҳал этиш малакаси;
- маълумотларн оғзаки ва ёзма равишда узатиш;
- техник воситаларни қўллаган ҳолда маълумотларни узатиш;
- суҳбат вақтида мижоз билан эътиборли бўлиш;
- мулоқот вақтида суҳбатдошнинг фикрига ёндошмоқ.

Демак, бўлғуси спорт психологлари мазкур коммуникатив кўникма ва малакаларни пухта эгаллашлари уларда касбий-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг асосий омилидир.

«ДЕНЕ ТӘРБИЯСЫ ОҚЫТЫҰШЫСЫНЫҢ ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ШЕБЕРЛИГИ» ТҮСИНІГИ ТЕЗАУРУСЫ

Н.Т.Акимов

Қарақалнақ мәмлекетлик университети

Тезаурус – турмыс искерлигинің анаў яки мынаў тараўындағы, инсанға турмыста мәлим бир тәризде хәрекет етиў (ориентир алыў) имканын беретугын мәлимлеме (билим) хәм көрсетпелер системасы. Педагогикалық тезаурус–бул педагогика пәни лексикасын жетерлише толық сәўлелендиретугын лексикалық бирликлердиң тәртипке салынған жыйындысы болып, онда лексикалық бирликлер ортасындағы семантикалық байланыслар анық фиксацияланады, яғнай, бул түсиниклер яки бул түсиниктиң түрли тәрийшлери емес, олар ортасында мүнәсибетлер орнатыў түсиниклериниң фиксацияланыўы нәзерде тутылады. Классик тезаурустағы ең көп тарқалған мүнәсибетлер: синонимия, антонимия, гиперонимия, меронимия, себеп хәм ақыбет болып табылады.

«Педагогикалық шеберлик» түсиниги тезаурусын дүзиў ушын түсиник этимологиясы хәм семантикасын анықлаймыз.

«Шеберлик» түсиниги этимологиялық жақтан «искерлик» түсиниги менен байланысқан. В.Даль бойынша, шеберлик–бул қол жұмысы, өнер, шеберлик. С.И.Ожеговтың [5] «Түсиндирме сөзлиги»нде шеберлик кәсип-өнер ийелеў, мийнет көнликпелери, сондай-ақ, қандай да бир тараўға тийисли жоқары өнер делинген. Солай етип, этимологиялық жақтан, «шеберлик» түсиниги мийнет, көнликпе хәм квалификацияларының раўажланыў дәрежесин сәўлелендире отырып, өнерден кәсипке, қабилеттен өнерге шекем раўажланыў басқышларын басып өтеди.

«Педагогикалық шеберлик» түсиниги курамына психологиялық-педагогикалық билимданлық, кәсиплик қабилет хәм педагогикалық техника, оқытыўшы шахсының өзгешеликтери, билим, көнликпе хәм квалификациялар, оқытыўшының кәсиплик шеберлиги дәрежеси, тәлим хәм тәрбия бериў өнери, оқытыўшының заманағөй оқытыў хәм тәрбиялаў усылларын жетик ийелеўи, жеке хәм исшеңлик сыпатлары сыяқлы әхмийетли өзгешеликтер жыйындысы киреди.

«Оқытыўшы шахсының педагогикалық шеберлиги» түсиниги сыртқы хәм ишки өзгешеликтер тийкарында қәлиплеседи. «Педагогикалық шеберлик» түсиниги бойынша сыртқы өзгешеликтер тиккелей анықланып барылады, олардың барлығы постуляция сыпатында қабыл етилип, келип шығыўы мәселеси көтерилмейди. Бундай сыртқы өзгешеликтерге «профессионализм (кәсиплик шеберлик) дәрежеси», «усылларды жетик ийелеў», «педагогикалық процесс нәтийжелилиги өлшеми» түсиниктери киреди. Түсиник пенен байланыслы ишки өзгешеликтер сыртқы өзгешеликтердиң көзге тасланбайтугын тиккелей логикалық функциясы болып, педагогикалық шеберлик ҳаққындағы түсиниктерди эпиўайы хәм илимий санада сәўлелендиреди. Мәселен, педагогикалық шеберлик педагогикалық искерликти жоқары дәрежеде ийелеў, оқытыўшыға оқыўшылардың оқыў-билиў искерлигин нәтийжели басқарыў хәм мақсетке бағдарланған педагогикалық тәсир хәм өз-ара

хәрекетти әмелге асырыў имканын бериўши арнаўлы билим, көнликпе хәм квалификациялар, кәсиплик әҳмийетли жеке сыпатлар жыйындысы есапланады [1].

Солай етип, педагогикалық шеберлик семантикалық жақтан оқытыўшының, көнликпе, квалификация хәм жеке өзгешеликлерине тийкарланған жоқары дәрежедеги кәсиплик искерлиги менен байланыслы болады.

Тезаурус жасалыўының биринши бағдары болған синонимияны көрип шығамыз. Синонимия – бир сөз дүркимине тийисли, мәниси бир-бирине жақын сөзлердиң байланысыўы. Сөз жоқ, педагогикалық түсиниклер синонимиясы лингвистикадағы классикалық синонимиядан парқ етеди, себеби, педагогикада түсиниктиң контекстуал синонимлери ажыратып көрсетиледи. Контекстуал синонимлер жағдайлы, авторлық, индивидуал хәм концептуал-сөзлик түрде келеди. «Педагогикалық шеберлик» түсиниги синонимиясын көрип шығамыз: (5-сүүретке қараң).

Педагогикалық шеберлик		
Кәсиплик шеберлик		Педагогикалық техника
Педагогикалық көнликпелер	Педагогикалық өнер	Методик
	Жоқары квалификация	

5-сүүрет. «Педагогикалық шеберлик» түсиниги синоними

В.А.Сластенинниң атап өтиўинше, оқытыўшының кәсиплик шеберлиги –бул «оның, педагогикалық мәселелерди нәтийжели шешиў бойынша кәсиплик компетентлиги хәм жеке таярлығының жоқары дәрежесин көрсетиўши педагогикалық искерлик сыпатындағы сапасы есапланады» [4].

Профессионализм дегенинде,- В.А.Сластенин шахс профессионаллығы хәм искерлик профессионаллығын өз ишине алған қурамалы системалы тәлим-тәрбияны түсинеди [4]. «Профессионализм» хәм «педагогикалық шеберлик» түсиниклери синонимиясы интегративлик хәм динамиклик сыяқлы улыўма сыпатлар менен қәлиплеседи.

Улыўма айтқанда, «педагогикалық шеберлик» хәм «жоқары квалификация» түсиниклериниң синонимия схемасы уқсас болады.

Креативлик, инсайт хәм стандарт емеслик компоненти «педагогикалық шеберлик» хәм «педагогикалық өнер» синонимлеринде сәўлеленеди. Түсиниклер мәнилери кесиспеси итибарды оқытыўшының кәсиплик қызығыўшаңлығы менен бирге пүткил психологиялық-педагогикалық билим, көнликпе хәм квалификациялар жыйындысын жетик ийелеўине қаратыў менен байланыслы.

Педагогикалық шеберлик те, педагогикалық өнер де кәсиплик қызығыўшаңлықты, раўажланған педагогикалық ой-пикир хәм интуицияны, турмысқа этикалық хәм эстетикалық мүнәсибетти нәзерде тутады.

«Педагогикалық шеберлик» түсинигиниң операциялық компоненти «педагогикалық шеберлик», «педагогикалық техника», «методика» түсиниклериниң синонимлеринде көринеди. Егер педагогикалық көнликпелер оқытыўшының әмелий хәрекетлериниң жыйындысын көрсетсе, педагогикалық техника хәм методикаға тек

көнлікпелер емес, ал, оқыу мақсетине ерисиу кепиллигин бериуши оқытуу усыллары хэм кураллары да киреди.

Тезаурус дүзилисиндеги екінши бағдар – антонимияны көрип шығамыз. Антонимия қарама-қарсы лексикалық мәниге ийе болған түсиниклер байланысын сәулелендиреди. Педагогикалық шеберлик түсинигинин антонимлери сыпатында биз «компетентсизлик», «кәсіплик деформация» хэм «кәсіплик эзилик» түсиниклерин ажыраттық.

Кәсіплик деформация–бул кәсіплик искерликти әмелге асыруу процесинде жүзеге келетуғын хэм оның өнімдарлығына кери тәсир көрсететуғын, жеке пазыйлетлерди бузып, бурмалап, унамсыз өзгешеликлер топланыуына алып келетуғын деструкциялар. Кәсіплик деформация хәр дайым педагогикалық искерлик пенен байланысly болған унамсыз кеширмелер жыйындысы менен байланысly болып, бийпарқлық, эмоционал шаршау, диңкесизлик сезими, сондай-ақ, өз «компетентсизлигин» сезиу менен бирге кешеди.

Кәсіплик деформацияның ақырғы басқышы кәсіплик жақтан деградацияланыу болып, инсанның әдеп-икрамлылық қәдириятларын өзгертсе, кәсіплик жақтан қәдирсизленип қалады.

Н.В.Кузминаның мийнетлеринде биринши мәрте компетентлик муўапық жеке пазыйлетлер топламына ийе болған шахстың интегратив өзгешелиги сыпатында қаралады. Компетентлик түсиниги тек когнитив хэм операционал -технологиялық курамлық бөлимлерди емес, ал, мотивациялық, этикалық, социаллық хэм минез-қулық сыяқлы компонентлерди де өз ишине алады. Буннан тысқары, оған оқыу (билим хэм көнлікпелер) нәтийжелери де киреди [2].

Н.А.Лызь, А.Е.Лызь [88], профессионалдың компетентлик сыяқлы интеграл характеристикасы жеке хэм кәсіплик раўажланыу процесслеринин өз-ара байланысlyлығын айқын билдирип турады, деп көрсетеди. Неге дегенде, түрли шараятларда кәсіплик машқалаларды нәтийжели шешиуге уқышлы болған компетентли профессионал қәлиплесиуи тек олардың билим хэм искерлик тәжирийбесин өзлестириуин емес, ал, өзін-өзи билиу, өз искерлигинин мәнисин излеу, өз тәғдирин өзи белгилеу, ишки, индивидуал хэм топарлық қарама-қарсылықларды шешиуди де нәзерде тутады. Әлбетте, турмыслық тәжирийбе, соның ишинде, кәсіплик тәжирийбе топлау инсанның жеке хэм кәсіплик раўажланыуының шәртлеринен бири есапланады. Бирақ, бундай раўажланыу тийкарында жеке сыпатлардың қәлиплесиуи жатады, яғный: әхмийетли мақсетлерди аңлау, шахстың өзинин профессионал сыпатындағы түсинигин қәлиплестириу, кәсіплик тарауда табысқа ерисиу талабын раўажландырыу, өз дәретиушилик потенциалын әмелге асырууға умтылыу х.т.б.

Л.М.Митинаның [3] пикиринше, компетентлик шахс өзгешелиги сыпатында түрли формаларда болады: жоқары дәрежелі көнлікпелер, өз жеке потенциалын әмелге асыруу усылы сыпатында (әдет, турмыс искерлиги усылы, сүйикли шынығыулары); шахстың өзін-өзи раўажландырыуының мәлим бир нәтийжеси сыпатында; қәбилети хэм оқыу искерлигинин индивидуал усылының көриниси, формасы сыпатында х.т.б.

Солай етип, «педагогикалық шеберлик» түсинигинин тезаурус түринде келтирилген талықлау биз ушын формал тәрийптен ўаз кешип, бир пүтин

педагогикалық процесс тәрийпи логикасына сай келиўши түсиниктиң семантикалық хәм логикалық байланысыўларын атап өтиў имканын берди.

Әдебиятлар:

1. В.А. Кан-Калик, Н.Д.Никандров, - М.: Педагогика, 1990. – 144 с.
2. Н.В. Кузмина. Профессионализм педагогической деятельности –Рыбинск, 1993.
3. Л.М.Митина. Психология профессионального развития учителя. –М.: Флинта, 1998. - 200 с.
4. Слестелин, В.А. Профессионализм учителя как явления педагогической культуры. Педагогическая образования и наука. – 2004. №5. – с. 15-25.
5. С.И.Ожегов, Словарь, русского языка –М.: Сов. Энциклопедия, 1964-900 с.

YENGIL ATLETIKA DARSLARINI REJALASHTIRISH

T.T.Utebaev, p.f.d., dotsent, A.O.Ataxanov, magistrant

Nukus davlat pedagogika instituti

Yengil atletika bóyicha oddiy musobaqa qoidalari - Yengil atletika bóyicha musobaqalar yosh guruhleri bóyicha o tkaziladi, kattalar guruhida yosh cheklanmaydi. Boz ustiga, kichik yoshdagi ósmir ógil bolalar keyingi yosh guruhi musobaqalarida qatnashishlari mumkin, katta yoshdagi ósmir ogil bolalar esa kichik yosh guruhida qatnasha olmaydilar. Erkaklar va ayollar órtasidagi musobaqalar alohida ótkaziladi, jinsiy belgilariga kóra aralash startlar ótkazilmaydi. Musobaqalarga faqat tibbiy ruxsatnomasi bor qatnashchilar yól qóyiladi. Tegishli federatsiyaning hakamlar hay'ati musobaqalar ótkazish uchun bosh hakamlar hay'atini (BHH) tayinlaydi, u bosh hakam, bosh kotib, ularning órinbosarlari va yordam- chilaridan (musobaqalar miqyosiga qarab) iborat bóladi. BHH ishi uchta bosqichga bólinadi: dastlabki bosqich, musobaqa va yakuniy bosqich.

Dastlabki bosqich. Bosh hakam vaziyatni órganadi, oldda turgan musobaqalaming ótkazilish joyini tekshiradi, kamchiliklarni bartaraf etish bóyicha kórsatmalar beradi, hakamlar brigadasi sonini hamda ularning tarkibini belgilaydi, musobaqa dasturini kunlar va soatlar bóyicha tuzib chiqadi, hakamlar bilan musobaqa qoidalari yuzasidan seminar ótkazadi, seminar yakunlariga asosan órinbosarlar, katta hakamlar tayinlaydi, hakamlar hay'atining vakillar bilan birgalikdagi kengashini ótkazadi, musobaqa shifokori bilan birga qatnashchilarning tibbiy ruxsatnomalarini tekshiradi.

Bosh kotib bu bosqichda musobaqalar ótkazish uchun barcha hujjatlarni tayyorlaydi, texnik talabnomalarni tekshiradi, har bir turdagi qatnashchilar sonini aniqlaydi va bu ma'lumotlarni bosh hakamga dasturni soatlar bóyicha tuzish uchun topshiradi, turlardagi yordamchilar va kotiblarni tanlab oladi, musobaqalar tógrisidagi axborotni tayyorlaydi, hakamlar hay'ati kengashida qatnashadi, zarur hollarda qatnashchilarning qur'a tashlash marosimini ótkazadi.

Musobaqalami ótkazish uchun **hakamlar brigadasi tuziladi:** yugurish hakamlari, sakrashlar bóyicha hakamlar brigadasi, stil (uslub) bóyicha hakamlar brigadasi, masofadagi hakamlar brigadasi, mukofotlash vatantana marosimlari bóyicha hakamlar brigadasi, axborot bóyicha hakamlar brigadasi, ishchi brigada va ba'zi boshqa brigadalar (ularning tarkibi va soni musobaqalar miqyosiga boǵliq).

Yugurish brigadasi start beruvchi, xronometrsvamarra guruhidan iborat. Start beruvchilar (2-4 kishi) yugurish qatnashchilariga start beradilar, uning tógri bajarilishini aniqlaydilar. Xronometr hakamlar guruhi (6-10 kishi) har bir qatnashchining masofani bosib ótish vaqtini aniqlaydi. Marra guruhi (6-9 kishi) qatnashchilarning marraga etib kelish tartibotini, vaqt natijalariga tuzatishlar kiritish uchun (sprintda) qatnashchilar orasidagi masofalarni aniqlaydilar. Marradagi kotib natijalarni musobaqalar bayonnomasiga yozib boradi va uni kotibiyatga topshiradi. Bu brigadaga marradagi katta hakam mas'ul hisoblanadi.

Sakrashlar bóyicha hakamlar brigadasi (3-6 kishi) 1-2 brigadadan iborat bólishi yoki har bir sakrash turi uchun tashkil qilinishi mumkin. Katta hakam sakrashning tógri bajarilganligini aniqlaydi, ólchovchi hakamlar natijani ólchaydilar, kerakli órinlarda tósiq órnatadilar. Kotib musobaqalar bayonnomasini yozib boradi va uni kotibiyatga topshiradi.

Uloqtirishlar bóyicha hakamlar brigadasi (3-7 kishi) 1-2 brigadadan iborat bólishi yoki har bir uloqtirish turlari uchun tashkil qilinishi mumkin. Katta hakam uloqtirishlarning tógri bajarilishini, uloqtirish paytida xavfsizlikka rioya qilinishini kuzatib boradi. Ólchovchi hakamlar natijalarni ólchaydilar. Kotib bayonnoma yuritadi va uni kotibiyatga topshiradi. **Masofadagi hakamlar brigadasi** masofaning va tósiqlarning, ayniqsa yugurish alohida yólkalar bóylab bajarilayotgan paytda, burilishlarda qatnashchilar tomonidan tógri bosib ótilishini kuzatadi; estafetali yugurishda estafeta tayoqchasining tógri uzatilishini kuzatib boradi.

Mukofotlash va tantana masrosimlari bóyicha hakamlar brigadasi musobaqa góliblari va sovrindorlarini mukofotlashni, musobaqalarning ochilish va yopilish marosimlarini tashkil qiladi. **Axborot bóyicha hakamlar brigadasi** musobaqalarning borishi tógrisida tovushli va yozma axborot uzatilishini kuzatib boradi. **Hakamlarning ishchi brigadasi** musobaqalarni ótkazish joylarini tayyorlaydi, tegishli inventarlar, jihozlarni hozirlaydi va tozalaydi.

Musobaqa bosqichi. Bosh hakam vaqtning chózilib ketmasligi uchun musobaqalar borishini kuzatadi: musobaqalarning boshlanish vaqtini belgilaydi; katta hakamlar joylarda hal eta olmagan barcha bahsli masalalarni kórib chiqadi; hakamlar brigadasi ishini baholaydi; musobaqalarning har kунidan song jamoalar vakillari ishtirokida hakamlar hay'ati kengashini ótkazadi va musobaqa natijalarini tasdiqlaydi.

Kotibiyat hakamlari turlar bóyicha bayonnomalarni qayta ishlab chiqadilar, keying musobaqa davralarida qatnashish uchun qatnashchilar tarkibini aniqlaydilar, qatnashchilarning órinlarini tasdiqlaydilar, ochkolar jadvaliga asosan qatnashchilarning natijalarini baholaydilar, jamoaviy kurashda ochkolarni hisoblab boradilar, maxsus devorchalarga axborotlar iladilar, musobaqalashayotgan jamoalar órinlarini aniqlaydilar, mukofotlash bólimiga qatnashchilar, góliblar va sovrindorlar tógrisida, ularning murabbiylari haqida barcha ma'lumotlarni beradilar, qatnashchilar kórsatgan natijalarning razryadlarini baholaydi. **Turlardagi kotiblar** musobaqalar bayonnomasiga qatnashchilar kórsatgan natijalarni yozib boradilar (uzunlikka sakrashlar, uch hatlab sakrash, uloqtirishlarning hamma turlari), yakuniy natijani aniqlaydilar va bayonnomalarni kotibiyatga topshiradilar. Marradagi kotib bayonnomaga qatnashchilarning yugurishlarda marraga etib kelish tartibini va uning vaqtini yozadi.

Yakuniy bosqich. Bosh hakam jamoalar vakillari ishtirokida hakamlar hay'ati bilan yakuniy kengash ótkazadi va bu yerda musobaqalar natijalari uzil-kesil tasdiqlanadi;

musobaqalar to'grisida hisobot tuzadi, bu yerda qatnashchilar soni, ishtirokchilar malakasi, jamoalarning egallagan o'rinlari, musobaqalar so'goliblari va sovrindorlari ko'rsatiladi; hakamlar brigadasi va hay'ati ishini baholaydi.

Bosh kotib hakamlar hay'ati kengashida qatnashadi, musobaqalarning barcha hujjatlarini va hisobot uchun materiallarni tayyorlaydi, bosh hakam bilan birga bo'lib o'tgan musobaqalar to'grisida matbuot uchun axborot tayyorlaydi.

Marradagi hakam qatnashchilarning marra chizig'ini kesib o'tishlariga ko'ra ularning marraga etib kelishlarini aniqlaydi, sprinterlik yugurishda birinchi va ikkinchi, ikkinchi hamda uchinchi va h.k. yuguruvchilar orasidagi masofalarni aniqlaydi. Katta hakam hamma ma'lumotlarni "marra vara'giga" yozib boradi, metraj asosida sekundomer ko'rsatmalarini aniqlab boradi va natijalarini kotibga beradi.

Xronometrist hakam start beruvchining buyru'gi bilan sekundomerni yoqadi (patron oloviga yoki tutuniga, bayroq silkinishiga reaksiya) va qatnashchi tanasining istalgan qismi. Marra chizig'ini kesib o'tishi bilan oq to'xtatadi, natijani kata hakamga ma'lum qiladi va u natijani yozib qo'yadi. Natija hakamining "Sekundomerlarning olga qo'ying" buyrug'idan so'ng sekundomer ko'rsatmalarini olib tashlaydi. Sekundomerlar ko'rsatmalari kotibga beriladi. Birinchi qatnashchining vaqti uchta sekundomer bilan, qolganlari bitta sekundomer bilan qayd qilinadi; ko'pkurashlarda har bir qatnashchining vaqti uchta sekundomer yordamida aniqlanadi. Yakuniy natija quyidagicha aniqlanadi: sekundomerning eng yaxshi va yomon ko'rsatmalari olib tashlanadi, o'rtacha sekundomer vaqti olinadi.

Marradagi kotiba yugurishdagi qatnashchilarning marraga etib kelishlarini yozib boradi, keyin esa ularning ismlari to'grisiga sekundomer vaqtini qayd qiladi. Birinchi qatnashchining vaqti albatta uchta sekundomer bo'yicha yoziladi va yakuniy natija alohida ajratib ko'rsatiladi.

Start beruvchi shuni kuzatib turishi kerakki, qatnashchilarning hech biri startga buyruqberilishidan awal kelmasligi yoki buyruq berilayotgan paytda start olmasligi kerak. Bu qoidalar buzilganda u yoki uning yordamchisi qatnashchilarni start chizig'iga qaytarishkerak.

Adabiyotlar:

1. Istomin A.A. «Jismoniy tarbiyava sport» Ma'ruza matnlari, Toshkent, 2003-yil.
2. K.Mahkamjanov, R.Salomov, T.Rasulov «Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi», Toshkent, 2003.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ ДИДАКТИЧЕСКИХ СИТУАЦИЙ, ПОБУЖДАЮЩИХ УЧАЩИХСЯ К ДИСКУССИИ

Ш.А.Алланазарова, д.ф.п.н. (PhD), Х.Шамуратов

Каракалтакский государственный университет

Дискуссии особенно необходимы для учащихся 5-9 классов. Его основная задача - развивать у учащихся навыки находить решения проблем, выражать свои взгляды, вести деловое общение с одноклассниками, искать научные решения, учитывать

мнения одноклассников, выражать себя самостоятельно и критически. Таким образом, решение проблемы формирования у учащихся способности к дискуссии предусматривает реализацию следующих условий. К ним относятся: удовлетворять потребности общества в творческих, готовых к сотрудничеству, имеющих ясную точку зрения личностях; расширение возможностей для стимулирования учащихся к самостоятельности и активности; создание широкого спектра возможностей для межличностного общения и обучающей дискуссии в образовательной практике[1, 87].

Личное мнение учащегося играет ведущую роль в процессе дискуссии. В нем отражаются личностные особенности и ценности каждого ученика. Так, как мысли ученика отражают его точку зрения, его взгляды на жизнь[2, 103].

Учитывая мнение ученика, уважение к нему - главный признак гуманного подхода к учебному процессу.

В результате опоры на психолого-педагогические факторы при организации дискуссионных ситуаций у учащихся развивается сознание, отношение к окружающему миру, поведение. Ускоряется процесс становления и деятельности ученика как уникальной личности, расширяется возможность самовыражения как социокультурного субъекта.

Таким образом, можно выделить три взаимосвязанных аспекта умения вступать в дискуссионную ситуацию.

1) Низкий уровень вступления к дискуссионной ситуации определяется эмоциями участников. Когда у учащихся низкий уровень эмоциональной способности участвовать в дискуссионных ситуациях, они не могут контролировать свои эмоции и включаются в дискуссию. Они действуют эмоционально. Их мысли и поведение меняются в зависимости от ситуации. Их мнения и суждения часто нестабильны. Такие учащиеся считают, что в их неудачах виноваты окружающие. Они не хотят признавать свои недостатки. Для них характерны неудовлетворенность, мыслительная нестабильность, отсутствие интереса к обучению. Знания таких учащихся не носят систематического и последовательного характера. Их деятельность часто не связана с повседневной жизнью. Такие учащиеся не хотят полноценно анализировать мыслительные процессы, понимать логическую связь между ними. Их умственная деятельность активизируется под некоторым влиянием. Многие учащиеся отличаются заинтересованностью и стремлением найти решение обсуждаемой проблемы. В таких случаях учитель должен направить внимание учеников на обсуждаемую проблему, чтобы побудить их принятию стабильных выводов. В процессе учебной дискуссии мысли учащихся сосредотачиваются на очень короткий промежуток времени.

2) Вторую группу составляют учащиеся со средними навыками участия в дискуссионных ситуациях. Они способны в некоторой степени контролировать свои эмоции. Они стараются неукоснительно выполнять возложенные на них роли. У них повышается эмоциональная устойчивость. В дискуссионных ситуациях ученики испытывают чувство солидарности, сочувствия к своим сверстникам и вступают с ними в дружеское общение. Они адаптируются к ситуации, возникающей во время обсуждения. Они не всегда уверены в своем мнении. Такие ученики нуждаются в регулярном контроле учителя, поддержке и помощи.

3) Высокий уровень умения вступать в дискуссионные ситуации проявляется в следующем. Этот уровень включает в себя интеллектуально ценностные подходы,

отличающиеся продуманностью действий и суждений данной категории учащихся. Возникающие в них эмоции важны, потому что они имеют определенное значение и глубоко поняты. Повышается устойчивость их эмоционального состояния. Такие учащиеся могут легко общаться с участниками группы. Они легко обсуждают различные проблемы благодаря их высокому интеллектуальному развитию. Они могут не только легко овладеть различными методами и инструментами обсуждения, но также могут разработать новые методы, обеспечивающие эффективную дискуссию. Такие учащиеся умеют прогнозировать результаты обсуждения. Они вступают в дискуссионные ситуации с глубоким интересом во всех аспектах. Эти ситуации являются для них средством обмена идеями, самовыражения и популяризации своих идей. В дискуссионных ситуациях учащиеся обретают эмоциональную, творческую свободу. Приобретают возможность активно обмениваться информацией. В этом процессе взаимодействие одноклассников помогает изменить их поведение в лучшую сторону. В дискуссионных ситуациях наблюдательность позволяет почувствовать мысли и настроение своих партнеров. В данной ситуации формируются жизненные принципы учащихся [2, 75].

Организация дискуссионных ситуаций стимулирует умственное развитие учащихся. Соответственно, для организации процесса дискуссии необходимо: выражать свои взгляды посредством вербального общения; самостоятельное изучение определенных событий и обсуждение с одноклассниками; необходимые советы учителя учащимся в процессе обсуждения; объяснение учащимся необходимости находить решения проблем во время обсуждения.

Литература:

1. Сафарова Р, Юсупова Ф. ва б. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ташкил этиш тамойиллари ва параметрлари. Т., 2013. – 142 б.

2. Алланазарова Ш.А. Умумий ўрта таълим жараёнида баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш методикаси:Т “Gold print” 2018.

3. Кузнецов М.Е. Педагогические основы личностно ориентированного образовательного процесса в школе: Монография. / М.Е. Кузнецов - Новокузнецк, 2000. – 342 с.

4. Плигин А.А. Стратегии обучения–основные компоненты личностно-ориентированного образования. // Личностно-ориентированные подходы в образовании. / Под ред. Скоробогатовой. – М.: 2002. – С. 20 – 32.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ 5-6-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Д.Латипова, М.Турғанбоева, М.Менглимуратова

Нукус давлат педагогика институти

Бугунги кунда таълим барча бўғинларида жисмоний тарбия машғулотларини замон андозалари асосида ташкил қилиш, ўқувчи-ёшлар қалбига соғлом турмуш тарзи қоидаларини сингдириш – давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Айниқса, бошланғич синфларда ва ундан кейинги босқичларда мазкур дарслар сифатини ҳаракатли ўйинлар орқали ташкил қилишни замонни ўзи тақозо қилмоқда.

Мавзу қилинаётган бу синфларда назорат дарсидан ташқари барча дарсларда ҳаракатли ўйинлар киритилади. Энг муҳими улар дарсни асосий ва якуний қисмларида ўтказилади.

5-6 синфларда, олдин ўтилган жуда кўп ўйинлардан фойдаланилади. Уларга кўпроқ турли-туман ҳаракатлар кўшилади, мураккаблашган тўсиқлар киритилади. 1-4 синфларга нисбатан, ўйин вақти узоқ давом этади.

Ўқувчилар жамоа бўлиб ўйин ўйнаш тажрибасига эгалар. Бу даврга келиб командага оид ўйинлар бирмунча кўпроқ намоён бўлади. Жисмоний имкониятларни ўсиши билан боғлиқ қисқа вақтли кучни зўриқиши билан ишлатиладиган ўйинлардан фойдаланиш мумкин (“Хўрозлар жанги”, “Арқон тортиш”, “Жуфт-жуфт бўлиб тортиш”). Буларда кучни тарангашиши қисқа вақтли бўлиб, бунда раҳбар қаршилиқ кўрсатишни тўғри усуллари енгилгина кузатади, модомикий мусобақаланиш фақатгина икки киши бирвақтда қатнашиш мумкин.

Чидамлилиқ ва тезкорлиқни ривожлантириш учун шундай ўйинлардан фойдаланиладики, уларда болалар ҳамма вақт ҳаракатда бўладилар (“Тўр”, “Оқ айиқлар”). Шунга ўхшаш ўйинларни ўйин қатнашчилрига чарчатиб қўймаслик учун, кўпи билан 5 дақиқадан оширмасликни тавсия қилинади.

5-6 синфларда командалар ўйинларда ролни иложи борица табақалаштирмоқ керак. (“Отишма”). Болаларда спортга, айниқса спорт ўйинларига катта қизиқиш намоён бўлади. Шунинг учун кўпчилиқ ҳаракатли ўйинларга тарли-туман спорт турлари билан шуғулланишга болаларни тайёрловчи элементлари киритилади. “Алпомиш” ва “Барчиной” тест меъёрларига кирувчи ўйинларга тўсиқлардан ошиб ўтиш, улоқтириш ва бошқа ҳаракатларни киритиш мумкин, чунки ўқувчиларни уни топширишга тайёрлашга ёрдам беради.

Дастурда тавсия қилинган, айрим ўйинларда, ўйинбошилар ўз вазифаларини бошидан охиригача бажаради (“Тур”, “Қопқон”, “Оқ айиқлар” ва б.қ). бундай ўйинлар учун кўпроқ тайёргарлик кўриш ўйинчиларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўйин бошини танлашда ўқувчиларни маслахатидан фойдаланиш яхши, улар ўзларини ўртоқларини кучини билади ва ўз ўзини танқид руҳида гапиришаолади. Шунинг учун раҳбар ўқувчиларга ўйин бошини, у қандай сифатларга эга бўлишини, кўрсатиб, танлашни тавсия қилади. Ўйин бошини танлашда бошқа усуллардан ҳам фойдаланилади.

Ўйинни тушунтиришда сўзлаб беришни охирида алоҳида эътиборни ўйин қоидасига қаратиши керак. Бу ёшда хикояни оброзли қилиб гапириб бериш ноўрин, лекин сюжети айрим ўйинларда сақланиб қолади.

Бу ёшдаги ўйин айниқса командалар ўйинлар алоҳида ўринни эгаллайди, шунинг учун ўқувчиларни кучлари тенг бўлган командаларга бўлишни ўргатиш зарур. Командаларга бўлишни усуллари қуллаш мумкин, яъни ўйинчиларни командани капитани қилиб тайинлашдан ташқари, чунки улар ҳали командаларни объектив равишда ташкил этаолмайдилар.

Сийдик, жинсий органлари ҳам ривожланиб боради, ковок катталашади, йил охирига бориб сийдик ажралиши анча камаяди. Бола ҳаётининг биринчи йилида нерв тизими жуда тез ривожланади. Йил охирига бориб мия вазни 2,5 баравар ортади. Болада сезги органлари ривожланади, боланинг ҳаракатлари борган сари мураккаблашади, ижобий ва салбий сезишлар пайдо булади, нутки ривожлана бошлайди.

Марказий нерв тизими уз фаолиятини мана шу эҳтиёжларини қондиришга мосол боради.

Периферик нервлар йил охирига келиб миелин парда билан копланди, у ўзига хос изолятор булиб хизмат килади, бола турли хил таъсуротларига беихтиёр эмас, балки мақсадга мувофиқ ҳаракат кила бошлайди. Тобора янги шартли рефлекслар пайдо булади ва ривожланади. Масалан, бола қолда ёткизиб кутарилганда сут ҳидига уни бошини буриб қуйилса, қидиришга ҳаракат килади.

Бола бир ёшга тулганда табиий тренировкалар таъсири остида мускулларда, айниқса қоматни тик ҳолатда тутиб турувчи ёзувчи мускулларда сезиларли ўзгариш юз беради, уларнинг ҳажми анча катталашади. Бола уч ёшлигида мускуллари гавда умумий вазнига нисбатан 20-22 фоизни ташкил этади. Улар қискариш кобилияти аниқ намоён була боради. Бу даврда умуртқа поғонасининг эгилма ҳолати шаклланади, у гавда қорин қисмининг босими билан мустаҳкамланади, бадан қайишқоқлиги пайдо булади. Гавданнинг тик ҳолатини сақлаб туришда деярли 300 та кичик-кичик мускуллар биргалиқда фаолият кўрсатади, шунинг учун мана шу ёшдаёқ боланинг утириш, юриш, югуриш, туриш пайтида гавдасини тўғри тутишга эътибор бериб, турли машқлар бажариш билан хушқомат бўлишини таъминламоқ лозим.

Бадантарбияни болада илк ёшлигиданок, зўрламасдан, ниҳоятда қунт билан бошлаш лозим.

Тарбия жараёнида секин-аста бадан тарбия машқларидан бирмунча мураккаб машқларга утилади, утилганларни муттасил такрорлаб ва мустаҳкамлаб борилади.

Бола тарбиясини асосан боланинг кун тартибини туғри ташкил қилиш, унинг ҳаракат қуникмаларини куриш, эшитиш сезгиларини, шунингдек нутқини

ривожлантиришга қаратиш лозим.Тугри овкатланиш рацийонга эътибор бериш лазим

Аввало кун тартиби катъий булиши, яъни бола бир вақтда ухлаб, бир вақтда ўйнаши, овкатланиши, сайр қилиши, массаж, жисмоний машқлар ва х.к. Бу болани тарбиясини енгиллаштирибгина колмай, балки уни улгайиш сари тартиб-интизомли булишга, осойишталикка ўргатади. Кун тартибига риоя килинмаса, бола ёмон ухлайди, инжик булгади палапартиш овкатлантирилганда иштахаси йуқолади, кам овқат ейди ва озиб кетади.

Бола икки ёшдан утганда унинг буйи чузилиб 10 см, уч ёшида 8 см ўсиб, бу пайтда буйи 83-84 см, вазни 14-15 кг келади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда болада хали ҳаракатларни узлаштириш аста-секин эгалланади. Аввалига бола кулларини лангар қилиб ёйиб, калаваланиб, кенг кадам ташлаб юра бошлайди, бир ярим яшар булганида тетикроқ юра бошлайди. Икки ёшга тулгандан сўнг у сакрай бошлайди, демак унда ҳаракатлар такомиллашади.

Бола уч ёшлигида бемалол мувозанатни саклаб юради, югуради. Шунингдек, унда аста-секин психик жихатдан ривожланиш хам юз беради.

Адабиётлар:

1. Қ.Содиқов. Кичик мактаб ёшидаги болалар анатомияси, физиологияси ва гигиенаси. - Т.: Билим, 2004 й.
2. Б.А. Содиқов, Л.С. Кўчкарова, Ш.Қурбонов. Болалар ва ўсмирлар физиологияси ва гигиенаси. - Т.: Узб. Мил. Энциклопедияси. Давлат таълим нашриёти. 2005.
3. С.И. Галперин. Анатомия, физиология человека. М., «Высшая школа», 1986.
4. А. С. Хрипкива, М. Антропова. Возрастная физиология и школьная гигиена. М., «Просвещение», 1990.

QORAQALPOG'ISTONNING TURLI TUMANLARIDA ISTIQOMAD QILUVCHI YOSHLARNING YURAK QON TOMIR TIZIMINING FUNKTSIONAL HOLATI

D.E.Kochanov, b.f.f.d. (PhD)¹, R.M.Rzayev²

¹O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti Nukus filiali

²Qoraqalpoq davlat universiteti

Ontogenetik aspektdagi o'spirinlik - bu insonning biologik kamolotining tugashi va barcha morfofunktsional ko'rsatkichlarning aniq o'lchamlariga etish davri. Ushbu moment fiziologik tizimlarning turli bo'g'inlarining o'zaro ta'siri va organlar va tizimlarning o'zaro aloqalarining rivojlanishi bilan tavsiflanadi [1, 3].

Tahlillar shuni ko'rsatib berdiki, yosh guruhidagi (19-21 yosh) yigitlarda yashash joyiga qarab, SQB qiymatlari (sistolik qon bosimi) bo'yicha eng yuqori ko'rsatkichlar Qoraqalpog'istonning janubiy viloyatlarida yashovchilar, shuningdek, 21 yoshga to'lgan shimoliy hududlardan kelgan yigitlar. Respublikamizning turli mintaqalaridan kelgan yigitlarning diastolik qon bosimi (DQB) natijalarini taqqoslaganda, yoshi kattaroq yoshdagi (21 yosh) yigitlar respublikaning barcha uchta zonalarida eng yuqori

ko'rsatkichlarga ega ekanligi aniqlandi va 80-82 mm simob oralig'ida. Ehtimol, bu o'quv jarayonlari davomida sub'ektlarning tanasida adaptiv reaksiyalarning yuqori kuchlanishiga bog'liq.

Eng past ko'rsatkichlar Qoraqalpog'istonning shimoliy viloyatlaridan kelgan yosh yigitlar guruhida uchraydi. Qayd etilishicha, so'rovda qatnashgan erkak talabalar yurak urish tezligini va regulyator tizimlarining kuchlanishini maqbul tartibga solishgan. Markaziy boshqaruv sxemasining ishtiroki minimal ekanligi va simpatik muvozanati VATning parasempatik bog'lanishiga ozgina siljiganligi aniqlandi.

Inson tanasining avtonom asab tizimining funktsional holatini baholash uchun ortostatik testni o'tkazishda kardiointervalogrammalar (KIG) usuli qo'llaniladi. Ma'lumki, sinusli yurak tuguni tanadagi barcha tartibga solish tizimlarining ishlash ko'rsatkichidir. Shu bilan birga, kardiointervalogrammaning bunday ajralmas parametri dam olish holatidagi kuchlanish indeksi (KI) boshlang'ich vegetativ ohang (BVO) ko'rsatkichi bo'lib xizmat qiladi [1]. BVO o'zgarishi funktsional holat o'zgarishiga organizmning ta'sirini ko'rsatadi. KI indikatorining oshishi "moslashish stressi" ni, uning pasayishi esa atrof-muhitning turli omillari ta'siriga moslashish jarayonining barqarorligini ko'rsatadi [1, 2]. Tadqiqotlar natijasida barcha tekshirilgan yigitlarda kardiointervalografiyaning ko'rib chiqilgan parametrlarining o'zgarishi, Qoraqalpog'iston Respublikasidagi hududiy yashash joyiga qarab kuzatiladi. Yigitlarning yashash hududiga qarab, ularda aniqlangan AMo ko'rsatkichlari bir-biridan farq qiladi. Shunday qilib, yashash joyining shimoliy zonasidan kelgan yigitlar orasida bu ko'rsatkich markaziy va janubiy mintaqalardagi yigitlar o'rtasidagi AMo ko'rsatkichlaridan yuqori. Bu shuni ko'rsatadiki, ularning tanalarida simpatik ohang hukmronlik qiladi va barqarorlashtiruvchi ta'sirning eng katta safarbarligi kuzatiladi.

Organizmning kompensatsion mexanizmlarining kuchlanish darajasini aks ettiruvchi vegetativ asab tizimining holatini tavsiflovchi ko'rsatkichlarni taqqoslaganda ba'zi bir muntazam farqlar ham mavjudligini ta'kidlaymiz. Shunday qilib, kuchlanish indeksi (KI) bir holatdan ikkinchisiga o'tish bilan ortadi, bizning holatimizda yolg'on holatidan tik holatga o'tish. Shunday qilib, shimoliy zonadan kelgan yigitlar orasida KI ko'rsatkichi 1866,3 ulchov birliklar Markaziy mintaqalardan kelgan yigitlarda KI 875,0 birlikka, shuningdek janubiy viloyatlarning yigitlarida KI ko'rsatkichi 2834,7 birlikka o'sdi. tik turgan holatda. Natijalar shuni ko'rsatdiki, KI o'sishi bilan variatsiya diapazoni ko'rsatkichlarida (DX) farq bor. Tahlillar shuni ko'rsatdiki, yashash joyiga qarab, bu ko'rsatkich yotgan holatida janubiy viloyatlarning yigitlarida eng yuqori ko'rsatkichdir. Noxush pozitsiyada DXning eng yuqori ko'rsatkichi janubiy viloyatlarning yigitlari bo'lib, bu sub'ektlarning barcha guruhlari ko'rsatkichlaridan oshib ketdi. Bularning barchasi, bizning fikrimizcha, yurak-qon tomir tizimi ishida sezilarli stressni ko'rsatadi, bu jismoniy faoliyatning o'sishi va ularning yashash sharoitlari atrof-muhit sharoitlari ta'sirida kuchayadi [3, 4]. Shunday qilib, kardiointervalografiya usulidan sportchilar tanasining reaktivligini baholash uchun sinusli yurak urish tezligi tuzilishi ma'lumotlariga ko'ra foydalanish yosh dinamikasi va hududiy differentsiatsiyadagi ba'zi muntazam farqlarni qayd etishga imkon beradi.

Adabiyotlar:

1. Баевский Р.М., Берсенева А.П. Оценка адаптационных возможностей организма и риск развития заболеваний. - М. 1997. – 180 с.

2. Баевский Р.М Анализ variability сердечного ритма при использовании различных электрокардиографических систем. - М. 2002. – 65 с.

3. Variability сердечного ритма. Стандарты измерения, физиологической интерпретации и клинического использования. СПб.: Изд-во АОЗТ. - Ин-т кардиологической техники, 2000. - 66 с.

4. Коркушко О.В., Шатило В.Б., Шатило Т.В. и др. Анализ вегетативной регуляции сердечного ритма на различных этапах индивидуального развития человека // Физиология человека, 1991. - № 2, - С. 31-39.

ЖАНУБИЙ ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРИДА ЯШОВЧИ ЎСМИРЛАР ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Г.Ильясова, б.ф.ф.д. (PhD)

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларини илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Нукус филиали

Болалар ва ўсмирларнинг жадал ўсиши ва балоғатга етиши даврида ишлаш фаолияти ва инсон саломатлиги ўртасидаги муносабатлар айниқса аҳамиятлидир.

Кўпгина олимлар болалар ва ўсмирларнинг жисмоний машқ давомидаги ҳаракатини ўрганиш усулларини фаол излайдилар, бу эса турли ёш даврларида жисмоний фаолиятнинг оптимал режимини баҳолашга имкон беради. Шунга қарамай, болалик ва ўсмирлик даврида жисмоний фаолият масаласи инсон физиологияси ва гигиенасида энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши узлуксиз жараёнлардан бири ҳисобланиб, ҳар бир ёш босқичида тана аъзоларининг бир-бирига ва ташқи муҳитга боғлиқ бўлган морфофункционал хусусиятларининг бири бўлиб қолмоқда.

Афсуски, “биологик ёш” атамаси ҳали аниқ белгиланмаган. Биологик ёш деганда унинг ривожланиш даражаси бўйича мос келадиган гуруҳнинг ўртача хронологик ёши билан белгиланадиган, жисмоний шахс эришган ҳаётининг фаолиятининг морфологик структуралари ва тегишли функционал ходисаларининг ривожланиш даражаси тушунилади.

Ўсиш ва ривожланиш жараёнларидаги индивидуал фарқлар биологик ёш ёки ривожланиш ёши каби тушунчани киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Онтогенез жараёнида шахснинг ҳақиқий вояга етганлигини акс эттирувчи ёш бу паспорт ёшидан катта даражадаги биологик ёш ҳисобланади

Тадқиқотларимизда 11-14 ёшдаги 150 нафар ўсмир ёшдаги ўқувчилар қатнашди, шундан ўғил болалар - 86 нафар (57%), қизлар 64 (43%) нафарни ташкил этди. Тадқиқотларимизга жалб этилган иштирокчилар барчаси физиологик жиҳатдан соғлом бўлиб, улар ўртача ривожланиш даражасига эга, тадқиқотларимизга яшаш ҳудудларида турли спорт тўғарақларида мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланувчи ўсмир ёшидаги болалар жалб этилди.

Тадқиқотларимиз давомида барча текширилган ўсмир ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланиш динамикасининг (тана оғирлиги ва ўсиш кўрсаткичлари) таҳлили олиб борилди. Болалар бўйининг ўсиши махсус горизонтал ва вертикал бўй

ўлчагичлар, тана вазни махсус тиббий тарозилар ёрдамида ўлчанди. Асосий антропометрик маълумотларни баҳолаш тегишли ёш-жинс гуруҳидаги арифметик ўртача оғиш (δ -сигма) ни ҳисоблаш асосида параметрик (сигма) усули орқали амалга оширилди.

Ўсмирлик даврида ўғил ва қиз болаларда тана вазнининг сезиларли даражада ошиши кузатилади. Ушбу даврда (10 ёшдан 15 ёшгача) қизларнинг тана оғирлиги ўғил болаларнинг тана оғирлигидан катта, 14 ёшдан бошлаб эса ўғил болаларда тана вазнининг ўсиш суръати юқори бўлади. Ўғил болаларда энг оғир вазн ортиши 4-5 ёшдан 11-14 ёшгача кузатилади. Қиз болаларда энг оғир вазн ортиши 4-5 ёшдан 10-11 ёшгача кузатилади. Расмий статистика ва илмий тадқиқотлар маълумотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида демографик кўрсаткичлар, шу жумладан болалар популяциясининг саломатлик ҳолатида салбий кўрсаткичлар сақланиб қолмоқда.

Ҳар бир индикатор учун 50 марта ўлчов ўтказилди. Ўсиш ва тана вазнининг қийматлари минимал ва максимал ёш кўрсаткичларига эга ва бу натижаларни қайта ишлашда ҳисобга олинган.

Мўйноқ ва Қораўзак туманларида ва Нукус шаҳрида яшовчи 11 ёшида ўғил болаларнинг ўсиши $134,1 \pm 0,05$ см дан $138,6 \pm 1,3$ см ни ташкил қилади, бу ушбу кўрсаткичнинг энг паст норматив кўрсаткичига мос келади (энг юқориси 147, 135 см). 13-14 ёшда ўсиш кўрсаткичлари мос равишда $147,0 \pm 1,2$, $148,5 \pm 2,6$ ва $150,2 \pm 3,03$ см ни ташкил этади, яъни 155 дан 170 см гача бўлган бу ёшдаги норматив ўсиш кўрсаткичларидан паст.

Барча кўриб чиқилган ҳудудларда 11 ёшдаги қизларнинг ўсиш суръатлари ўртача Мўйноқ тумани учун $127,4 \pm 0,04$, Қораўзак тумани учун $131,5 \pm 0,08$ см, Нукус ҳудудида $132,6 \pm 0,06$ см ни ташкил этди. Бунда нормал қиймат 134-147 см бўлган.

13-14 ёшдаги болаларда нормал бўй узунлиги 153-166 см га тўғри келса, тегишли равишда текширилган қизлар бўйининг узунлиги: $140,2 \pm 0,07$, $144,5 \pm 1,3$ ва $145,6 \pm 0,09$ см ни ташкил этди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Мўйноқ ва Қораўзак туманларида, шунингдек Нукус шаҳрида ўсмирларнинг ўсиш кўрсаткичлари нормал ёки нормадан паст эканлиги ниқланди.

Бу кўпроқ ўғил болаларда 14 ёшдан (4,2, 4,2 ва 2,5 фоизгача яшаш ҳудудига мос равишда) намоён бўлади. Қизларга келсак, уларнинг ўсиш жараёнлари секинлашган, айниқса Мўйноқ тумани ҳудудида яшовчиларда (5фоизга). 14 ёшга келиб, тадқиқот ўтказилган барча ҳудудларда, ўсиш суръати пасаймоқда (яшаш жойи бўйича мос равишда 8,4, 5,6 ва 4,7 фоизгача).

11 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил болалар танасининг ўсиши Мўйноқ туманида 12,9 см, Қораўзак туманида 11,5 см ва Нукусда 11,6 см ни ташкил этган. Ушбу даврда ўсмир ўғил болалар учун тана ўсишининг ёшга боғлиқ нормаси 20-23 см ни ташкил этди.

Мўйноқ тумани қизларида, тана ўсиши 12,8 см, Қораўзакда 13,0 см ва Нукус шаҳрида 13,2 см ни ташкил этган. 11 дан 14 ёшгача бўлган ўсмир қизларнинг бўйининг ўсиши суръати 19 сантиметрга тенг. Ўғил болалар билан таққослаганда, бу пубертатдан олдинги даврда қизлардаги физиологик ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар Жанубий Оролбўйининг юқорида кўрсатилган ҳудудларида яшовчи ўсмирларнинг ўсиш суръатларида ортда қолганлигини аниқлашга имкон беради.

Мўйноқ, Қораўзак туманлари ва Нукус шаҳрида яшовчи ўғил ва қиз болаларнинг тана массаси кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Назорат кўрсаткичлари сифатида ўғил ва қиз болалар учун ҳар бир ёш учун қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлардан фойдаланилди. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 11 ёшга тўлган ўғил болаларнинг тана массаси кўрсаткичлари кўриб чиқилган барча ҳудудларда энг паст стандарт кўрсаткичларда: йилларга мос равишда $30,8 \pm 0,9$, $31,9 \pm 1,4$ ва $32,1 \pm 2,3$ ни ташкил этди.

Адабиётлар:

1. Абдиров Ч.А., Агаджанян Н.А., Северин А.Е. Экология и здоровье человека.- Нукус.-Каракалпакстан, 1993. - с. 43-45.

2. Ещанов Т.Б. Медико-экологическое районирование Республики Каракалпакстан в свете состояния здоровья матери и ребенка // Экологические факторы и здоровье матери и ребенка в регионе Аральского кризиса: Материалы междунар. семинара. – Ташкент: ФАН, 2001. - 11-14 с.

3. Зайнеев М.М., Ситдиқов Ф.Г., Зиятдинова Н.И., Зефиrow Т.Л. Реакция кардиореспираторной системы первоклассников на различные виды нагрузки в течение учебного года // Казанский медицинский журнал.- 2008.- Т.89.- № 6.- с. 830-834.

4. Литовченко, О.Г., Бушева Ж.И. Основные антропометрические и функциональные показатели детей 7-9 лет г. Сургута с различным уровнем двигательной активности // Вестник Тюменского государственного университета. – 2006. – №5. – С.93-98.

5. Мамбеткаримов Г.А. Медико-экологические проблемы и состояние здоровья детского населения в Республике Каракалпакстан // Автореф. дисс.... докт. мед.наук.- Ташкент, 2005.

6. Мамбетуллаева С.М. Современная экологическая ситуация и состояние здоровья населения Южного Приаралья // Материалы IV Международной научно-практической конференции «Прикладные аспекты геологии, геофизики и геоэкологии с использованием современных информационных технологий».- Майкоп (Россия).- 2017.- С. 47-48.

ЖҮЗИЎДИҢ ДЕНСАЎЛЫҚТЫ ТИКЛЕЎДЕГИ ӘХМИЙЕТИ

Р.Қадиримбетов, З.Сапарбаев, Қ.Жумабаев

*Өзбекстан мәмлөкетлик дене тәрбия хәм спорт университети
Нөкис филиалы*

Бүгинги күнде жүзиў балалар хәм үлкен жастағылар ушын зэрүр болған турмыслық көнликпе екенлигин хеш ким бийкарлай алмайды. Жүзиў имканияты киши жастағы балалар ушын физикалық раўажланыў қуралы хәм қәўипсизлик епили болса, үлкен жастағылар ушын бул өзиниң ўазыпаларын қәўипсиз орынлаў ушын бәрше имканиятларға ийе болыўдың кепили есапланады, мейли ол геолог болсын, әскерий яки қурыўшы, балықшы ямаса ушыўшы болсын. Жүзиў сырт ел

мәмлкетлеринде болғаны сыяқлы бизиң мәмлкетимизде де көплегено спорт түрлериниң бири болып, өзине тән тәкирарланбайтуғын физикалық шынығыўлардың өз ишине қамтыйды. Жүзиўдиң өзине тән қәсийети суў шәраятында физикалық искерлик пенен байланыслы екенлигинде. Бундай жағдайда, инсан денеси еки тәрәплеме тәсирге дус келеди, бир тәрәптен оған физикалық шынығыўлар, басқа тәрәптен суў орталығы тәсир етеди. Бул өз гезегинде суўдың төмендеги физикалық қәсийетлери яғный оның тығызлығы, жабысқақлығы, басымы, температурасы, ыссылық қуўаты менен де байлыныслы. Буннан тысқары, жүзиўде инсан денеси горизонтал жағдайда болады. Суў басымы дем алыўға кесент бередиди хәм суўға шығарылғанда оның қарсылығын жеңип өтиўимиз керек, бул болса дем алыў мускулларына түсетуғын жүктиң артыўына алып келеди. Жүзиўде дем алыўдың жаңа автоматизми ислеп шығылады, бул дем алыў циклиниң даўамлылығының пәсейиўине, дем алыў частотасы хәм минутлық көлеминиң артыўы менен характерленеди. Бул өкпе самаллатылыўын хәм өкпе көлемин кеңейтеди. Суўдың тығызлығы хәм басымынан тысқары, оның сыйымлылығы жүзиў ўақтында инсан денесине сезилерли тәсир көрсетеди. Шынығыўлар тәсиринде жүзиўшилердин мускулларының күши жақсы раўажланады.

Жүзиў ўақтында денениң горизонтал халаты жүректиң жұмысын жеңиллестиреди, мускуллардың босасыўын хәмде буўымлардың ислеўин жақсылайды. Буннан тысқары қанда өзгерислер де болады. Егер адам суўда болған ўақытта қан клеткалары болған эритроцитлер, лейкоцитлер, гемоглабинлер көбейеди. Буны биз суўда бир мәртебе болған жағдайда да гүзетиў мүмкин. Жүзиў адам өмириниң дәслепки айларынан баслап қартайған ўақытларына шекем инсан саламатлығы хәм физикалық раўажлыныўын жақсылаўдың ең нәтийжели усылларына бири есапланады. Жүзиўдиң ден-саўлықты тиклеўдеги әҳмийети хәм нәтийжелилиги хаққында өтмиштеги кеселликлерден соң әзиленип қалған, сондай-ақ физикалық жақтан нәгиран болған балалар жүзиў менен шуғылланғаннан кейин танықлы спортшыға айланғанлығын айтып өтиўге болады. Полиомийелиттен кейин жүзиўге менен шуғылланған Дон Фрейзер үш мәртебе олимпияда ойынлары жеңимпазы болған. 1971-жылда Халықаралық хәўескер жүзиўшилер федерациясы (FINA) жүзиўди кишкене жастағы балалардың ден-саўлығының әҳмийетли қосымша дереги сыпатында тән алынды хәмде бәрше мәмлкетлердиң миллий жүзиў федерацияларының медициналық комитетлерине кишкене жастағы балалар арасында жүзиў менен шуғылланыўды ғалабалық раўажландырыўды усыныс етеди.

Жүзиў жүрек-қан тамыры системасына унамлы тәсир көрсетеди. Денениң горизонтал халаты, буннан тысқары, мускуллардың ислеўи, терең диафрагма менен дем алыў хәм денениң тең салмақлық пенен байланыслы циклик хәрекетлер – булардың барлығы жүрекке қан қуйылыўына жәрдем бередиди хәм оның искерлигин анағурлым аңсатластырады.

Жүзиў нәтийжесинде систолик басым пәсейеди, қан тамырларының эластиклиги артады хәм жүрек-қан тамырлары көлеми артады. Мине усы тәризде жүрек-қан тамыр системасында унамлы өзгерислер әмелге асады. Денениң хәм ишки органлардың периферик бөлимлерине кислородлы қанды ең тез жеткизиў, бул улыўмалық метоболизмди активлестиреўге жәрдем бередиди. Жүзиўди дем алыў органларына унамлы тәсир етиў механизми дем алыў мускулларын интенсив

рәуиште таярлау, көкирек кәпесиниң физикалық аткивлигин асырыу, өкпени самаллатыу, өкпениң өмирлик қәбилети хәм қанда кислород тутыныудан ибарат. Жүзиу ўақтында өкпениң ең алыс бөлимлери дем алыуда қатнасады нәтийжеде олардағы тығылып қалыуы алып тасланады. Буннан тысқары дем алыу менен жүзиу, сүңгиу, суу астында сүңгиу гипоксияға шыдамлылықты күшейттиреди.

Жоқарыда айтып өтилгенлердиң бәршеси жүзиудиң дем алыу системасын бекемлеу хәм раўажландырыудың нәтийжели қуралы деп есаплауға болады. Жүзиу ўақытында адам гидростатик салмақсызлық халатында болады. Бул болса булшық ет-склет системасын дене салмағының басымынан азат етеди. Жүзиушилердиң буўынларында улыўмалық хәрекетшеңлик көрсеткиши басқа кәнигелескен спортшыларға қарағанда анағурлым жоқары болады. Жүзиу шынығыулары ўақытында қол хәм аяқлардың, сондай-ақ, денениң барлық мүскиллериниң уйғын халда раўажланыуына жәрдем береді. Жүзиу динамик қәсийетлерине көре хәр қыйлы жастағы хәм физикалық таярлыққа ийе адамлар ушын арналған. Турақлы рәуиште жүзиу менен шуғылланыу жоқары нерв искерлигине тәсир көрсетиудиң күшли шәрти есапланады. Суу температурасының тәсири орайлық нерв системасындағы қозғалыу хәм тормозланыу процесслериниң тең салмақлылығын сақлайды, мийди қан менен тәмийинлеуди жақсылайды. Жүзгеннен соң адам аңсат уйықлайды, жақсы ұйықлайды, дыққат хәм яды жақсыланады. Жүзиу менен байланысly болған унамлы көнликпелер инсан психикасна унамлы тәсир көрсетеди, сондай-ақ күнделик турмыста зәрүр болған унамлы эмоционал фонды қәлиплестириуге жәрдем береді.

Жуўмақлап айтқанда, жүзиу инсан денсаўлығына көп қырлы унамлы тәсир көрсетеди. Дем алыу мақсетинде жүзиу дерлик барлық жас тайпаларында бар хәмде усыныс етиледі. Жүзиу мускуллар системасын, буўынлардың хәрекетшеңлигин раўажландырады, хәрекетти муўапықластырыуды жақсылайды, нерв системасын бекемлейди, метоболизмди жақсылайды. Дем алыу хәм жүрек-қан тамыр системаларының искерлигин кеңейтеди. Жүзиу ғалабалық спорт түринен бири болып халықтың денсаўлығын бекемлеудиң тийкарғы усылларынан болып табылады.

Әдебиятлар:

1. Шмарева Е.А. Оздоровительное плавание: развивающие факторы, формирующие потенциалы и механизмы воздействия / Е.А. Шмарева // Физическое воспитание и спортивная тренировка. – 2013. – № 1. – С. 87-94.
2. Чертов Н.В. Теория и методика плавания: учебник / Н.В. Чертов; Южный федеральный университет. – Ростов-н/Д.: Изд-во ЮФУ, 2011.–452 с.

ФУТБОЛ ОЙНЫНЫҢ БАЛАЛАР ОРГАНИЗИМИНЕ ТӘСИРИ

И.Нажимов, П.Нажимов

Қарақалнақ мәмлекетлик университети

Футбол өз мазмуны бойынша жүдә көп элементерден турады сонлықтан тренерлер узақ ўақыт даўам еткен таярлық дәўиринде окыўшыларды хәр тәрәплеме

таярлық дәуирине өткізеді. Балалар тек ғана футбол менен шуғылланыу, тренировкалар өткізип қоймай тарбиялық процескеде қатнасады. Тәрбиялық процесс бір тәрептен тренердің педагогик ретінде жұмыс іслеуі болса, екінші тәрептен бул жұмыстың объекти болып жас футболшылар хызмет етеді. Педагогикалық кураллардың мақсетке бағдарланған тәсири хәм тәрбияшының тәсир етиуі арқасында оқыушылар әдеп икрамлылық түсиниклерди қәлиплестириуіге бағдарланған актив хызметке қатнасады. Бул ўақытта балалар өзлериниң жеке қәсийетлерин тренердің педагогикалық тәсири жәрдемінде қәлиплеседи. Сонлықтанда тәрбия методикасының тийкарларын тренердің билиуі, оларды оқыу процесси хәм оқыудан тыс ўақытлары дурыс қолланыуын өсип киятырған әуладды тәрбиялауда ата-ана хәм улыўма билим бериуши мектеп муғаллимлериниң үлкен жәрдем болып есапланады.

Тәрбиялық жұмыстың тийкарғы қағыйдалары өз ишине мыналарды қамтыйды.

-Балалардың хәр тәреплеме раўажланыуы,

-олардың жеке қәсийетлериниң жәмийет арасында қәлиплесиуі.

-Тренердің балалар сана сезимин минез қулқының қәлиплесиуіне тарбиялық тәсири.

-Тренердің жас футболшыларға жақсы қатнаста болыуы, олар арасында жолдаслық сезимлерин оятыу.

Спорт пенен системалы түрде шуғылланыу өсип баратырған организмге терең тәсир жасайды. Физикалық нағрузка жәрдемінде барлық органлар хызмети активлеседи. Балалық хәм жас өспирим ўақтында спорт пенен шуғылланыу үлкен жаста шуғылланыуға қарағанда морфологиялық хәм фуниционаллық өзгерислерге бай болады. Бунда тек ғана айрым органларды функциялары өзгерип қоймай, олардың өз ара байланысларының хызметиде өзгереді. Спорт соның ишинде футбол менен үзликсиз рәуиште шуғылланыулар өткеріу организмниң өсиуі хәм раўажланыуында, ден саўлықты беккемлеуде жүдә үлкен әхмийетке ийе. Спорт организмниң сыртқы тәсирлерге болған қарсылығын арттырады хәм соның ушында аўырыудың алдын алыудың, ден саўлықты беккемлеудің тийкарғы фактор болып есапланады. Бирақ балалардың тринеровкасында олардың жасы хәм мүмкиншиликлерине сәйкес ўазыйпаларды қойыуды умытпау керек.

Балалардың күшине сай хәм олардың таярлық дәрежесине туўра келетуғын нағрузкаларды дурыс берилиуі нәтийжесинде, олардың сүйек системасы раўажланыуы хәм өсиуі дәуириниң артыуы анықланылады. Спортшы балалар, спорт пенен шуғылланбайтуғын балаларға қарағанда көплеген көрсеткишлер арқалы ажыралып турады. Спорт тренировкалары менен үзликсиз шуғылланыулар өткеріуде нерв систимасының фуниционаллық жағдайы өзгереді.

Спортшыларды, спортшы емес балаларға салыстырғанда күш, хәрекетшеңлик хәм нерв процесслерин жақсы дәрежеде екенлиги мәлим болады. Тренировкаларда хәр қыйлы ритмдеги шынығыулардың комплексин қолланыу нерв процесслерин фуниционаллық хәрекетшеңлигин арттырады. Улыўма алғанда спорт түрлери менен шуғылланыулар адам организмине жүдә жақсы тәсир жасайды.

Футбол мектеплерине таңлап алынған спортшылар хәр қыйлы таярлықтан өтеді. Жас футболшылар алдына хәр қыйлы дәрежедеги ўазыйпалар қойылыуы, олардың орынланыуы тиккелей тренерлердің тәжирийбеси, билимине байланыслы

болады. Киши жастағы балалар менен ислесиўде техникалық таярлық бөлиминен киретуғын элементлер: топты басқарыў, узатыў, алдаў, шынығыўлары исленеди.

Бул шынығыўлар мәселен топ узатыўлар техникасы эпийайы турылып исленетуғын шынығыўларда меңгериледи, шынығыўларды орынлаўда методикалық избе изликти сақлаўға талпыныў талапқа муўапық болады. Мәселен, турып (еки адам болып) турып топти бир бирине узатыў, ҳәрекетте болып топ узатыў, топты айдап келип узатыў х.т.б.

Топ айдаў техникасын үйретиўде де избе излик сақланыўы көзде тутылады дәслеп топты орынлар турыўшы айдаў соң ҳәрекетте айдаў. Топты айдаў, топты менгерийде жақсылап ийелеп алыў ең тийкарғы элементлердиң бири болып есапланады. Себеби барлық командалық ҳәрекетлик топты жақсы айдап билиў хәм менгерий бағдарланған болады. Ойыншыларға топ айдаўды үйретиўде тренер:

- 1.Топты алып түсийде ойыншының барлық ўақытта топқа қарамаўына,
- 2.Топтың қорғаўшыдан жақсы жасырылыўына,
- 3.Егерде қорғаўшы алыс болса топты тез айдаўға,
- 4.Айдаўды тоқтатқанда тең салмақлықты сақлаўға, топты қадағалап барыўға дыққат аўдарады,
- 5.Топты айдаўда, оны қорғаўшыдан геўдеси менен жаўып билиўди,
- 6.Ойыншының топ пенен ҳәрекет ислениўин алдын ала билип қойыўының хәм басқада көплеген әмеллер хәм элементлерге тренер кеўил аўдарады.

Футболда топты айдаў усылларын ийелеп алыў футболшының техникалық таярлығының тийкарғы кураллары. Сонлықтанда бул элементке киши мектеп жасынан баслап үлкен кеўил бөледи. Республикамыздағы балалар спорт мектеплериндеги көпшилик тренерлер техника таярлықты өткерийде балаалардың уқыпшылығына баҳа берип барады. Топты айдаўды төмен дәрежеде меңгерип алған оқыўшылар топты басқарыўды меңгерип ала алмайды.

Солай етип, футболды таңлап, оның менен шуғылланыўды қәлеген бала өмиринде, футбол тренировкаларын хәм команда ағзасы болып ҳәрекет етиў үлкен ўақыя болып есапланады. Енди жас футболшыға өз ўақтың үнемлеўине туўра келеди.

ОДАМ АДАПТАЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш.Авазов, профессор, Ф.Сайдаматов, Х.Аллаберганов

Тошкент давлат педагогика институту

Адаптация (мослашиш, кўникиш) – тирик организмларнинг аниқ муҳит шароитларида барқарор яшаб кетишини таъминлайдиган морфологик, физи-ологик, популяциявий ва бошқа хусусиятлари йиғиндиси. Умумий адаптация (кенг кўламдаги муҳит шароитларига мослашиш) ва хусусий адаптация (му-ҳитнинг маҳаллий ёки ўзига хос хусусиятли шароитларига мослашиш) фарқ-ланади [5].

Одам экологиясида «адаптация» ёки «мослашиш» тушунчаси биологик, тиббий ва экологик нуқтаи назардан талқин этилади:

• *биологик адаптация* – одам организмнинг муҳит шароитларига тадрижий (эволюцион) вужудга келган мослашиши бўлиб, бутун организм ёки органларнинг ташқи ва ички хусусиятлари ўзгаришида намоён бўлади. Бошқача айтганда, биологик адаптация – одам организмнинг эволюция жараёнида ташқи шароитларга морфологик, физиологик ва ҳулқий мослашиши;

• *тиббий адаптация* – саломатлик нуқтаи назаридан одам организми ёки органларининг ўзгарувчан муҳит шароитларига ҳар қандай мослашиши. Бошқача айтганда, тиббий адаптация – одам организмда функционал бузилиш ва касалликлар пайдо бўлиши, дори воситаларидан узоқ вақт ёки нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ мослашиш;

• *экологик адаптация* – одамни куршаб турган муҳит шароитлари ўзгарганда организмнинг яхлит тирик тизим сифатида функционал барқарорлигини қўллаб-қувватловчи (таъминловчи) ёки унинг бузилишига йўл қўймадиган реакциялар (ҳимоявий акс таъсирлар) мажмуи.

Одам адаптациянинг тор маъноли қуйидаги турлари ҳам фарқланади:

• *оғриқ адаптацияси (оғриққа мослашиши)* – оғриқ ҳиссини камайтириш ёки йўқ қилишга олиб келувчи рецепторлар ва махсус марказий тузилмаларнинг шикастловчи қўзғовчилар таъсирига мослашиши;

• *таъм сезиш адаптацияси* – таъм сезиш анализаторининг маза туйғуси заифлашувига олиб келувчи мослашиши ёки қандайдир модданинг таъсиридан кейин таъм сезувчанлигининг пасайиши;

• *баландлик адаптацияси* – учуш аппаратларининг зич ёпилмаган (ҳаво кирадиган-чиқадиган) бўлмасида ва тоғ чўққисига кўтарилишда одамнинг нафас олаётган ҳаводаги кислороднинг қисман пасайган босимида яшаш шароити ва фаол ҳаракат қилишга мослашиши;

• *кўриш адаптацияси* – нур (ранг) сезгирлиги ўзгаришига олиб келувчи ёруғлик (ранг) қўзғовчиларининг ёрқинлик даражасига кўриш анализаторининг мослашиши;

• *ёруғлик адаптацияси* – кўзнинг ёруғликка сезгирлиги камайиши билан намоён бўладиган кўришнинг нур ёрқинлиги ортишига мослашиши;

• *қоронғи адаптацияси* – кўзнинг ёруғликка сезгирлиги ортиши билан намоён бўладиган кўришнинг қоронғига мослашиши;

• *асаб марказлари адаптацияси* – қандайдир қўзғовчиларнинг узлуксиз таъсирида асаб марказлари қўзғалувчанлиги пасайиши билан намоён бўладиган мослашиш;

• *преадаптация* – организмнинг яширин имкониятли адаптив (мослашувчан) аҳамиятга (қимматга) эга бўлган ўзига хос хусусияти; бирор орган эволюциясини янги йўналишга ўтказишнинг универсал механизми бўлиб, тегишли органга янги функция юклатилганидан кейин охиригиси танланиш орқали (яшаш учун кураш натижасида) такомиллашиб боради;

• *касбий адаптация (меҳнат адаптацияси)* – одамнинг касбий меҳнат қобилиятини оширишга олиб келувчи маълум бир шаклдаги меҳнат фаолиятига (меҳнат хусусиятлари ва ишлаб чиқариш шароитларига) мослашиши;

• *психик (руҳий) адаптация* – одам руҳий фаолиятининг атроф-муҳит шароитлари ва талабларига мослашиши;

• *рецепторлар адаптацияси* – рецепторларнинг доимий ҳаракатдаги (таъсир кўрсатувчи) кўзғовчиларга сезгирлиги камайиши билан намоён бўла-диган мослашиш;

• *сезгирлик адаптацияси* – анализаторнинг маълум бир кўзғовчилар узок муддат таъсир кўрсатганда сезиш жадаллиги пасайиши билан намоён бўлади-ган мослашиш ёки сезги органи (аъзоси) унга таъсир қилувчи кўзғовчиларга мослашиши оқибатида келиб чиқадиган сезгирлик ўзгариши;

• *эшитиш адаптацияси* – эшитиш анализаторининг овоз вақтида ёки ун-дан кейин эшитиш сезгирлиги пасайиши билан намоён бўладиган кучли товуш таъсирига мослашиши;

• *тактил (сезиш) адаптация* – терига тегишни сезувчи рецепторларнинг кўзғовчилар таъсирига сезгирлиги пасайиб бориши билан намоён бўладиган мослашиши;

• *ҳарорат адаптацияси* – ҳарорат сигналларини қабул қилувчи рецепторларнинг доимий ҳарорат таъсирига сезгирлиги пасайиши билан намоён бўладиган мослашиши;

• *заҳарли моддага адаптация* – организмнинг атроф-муҳитдан заҳарли модда киришига мослашиши бўлиб, бу моддага дастлабки (олдинги) реакция-нинг (жавобнинг) тўлиқ ва бутунлай йўқолишида ўз аксини топади, яъни уни замонавий тадқиқот методлари билан аниқлаш мумкин бўлмайди;

• *жисмоний адаптация* – организмнинг ўзгарувчан жисмоний юкланиш-га (оғирликка) мослашиши;

• *ранг адаптацияси* – кўзнинг ранг сезгирлиги пасайиши ва туслар фарқланишининг бузилишида намоён бўладиган кўришнинг ранг кўзғовчиларга мослашиши [2; 4; 5].

Одам организмнинг муҳитга мослашиш тузилмаси «одам – биосфера» тизимидаги ўзаро боғлиқликни таъминловчи, одам ва муҳит ўртасидаги уйғун бирлик ва унинг бузилиши ҳақидагт илмий тасаввурлар шаклланишини аниқ тушунишга имкон беради. Одам организмнинг барқарор ҳолатини сақлаб қо-лиш қобилияти узок вақт давомида жумбоқ бўлиб келган. Француз олими Клод Бернар (Claude Bernard, 1813-1878) бу масала ечимига биринчи бўлиб катта ҳисса қўшган [126]. У ҳаётни оддий кимёвий ва физик-кимёвий жараён-лар асосида тушунтириш (изохлаш) мумкин эмаслигига, организм ва муҳит ўртасида мослашишнинг турли хил шаклларида намоён бўлувчи чамбарчас боғланишлар борлигига ишонган. Атроф-муҳитдаги кескин ўзгаришларга қа-рамай, одам ҳаёти тўхтамайди. Бу ҳолат, К. Бернар фикрича, одамнинг хужай-ра ва тўқималардан иборат *ички муҳити* деярли ўзгармаслиги (доимийлиги) билан боғлиқдир [3].

Адаптация ҳодисаси биологик ҳодисаларнинг алоҳида тоифаси бўлиб, тад-рижий-тарихий тараққиёт натижасидир. Адаптация механизмларининг тақ-чиллиги биологик тизим имконияти пасайганлигидан дарак беради [1].

Адаптация механизмларида «стресс реакцияси» деб аталувчи умумий мос-лашиш аломатлари мажмуи муҳим ўрин тутади. *Стресс* – организмнинг турли хил ноқулай омилларга (очлик, ўта совуқ ёки иссиқ, юқори ёки паст босим, заҳарли моддалар, жисмоний ва руҳий жароҳатлар, вирусли касалликлар, мушакларнинг ортиқча зўриқиши ва шу кабиларга) жавоб (ҳимоя) реакцияси сифатида ўта танглик,

зўриқиш ёки кучли таъсиротлар натижасида содир бўладиган ўта ҳаяжонланиш, асабийлик ҳолатини ифодалайди.

Стрессга алоҳида эътибор Г. Салье томонидан чоп этилган ишлардан (1936) кейин пайдо бўлган. Унинг фикрича, *стресс* – организмнинг унга нисбатан кўйилган ҳар қандай талабга ноодатий, яъни ўзига хос бўлмаган физио-логик жавобидир. Стресс одам организмнинг мослашиш реакцияси сифатида атроф-муҳитнинг кундалик ҳаётга ўзгача, одатдагидан бошқача тарзда таъсир кўрсатиши остида юзага келади. Стресс реакцияси уч босқичда давом этади: хавотир(лик) босқичи организмдаги барча кучларни сафарбар қилса, барқа-рорлик босқичи узоқ муддатли адаптация механизмларининг ишга солиниши, сусайиш босқичи эса бу механизмларнинг бузилиши билан кечади. Шу сабаб-ли стресс реакциясининг оқибати турлича бўлиши мумкин: ёки дастлабки ҳолатга қайтилади, ёки муайян касалликнинг ривожланиши бошланиши мумкин.

Одам организмнинг адаптациясида иммун тизими ҳам муҳим ўрин тутди *Иммунитет* – организмнинг инфекциялар ривожланишига тўсқинлик қила-диган табиий ёки ҳаёти давомида орттирган хусусиятларига боғлиқ ҳолда юқумли касалликлардан қўрқмаслиги ёки касал юқтирмаслиги. Бошқача айтганда, *иммунитет* – организмнинг ҳимоя тизими; юқумли касалликлар, захар ва бошқа зарарли омиллардан таъсирланмаслиги, улардан ҳимояланишидир. Масалан, организмда бир умр саратон (рак) хужайраларини йўқотувчи қарши хужайралар бўлади. Иммун тизимининг пасайиши организмда шундай хавфли хужайраларнинг кўпайиб кетиши ва оқибатда турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Агарда иммун тизими меъёрида ишлаб турса, организм ҳар қандай касалликдан ўзини ҳимоя қила олади. Аксарият ҳолларда ҳарорат ва об-ҳавонинг кескин ўзгариши, фасллар алмашинуви кабилар рўй берса, иммун тизими уларга тез мослаша олмайди. Экологик ҳолатнинг бузилиши ҳам им-мун тизимига салбий таъсир кўрсатади. Иммун тизими асаб ва эндокрин тизи-ми билан ҳамкорликда ишлайди: асаб тизими «стресс» сигналини юборса, организмда муайян гармонлар миқдори кўпайиб, улар иммун тизими хужайра-ларининг ҳосил бўлишини камайтиради ва бу тизим ишини сусайтиради. Шу сабабли доимо асабий юрадиган одамлар касалликларга кўп чалинади. Агар одам йилига 5-6 марта шамоллаш касалликлари билан оғриб турса, уни замбу-руғ касалликлари безовта қилса, лабига учуқ тошиб турса, қовуқ шамолласа, умумий ҳолсизлик узоқ вақт давом этса, буларнинг барчаси иммунитет пастлигидан дарак беради. Табиий доривор воситалар ва кимёвий дорилар ёрдамида иммунитетни кўтариш мумкин [2; 4; 5].

Туғма иммунитет (турга хос, табиий ёки ирсий) – одам организмнинг маълум бир омилларга чидамлилиги бўлиб, бу хусусият наслдан-наслга ўтади. Масалан, одам йирик шохли қора-мол ёки ит ўлати, товуқ вабосига чидамли бўлиб, уларнинг қўзғатувчилари одамга юқмайди, ўз навбатида, одамдаги захм, қизамиқ, вирусли гепатит, ОИТС қўзғатувчилари ҳайвонларда касаллик қўзғатмайди.

Орттирилган иммунитет юқумли касалликни ўтказиш натижасида ривожланади ёки тегишли зардоб ёхуд эмдори орқали сунъий равишда ҳосил қилинади. Демак, орттирилган иммунитет организм иммун тизимининг ҳаёт давомида ёт антигенлар билан таъсирлашуви ҳисобига юзага келадиган ҳимоя бўлиб, наслдан-наслга ўтмайди. Орттирилган иммунитет табиий ва сунъий бўлади.

Табиий иммунитет, ўз навбатида, яна икки турга бўлинади: фаол та-биий иммунитет – юқумли касалликка чалиниб, соғайгандан кейин юзага кела-ди; сушт табиий иммунитет – онадан боласига йўлдош ёки сут орқали ўтади. Сунъий иммунитет ҳам икки хил бўлади: фаол сунъий иммунитет – эмдори билан эмлангандан кейин ҳосил бўлади; сушт сунъий иммунитет – зардоб, қон ва плазмалар юборилгандан (олингандан) сўнг юзага келади. Орттирилган иммунитет микроблар ва улар ҳосил қилган заҳарли моддаларга қарши вужуд-га келади. Иммунитет ҳосил бўлганидан кейин организмда касаллик қўзғатув-чилар аксарият ҳолларда сақланиб қолмайди, баъзи касалликларда (сил, ич терлама, гепатит ва ш.к.) сақланиб қолса-да, лекин одамда касаллик белгилари кузатилмайди, бироқ иммунитет баъзи сабабларга кўра яна сусайса, касаллик қайталаниши мумкин.

Одам организмнинг атроф-муҳитдаги ўзгаришларга мослашиши яна бит-та муҳим омил – организмнинг катта «*чидамлилиқ заҳираси*» билан боғлиқ-дир. У. Кеннон фикрича, организм чекланган меъёр режаси ва жуда ҳам тежаб сарфлаш принципи бўйича ишлайди. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мум-кин. Масалан, юрак ҳар қандай вазиятда қисқаришлар сонини 2 марта кўпай-тириши ёки қон босими 30-40 фоизга ошиши мумкин [2; 4; 5].

Геномика (молекуляр генетиканинг тирик организмлар геноми ва генлари-ни ўрганадиган бўлими) маълумотларига кўра, одам геномида кўплаб «жим» генлар мавжуд. Хўш, бу генлар нима учун ишламайди? Айрим тахминларга кўра, бу генлар организмга кўшимча куч зарур бўладиган стресс вазиятларда керак бўлади. Организм жигарнинг 3/4 қисми, талокнинг тўлиқ олиб ташлани-шига бемалол бардош беради. Буйрақларнинг 2/3 қисми олиб ташланиши унинг фаолияти жиддий бузилишига олиб келмайди. Буйрак усти безининг 1/10 қисми организм ҳаётини сақлаб қолишга етарли эканлиги аниқланган. Тирик организмдаги чидамлилиқ заҳирасига турли йўллар билан эришилади: организмнинг заҳира ғамлаш имконияти, модда алмашинувидаги ўзгаришлар, организмдаги бошқа тизимларнинг жалб этилиши, ҳужайра тузилмасидаги ўзгаришлар (гипертрофия – касаллик ёки зўриқиш туфайли бирор органнинг ёки тана қисмининг ортиқ катталаниб кетиши; регенерация – организмда йўқолган органнинг қайта ўсиб тикланиши) ва ш.к [5].

Эволюция жараёнида организмда энергия ва моддаларнинг «тежамли ва фойдали» сарфланиши мукаммаллашган. Атроф-муҳит омилларига организм мослашувининг асосида органлар жуфтлиги, вазифаларнинг такрорланиши, жигарнинг тозаловчи функцияси, тизимлилиқ ва ўз-ўзини тартибга солиш ка-би принциплар ётади. Бироқ ҳар қандай ҳимоявий-мослашувчан тузилма – нисбий тушунча. Кучли (фаол) омил организмга мослашиш имконияти чега-расидан юқори бўлган талабларни ҳам қўйиши мумкин.

Одамнинг мослашиш имконияти билан ташқи муҳит омилларининг таъси-ри ўртасидаги номуносивлик ташқи таъсир жадаллиги йўл қўйилиши мум-кин бўлган чегарадан ошиб кетганда *миқдорий табиатга* ёки организмда ҳимоя-мослашиш механизми бўлмаган омил унга таъсир кўрсатганда *сифа-тий табиатга* эга бўлиши мумкин. Бу номувофиқлик узоқ вақт давомида ор-гаанизм учун бошқа, ўзгача ритмда мавжуд бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир организмнинг атроф-муҳитдаги ўзгаришларга индивидуал *сезгирлиги* му-ҳим аҳамият касб этади.

Қандайдир омилнинг таъсирига организм жавоб қайтаришининг уч тури фарқланади:

- *спринтер (силтаниш)* – қисқа муддатли кучли босим таъсирига қарши тура оладиган, бироқ кучсиз, узоқ муддат таъсир кўрсатувчи кўзғовчиларга бардош бера олмайдиган организм, бошқача айтганда, муҳит шароитларига тез мослаша оладиган одам;

- *стайер (чопиш)* – кучсиз кўзғовчиларнинг узоқ муддатли таъсирига бар-дош бера оладиган ва қисқа муддатли кучли кўзғовчиларга дучор бўлганда ўта беқарор бўладиган организм, бошқача айтганда, муҳит шароитларига аста-кесин ва узоқ вақт давомида мослашувчи одам;

- *микст (мусобақа)* - жавоб қайтарилишининг аралаш тури бўлиб, ҳар ик-кала турдаги жавоб қайтарилиши бирикканлигини намоён қилувчи организм, яъни айни бир вақтда ҳам спринтер, ҳам стайер одам [2; 4].

Одам организмнинг адаптация қилиш (мослашувчанлик) хусуситларини йўқотиши ёки янги ижтимоий вазият талабларига мос келмаслик ҳолати *дезадаптация* дейилади. Одамнинг йўқолган ёки кучсиз реакцияси (таъсирлани-ши) тикланишига қаратилган, олдиндан бор бўлган ёки яшаш ва иш шароит-ларига мослашишига кўмак берувчи чора-тадбирлар мажмуи *реадаптация* дейилади. Адаптациянинг ҳар қандай тури ёки шаклидан қатъий назар одам-нинг мослашганлик (мослашишга қобиллик) мезони, бу – унинг *саломатлиги* ҳисобланади [1].

Адабиётлар:

1. Авазов Ш., Сайдаматов Ф., Аллаберганов Ҳ. «Биосфера (экофера) ва одам (жамият)» тизимида геоэкология ва геоэкологик ўлкашунослик. Моно-графия. Тошкент: “INNOVATSIYA-ZIYO”, 2019. - 373 б.
2. Агаджанян Н.А., Труханов А.И., Шендеров Б.А. Этюды об адаптации и путях сохранения здоровья. – М.: изд-во «Сирин», – 2002. – 156 с.
3. Кассиль Г.Н. Внутренняя среда организма. – М.: Наука, 1983. – 227 с.
4. Мовчан В.Н. Экология человека. – СПб.: Изд-во С.- Петерб. ун-та, 2004.– 292 с.

КӨРКЕМ ГИМНАСТИКА СПОРТЫ ҲАЯЛ-ҚИЗЛАР ДЕНСАЎЛЫҒИНИҢ ГИРЕЎИ СЫПАТЫНДА

Т.Джуманиязова, З.Сейтниязова

***Ўзбекистан мамлекетлик дене тәрбияси ҳам спорт университети
Нокис филиали***

Ҳазирги ўақытта Республикамызда дене тәрбияси ҳам спорт мамлекетлик сиясат даражесине кәтерилмекте, буны биз Президентимиз Ш.М.Мирзиёев тәрәпинен усынылып атырған бес тийкарғы басламаның екиншиси мысалында да көриўимизге болады. Ғәрезсизлик жылларында дене тәрбияси ҳам спорт тараўын раўажландырыў, сондай-ақ оның ғалабаластырыў бойынша бир қатар нызам ҳам қарарлар қабыл етилмекте. Өз гезегинде бул ҳәкимшилиқ-хуқуқый хўжетлер

эмелде орынланыуы дене тәрбиясы хэм спортқа жәнеде кең имканиятларды жаратып бермекте. Дене тәрбиясы хэм спорт тарауындағы мәмлекет сиясатының баслы бағдарлары төмендегилерден ибарат:

-Дене тәрбиясы хэм спортты раўажландырыуды мәмлекет тәрeпинен қоллап-қуўатлау;

-Хәр бир шахстың дене тәрбиясы хэм спорт пенен еркин шуғулланыуға болған ҳукукын тәмийинлеу;

-Дене тәрбиясы хэм спорт тарауындағы мәмлекет хэм жәмийет басқарыуын уйғынластырыу;

-Пукаралардың дене тәрбиясы хэм спорт тарауындағы ҳукуқларының мәмлекет кепилликлерин белгилеу;

-Спорттың барлық түрлери хэм курам бөлeклерин раўажландырыуға көмеклесу [1].

Көркем гимнастика спорт түрлери ишинде хәр тәрeплеме қызларға тән болған түри болып, олардың физикалық, физиологик тәрeптен қәлиплесиуинде үлкен әҳмийетке ийе. Бул спорт түриниң раўажланыуына мәмлекетимизде кең имканиятлар жаратып берилмекте. Буның нәтийжесин гимнастикашы қызларымыздың халықаралық майданда ерисип атырған жеңислеринен көриниуимиз мүмкин. Филиалымыздың “Көркем гимнастика” жөнилиси 1-басқыш талабасы Ибрагимова Шаҳзаданың Ташкент қаласында апрел айында болып өткен жәҳан кубогында женимпаз болғаны буған айқын мысал бола алады.

Көркем гимнастикада жоқары көрсеткиш хэм нәтийжелерге ерисиу ушын әлбетте бул спорт түри менен кишкене уақыттан баслап қатаң, турақлы шуғулланыу талап етиледи. Усыны есапқа алыу керек 5-7 жаслы қыз баллардың организми хәр тәрeплеме хэм тез пәт пенен раўажланатуғын дәуир болып табылады. Бул жаста организм хәрeкетлениу функциялары жүдә тез раўажланған болады. Сол себепли бул жастағы балаларға белсене турмыс тәрeзи тән есапланады. 5-7 жастағы балалардың сүйек дүзилиси өзине тән болып, омыртқа бууынларының ийилиушеңлиги, созылыушыңлығы хэм беккем емеслиги көркем гимнастика спорт түри менен шуғулланыу ушын айрықша әҳмийетке ийе.

Бул балаларда жүрек, дем алыу, мүскил, нерв системалары толық раўажланбаған болдаы. Дыққатты топлай алыу, ақылы мийнет қылыу қәбилети көп емес, бар-жоғы 15 минут ғана. Ойын хэм биреуге уксау реакциялары жақсы раўажланған[2]. Айне усы тәрeплердиң жақсы раўажланғанлығы себепли киши жастағы қызларды көркем гимнастика спорт түрине бағдарлау мақсетке муўапық есапланады. Соныда айрықша атап өтиу лазым, бул спорт түри пүткил мәмлекетимиз бойлап кең тарқалмаған, соның ишинде аўыллық жерлерде көркем гимнастика спорт түриниң раўажланыуында айырым машқалалар өз шешимин күтип атырғанлығы биринши машқала болса, илмий-әмелий хәмде теориялық жақтан жоқары тәжирийбе хэм билимге ийе болған қәнигелердиң жетиспеуи екнши машқала саналады.

Жоқарыда көрсетилген машқалалар өз шешимин табыуда төмендегилерди есапқа алыу мақсетке муўапық болады:

1. Мәмлекетимиздиң ең шетки алыс аймақларына шекем көркем гимнастика спорт түрин кең ен жайдырыуды жолға қойыу. Яғный буны әмелге асырыу

мақсетинде жоқары оқыў орынларынын дене тәрбиясы хэм спорт бағдарында тәлим алып атырған қәбилетли спортшы жаслар хэм профессор-оқытыўшылар биргеликте мектеплерде үгит-нәсият жумысларын алып барыўы лазым.

2. Мәкан пуқаралар жыйынлары хэм спорт мектеплери менен биргеликте спорт түрлери бойынша жоқары нәтийжелерге ерисип киятырған спортшылардың халық, әсиресе жаслар менен дөңгелек стол этирапында сәўбетлесиўлер хэм ушырасыўлар өткизиў.

3. Илимий – әмелий жақтан тастыйықланған мағлыўматлар тийкарында кең халық массасына жеткерип бериў. Бул мәселеде жаслардың белсендилигин арттырыў мақсетинде жаслар аўқамы менен биргеликте анық реже тийкарында кең көлемли жумысларды алып барыў үлкен әҳмийетке ийе.

Жуўмақлап айтқанымызда, спорт пенен кишкене ўақыттан баслап шуғылланыў инсанның тек ғана физикалық жақтан емес, бәлким руўхый хэм ақылий тәрәптен жетилисиўинде оғада үлкен әҳмийетке ийе. Көркем гимнастика спорт түри менен шуғылланыў қызлардың кишкене ўақтынан баслап физикалық сыпатларының жақсыланыўы, денсаўлығына унамлы тәсир көрсетиўи менен бир қатарда, олардың геўде дүзилисиниң туўры қәлиплесиўине өзиниң тәсирин тийгизеди. Буннан тысқары хәр тәрәплеме саламат болып қәлиплескен қызларымыз келешекте саламат әўлатдың камал табыўында жетекши орын тутады. Саламат анадан саламат перзент дүньяға келеди. Бүгинги күнде мәмлекетимизде шаңарақ саламатлығын беккемлеўге үлкен итибар берилмекте: шаңарақ саламатлығын беккемлеў, аналық хэм балалықты қорғаў, аналар хэм балалардың сыпатлы медициналық хызметтен пайдаланыўын кеңейттириў, оларға қәнигелестирилген хэм жоқары технологияларға тийкарланған медициналық жәрдем көрсетиў хәрәкетлер стратегиясында өз көринисин тапқанлығы тосыннан емес [3]. Денсаўлықты тиклеў хэм саламат болыў ушын дене тәрбиясы хэм спорт пенен турақлы шуғылланыў лазым.

Әдебиятлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тәрбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, 4-модда. www.lex.uz

2. “Бадий гимнастикада буюмсиз бажариладиган машқларни ўргатиш услуби” А.Ештаев, Н.Хасанова, Д.Карабаева. Тошкент-2013, 10-бет.

3. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси.

ОРГАНИЗМНИҢ ТЫНЫШ ҲАЛАТЫНДАҒЫ ФИЗИОЛОГИЯЛЫҚ КӨРСЕТКИШЛЕРИ

Қ.Мамбетқасимова, Д.Өмирбекова

*Ўзбекстан мәмлекетлик дене тәрбиясы хэм спорт университети
Нөкис филиалы*

Спорт пенен шуғылланытуғын адам организмдеги айырым өзгешеликлер спорт пенен шуғылланыбайтуғын адам организмни менен салыстырғанда өзгешеликлер жай көзге анық көринеди. Бундай өзгешеликлерге дене дүзлиси, организмниң

функционаллық мүмкіншіліктері кьерди. Спорт пенен шұғылланыўшы адам организмнің жоқары жұмыс искерлиги, оның жақсы шыныққанлығынан дерек береді. Бул қәсийет ямаса өзгешелик спортсменнің тыныш ямаса физикалық жұмыс ислеген жағдайында, турақлы орташа аўырлықтағы жұмыс жағдайында хәм жүдә аўыр жұмыс ислеген жағдайларында да жақсы байқалады.

Физикалық тыныш жағдайдағы көрсеткішлер. Қан хәм қан айланыс системасы. Спортсменлерде шынығыў муғдары артқан сайын қанның улыўма көлеми арта баслайды. Қан қурамында эритроцитлер хәм гемоглобин муғдары артады. Нәтийжеде қанның кислородты қабыллаўшы көлеми жоқарлайды. Тренировка барысында айтарлық дәрежеде нәтийжеге ерисиў қан қурамының 1 мм^3 көлемінде 4,7 млн эритроцит хәм 14,5% гемоглобин болыўы керек. Шыныққанлықтың артыўы менен жүректің систолалық көлеми бир қанша төменлейди, бул жүректің соғыў күшинің төменлеўи менен хәм жүрек жұмысының бирқанша экономлы өтиўи менен байқалады. Жақсы шыныққан спортсменде жүректің минутлық көлемиде бир қанша төмен болады. Бул тканлардың жақсы кислород пенен тәмийнленгенлигин хәм олардың азықлық затларға болған талабының қанаатланғанлығынан дерек береді.

Спортшыларда қанның артериаллық басымы олардың жас айырмашылығына байланыслы болады. Бирақ шыныққанлықтың артыўы менен артериаллық қан басымы бир қанша көтеріледі. Спортсменлерде жарыс даўамында қанның систолалық хәм диастолалық басымлары бирқанша жоқары болады, бирақ бул жағдай физиологиялық нормадан артып кетпейди. Қанның систолалық хәм диастолалық басымы организмнің шыныққанлық жағдайына онша көп тәсир етпейди, бул илимий дереклер менен дәлилленген. Тренировка барысында қан плазмасы қурамында да айтарлық өзгеріс пайда болады, қанның буферлик системаларының күшинің артыўына байланыслы болып, ол қанның реакциясының РН қышқыл тәрепке өзгериўинен сақлайды. Бундай өзгеріслер қан қурамындағы айырым ферментлердің активлигинің артыўына байланыслы болады. Спортсменлер қаны қурамында силтилик орталық бирқанша жоқары болып, ол 70% ке тен болса, бул көрсеткіш спорт пенен шұғылланбайтуғын адамларда шама менен 50-55% ке тең болады (Солодков А.С. Сологуб Е.Б. 2005).

Дем алыс системасы. Булшық ет искерлигинің артыўы организмнің кислородқа болған талабын күшейтеди. Бул жағдайда дем алыс булшықетлернің раўажланыўы хәм окпениң тиришилик сыйымлылығының, окпениң максималъ шамаллаўшылығының әхмийети күшли болады. Жақсы шыныққан хәм жоқары категориялы спортсменлерде өкпениң тиришилик сыйымлылығы: ерлерде-5000-7000 мл; нашарларда: 3500-5000 мл. ге тең болады. Бул көрсеткіштің ең жоқарғы муғдары цикликалық хәрекетлер менен исленетуғын спорт түрлери менен шұғылланыўшы спортсменлерде байқалады.

Өкпениң максималъ шамалаўшылығы жақсы шыныққан спортсменлерде 150-250л /мин, қа тең келеди. Бул көрсеткіш өкпениң тиришилик сыйымлылығына қарағанда бирқанша өзгермели болып келеди хәм шыныққанлық қаншама күшейсе олда соншама жоқарлайды.

Организмнің шыныққанлық жағдайынын артыўы менен дем алыс саны кемейеди. Ол тыныш жағдайда минутына 8-10 ретке тен келеди, бирақ оның

тереңлиги бир қанша артады ҳәм 700-800 мл ге тең келеди. Спортсменлерде дем алыстың минутлық көлеми бирқанша турақлы көрсеткиш болады ҳәм ол 6-9 литрге тең болады.

Зат алмасыў. Организмнің шыныққанлығы булшықет массасында гликоген ҳәм креатинфосфаттың көбейиўине алып келеди. Глюкоген ҳәм креатинфосфат АТФ ның қайта синтезлениўине ҳәм миолобиннің көбейиўине жумсалып булшықетлерде окислениў процессин күшейтеди. Шыныққан организмде углевод запасы артады. Нәтийжеде гликогеннің баўырда топланыўы артады. Бул организмнің жұмыс искерлигинің артыўында үлкен әҳмийетке ийе болады. Спортсмен организмде май затларының запасы бирқанша кем болады.

Хәрәкет аппараты. Тренировка тәсиринде сүйеклерде өзгерис пайда болады. Бундай өзгерислерге сүйек тканның жуўайыўы, кесе-кесиминің артыўы, қабық қабатының қалынласыўы ҳәм басқада өзгерислер сүйек тканына механикалық жақтан беккемлилик береді.

Тренировка, әсиресе булшық ет системасына күшли тәсир етеди. Спортсменлерде булшықет массасының жақсы раўажланғанлығын сыртқы морфологиялық көринислери бойынша анықлаўға болады. Физикалық күш ҳәм статикалық кернеў жумсап жұмыс ислеўши булшық етлер динамикалық жұмыс ислеўши булшық етлерге қарағанда көбирек гипертрофияға ушырайды. Булшық еттиң гипертрофиясы оның жишшелеринің көлеминің артыўы менен пайда болады. Булшық етлерде тренировка барысында пайда болатуғын морфологиялық өзгерислер менен бирге биохимиялық өзгерислерде келип шығады (Караман В.Л. 1987). Бундай өзгерислерге саркоплазмада белоклардың көбейиўи ҳәм миофибриллада қысқарыўшы белоктың көбейиўи киреди. Скелет булшық етлеринің әҳмийетли қәсийетлеринің бири оның қысқарыў күши болып есапланады. Хәрәкет координациясы ушын булшық еттиң қысқарыўы ҳәм босасыў тезлиги үлкен әҳмийетке ийе болады.

XODIMLARNING SOG'LIGI VA JISMONIY HOLATINI YAXSHILASHDA SPORT ME'YORLARINING O'RNI

O.Ziyoyev, S.Juraev

Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti

Annotatsiya. Maqolada turli tashkilotlar jumladan OTM xodimlarining sog'lom turmush tarzi va sport bilan muntazam shug'ullanishlarini ma'lum tartibga solish va bu borada amalga oshirilayotgan davlat siyosati doirasidagi ishlar samaradorligini oshirish borasida takliflar, asoslangan ilmiy fikrlar berilgan.

Kalit so'zlar. Sog'lom turmush tarzi, xodimlar, o'qituvchilar, tarbiya va sport.

O'zbekiston o'z mustaqilligini qo'lga kiritgan dastlabki kunlardanoq jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish ishlariga katta e'tibor berib kelinmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 30-oktyabrda “Sog‘lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6099-son farmoni qabul qilindi. Unda shunday deyiladi⁹:

Jahonda COVID-19 koronavirus pandemiyasining yuzaga kelishi dunyo mamlakatlari qatori O‘zbekistonda ham aholining sog‘lig‘i, jismonan salomatligi, sog‘lom hayot kechirish darajasi zaif ekanligini ko‘rsatdi.

COVID-19 koronavirus infeksiyasi avvalo yurak-qon tomir va nafas olish yo‘llari hamda semizlik (ortiqcha vazn) kasalligiga chalingan fuqarolarimizning sog‘lig‘iga salbiy ta‘sir ko‘rsatdi. Natijada, bugungi pandemiya oramizdan ko‘plab fuqarolarimizni bevaqt dunyodan ko‘z yumishiga sabab bo‘ldi.

Respublikada jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish, aholi o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish, mamlakatimiz sportchilari Xalqaro sport maydonlaridagi musobaqalarda munosib ishtirok etishini ta‘minlash Shu bilan birga, jismoniy tarbiya va sport sohasida aholi sog‘lig‘ini mustahkamlashga ko‘maklashadigan aniq dasturlar amaliyotga joriy etilgan. Mamlakatimizda yuksak madaniyatga ega bo‘lgan, har tomonlama yetuk hamda jismonan sog‘lom insonlarni shakllantirish maqsadida maktabgacha ta‘lim muassasalari, umumta‘lim maktablarida va oliy ta‘lim muassasalarida jismoniy tarbiya darslari tashkil qilingan, shuning bilan birgalikda sport sohasidagi yangiliklar, online sport mashg‘ulotlari ommaviy axborot vositalarida tinimsiz yoritib borilmoqda.

Qadim afsonalar, xalq og‘zaki ijodi va ilmiy manbalarga tayangan holda bizga ma‘lumki “Avesto” kitobi, “Alpomish”, “Go‘ro‘g‘li”, “To‘maris” kabi xalq dostonlaridagi insonlarning kurash, merganlik, ot choptirish kabi bellashuvlari jismoniy tarbiya va sportga bo‘lgan e‘tibor azal-azaldan xalqimiz ongiga singib ketganligini ko‘rsatib turibdi.

Mamlakatimizdagi barcha tashkilot va muassasalarda fuqarolarning o‘z sog‘ligi va jismoniy holatlarini doimiy ravishda nazorat qilib borishda oson va qiziqarli bo‘lgan sport me‘yorlarini har kvartalda tashkil qilish Respublikamizning barcha aholisi uchun foydadan holi bo‘lmaydi.

Oliy ta‘lim muassasalaridagi 2-4-bosqich talabalarida ham jismoniy tarbiya va sport me‘yorlarini yilda 2 marta topshirishni yo‘lga qo‘yish hamda muassasalarining xodimlarini yoshi, jinsi va kasbidan kelib chiqib har kvartalda sport miyorlarini topshirib turishlarini muntazam ravishda joriy qilish va bu borada maxsus reyting tizimini ishlab chiqish, reyting asosida yuqori natija qayd etgan xodimlarni rag‘batlantirib borish maqsadga muvofiqdir.

Xodimlarning sport me‘yorlarini topshirishlari uchun har kvartalda yakshanbadan tashqari bir kunni oldindan belgilab bayramona tashkil qilish lozim.

Jismoniy tarbiya va sport me‘yorlarini topshirish jarayoni sohadagi jismoniy tarbiya mutaxassislari va kasaba uyushma tashkilotlari bilan birgalikda bayramona tarzda tashkil qilinishi natijasida Sog‘lom turmush tarzi shakllanadi, fuqarolar ortiqcha vazndan xolos bo‘ladi, mehnat samaradorligi oshadi, sog‘lom fikrli, ona yurtimiz-mustaqil O‘zbekistonning yanada gullab yashnashi uchun xizmat qiluvchi yosh avlodni voyaga yetkazish, fuqarolarga yaxshi kayfiyat ulashish va qolaversa insonlarning sog‘lomligi uchun juda katta xizmat qiladi.

⁹ Lex.uz

2020-yilda boshlangan “Pandemiya” shuni ko‘rsatdiki, immuniteti yuqori bo‘lgan sport bilan muntazam shug‘ullanib kelgan va sog‘lom insonlar virusli va har-xil mavsumiy kasalliklarga chidamli ekanligi yana bir marta isbotlandi. Buyuk alloma tabobat ilmining sultoni Ibn Sinoning ta‘biri bilan aytganda, “Kasallikni davolashdan ko‘ra uning oldini olish afzaldir”.

Bugun butun dunyoda bo‘lgani kabi mamlakatimizda ham sanoat, qishloq xo‘jaligi, xizmat ko‘rsatish, ilm-fan, qo‘yingki, barcha soha va yo‘nalishlar tobora rivojlanib bormoqda. Turli jabhalarga ilg‘or texnologiyalar kirib kelmoqda. Insonni uzog‘ini yaqin qiluvchi turli xil transport vositalari (avtomobil, avtobus, poezd, va hokozolar), og‘irini yengil qiluvchi maxsus mashinalar (traktor, kultivator, kombayn va xokozolar) mavjud. Bularning barchasi insonning jismoniy faoliyatini keskin kamaytirib, harakatsizligi borgan sari oshib bormoqda.

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, oz va kam harakat qilgan kishilarda qon bosimining ortishi, qand kasalligi va boshqa xastaliklar serharakat odamlarnikiga qaraganda ikki baravar ko‘pligi aniqlandi.

Serharakat odamlarda keksayganda ham kamharakat odamlarga nisbatan kasallanish ehtimoli 15 baravarga kam ekan. Shunday qilib olimlar «harakat-hayot» degan oddiy xalq naqli naqadar to‘g‘ri ekanini isbotladi.

Mustaqil davlatimizning ertangi kuni, uning gullab-yashnashi va rivojlanishi ko‘p jihatdan o‘sib kelayotgan avlodning sog‘lom bo‘lishiga bog‘liq. Bu esa o‘z navbatida Vatanimizning kelajagi — farzandlarimizning jismoniy, aqliy va ma‘naviy kamol topishi uchun qulay sharoitlar yaratishni jismoniy tarbiya va sport tadbirlari yordamida, yoshlarga jismoniy tarbiya va sport sohasida o‘rnak bo‘lish talabalarida sport buyicha amaliy ko‘nikmalar hosil qilishna taqozo etadi.

“Alpomish” va “Barchinoy” test talablarini bajarish uchun mustaqil ravishda o‘z jismoniy tayyorgarligini oshirib borishga undaydi.

Xalqimiz eng kichik yoshidanoq aqliy va jismoniy yutuqlari bilan o‘zlaridagi ilg‘orlikka intilish sifatlarini tarbiyalaydilar. Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi mashqlardan kuzatiladigan maqsad, hammadan oldinga intilish aqliy va jismoniy tezkorligini, mehnatsevarligini va boshqa qadrini ulug‘lovchi jihatlarini oshirishda sog‘lom musobaqa muhitini tayyorlashdan iborat. Oilada shunday muhit mavjud bo‘lsa, bu yerda baxtiyorlik, osoyishtalik hukmron bo‘ladi.

Oson va qiziqarli bo‘lgan sport me‘yorlarini har kvartalda tashkil qilish va Oliy ta‘lim muassasalaridagi 2-4-bosqich talabalarida ham jismoniy tarbiya va sport me‘yorlarini yilda 2 marta yo‘lga qo‘yish mamlakatimiz fuqarolari va yoshlari uchun foydadan holi bo‘lmaydi. Ma‘lumki, jismoniy tarbiya va sport bilan shug‘ullanish odam organizmini har tomonlama jismonan rivojlanishi va mustahkamlanishi, fiziologik funksiyalarning takomillashtirishi va sog‘lomlashtirishga olib keladi. Shug‘ullanuvchilarning yoshi, jinsi va o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda uyushtirilgan jismoniy tarbiya va sport tadbirlari yuqori samara beradi.

Adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev. “Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz”. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutq. Toshkent. O‘zbekiston. 2017.-56 b.

2. Sh.M.Mirziyoyev. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz / – Toshkent. O‘zbekiston, 2017. 592 b.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5368-sonli Qarori, 05.03.2018.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3031-sonli Qarori 03.06.2018.
5. O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida” qonuni. (yangi tahriri). Toshkent, 2015-yil 4-sentyabr, O‘RQ-394-son.
6. F.A.Kerimov. «Sport kurashi nazariyasi va usuliyati» Toshkent, 2001.
7. K.D.Yarashev. «Jismoniy tarbiya va sportni boshqarish». Toshkent, 2002.

DENE TÁRBIYASÍ HÁM SPORT UNIVERSITETLERINDE ADAM ANATOMIYASI HÁM FIZIYOLOGIYASÍ PÁNIN OQÍTÍWDÍN PEDAGOGIKALÍQ ÁHMIYETI

R.Kadirov¹, Z.Ábdireymova²

¹Ózbekstan mámleketlik dene tárbiya hám sport universiteti Nókis filiali

²Qaraqalpaq mámleketlik universiteti

Búgingi kúnde dúnya júzlik masshtabta basli másele sıpatında adam densawlıgı birinshi orında turadı. İnsan uzaq jasawı, salamat turmıs tárizin qáliplestiriw ushın durıs awqatlanıw hám sport penen turaqlı shuǵıllanıw dene shınıqtırıw ilimpazlar tárepinen usınıs etilgen. Sonlıqtan sport olimpiadaları, jáhán birinshilikleri turaqlı ótkerip kelinbekte. Ózbekstan Respublikasında da sportqa bolǵan itibar joqarı dárejede. Bunıń dálili sıpatında Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2020-jıl 30-oktyabr kúngi "Salamat turmıs tárizin keń en jaydırıw hám ǵalabalıq sporttı elede rawajlandırıw is-ilajları haqqında"ǵı 6099-sanlı pármanın kórsetiwge boladı.

Pármanda, hár bir shańaraq, máhálle hám rayonlar(qala)da, mektepke shekemgi, ulıwma orta orta arnawlı, professional hám joqarı oqıw orınlarında hámde basqa shólkemlerde dene tárbiya hám ǵalabalıq sport penen shuǵıllanıwǵa shárt shárayatlar jaratıw;

- Salamat turmıs tárizin keń en jaydırıw hám ǵalabalıq sporttı elede rawajlandırıw maqsetinde miynet jámaátlerinde iskerlik etip atırǵan qánigelerge «Sport en jaydırıwshısı» qosımsha wazıypasın júklew hám onıń bazalıq lawazım is haqqına 20 % muǵdarda ústeme belgilewdi jolǵa qoyıw;

- Jumıs waqtınan keyin tańlaǵan kúnlerde (háptede keminde bir márte) basshı hám barlıq qánigelerdiń dene tárbiya hám sport shınıǵıwları (júgiriw, stritbol, futbol, badminton, voleybol, basketbol, stol tenis, júziw hám basqalar) menen shuǵıllanıw, hár shembi saat 14:00 den keyin qánigeler hám olardıń shańaraq aǵzaları arasında júgiriw, stritbol, futbol, badminton, voleybol, basketbol, stol tenis, júziw hám basqa sport túrleri boyınsha jarıslar shólkemlestiriw kórsetilgen [1].

Bunnan basqa házirgi kúnde sport mektepleri joqarı oqıw orınlarında dene mádeniyatı fakultetleri, Ózbekstan mámleketlik dene tárbiya hám sport universiteti hám onıń filialları usı tarawǵa qánigeler tayarlaw maqsetinde shólkemlestirilgen.

Sport penen turaqlı shuǵıllanıw hám dene shınıqtırıw ushın dáslep adam óziniń dúzilisin morfologiyalıq hám anatomiyalıq jaqtan tereń meńgerip alıwı, organizmdegi organlar fiziologiyasın biliwi kerek. Sonlıqtan Dene tárbiya hám sport universitetlerinde adam anatomiyası hám fiziologiyası pánin oqıtıw jolǵa qoyılǵan.

Adam anatomiyası – adam organiziminiń rawajlanıwı, forma hám dúzilisin úyrenedi. Sistemikalıq anatomiya adam organizimin dúzilmelerge bólip (súyek, muskul, awqat sińiriw hám basqalar) úyreneni ushın turaqlı anatomiya dep ataladı.

Fiziologiya – tiri organizmniń funkciyaların, onda júz beretuǵın proceslerdi úyrenedi. Fiziologiya kletka, toqıma, organ, organlar sisteması iskerligin organizmge tán bolǵan barlıq quramalı hám áhmiyetli proceslerdiń tiykarǵı mexanizmlerin, olardıń funktsional baylanıslılıǵın, ishki hám sırtqı ortalıq jaǵdayına baylanısqan halda keń mánide úyrenedi [2].

Fiziologiya ulıwma hám jeke bólimlerge bólinedi. Ulıwma fiziologiya barlıq tiri organizmlerge tiyisli tiykarǵı ómir processlerin, janlı materianı sırtqı ortalıq tásirine reaksiyalarınıń ulıwma nızamlılıqların úyrenedi.

Adam fiziologiyası kursınıń arnawlı bólimi fizikalıq shınıǵıwlar fiziologiyası – fizikalıq jumıs hám sport iskerligi tásirinde organizm funkciyalarınıń ózgerisi hám olardıń basqarıw mexanizmleri nátiyjeliliginiń asırıw is-ilajların belgilewshi pán esaplanadı.

Adam anatomiyası hám fiziologiyası pánin oqıtıwdan tiykarǵı maqset – studentlerge adam organiziminiń dúzilisi hám funkciyaları, organlardı ontogenezdawamında studentler organlar sisteması olardıń dúzilisi, fiziologiyası hám kesellikleri haqqında bilimge iye boladı.

Pániniń wazıypası studentlerge adam organiziminiń dúzilisi hám nızamlılıqların, sırtqı ortalıqtıń adam organizimine tásirini eksperimental pán sapasında úyreniwden ibarat.

Fizikalıq shınıǵıwlar fiziologiyası – ámeliy oqıw páni hám ilimiy-ámeliy pán. Bul pán barlıq joqarı hám orta dene mádeniyatı bilimlendiriw orınlarında, pedagogika institutlarında dene tárbiya fakultetlerinde, hám ayırım universitetler, dene tárbiya hám sport universitetlerinde hám medicina institutlarında úyreniledi. Bul pándi oqıtıwda ilimiy-izertlew institutları, laboratoriyalar hám kafedralarda ótkerilgen ilimiy-izertlew jumıslarınan alıńǵan materiallardan paydalanıladı.

Fizikalıq júklemelerdiń adamǵa tásirini bir pütün organizmniń juwap reaksiyasına qaray bahalanadı. Buniń ushın oraylıq nerv sisteması, gormonal sistema, júrek-qan tamır, dem alıw sisteması, analizatorlar, zat almasıw hám basqa funktsional sistemalar tárepinen kórsetilgen juwap reaksiyaları esapqa alınadı. Sonı ayırıqsha aytıw kerek, fizikalıq júklemeler tásirinde organizm funkciyalarınıń ózgeriw dárejesi adamniń individual qásiyetlerine hám shınıǵıw dárejesine baylanıslı esaplanadı. Fiziologiyalıq kóz qarastan, dene shınıqtırıwda fizikalıq júklemelerdiń tákrarlanıwı hám artıp barıwı, organizmniń organ hám funktsional sistemaları imkanıyatların quramalastırıp baradı. Sonlıqtan, fizikalıq shınıǵıw adaptaciyalanıw mexanizmlerin jedellestirip, fiziologiyalıq zapaslardı iske qosıw esabınan, adam organiziminiń kúshli fizikalıq júklemeler tásirine biyimlesiwiniń ańsatlastıradı hám tezlestiredi [3].

Adam anatomiyası hám fiziologiyası studentlerge túrlli shárayatda balalar hám jas óspirimler organizimin salamatlastırıw, Ózbekstan keleshegi bolǵan salamat áwlattı tárbiyalaw jolında óz bilimlerin asırıw imkanıyatın beredi hám bul alǵan bilimlerin jetik

qánige sıpatında tálim – tárbiya processin salamatlastırıw jolların islep shıǵıwǵa baǵdarlaydı.

Studentlerdiń Adam anatomiyası hám fiziologiyası páníin ózlestiriwi ushın oqıtıwdıń jańa hám zamanagoy metodlarınan paydalanıw, jańa informaciyalıq pedagogikalıq texnologiyalardı engiziw úlken áhmiyetke iye. Pándi ózlestiriwde sabaqlıq, oqıw hám metodikalıq qollanbalar, lekciya tekstleri, tarqatpa materiallar, elektron materiallar, virtual stendler hám maketlerinen paydalanıladı. Lekciya, ámeliy hám ámeliy sabaqlarǵa sáykes pedagogikalıq texnologiyalardan paydalanıladı.

Juwmaqlap aytqanda, adam anatomiyası hám fiziologiyası pánin oqıtıw salamat turmıs tárizin keń en jaydırıwda tiykarǵı orındı iyeleydi. Sebebi insan óziniń dene dúzilisin hám onıń atqaratuǵın funkciyaların bilmey turıp, óz denesin shınıqtıra almawı sózsiz. Demek adam oraniziminde bolıwshı barlıq processlerdi (fiziologiyalıq jaqtan) dene tárbiya hám sport universitetlerinde student jaslarǵa ilmiy-izertlew jumıslarına baylanıslı tereń úyretiw, usı taraw boyınsha pedagoglar tayarlawǵa pedagogikalıq tiykar boladı.

Ádebiyatlar:

1. www.lex.uz.
2. A.Ǵ. Ahmedov, G.X. Ziyamutdinova. “Anatomiya, fiziologiya va patologiya”. T., 2016.
3. Sh.S.Xushmuratov, E.X.Xalilov, A.E.Zaynabiddinov. “Jismoniy mashqlar fiziologiyasi”. Andijon-2019.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ СОВМАТИК САЛОМАТЛИГИ ТАЪЛИМИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СТАТУСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Х.Болтабоев, доцент

Наманган давлат университети

Жамиятимиздаги туб янгиланишларнинг мотивларидан келиб чиқиб ўрта, катта мактаб (14-16 ёш) ёшидаги ўқувчилар билан ўтказилган социологик сўровларимиз натижаларининг хулосалари жисмоний машқлар билан шуғулланиш орқали саломатликни асраш, авайлаш, керак бўлса мустаҳкамлаш учун шароит ва муҳитни шаклландирилган мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ҳалқимиз турмуш тарзига оммавий соғломлаштириш спортини сингдириш бўйича олиб бораётган сиёсатининг натижасидир.

Айниқса, ўрта ва катта мактаб ёшидагилар жисмоний машқлар билан организмнинг аъзоларини функционал имкониятларинигина ривожлантирмай, унинг ташқи кўриниши, қадди-қомати, танасининг симметрияси, вазни ва бошқа жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари, яъни “совматик саломатлиги” кўрсаткичларини яхшилаш, назоратга олиш ва лозим бўлса уларни ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш ёшларимизни жисмоний камолоти учун хизмат қилади.

Жамиятимиз аъзоси, шахснинг камолоти муаммоси давлатимиз сиёсатида устивор, лекин унинг жисмоний камолоти масаласини ҳал қилиш фақат соҳа мутасаддиларининг вазифасига айланиб қолмоқда. Аслида инсон жисми камолоти жамият аъзосининг, давлат

аҳамиятига молик муҳим масала. “Ҳозирги замон иш билармонлари бошқарув жараёнининг бўш вақант жойига номзодлар танлашда овозлар тенг келиб қолса, совматик саломатлиги кўрсаткичлари: виқорли салобатли-ташқи кўриниш соҳибларига, хушбичим қадди-қомати келишган ҳамкасбларига афзаллик бериш урфга айланган. Бундайлар ҳар нарсага доимо шай, ишчанлиги юқори, жисмоний машқлар билан тизимли шуғулланадилар, айтарли касал бўлмайдиганлар ҳисобланиб, иш жойига яхши фойда келтирадиган бўладилар” - деб ёзади профессор А.А.Бишаев (2013).

Анкета саволлари орқали экспериментал синфларимизнинг ўқувчиларига “қайси касб соҳибини қадди-қоматини ёқтирасиз?”, “қайси касб соҳибининг иш кийими (“уни” формаси) чиройли, ўзига ярашади?”, “кийим бошини ярашишига сабаби нима деб ўйлайсиз?”, “қариндош уруғларингиз ичида муддатидан аввал қаришни бошлаганлар борми?”, “жисмоний қариш билан биологик қариш қандай фарқланади?”, “фаол ҳаракатланиш организмга нима беради?”, “типодинамия”, “типокенизия” деганда нимани тушунасиз? ва бошқа қатор 50 дан ортиқ “совматик саломатлик” кўрсаткичларига оид саволлар билан мурожат қилдик.

Сўровда иштирок этган ўрта ва катта мактаб ёшидагилар (360 дан ортиқ) респондентларимизнинг 81,3% ўзларининг ташқи кўринишларига бефарқ эмасликларини (улардан-33% ўсмирлар, 61,2% қизлар) такидлаб муносабат билдирдилар.

“Сиз ёқтирган устивор касбларни белгиланг” деб қўйган анкетадаги саволимизга 50% дан ортиқ респондентлар” коммерсия, банк, санъат, ҳарбийлар, учувчилар, стюардессалик ва бошқа касбларини ёқтиришларини такидладилар. Қайд қилинган касб эгаларини ташқи кўриниши, кийим бошлари ўзига ярашишган, ҳавас қилишга арзигулик даражада эканлигини сабаб қилдилар.

“Уларнинг кийим-бошни ярашишини сабаби нимада деб ўйлайсиз?” -деб қўйган саволимизга 53,4 % ўсмир ўғил болалар ва қизлар “бу касб соҳиблари жисмининг маданиятига бефарқ эмаслар”- деб жавоб бердилар. “Эътибор берганмисиз, Сиз ҳавас қилган касб эгалари турмуш тарзида жисмоний машқларнинг қайси тури билан шуғулланади?”- деб қўйган саволимизга 33% дан ортиқ респондентларимиз улар юриш, югуриш, гимнастика, турли спорт ўйинлари билан, 11,3 % сўровда иштирок этганлар улар фитнес клублардаги машғулотларга қатнашса керак, шунга кўра чиройли қадди қоматнинг соҳибига айланган деб жавоб бердилар. Респондентларимиз билан суҳбатлар давомида бундай фикрларга келишларига сабабни суриштирсак улар: матбуот, телевидения, интернет маълумотларига асосланиб келганликларини билдирдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги кун умумий таълим мактаби ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи жисми маданиятининг асосий кўрсаткичларидан бири-совматик саломатликга оид бошланғич назарий билим ва амалий малакалар жисмоний тарбия фан дастурига киритилмаган бўлсада, уларни бу билимларга оид бошланғич маълумотлари шакллана бошланган деган хулосага олиб келди. Лекин, экспериментал гуруҳларидаги респондентларимиз экспериментгача “Танамнинг ташқи кўринишини яхшилаш учун назарий билимларим етарли”- деб такидлаганлари фақат 7 % ни ташкил этган эди холос.

Суҳбатларимиз ва анкета саволларига биз ўрганаётган мактаб ёшидагиларнинг 27,2% бўйининг норасолиги(узун ёки калталиги)дан; 2,1% елкасининг буртиб туришидан;11,3% кўкрак қафасини тенг қурлариникидан кичиклигидан; 7,1% оёқларини кийиқлигидан; 3,2 % сон ва икрасимон мушакларини меъёрли ривожланмаганлигидан; 32% вазнини етарли эмаслигидан; 21% вазнини ортиқлиги ва бошқа совматик

саломатлиги кўрсаткичларидаги камчиликларини коррекциялашда жисмоний машқлар билан мақсадли шуғулланишнинг назарий билимларига, бошқачасига айтганда соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти таълими ва тарбиясига муҳтожликларини билдирдилар.

Сўровда иштирок этганларнинг 71,4 % ўзининг “жисмоний статуси”ни, 83,1% “совматик саломатлиги”нинг мазмунига нималар киришини, уларнинг ўқувчи соғлом турмуш тарзига алоқадорлиги ҳақида маълумотларга эга эмасликларини билдирдилар.

Асосий сабаби қайд қилинган соғлом турмуш тарзи жисмоний маданиятининг етакчи атамаларини амалда фойдаланилаётганлигига ярим асрга яқин вақт ўтган бўлишига қарамай, илмий, назарий, махсус, оммабоп адабиётлар сифатини талаб даражасида эмаслиги, мавжудларининг ҳам тақчиллиги, мазмуни асосан ҳаракат техникасига оид ўқув материалига урғу берилаётганлиги, айниқса, жисмоний маданият, спорт назарияси атамаларини ишлатиш, фойдаланишдаги турли туманлик (мамлакатимиз ҳалқининг шеваларидан келиб чиқилиши) уларнинг сифатига салбий таъсир қилаётганлигини такидлашимиз лозим.

Тажриба гуруҳининг 91 % дан ортиқ ўқувчилари ҳозирги кун жисмоний тарбия мактаб дастури ўқув материални ўзлаштириш жараёнида бошқа умумий таълим фанларига ўхшаб ўқувчи ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиниб назарий билимлар бериш назарда тутмаётганлигини эътироф этдилар. 47 % дан ортиқ сўровда иштирок этганлар мактаблардаги ўқув синфлари сонини кўплиги мактабдаги ягона спорт залида бир вақтни ўзида камида 2-3 та синф шуғулланаётганлини, дарсдан сўнгги машғулотлар учун ўқиш 2 сменада олиб борилаётганлиги сабабли соғломлаштириш машғулотларига имкониятни йўқлигини такидладилар.

Айниқса, жисмоний тарбия дарсида фақат жисмоний машқларни бажариш техникасини ўрганиш билан бандмиз (83,2%). Ўрганаётган қатор машқларимиздан, ҳаракатлардан кундалик турмушда қандай фойдаланиш мумкинлигига оид билимлар мотиви кучли эмаслиги, ёхуд “жисмоний маданият таълим, тарбияси ва жисмимиз маданиятини мамлакатимизда ўтказилаётган қиталараро спорт тадбирларининг очилиш ва ёпилиш маросимларидан дабдабали бўлсада, дабдабалар номигагина ташкиллана - ётгандек” деб фикр билдирганлар (61%) дан ҳам кўпчиликини ташкил этди.

Сабаби мактаб жисмоний тарбия фани дастурида биз сўраган билимларни “жисмоний машқни куннинг қайси вақтида бажариш фойда беради” деб сўраганлар 31,3% ни, ҳар бир машқни неча мартаба такрорлаш лозим деб сўраганлар 71% ни ташкил этди. Машғулотлар учун ўзининг индивидуал жисмоний юкламасини танлашни билмасдикларини 53% респондентларимиз, “унга сарфланадиган қувват ҳажми”ни қанча бўлиши кераклиги ҳақидаги ва бошқа қатор назарий билимларни қайси синфлардаги қайси фанда ўқишимиз керак деган бошқа қатор машқларни организмга таъсирига оид, умрининг мактабдан кийинги даврида керак бўладиган саволларга жавобларни жисмоний тарбия фани дастурга киритилмаганлиги 41% дан ортиқ сўровда иштирок этганлар эътироф этдилар.

Муаммога оид махсус адабиётлар тахлили орқали, академиклар К.Купер (1989), М.Я.Виленский, А.И. Зайцев (2001), Н.М.Амосов (1991), Д.А.Фарбер (1990), М.С.Абрамов (1990), ва профессорлар Ф.Насриддинов (1998), Ш.Ханкеев, А.Абдуллаев (2005) ва бошқаларнинг соғломлаштиришга оид тадқиқотларининг якуний натижалари орқали хушбичим, келишган, қадди-қомат унинг ривожланганлигининг

симметрияси, стандартларига оид назарий билимларга эга бўлиш мактаб ёшидалик давридан бошланиши зарурлигини асослашган.

Ўқувчини соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти, жисмини гармониясига оид билимларнинг зараурияти ҳам шунда.

Шунинг учун ҳам совматик саломатлик ва ўқувчи организмнинг стандартларини кўрсаткичлари, уларни ривожлантириш, тарбиялаш, ўзининг жисмоний ривожланганлик даражасини умрининг белгиланган ёши давомида ўзгаришини назорат қилиш билимларини ўқувчиларга жисмоний машқлар билан шуғулланиш машғулотларини қандай шаклидан қатъий назар ўқитилиши муҳим.

Мактабда юқори синфда уч йил соғломлаштириш спортнинг аниқ тури билан шуғулланиш кейинчалик ўқувчи умрининг мактабдан сўнги даврида ўқувчилигида шуғулланган спорт тури билан мустақил ҳаёти давомида шуғулланиш учун одатни шакллантириган бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Фармони. 30.10.2020 й.

2. Ханкельдиев Ш.Х, Абдуллаев А. Ва бошқалар. Соғлом турмуш тарзи жисмоний маданияти. Ўқув кўл. “Фарғона”, 2010.-228 б.

3. Бишаева А.А.Профессионального-оздоровительная физическая культура студента :учебное пособие/А.А.Бишаева.-М.:КНОРУС,2013.-304 с.- (Бакалавриат).

4. Шилова Р.С.Трансформация самосохранительного поведения // Социологич. исследования -1999-№5 с-14 .

5. Фахриддинов Ф.”Камолот ва маънавият сабоқлари”. Тошкент, - 1998. 221 б.

6. Искандаров Т.И .,Исхаков В.И.”Здоровый образ жизни:восточный традиции и современность”.-Т.:Медицина, 1989.-120 с.

БИР ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАДА ҲАРАКАТ МАЛАКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИ

Р.Реймбаева, б.ф.н., С.Кенесбаев, Г.Жаксимова

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

Бола нормал ўсиш ва ривожланиш, ой сари кучга тўлиши, чидамли ва бақувват булиши учун ота-оналар ушбу кулланмада тавсия қилинган бадан тарбия машқлари мажмуаси ва массаж усуллари бажарниш билан чекланиб қолмасдан, балки бола ҳаётининг биринчи йили давомида унинг ҳар томонлама эркин, уйғун ривожланишини кузатиб бориши керак. Болалар ҳаммаси ҳам бир вақтнинг узида у ёки бу малакаларини эгаллаб ололмаслиги мумкин. Болалар билан доимий ва мунтазам шуғулланиш ҳаракат малакалари ва куникмаларини анча эртарок эгаллаб олишларига ва организмни иммунитетини оширишга имкон беради.

Демак, ота-оналар у ёки бу хилдаги ҳаракатларнинг болада қачон пайдо булишини билиб куйганлари лозим.

Бола скелетининг куп қисми тоғай тўқимадан иборат бўлиб, майин ва эгилувчан булади. 1 ёшгача болаларни оягида тик туриш мумкун эмас чунки хамма оғирлик бел умирткага купрок тушади. Бу ёшдаги болалар серхаракат булиб, бу эса скелетнинг зуриқишига олиб келади. Бола ривожланар экан, ўз тенгқурларидан бирмунча орқада қолиши ёки, аксинча, узиб кетиши мумкин. Арзимас бўлган бундай узғаришдан ота-оналар хавотирланмасалар ҳам булади. Бундай болалар билан дастлаб патронаж хамшира ёки педиатр назоратида, сунгра мустакил равишда хар куни бадан тарбия машқлари ўтказиб туриш зарур. 9 ойликдан бир ёшгача булган болаларнинг мустакил фаолияти ота-оналарнинг бу ишни қанчалик ташкил қилишларига боғлиқ булишини хам унутмаслик керак.

Хар-хил бадантарбия машқлари учун воситаси булиши керак, улар боланинг хонада харакат қилишини осонлаштириши ва унда турлича янги таъсуротларни пайдо қилиши мумкин. Булар учун баланд булмаган столчалар, суюнчиқли баланд аравачалар, стуллар бўлиши мумкин. Бола хонасининг турли томонига ранги очик уйинчоқларни қуйиб ққуйиш ҳам маълум, чунки улар бола диққатини узоқдан жалб қилади.

Бола уйинчоқлар билан машғул булар экан, ўзининг ривожланиши учун харакатлар бажаради. Бола ёшига етгач, уйинлар уйнаганда баъзан харакатларнинг маълум натижаларига эришади.

Бола бир ёшлигида пиалада чой ича олиши, уни мустакил ушлаб олиши, нонни четини ейиши, ювинтирганда, ечинтирганда, кийинтирганда фаол харакат қилиши (қўлини узатиш, бошини буриши) керак. У узи мустакил юради, баландлиги 15-20 см келадиган зинапоядан чиқади, уйинчоқ ва коптокларни якинроқ масофага улоқтиради 7-10 тача сузни (ада, опа ва бошқалар) аниқ айта бошлайди.

Бола бир ярим яшарлигида ўзи мустакил шошилмасдан қошиқда овқат ейиш, катталарнинг гапини тушиниши, тувагини сурашни билиши лозим. Бола қўйидаги харакатларнинг уддасидан чиқади: бола юраётганда йуналишини тезлаштиришга ўргатинг, унда бола чайқалиб юради, йулкагача таёкчани босмай, устидан хатлаб утишни, зинапоядан биттама-битта олдинга интилиб чиқишга, йулкага тахта ташлаб устидан тушмасдан юришга, коптокни қулига тутказиб уни ерга уришга, уни тутишга интилишга харакат қилдиринг, коптокни тепишга, коптокни думалатиб юришга ўргатинг ва ҳоказо.

Бола икки ёшлигида хамма овқатни узи мустакил ейиши, дастурхон атрофидаги ўз ўрнини топиб ўтиришга ёрдам беринг, мустакил стулга ўтиришга унданг, стулни суриб қулай қилиб ўтиришини ўргатинг, стулда жойдан кўзғалиш, катталар ёрдамида қўлни артиш, кийиниб, ечинишни, нарсаларини ўз ўрнига тартиб билан қўйишга ўргатинг.

Бола бу ёшида нотекис бўлган жойда бемалол бурилиб юриши, аёкча: кичик арик устидан хатлаб ўтиши лозим, ўта олмаган вақтда болага ёрдам бериш керак, турган нарсаларни айланиб утишни билиши, тухтаб қолган ҳолатда айланиб ўтишга ёрдам бериш, зинапоядан чиқиб тушади, чиқиб тушишга қийналган ҳолатларда ёрдам бериш, болани олдига ўтиб кучоқ очиб тез чопишга ундаш лозим. Катталар ёрдамида узига гимнастик скамейка ёки баландроқ узунчоқ ходалар устидан қўркмай, уйинчоқ копток ушлаб юра олади. Бола сакрашга тахлид қилади, тикка нарвондан чиқа олмаса, катталар қўмагида ва бунда доимо хушёр булиш лозим. Бола

коптокни икки қўллаб ташлашни яхши уддалаши лозим, бажара олмаган тақдирда катталар ёрдамида бирнеча марта бажаришлари, икки ёшлигида эса коптокни ўнг ёки чап қўли билан яқинроқ масофага иргита олишни уддалай олиши керак.

Бола икки ёшлигида ўз истагини осонроқ сўзлар билан ифодалай бошлайди. Бола уч ёшлигида барча ҳаракат турларини ўзлаштиради: бемалол юради, югуради, таёкча устидан мустақил хатлаб ўтади, бир оёқ билан ирғишлаб юра олади, коптокни бамалол улоқтира олади, коптокни илиб олади. Шундай қилиб, 3 ёшдаги болада кўпгина кўникмалар ва бошқа болаларга нисбатан маълум ўзаро алоқалар юзага келади. Улар анча мустақил бўлиб, чиниқиб қолишади.

Ота-оналар барча ҳаракат ва нутқ имкониятлардан фойдаланиб, болаларни кун тартибига ўргатишлари зарур, бу кун тартибида уйинларга, бадантарбия машқларига, бола организмни чиниқтирадиган элементларга кўпроқ ўрин беришлари керак.

3 ёшга қадар бўлган болани астойдил тарбиялаб ва ўргатиб бормоқ керак. Бу ёшдаги болани тарбиясига эътибор бериш жуда зарур. Болани ўз вақтида ва ҳар томонлама ривожланиши учун унинг физиологик эҳтиёжларини (овқатланиш, уйқуси, очиқ ҳавода сайр қилиши, қуёш ва сув муолажалари, жисмоний машқлар, ҳаракатли ўйинлар ва бошқалар) тўғри ташкил қилиши лозим. Бунинг учун жисмоний машқлар, ўйин ва сайрларини уюштириш, болада қувноқ кайфият яратиш учун унинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш, унинг билим доирасини кенгайтириб ошириб бориш лозим. Шу таризда болада кўникма ва малака ҳосил булади.

Адабиётлар:

1. Қ.Содиқов. Кичик мактаб ёшидаги болалар анатомияси, физиологияси ва гигиенаси. -Т.: Билим, 2004 й.
2. Б.А. Содиқов, Л.С. Кўчкарлова, Ш.Қурбонов. Болалар ва ўсмирлар физиологияси ва гигиенаси. - Т.: Узб. Мил. Энциклопедияси. Давлат таълим нашриёти. 2005.
3. С.И. Галперин. Анатомия, физиология человека. М., «Высшая школа», 1986.
4. А. С. Хрипкова, М. Антропова. Возрастная физиология и школьная гигиена. М., «Просвещение», 1990.

ОРГАНИЗМНИНГ АДАПТАЦИОН ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШНИ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

С.С Машарипова

Нукус давлат педагогика институти

Организмнинг адаптацион имкониятлари, унинг фундаментал хусусиятларини бири сифатида ифодаланади. Аввалам бор, адаптацион имкониятлар – организм ва муҳит ўртасидаги мувозанатни қўллаб туришга сарфланадиган функционал захиралар ҳазинаси эканлигини белгилаб олиш керак.

Функционал захиралар ҳазинаси–бу, сарфланиши доимий равишдаги тўлдирилиши билан бирга ўтадиган информацион, энергетик ва метаболик

ресурслардир. Функционал заҳираларнинг сарфланиши организмнинг асосий тизимларини функция қилишининг зарурий даражасини қўллаб туриш мақсадида содир бўлади. Организмнинг асосий тизимлари, ўз навбатида, унинг ички муҳитини доимийлигини сақлашда, гомеостазни таъминлашда етакчи вазифани бажаради. Организм, адекват бўлмаган шароитларда алоҳида тизимларининг функция қилиши даражасини ўзгартириши йўли билан адаптация қилишга мажбур бўлиб, бу функционал заҳираларни сарфлашни талаб қилади.

Бошқарув механизмларининг фаолияти туфайли ички муҳитни ташқи шароитларга мос равишдаги қайта қурилиши содир бўлади. Бунда, гомеостатик эгри чизикларнинг чизикли бўлмаган характери туфайли, ташқи шароитларнинг чегараланган соҳаларигина мавжуд бўлиб, унда гомеостазнинг сақланиши имконияти пайдо бўлади. Организмни ташқи муҳитнинг ноадекват омиллари таъсирга адаптацияси функционал заҳираларни сафарбар қилиш ва сарфлаш йўли билан содир бўлади. Ушбу заҳираларни сафарбар қилиш жараёни адаптация назариясини умумий қабул қилинган тасаввурларида тезкор ва узоқ муддатли босқичларни ажратиш билан баён қилиниши мумкин. Тезкор адаптация пайтида, мавжуд бўлган адаптацион механизмлар сафарбар қилинади ва уларнинг қувватига боғлиқ ҳолда маълум бир заҳиралар қўлланилади. Организмнинг тренировка қилганлиги ва тайёргарлиги даражасига боғлиқ ҳолда, ушбу босқичларнинг қуввати у ёки бу омилларнинг таъсири остида организмни ташқи муҳит билан тенглашиши учун, асосий муҳим тизимларнинг гомеостазини сақлаш учун етарли ёки етарли бўлмаслиги мумкин. Масалан, спортчи, спорт билан шуғулланмайдиган одамга нисбатан жисмоний юкларга анча тезроқ ва тўлароқ адаптация қилади. Бу, спортчида адаптация механизмларининг қуввати юқори эканлиги туфайли содир бўлади. Унинг юрагини уриши пульснинг бир хилдаги частотаси пайтида, қон айланишининг дақиқалик хажмини анча юқори бўлишини таъминлашга қобилиятли, яъни анча юқори энергетик ва метаболик ресурсларга эга бўлади.

Шу билан бирга, спортчи юрагининг бир хилдаги дақиқалик хажми бошқарув тизимининг камроқ кучланиши пайтида, кўпроқ миқдордаги кислородни етказиб бериш ва утилизация қилишни таъминлайди, яъни анча юқори информацион ресурслар билан ҳам тавсифланади. Тезкор адаптациядан узоқ муддатли адаптацияга ўтиш организмнинг функционал заҳираларини ва хусусан, адаптация учун масъул бўлган тизимларнинг анча даражадаги ортишини белгилайди. Функционал заҳираларнинг етарли бўлиши, мазкур омилнинг таъсирга бевосита реакция қилувчи, организмнинг функция қилишини зарурий даражасини таъминлаш асосида ётади. Масалан, жисмоний юклар, гипоксия, ҳарорат омилларининг таъсири остида кардиореспиратор тизимнинг заҳирадаги адаптацион имкониятлари энг муҳим вазифага эга бўлади. Нафас ва қон айланишининг дақиқалик хажми, қон оқимининг тезлиги, артериал босимнинг зарурий даражалари мос равишдаги функционал заҳиранинг мавжудлиги ҳолатидагина таъминланади.

Агарда, зарурий информацион, энергетик ва метаболик ресурслар бўлмаса, унда, организмнинг функционал етишмовчилиги юзага келади, у, патологик ҳолатлар ва касалликларда намоён бўлади.

Функционал заҳиранинг тезкор ва узоқ муддатли босқичларида сафарбар қилинадиган оператив ва стратегик заҳираларини сафарбар қилиниши ва

сарфланишида, функционал захирани баҳолаш нуқтаи назаридан қон айланиши тизимининг реакцияларини ўрганиш энг кўргазмали ва типик мисолларни юзага келтиради.

Биринчидан, қон айланиши тизимининг функция қилиш даражасини (дақиқалик ва зарба хажмлари, пульс частотаси, артериал босимни) ўлчаш барчага яхши маълум ва оддийдир.

Иккинчидан, сезувчи рецептор мосламалар – баро- ва хеморецепторлар томирларнинг энг хилма хил нуқталарида ва юракнинг ўзида қон айланишининг ҳар хил параметрларини назорат қилади ва марказий асаб тизимига доимий равишда содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида ахборот беради. Бу, бошқарувнинг ўта мукамал механизмларини фаолияти натижасида ташқи муҳитнинг узлуксиз ўзгариб турувчи шароитларига юрак ва томирлар мослашишининг эгилувчанлигини таъминлайди. Ўз навбатида, қон айланиши тизимининг бошқарув механизмлари ҳолатини баҳолашнинг содда усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг бири – юрак ритмининг математик таҳлил қилиш ҳисобланади.

Учинчидан, юрак-томир тизимининг функционал захиралари яхши маълум ва уларни ҳам ўлчаш ва баҳолаш мумкин. Уларнинг таркибига бошқарув механизмлари, ўпка вентиляциясининг, қон оқими тезлигининг, кислород истеъмолининг ортиши, юракнинг гиперфункцияси, тўқималарда метаболик жараёнларни оптималлашуви ва бошқалар киради. Қон айланиши тизимининг функционал захираларини ички ва ташқи турларга ажратиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Саломов Р.С. Жисмоний маданият назарияси. – Тошкент, 2014.

СТУДЕНТ-ЖАСЛАРДЫҢ ОРГАНИЗМИНДЕ ФИЗИКАЛЫҚ РАЎАЖЛАНЫЎДЫҢ УЛЫЎМА ҚӘСИЙЕТЛЕРИНИҢ АЙЫРЫМ ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ

А.Сабуров

Қарақалпақ мамлекетлик университети магистранты

Дене тәрбиясын және оның түрли ҳәрекет формалары менен шуғылланыў балалық дәўиринен баслап, тап жасы жүдә үлкейип қалған адамларға да усыныс етиў мүмкин. Бирақ орынланатуғын ҳәрекетлер адам организмдеги орган хәм системалардың жас қәсийетлерине қарама-қарсы болмаўы керек. Адамдың жасына қарай раўажланыў динамикасы оның туўылған күнинен баслап, тап қартаяман дегенге шекем айрықша өзгерислерге ушырайды. Орган хәм системалар искерлигиниң раўажланыўланыўы шама менен 35 жасқа шекем даўам етеди, соннан кейин болса ақырғы ноқатқа көтерилген турмыс иймек сызығы бир қанша ўақыт сол қәлипте сақланып, аз-аздан төменге тәрәп түсе баслайды. Клетка хәм тоқымалардың өзгерис процесси даўамланады, бирақ енди ол терис қарай даўам етеди, яғный клеткалар тиклениў қәбилетин жоғалтып, олардың структурасы бузлады, искерлиги төменлеп баслайды, барлық органлардың функциялары қысқарып қалады. Жасқа

тийисли өзгеріс процесслери бир тегіс өзгермейді, буны спорт пенен шуғылланыўда хәм хәрекет нормаларын белгилеўде есапқа алыў зәрүр [1,2].

Адам өз раўажланыўда алты жас дәўирин басып өтеди:

1) туўылғаннан тап 9 айлық боламан дегенге шекем, балалық дәўир - 9 айлықтан 7 жасқа шекем: өспиримлик дәўир -7 жастан 14 жасқа дейинги дәўирлер киреди;

2) өспиримлик дәўири - 15 тен 20 жасқа шекем;

3) орта жас дәўири - 21 ден 50 жасқа шекем;

4) жетиклик дәўир - 50 ден 60 жасқа шекем;

5) кекселик дәўири – 60-70 жас аралығында;

6) жоқары жас дәўири - 70 жастан жоқары дәўирлери киреди.

Өзгеріслерди билиў физикалық шынығыўларды саналы түрде орынлаўға, оларды толық жетилистириў хәм хәрекетлерди нормаластырыўға жәрдем береді. Өспиримлик дәўиринде нерв процесслери жоқары тезлик пенен раўажаланса, бас мий қабықларының хәрекетшеңлиги жоқары хәм болып, қозғалыў процесслери тормозланыў процессинен жоқары турады. Қозғалыў (хәрекетлениў) хәм тормозланыў процесслериниң өз-ара байланыслылығы жоқары нерв искерлигиниң тийкарын курайды. Жастың өсиўи қозғалыў хәм тормозланыў процесслери күшиниң төменлеўине себеп болады. Сол себепли де жетиклик, кекселик хәм жоқары жас дәўирлеринде физикалық хәм интеллектуал мийнеттен кейин узағырақ дем алыў талап етиледі, физикалық шынығыўларды орынлағанда болса соны нәзерде естен шығармаў керек, яғный көп күш талап ететуғын тезлик менен орынланатуғын шынығыўлардың хәммеси де организмди шаршатып, оған унамсыз тәсир көрсетўи мүмкин. Егер базы бир адамларға шыпакер тексеріўинен кейин бир хәрекетлерди шеклеў талап етилсе, екинши бир адамларға, физикалық таярлығын есапқа алып, физикалық шынығыўларды орынлаў рухсат етиледі. Физикалық шынығыўларды жасларға усыныс етиў ушын индивидуал, жеке тәртипте хәрекетлер избе-излигин дүзиў талап етиледі, себеби нерв системасының раўажланыўы хәм жетилисиўи түрли адамларда түрлише өтеди [3]. Арқа мийдиң раўажланыўы балада еки жастан басланады, мий қабығы асты хәм мий қабығын хәрекетлендириўши түйнеклердин раўажланыўы 8-10 жасларда, қабықлықтағы хәрекет жүйелериниң раўажланыўы 17-18 жасларда нерв жүйелери толық раўажланып болады.

